Хавфсизлик камари ва маҳкамловчи болтларини йилига камида бир марта текширинг. Маҳкамловчи болтлар ёки ременда кесилган, ипи чиққан, ҳаддан ташқари ёки ноодатий ейилган, ранги ўчган ёки ишқаланган аломатларини текширинг. Фақат машинангиз учун тасдиқланган эҳтиёт қисмларига алмаштиринг. John Deere дилерига мурожаат қилинг.

DX,ROPS1-UZ-22AUG13

Тракторни хавфсиз ишлатиш

Сиз бу оддий эҳтиёткорлик чораларига риоя қилган ҳолда бахтсиз ҳодисалар хавфини камайитишингиз мумкин:

- Тракторингиздан фақат қишлоқ хўжалигини юритиш учун мўлжалланган турли хил

алмашадиган ускуналарини итариш, тортиш, шатакка олиш, ҳаракатга келтириш ва кўтариш учун мўлжалланган ишларда фойдаланинг.

- Операторлар ҳайдовчи жойи ва/ёки бошқариш мосламаларидан фойдаланиш ҳамда машинани тўғри ва хавфсиз бошқара олиш учун ҳам ақлий, ҳам жисмоний имкониятларга эга бўлиши шарт.
- Машинани чалғиган, чарчаган ёки касал пайтингизда бошқарманг. Машинани тўғри бошқариш учун оператор диққатини тўлиқ жамлаши ва доим ҳушёр туриши лозим.
- Ушбу трактор дам олиш учун транспорт воситаси сифатида фойдаланиш учун мўлжалланмаган.
- Тракторни ишлатишдан олдин ушбу қўлланмани ўқинг ва қўлланмада ва трактордаги фойдаланиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг.
- Олд юклагичлар каби қурилмаларингиз/қўшимчаларингиз учун оператор қўлланмасида келтирилган ишлатиш ва балласт қўйиш кўрсатмаларига амал қилинг.
- Ўрнатилган ёки осма техникалар ёки тиркамаларнинг оператор қўлланмасида келтирилган кўрсатмаларга амал қилинг. Барча кўрсатмаларга риоя қилинмаса, трактор-машина ёки трактор-тиркамадан фойдаланманг.
- Моторни ишга тушириш ёки ишлатишдан олдин ҳамма машинадан, бириктирилган қурилмалар ва иш жойидан узоқлаштирилганига ишонч ҳосил қилинг.
- Уч нуқтали тиркама ва қабул қилиш тутқичини бошқариш пайтида (агар мавжуд бўлса) эҳтиёт бўлинг.
- Ҳаракатланувчи қисмларга қўл-оёқни ва кийимни яқинлаштирманг.

Ҳайдашдаги огоҳлантиришлар

- Ҳеч қачон ҳаракатланаётган тракторга чиқманг ёки тушманг.
- Автотранспорт воситасини ишлатишдан олдин барча керакли машғулотларни яқунланг.
- Барча болалар ва аҳамиятсиз ходимларни трактор ва барча жиҳозлардан узоқроқ тутинг.
- Агар Жон Дир томонидан тасдиқлаган хавфсизлик камарига эга ўриндиққа ўтирилмаса, ҳеч қачон тракторга минманг.
- Барча тўсиқлар/қалқонлар жойида турсин.
- Умумий фойдаланишдаги йўлларда ишлаганда тегишли визуал ва овозли сигналлардан фойдаланинг.
- Тўхташдан олдин йўлнинг бир томонига ўтинг.
- Бурилиш, индивидуал тормозларни қўллаш ёки нотекис ер ёки тоғ ёнбағирларида хавф туғилганда тезликни камайтиринг.
- Қўшимча жиҳозлар кўтарилган ҳолатда бўлганида барқарорлик бузилади.

- Йўлда юриш учун тормоз педалларини жуфтлаштиринг.
- Силлиқ юзаларда тўхташда тормозни узиб-узиб босинг.
- Ўрнатилган бўлса, қанотлар ва қанот ҳалқаларини мунтазам тозалаб туринг. Умумий йўлларда ҳайдашдан олдин лойни тозаланг.

Иситиладиган ва ҳаво айланадиган оператор ўриндиғи

- Ҳаддан ташқари қизиқ кетган ўриндиқ иситгичи куйдириши ёки ўриндиққа шикаст етказиши мумкин. Куйиш хавфини камайтириш учун ўриндиқ иситгичидан узоқ вақт фойдаланишда эҳтиёт бўлинг, айниқса ҳарорат ўзгариши ёки терининг оғриғи сезилмаса. Кресло исиб кетишига олиб келадиган тўшак, ёстиқ, қоплама ёки шунга ўхшаш нарсаларни нарсаларни ўриндиққа қўйманг.

Юкларни тортиш

- Оғир юкларни тортиш ва тўхтатишда эҳтиёт бўлинг. Тезлик баланд бўлганида ва шатакка олинган юкламанинг вазни туфайли ҳамда қияликларда тўхташ учун керак бўлган масофанинг узунлиги ошади. Шатакка олинган юкламаларнинг тормози бор-йўқлиги, вазни трактор учун ҳаддан ташқари оғир бўлиши ёки ҳаддан ташқари тез ҳаракатланиш бошқарувнинг йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин.
- Агрегат ҳамда унинг юкламаси умумий вазини инобатга олинг.
- Орқага ағдарилишнинг олдини олиш учун шатакка олинган юкларни фақат тасдиқланган муфталарга уланг.

Тракторни тўхтатиб қўйиш ва тушиш

- Ишга туширишдан олдин SCV ларни ўчириш, РТО ни узинг, моторни тўхтатинг, агрегат/тиркамаларни ерга туширинг, агрегат/тиркамани бошқариш мосламаларини нейтрал ҳолатга келтиринг ва тўхтаб туриш механизмини, шу қаторда тўхтаб туриш лўкидони ва тормозини уланг. Шунингдек, агар трактор назоратсиз қолдирилса, калитни чиқариб олинг.
- Мотор ўчирилиб, трансмиссия тезликда қолдирилган бўлса ҳам, трактор юриб кетиши мумкин.
- Ҳеч қачон ишлаб турган РТО ёки ишлаб турган агрегатга яқинлашманг.
- Қурилмаларга сервис кўрсатишдан олдин барча ҳаракатлар тўхташини кутинг.

Кўп учрайдиган ҳодисалар

Хавфли ишлатиш ёки тракторни нотўғри ишлатиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Тракторни ишлатишдаги хатарли ҳолатлардан огоҳ бўлинг.

Тракторларга боғлиқ энг кўп учрайдиган ҳодисалар:

- Ағдарилиб кетиши
- Автомобиллар билан тўқнашув
- Нотўғри ўт олдириш ҳолатлари
- РТО валларига илашиб қолиш
- Трактордан тушиб кетиш
- Шатакка олиш пайтида мажақланиш ёки эзилиш

DX,WW,TRACTOR-UZ-08MAY19

Орқага юришда эҳтиёт бўлинг



PC10857XW—UN—15APR13

Машинани юргизишдан олдин йўлда ҳеч ким йўқлигига амин бўлинг. Ортга ўгирилиб, яхшилаб қаранг. Орқа кўринмаса ёки жой тор бўлса, бир киши огоҳлантириб турсин.

Машина орқасида тўсиқ ёки одам борлигини аниқлашда камерага ишониб қолманг. Кўплаб омиллар тизимни чеклаши мумкин, масалан, техник хизмат тажрибаси, атроф-муҳит шароити ва ишлаш масофаси.

DX,AVOID,BACKOVER,ACCIDENTS-UZ-30AUG10

Ўрмон хўжалигида эксплуатация қилишдаги чекловлар


Жон Дир тракторларидан ўрмон хўжалигида фойдаланиш бу ташиш, тўнка чиқариш, итариш ёки РТО, гидравлика ёки электр тизимлар мавжуд агрегатларни ишлатиш каби тракторларга тегишли амалиётлар билан чекланади.

Булар нормал ишлашда тушиб кетиш ёки кириб кетиш хавфи мавжуд бўлмаган амалиётлардир. Булардан ташқари ҳар қандай ўрмон хўжалигига, масалан, йўналтириш ва юклаш ишлари, амалиётга тегишли компонентларни, жумладан қулаб тушадиган объектни ҳимоя қилиш тузилмаси (FOPS) ва/ёки Операцион ҳимоя тузилмаларини (OPS)

бириктиришни талаб қилади. Махсус деталлар учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

DX,WW,FORESTRY-UZ-12OCT11

Юкловчи тракторни хавфсиз ишлатиш



TS1692—UN—09NOV09

Юклаш воситасига эга машинадан фойдаланганда, трактор ва юк кўтарувчисининг барқарорлигини таъминлаш учун керак бўлганда тезликни камайтиринг.

Тракторнинг ағдарилиши ва олдинги шиналар ва тракторнинг шикастланишига йўл қўймаслик учун юк кўтарувчи билан соатига 10 км (6 мил) дан ортиқ тезликда юк олиб юрманг.

Трактор шикастланмаслиги учун, агар трактор 3 метрли олдинги ўқ билан жиҳозланган бўлса, олдинги юклагич ёки пуркагич бакини ишлатманг.

Ҳеч кимга кўтарилган юк кўтаргич остида юриш ёки ишлашга рухсат берманг.

Юклагични иш платформаси сифатида ишлатманг.

Юклагичда, ковшда ёки агрегат ёки қурилмада ҳеч кимни кўтарманг ва олиб юрманг.


Оператор жойини тарк этишдан олдин юклагични ерга тушинг.

Ағдарилишдан ҳимоя тузилмаси (ROPS) ёки кабина томи, агар жиҳозланган бўлса, оператор жойига тушадиган юклардан етарли даражада ҳимоя қила олмайди. Оператор жойига юк тушишининг олдини олиш учун ҳар доим махсус мосламалар учун мос агрегатлардан фойдаланинг (яъни паншахалар, думалоқ той паншахалари, той боғловчилар ва қисқичлар).

ТРАКТОРНИ ТАЙЁРЛАШ бўлимидаги балластга оид тавсияларга биноан тракторга балласт қўйинг.

DX,WW,LOADER-UZ-18SEP12

Машинага йўловчи миндирманг



TS290—UN—23AUG88

Машинада фақат оператор ўтирсин. Йўловчиларни миндирманг.

Машинадаги йўловчиларга ёт жисм тегиб кетиши ва машинадан тушиб кетиши оқибатида жароҳат олиши мумкин. Йўловчилар операторга ҳам халақит беради, натижада машина хавфли бошқарилиши мумкин.

DX,RIDER-UZ-03MAR93

Ўргатиш ўриндиғи




TS1730—UN—24MAY13

Ўргатиш ўриндиғи бор бўлса, у фақат операторларга ўргатиш ва машина муаммоларини диагностика қилиш учун мўлжалланган.

DX,SEAT,NA-UZ-22AUG13

Хавфсизлик чироқлари ва мосламаларини ишлатиш




TS951—UN—12APR90

Катта йўлдаги бошқа ҳайдовчилар, тиркамали ёки шатакка олинган мосламали секин юрۇвчи тракторлар ва ўзиюлар машиналарга урилиб кетманг. Орқада автомобил бор-йўқлигини текширинг (айниқса бурилишларда) ва бурилиш чироқларини ёқинг.

Прожектор, аварийка ва бурилиш чироқларини кундузи ҳам, кечкурун ҳам ишлатинг. Техникани ёритиш ва белги қўйиш борасидаги маҳаллий қоидаларга риоя қилинг. Чироқлар ва белгилар кўринарли, тоза ва яхши ишлаётган ҳолда бўлсин. Шикастланган ёки йўқолган чироқлар ва белгиларни алмаштиринг ёки таъмирланг. Қўшимча хавфсизлик чироқлари тўпламини Жон Дир дилеридан олинг.

DX,FLASH-UZ-07JUL99

Шатакка олинган қурилмани хавфсиз тезликда ташинг



TS1686—UN—27SEP06

Йўлдаги максимал тезлигидан оширманг. Ушбу тортиш мосламаси юк кўтариш мосламалари учун рухсат этилган транспорт тезлигидан юқори бўлган транспорт тезлигида ишлашга қодир.

Шатакка олинган агрегатни олиб кетишдан олдин, агрегатдаги белгилардан ёки агрегатнинг оператор қўлланмасида кўрсатилган маълумотлардан максимал ташиш тезлигини аниқланг. Ҳеч қачон агрегатнинг максимал ташиш тезлигидан ортиқ тезликда ташиманг. Агрегатнинг максимал ташиш тезлигидан ошиб кетиш қуйидагиларга олиб келиши мумкин:

- Шатак мосламаси/агрегат бошқарувини йўқотиш
- Тормоз босганда тўхташ имконияти пасайиши ёки бўлмаслиги
- Агрегат шинасининг ёрилиши
- Агрегат тузилмаси ёки деталларига шикаст етиши

Агар максимал юкланган оғирлиги 1500 кг (3307 фунт) дан кўп ва тортиш мосламасининг оғирлигидан 1,5 барабар кўп бўлса, агрегатлар тормоз билан жиҳозланган бўлиши керак.

Мисол: Агрегат оғирлиги 1600 кг (3527 фунт) ва тортиш мосламасининг оғирлиги 1600 кг (3527 фунт) ни ташкил этади, агрегатга тормоз керак эмас.

Тормозсиз агрегатлар: 32 км/соат (20 мил/соат) тезликдан ортиқ тезликларда ташиманг.

Тормозли агрегатлар:


- Агар ишлаб чиқарувчи максимал ташиш тезлигини кўрсатмаса, 40 км/соат (25 мил/соат) дан юқори тезликда ҳаракатланманг.

- 40 км/соат (25 мил/соат) тезликда ташишда тўлиқ юкланган агрегат тортиш мосламасининг оғирлигидан 4,5 барабар кам бўлиши керак.
- 40-50 км/соат (25-31 мил/соат) тезликда ташишда тўлиқ юкланган агрегат тортиш мосламасининг оғирлигидан 3,0 барабар кам бўлиши керак.

Трейлерни тортишда тормозланиш хусусиятлари билан танишиб чиқинг ва трактор/тиркама бирикмасининг секинлашув даражасига мувофиқлигини таъминланг.

DX,TOW1-UZ-28FEB17

Нишаблик, нотекис ва ғадир-будир ерда эҳтиёт бўлинг



RXA0103437—UN—01JUL09

Тракторни ағдариб юбориши мумкин бўлган чуқурча, ариқ ва тўсиқларга яқинлашманг, айниқса нишаблик жойларда. Кўтарилишдаги кескин бурилишлардан эҳтиёт бўлинг.

Зовурдан, ҳайдалган шароитдан ёки тик қияликдан олдинга силжиш тракторнинг орқага ағдарилиб кетишига олиб келиши мумкин. Иложи борица бундай ҳолатлардан қочинг.

Тор йўлакда юқори тезликда ағдарилиш хавфи ортади.

Тракторни ағдариб юбориши мумкин бўлган ҳолатларнинг ҳаммаси келтирилмаган. Барқарорлик бузилиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятда огоҳ бўлинг.

Нишаблар бошқарувни йўқотиш ва автоҳалокатлар билан боғлиқ бўлиб, жиддий жароҳат ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Ҳар қандай нишабликда юрганда эҳтиёт бўлиш лозим.

Нотекис ёки ғадир-будир ер бошқарувни йўқотиш ва автоҳалокатлар билан боғлиқ бўлиб, жиддий жароҳат ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Нотекис ёки ғадир-будир ерда эҳтиёт бўлиш лозим.

Машинани ҳеч қачон ариқ ёқаси, жарлик, зовур, тик тушган тепалик ёки дарй ёнида ҳайдаманг. Агар ғилдирак четидан ўтиб кетса ёки чуқурликка кирса, машина тўсатдан ағдарилиши мумкин.


Нишабда тўхташ ёки қўтарилиш шарт бўлмаслиги учун паст тезликда юринг.

Нишабликда юришни бошлаш, тўхташ ёки бурилишдан эҳтиёт бўлинг. Агар шиналар тортишни йўқотса, РТОни бўшатиш ва аста-секин, тўғри йўналишда пастга тушинг.

Қияликларда барча ҳаракатларни секин ва раван бажаринг. Тезликни ёки йўналишни кескин ўзгартирманг, бу машинанинг ағдарилишига олиб келиши мумкин.

DX,WW,SLOPE-UZ-28FEB17

Ботиб қолган машинани чиқариш



TS1645—UN—15SEP95



TS263—UN—23AUG88

Ботиб қолган машинани чиқаришга ҳаракат қилишнинг хатарли томонлари бор, масалан, тортаётган трактор ағдарилиб кетиши, занжир ёки штанга синиши (трос тавсия этилмайди) ва отилиб кетиши мумкин.

Трактор лойда ботиб қолса, орқага юринг. Шатакка олинган агрегатларни ажратинг. Орқа ғилдираклар орқасидан лойни ковланг. Қаттиқ таянччи таъминлаш учун ғилдираклар орқасига тахта қўйинг ва аста-секин чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Зарур бўлса, барча ғилдиракларнинг олд қисмидан лой қазинг ва секин олдинга ҳайданг.


Агар бошқа жиҳоз билан тортиб олиш керак бўлса, штанга ёки узун занжирдан фойдаланинг (кабел тавсия этилмайди). Занжирда камчилик йўқлигини текширинг. Шатак мосламаларининг барча қисмлари

керакли катталиқда ва юкни эплай оладиган даражада бақувватлигига амин бўлинг.

Доим мосламанинг уланадиган жойига илинг. Олд панелдаги бириктириш жойига уламанг. Юрғизишдан олдин одамларни узоқлаштиринг. Таранглатиш учун секин тортинг: кескин тортилса, ҳар қандай мослама отилиб кетиш хавфи мавжуд.

DX,MIREU-UZ-07JUL99

Агрохимикатларга тегинманг



TS220—UN—15APR13



TS272—UN—23AUG88


Бу ёпиқ кабина буғ, аэрозол ёки чангни ичга тортишдан ҳимоя қилмайди. Агар пестицид ишлатиш қўлланмаларида нафас йўлини ҳимоя қилиш айtilган бўлса, кабина ичида мос респираторни тақиб олинг.

Кабинани тарк этишдан олдин, пестицид ишлатиш қўлланмасида талаб қилинганидек, шахсий ҳимоя воситаларини тақиб олинг. Кабинага қайтиб кираётганда ҳимоя воситаларини ечинг ва кабинадан ташқаридаги ёпиқ қутида ёки бошқа турдаги зич ёпилган идишда сақланг ёки кабина ичидаги пластмасса пакет сингари пестицидга чидамли идишда сақланг.

Кабинага киришдан олдин пойабзал, этик ёки бошқа химикат теккан жойларни тозаланг.

DX,CABS-UZ-25MAR09

Агрохимикатлар билан муомалалага киришганда хавфсизлик чораларига риоя қилинг



TS220—UN—15APR13



A34471

A34471—UN—11OCT88

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган химикатлар, масалан, фунгицидлар, гербицидлар, инсектицидлар, пестицидлар, родентицидлар ва ўғитлар эҳтиёткорлик билан ишлатилмаса, соғлигингизга ёки атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин.

Агрохимикатларни самарали, хавфсиз ва қонуний ишлатиш учун ёрлиқлардаги йўл-йўриқларга доим амал қилинг.

Таъсир ёки жароҳат хавфини камайтириш:

- Ишлаб чиқарувчи тавсия қилган шахсий ҳимоя воситаларини тақиб олинг. Ишлаб чиқарувчининг йўриқномаси бўлмаса, қуйидаги умумий кўрсатмаларга амал қилинг:
 - **"Хавф"** белгили химикатлар: Энг токсикларидир. Одатда ҳимоя кўзойнаклари, респиратор, қўлқоп ва тери ҳимоясидан фойдаланишни тақозо қилади.
 - **"Огоҳлантириш"** белгили химикатлар: Камроқ токсикдир. Одатда, ҳимоя кўзойнаклари, қўлқоп ва терини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни тақозо қилади.
 - **"Диққат"** белгили химикатлар: Энг кам токсикдир. Одатда, қўлқоп ва терини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни тақозо қилади.
- Буг, аэрозол ёки чангда нафас олманг.


- Химикатлар билан ишлаётганда доим совун, сув ва сочиқ тайёр турсин. Агар химикат териға, қўлга ёки юзга тегса, дарҳол совунлаб ювиб ташланг. Агар химикат кўзга тушса, дарҳол сув билан чайиб ташланг.
- Химикатлар билан ишлагандан кейин ҳамда овқатланиш, ичиш, чекиш ёки ҳожатга чиқишдан олдин қўлингиз ва юзингизни ювинг.
- Кимёвий модда сепаетган пайтда чекманг ёки овқатланманг.
- Химикатлар билан ишлагандан кейин доим ванна ёки душ қабул қилинг ва кийимларни алмаштиринг. Кийимларни ювилганидан кейин кийинг.
- Химикат ишлатаётганда ёки ундан кейин мазангиз қочса, дарҳол тиббий ёрдам олинг.
- Кимёвий моддаларни ўз идишида сақланг. Химикатларни ёрлиқсиз контейнерларга ёки озиқ-овқат ва ичимлик учун ишлатиладиган идишларга солманг.
- Химикатларни хавфсиз ва беркитилган жойда, одамлар ёки уй ҳайвонларининг озиқларидан узоқда сақланг. Болаларни яқинлаштирманг.
- Идишларни доим тегишли тарзда утилизация қилинг. Бўш идишларни уч марта лаб чайинг ва тешиб ёки синдириб ташлаб, тегишли тарзда чиқитга чиқаринг.

DX,WW,CHEM01-UZ-24AUG10

Аккумуляторларни хавфсиз сақлаш



TS204—UN—15APR13



TS203—UN—23AUG88

Аккумулятор гази портлаши мумкин. Аккумуляторларга учқун ва алангани яқинлаштирманг. Аккумуляторнинг электролит миқдорини текшириш учун фонардан фойдаланинг.

Ҳеч қачон устунлари орасига металл буюм қўйиш орқали аккумулятор зарядини текширманг. Вольтметр ёки гидрометр ишлатинг.

Доим аккумуляторнинг ерга уланган (-) зажимини биринчи навбатда олиб ташланг ва ерга уланган зажимни охирида алмаштиринг.

Аккумулятор электролитидаги сульфат кислота заҳарли бўлиб, терини қуйдириши, кийимларни тешиши ва кўзга сачраганда кўр қилиб қўйиши мумкин.

Қуйидаги эҳтиёт чораларини кўринг:

- Аккумуляторларни ҳаво айланадиган жойда тўлдинг.
- Кўзойнак ва резина қўлқоп тақиб олинг
- Аккумуляторларни тозалаш учун ҳаво пуркаманг
- Электролит қўшилганида буғида нафас олманг
- Электролитни сачратиб ёки тўкиб юборманг
- Батареяни кучайтириш ёки зарядлаш амалини тўғри бажаринг.

Агар кислота терига ёки кўзга тушса:

1. Терини сув билан чайиб ташланг.

2. Кислотани зарарсизлантириш учун ошхона содаси ёки лайм суртинг.
3. Кўзни сув билан 15-30 дақиқа чайинг. Дарҳол тиббий ёрдам олинг.

Агар кислота ютиб юборилса:

1. Мажбурлаб қайт қилманг.
2. Кўп миқдорда сув ёки сут ичинг, аммо 2 литрдан (2 квартадан) ошиб кетмасин.
3. Дарҳол тиббий ёрдам олинг.

ОГОҲЛАНТИРИШ: Аккумулятор штирлари, қисқичлари ва шу каби анжомларида кўрғошин ва кўрғошин бирикмалари бор, Калифорния штатида бу химикатлар саратон келтириб чиқаради ва репродуктив тизимга зарар келтиради, деб ҳисобланади. **Тегингандан кейин қўлингизни ювинг.**

DX,WW,BATTERIES-UZ-02DEC10

Босим остидаги қувурлар яқинида қиздирманг




TS953—UN—15MAY90

Босимли қувурлар яқинида қиздирсангиз, олов пуркалиши мумкин, натижада сиз ва атрофдагилар қуйиб қолади. Босимли қувурлар ёки бошқа ёнувчи материаллар яқинида пайвандлаш, кавшарлаш ёки факел ишлатиш орқали қиздирманг. Иссиқлик аланга чегарасидан ўтиб кетса, босимли қувурлар ёрилиб кетиши мумкин.

DX,TORCH-UZ-10DEC04

Пайвандлаш ёки қиздиришдан олдин бўёқни кўчириб ташланг



TS220—UN—15APR13

Заҳарли буғлар ва чангдан сақланинг.

Пайвандлаш, кавшарлаш пайтида ёки факел ишлатилганда бўёқ қизиби, зарарли газлар чиқариши мумкин.

Қиздиришдан олдин бўёқни кўчириб ташлаш:

- Қиздириладиган жойнинг камида 100 мм (4 дюйм) атрофидан бўёқни кўчириб ташланг. Агар бўёқни кўчириб бўлмаса, қиздириш ёки пайвандлашдан олдин респиратор тақиб олинг.
- Бўёқни қумқоғоз ёрдамида ёки қириб кўчирсангиз, чангдан нафас олманг. Респиратор тақиб олинг.
- Эритма ёки суюлтиргич ишлатсангиз, пайвандлашдан олдин суюлтиргични совунлаб ювиб ташланг. Атрофдаги эритма ёки суюлтиргич идишлари ёки бошқа ёнувчи буюмларни йўқотинг. Пайвандлаш ёки қиздиришдан олдин газлар тарқалишини камида 15 дақиқа кутиб туринг.

Пайвандланадиган жойларда хлорли эритма ишлатманг.

Токсик газлар ва чанглар чиқиб кетадиган баҳаво жойда ишланг.

Бўёқ ва эритмани тегишли тарзда утилизация қилинг.

DX,PAINT-UZ-24JUL02

Электрон деталлар ва тутқичлар билан хавфсиз ишланг



TS249—UN—23AUG88

Электрон деталларни ўрнатиш ёки ускунадан ечиб олиш пайтида йиқилиш натижасида жиддий жароҳат олиш мумкин. Ўрнатиш нуқтасига осон етиш учун нарвон ёки платформадан фойдаланинг. Маҳкам ва ишончли таянчлар ва суянчиқларни ишлатинг. Ҳўл ёки музлаган жойларда деталларни ўрнатманг ёки ечманг.

Агар минора ёки бошқа баланд иншоотга RTK база станцияси ўрнатаётган ёки сервис кўрсатаётган бўлсангиз, мос тирноқлар (темир чангак) ишлатинг.

Агар асбобда ишлатиладиган глобал жойлашув тизими мачтасини ўрнатаётган ёки сервис кўрсатаётган бўлсангиз, мос келадиган кўтарилиш усулларида фойдаланинг ва ҳимоя воситаларини тақиб олинг. Мачта оғир бўлиб, ишлаш қийин бўлиши мумкин. Ўрнатиш нуқталари ердан ёки платформадан баландда бўлса, иккита одам керак бўлади.

DX,WW,RECEIVER-UZ-24AUG10

Хавфсиз тарзда техник хизмат кўрсатиш амалиётларига риоя қилинг

Йиқилсангиз, жиддий жароҳат етиши мумкин. Нуқтага осон етиш учун нарвон ёки платформадан фойдаланинг. Маҳкам ва ишончли таянчлар ва суянчиқларни ишлатинг.

DX,SERV-UZ-28FEB17



TS218—UN—23AUG88

Ишга киришишдан аввал техник хизмат кўрсатиш жараёнини тўлиқ тушуниб олинг. Жойни тоза ва куруқ ҳолда тутинг.

Ҳеч қачон машина ҳаракатланаётганида смазкаламани, техник хизмат кўрсатманг ёки ростламанг. Ҳаракатланувчи қисмларга қўл-оёқни ва кийимни яқинлаштирманг. Босимни чиқариш учун барча қувватни ва ишлатиш тугмаларини ўчиринг. Қурилмаларни ерга туширинг. Моторни тўхтатинг. Калитни чиқариб олинг. Машина совишини кутинг.

Сервис кўрсатиш учун кўтарилиши керак бўлган қисмларни тиргак билан мустаҳкамланг.

Барча қисмларни яхши ҳолатда ва тўғри ўрнатилган ҳолатда тутинг. Бузилганларини дарҳол тузатинг. Ейилган ёки синган қисмларни алмаштиринг. Тўпланиб қолган смазка, мой ёки чиқиндиларни олиб ташланг.

Ўзиюрар қурилмаларнинг электр қисмларини тузатиш ёки пайвандлаш ишларини олиб боришдан олдин аккумуляторнинг ерга уланиш кабелини (-) ажратинг.

Шатакка олинган қурилмаларнинг электр қисмларини тузатиш ёки пайвандлаш ишларини олиб боришдан олдин трактордан келган симларни узинг.

Баландликда ишлаётганда ёки тозалаётганда

Қайноқ ҳаводан эҳтиёт бўлинг



RG17488—UN—21AUG09

Мотор ишлаб турганида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.


Ишлаётганида ҳаво чиқарадиган қисмлар ва қувурлар қизиб кетиши мумкин. Чиқаётган газлар ва қисмлар қизиб кетиб, одамни куйдириши, аланга чиқариши ёки оддий буюмларни эритиши мумкин.

DX,EXHAUST-UZ-20AUG09


Чиқариш фильтрини хавфсиз тозаланг



TS227—UN—15APR13



TS271—UN—23AUG88



TS1693—UN—09DEC09



TS1695—UN—07DEC09

Чиқариш фильтрини тозалаш пайтида узоқ вақт давомида мотор тез холостойда ва юқори ҳароратда ишлаши мумкин. Чиқаётган газлар ва фильтр қисмлари қизиб кетиб, одамни куйдириши, аланга чиқариши ёки оддий буюмларни эритиши мумкин.

Қайноқ газ ёки деталлардан шикастланиши ёки зарар кўриши мумкин бўлган одамлар, ҳайвонлар ёки иншоотлардан машинани узоқроқда тутинг. Чиқаётган газ яқинидаги ёнувчан материаллар ва буғлар туфайли ёнғин ёки портлаш хавфининг олдини олинг. Газ чиқариш туйнугини одамлардан ёки эриши, ёниши ёки портлаши мумкин бўлган нарсалардан узоқда тутинг.

Чиқариш фильтрини тозалаётганда ва ундан кейин машина атрофида тутаб ёнаётган чиқиндилар бўлмаслигини кузатиб турунг.

Мотор ишлаб турганида ёқилғи қуйилса, ёнғин ёки портлаш содир бўлиши мумкин. Ёқилғи қуйишдан

олдин доим моторни ўчириш ва тўқилган ёқилғини тозалаб олинг.

Машинани юк машинасида ташиётганда доим мотор ўчиқлигига амин бўлинг.

Газ чиқариш деталларига иссиқлигида тегинилса, жиддий жароҳат олиш мумкин.

Совимагунича бу деталларга тегинманг.

Агар сервис учун мотор ишлаб туриши керак бўлса:

- Фақат сервисга керак бўлган қисмларни ишга тушириш
- Оператор ўрнига ва машинага бошқалар яқинлашмасин

Ҳаракатланувчи қисмларга қўл-оёқни ва кийимни яқинлаштирманг.

Оператор ўрнини тарк этишдан олдин доим ҳаракатни тақиқланг (нейтрал), тўхтаб туриш тормозини босинг ва қурилма ёки ускуналардан қувватни узинг.

Машинани назоратсиз қолдиришдан олдин моторни ўчириб, калитни (агар мавжуд бўлса) чиқариб олинг.

DX,EXHAUST,FILTER-UZ-12JAN11

Ҳаво айланадиган жойда ишланг




TS220—UN—15APR13

Мотордан чиқадиган тутун касаллик ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Моторни ёпиқ жойда ишлатиш керак бўлса, вентиляция туйнук орқали тутунни чиқариб ташланг.

Агар вентиляция туйнук бўлмаса, эшикларни очиб, ҳавони айлантиринг.

DX,AIR-UZ-17FEB99

Машина барқарор турсин



TS229—UN—23AUG88

Машинада ишлашдан олдин доим тиркамани пасайтиринг ёки ерга қўйинг. Иш пайтида машина ёки тиркама кўтарилиши керак бўлса, уларга тиргак қўйинг. Агар кўтарилган ҳолда қолса, гидравлик тарзда тутиб турилган мосламалар ерга тушиши ёки бўшаб қолиши мумкин.

Узоқ вақт оғирлик остида турганда майдаланиб кетадиган шлакоблок, ичи кавак гишт ёки устунларни машинага тиргак қилманг. Биттагина домкратнинг ўзи тираб қўйилган машина тагида ишланг. Ушбу қўлланмада тавсия этилган чораларни кўринг.

Машинага асбоблар ёки тиркамалар уланса, уларнинг қўлланмасида белгиланган эҳтиёт чораларига амал қилинг.

DX,LOWER-UZ-24FEB00

Машина юриб кетмасин



TS177—UN—11JAN89


Машина юриб кетиши оқибатида жароҳат олиш ёки ўлим хавфидан эҳтиёт бўлинг.

Стартер зажимларини туташтириш орқали моторни ишга туширманг. Ноодатий тарзда ўт олдирилса, машина юриб кетади.

ҲЕЧ ҚАЧОН ерда турган ҳолда моторни ишга туширманг. Фақат оператор ўриндиғида ўт олдилинг, узатма нейтралда ёки тўхтаб туриш режимида бўлсин.

DX,BYPAS1-UZ-29SEP98

Машинани хавфсиз тарзда тўхтатиб қўйиш




TS230—UN—24MAY89

Машинада иш бошлашдан аввал:

- Барча ускуналарни ерга туширинг.
- Моторни тўхтатинг ва калитни чиқариб олинг.
- Аккумуляторнинг массага уланишини узинг.
- Оператор иш жойига "ИШЛАТМАНГ" белгисини осинг.

DX,PARK-UZ-04JUN90

Тракторни хавфсиз кўчириш



RXA0103709—UN—01JUL09

Ўчирилган тракторни кўчиришнинг энг яхши усули бу платформали юк ташувчида ташишдир. Тракторни занжир билан юк ташувчига маҳкамланг. Ўқлари ва ттрактор рамаси мос келадиган маҳкамлаш нуқталаридир.

Тракторни паст платформали юк машинасида ёки ясси релсли вагонда ташишдан олдин, капотнинг трактор моторига маҳкамлангани ва эшиклар, том люки (агар мавжуд бўлса) ва деразалар яхши ёпилганига ишонч ҳосил қилинг.

Ҳеч қачон тракторни соатига 10 км (6 мил) дан юқори тезликда тортманг. Оператор шатакдаги трактор рулини бошқариши ва тормозлаши керак.

DX,WW,TRANSPORT-UZ-19AUG09

Совитиш тизимига хавфсиз сервис кўрсатинг



TS281—UN—15APR13

Босим остидаги совитиш тизимидан отилиб чиққан суюқлик жиддий куйдириши мумкин.

Моторни ўчиринг. Қуйиш қопқоғини қўл билан ушлайдиган даражада совиганидан кейингина очинг. Аввал қопқоқни секин бураб, босимни чиқаринг, кейин очинг.

DX,WW,COOLING-UZ-19AUG09

Тўплагич тизимларига хавфсиз сервис кўрсатинг



TS281—UN—15APR13

Кондиционер, гидравлик ва тормоз тизимларида ишлатиладиган, босим остидаги тўплагичлардан чиққан суюқлик ёки газ жиддий жароҳат етказиши мумкин. Иссиқлик туфайли тўплагич ёрилиб кетиши, босимли линиялар тасодифан ёрилиб кетиши мумкин. Босимли тўплагич ёки босимли линия яқинида пайвандламанг ёки горелка ишлатманг.

Тўплагични ечишдан олдин тизимдан босимни чиқариб ташланг.

Тўплагични ечишдан олдин гидравлик тизимдан босимни чиқариб ташланг. Гидравлик тизим ёки тўплагич босимини чиқариб ташлаш учун ҳеч қачон уланган жойни бўшатишга уринманг.

Тўплагични таъмирлаб бўлмайди.

DX,WW,ACCLA2-UZ-22AUG03

Шиналарга техник хизмат кўрсатиш чоғида хавфсизлик чораларига риоя қилинг



RXA0103438—UN—11JUN09

Шина ва тўғинлар ажратилаётганда отилиб кетиб, жароҳат ёки ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Керакли асбоб-ускуналар ва тажрибангиз бўлмаса, шинани ўрнатишга уринманг.

Шинадаги босимни меъёрида сақланг. Тавсия этилган босимдан ошириб дамламанг. Шина ва филдирак мажмуасини асло пайвандламанг ёки қиздирманг. Ҳарорат туфайли босим ошиб кетиб, шина портлаши мумкин. Пайвандлаш оқибатида филдирак заифлашиши ёки деформацияга учраши мумкин.


Шинани дамлаётганда олинадиган штуцер ва узайтиргич шлангидан фойдаланинг, шина олдида ёки тепасида турманг. Мавжуд бўлса, химоя панжарасидан фойдаланинг.

Филдиракларнинг босими, кесилган ва бўртиб чиққан жойлари, зиён етган тўғин, етишмаётган болт ва гайкалар бўлмаслиги учун текшириб чиқинг.

Филдирак ва шиналар оғир бўлади. Филдирак ва шиналарни кўтариш, ўрнатиш ёки ечиб олишда хавфсиз кўтариш ускунасини ишлатинг ёки ёрдамчи олинг.

DX,WW,RIMS-UZ-28FEB17

Олд узатмали тракторга хавфсиз сервис кўрсатинг




L124515—UN—06AUG94

Олд узатмали, орқа ғилдираклари ердан кўтариб қўйилган ва ғилдиракларни мотор кучи билан айлантириб, сервис кўрсатганда, доим олд ғилдиракларга шунга ўхшаш тарзда тиргак қўйинг. Электр қуввати ёки трансмиссия гидравлик тизимидаги босимнинг йўқолиши олдинги ғилдиракларни ҳаракатга келтиради, олд ғилдираклар кўтарилмаса, орқа ғилдиракларни тиргакдан чиқариб олади. Бундай шароитда олд узатмали ғилдираклар ҳатто ўчирилган ҳолатда ҳам ишга тушиб кетиши мумкин.

DX,WW,MFWD-UZ-19AUG09

Ғилдирак болт/гайкаларини қотириш




L124 516

L124516—UN—03JAN95

Ғилдирак болт/гайкаларини Обкатка даври ва Сервис бўлимида кўрсатилган оралиқларда буранг.

DX,WW,WHEEL-UZ-12OCT11

Юқори босимли суюқликлардан эҳтиёт бўлинг



X9811—UN—23AUG88

Гидравлик шлангларни йилига камида бир марта текшириб турунг — сизиб чиқиш, тугун, кесилган жой, ёриқ, ейилиш, қавариқ, коррозия, сим ўрамаси чиқиб қолган ва бошқа турдаги ейилиш ёки шикаст бўлмаслиги керак.

Ейилган ёки шикастланган шлангларни дарҳол Жон Дир томонидан маъқулланган эҳтиёт қисмларига алмаштиринг.

Босим билан чиқаётган суюқлик териға тегса, жиддий жароҳат етказиши мумкин.

Гидравлик ёки бошқа линияларни узишдан олдин босимни бўшатиш орқали хавфнинг олдини олинг. Босим беришдан олдин ҳамма уланган жойларини қотиринг.

Картон бўлағи билан суюқлик сизиб чиқиши ҳолатларини текширинг. Қўл ва танани юқори босимли моддалардан ҳимояланг.

Фавқулодда ҳолат юз берганда дарҳол шифокорга учрашинг. Териға кириб қолган суюқлик жарроҳлик йўли билан бир неча соат ичида олиб ташланиши керак, акс ҳолда гангрена бошланиши мумкин. Бунақа жароҳатни тушунмайдиган шифокорлар тушунадиганига юбориши лозим. Бундай маълумот инглиз тилида Deere & Company тиббий департаментида бор, манзили Moline, Illinois, U.S.A. ёки телефон рақами: 1-800-822-8262 ёки +1 309-748-5636.

DX,FLUID-UZ-12OCT11

Юқори босимли ёқилғи тизимини очманг



TS1343—UN—18MAR92

Ёқилғи қувурларида қолган юқори босимли суюқлик жиддий жароҳат етказиши мумкин. Юқори Босимли Умумий Ёқилғи Магистрالي (HPCR) тизимида ишлайдиган двигателларда ёқилғи қувурларини, датчикларни ёки ёқилғи насоси ва учликлар ўртасидаги компонентларни ажратманг ёки таъмирлашга уринманг.

Фақат шу турдаги тизимни тушунадиган техниклар тузатиши мумкин. (John Deere дилерига мурожаат қилинг.)

DX,VW,HPCR1-UZ-07JAN03

Қўшимча мосламаларни хавфсиз сақланг




TS219—UN—23AUG88

Иккиталик ғилдираклар, панжарали ғилдираклар ва юклагичлар каби сақланган мосламалар тушиб кетиб, жиддий жароҳат ёки ўлимга олиб келиши мумкин.

Агрегат ва қўшимча мосламаларни тушиб кетмайдиган қилиб сақланг. Сақланадиган жойга ўйнаётган болалар ва катталарни яқинлаштирманг.

DX,STORE-UZ-03MAR93

Ҳисобдан чиқариш — Суюқлик ва моддаларни тегишли тарзда қайта ишлаш ва чиқитга чиқариш



TS1133—UN—15APR13

Машина ва/ёки компонентни ҳисобдан чиқаришда хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳисобга олиниши керак. Бу чораларга қуйидагилар киради:

- Объектлар ва материалларни ажратиб олиш ёки ташишда тегишли асбоблар ва шахсий ҳимоя воситалари, масалан, махсус кийим, қўлқоп, ниқоб ёки кўзойнақдан фойдаланинг.
- Махсус компонентлар борасидаги кўрсатмаларга риоя қилинг.
- Йиғилган энергияни чиқариб юборинг, бунинг учун осилиб турган элементларни пасайтиринг, пружиналарни бўшатинг, аккумулятор ёки бошқа электр манбаларини узинг, гидравлик компонентлар ва бошқа тизимлардаги босимни чиқариб юборинг.
- Ўғит ва пестицид каби агрохимикат қолдиқлари қолган компонентларга тегмасликка ҳаракат қилинг. Бундай компонентларни тегишли тарзда ташинг ва чиқитга чиқаринг.
- Компонентларни чиқитга чиқаришдан олдин моторлар, ёқилғи баклари, радиаторлар, гидравлик цилиндрлар, резервуарлар ва линиялар ичини бўшатинг. Суюқликларни чиқариб ташлаётганда зич ёпиқ идишлардан фойдаланинг. Озиқ-овқат ёки ичимлик идишларини ишлатманг.
- Суюқликларни ерга, канализацияга ёки сув манбаларига тўкманг.
- Чиқинди суюқликларни, филтёрларни (масалан, мой, ёқилғи, совитиш моддаси, тормоз суюқлиги), аккумулятор ва бошқа моддалар ёки қисмларни ташиш ёки утилизация қилишда барча миллий ва маҳаллий қонунлар, қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилинг. Ёнувчан суюқликлар ёки компонентларни махсус печлардан бошқа жойда ёндиришни қонун тақиқлаши мумкин ва бу зарарли тутун ёки кул ҳосил қилиши мумкин.
- Ҳавони кондиционерлаш тизимларига тегишли тарзда техник хизмат кўрсатинг ва утилизация қилинг. Кондиционер моддалари чиқиб кетса, атмосферага зарар етказиши мумкинлиги

сабабли, уларни тиклаш ва қайта ишлашни махсус марказларга топшириш давлат томонидан талаб қилиниши мумкин.

- Қисман ёки тўлиқ қайта ишлаш мумкин бўлган шиналар, металл, пластик, резина ва электрон компонентларни қайта ишлаш вариантларини чамалаб кўринг.
- Чиқиндиларни қайта ишлаш ёки чиқитга чиқариш борасида маълумот олиш учун маҳаллий атроф-муҳит ёки қайта ишлаш марказига ёхуд Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.


DX,DRAIN-UZ-01JUN15

Хавфсизлик белгилари

Оператор қўлланмаси



RXA0179015—UN—05AUG20



RXA0180320—UN—27OCT20

А—Оператор қўлланмаси ёрлиғи

ДИҚҚАТ: Жароҳат хавфидан сақланинг.


Бу оператор қўлланмасида машинани хавфсиз ишлатиш борасидаги муҳим маълумотлар ва хавфсизлик белгиларининг изоҳлари мавжуд. Бахтсиз ҳодисалардан сақланиш учун барча хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг.

RD47322,0000842-UZ-27OCT20

Хавфсизлик камари



RXA0179016—UN—05AUG20



RXA0180321—UN—27OCT20

А—Хавфсизлик камари ёрлиғи

Хавфсизлик камарини тўғри ишлатинг.

ДИҚҚАТ: Ағдарилиш туфайли жароҳат ёки ўлим хавфининг олдини олинг.

Ушбу машина ағдарилишдан ҳимоя тузилмаси (ROPS) билан жиҳозланган.

ROPS билан ишлатаётганда хавфсизлик камарини тақиб олинг.

- Лўкидонни ушлаб туриб, хавфсизлик камарини танадан ўтказиб тортинг.

- Лўкидонни тўқага киргизинг. Шиқ этиб тушсин.

Камар маҳкам жойлашганига амин бўлиш учун хавфсизлик камари лўкидонини тортиб кўринг.

- Хавфсизлик камарини сон устидан маҳкамланг.

RD47322,0000376-UZ-09SEP21

Қулф майдончаси



RXA0179018—UN—05AUG20



RXA0139174—UN—30MAY14

А— Қулф майдончаси ёрлиқлари (чап ва ўнг)

⚠ ДИҚҚАТ: Эзилиш ва сиқилиб қолишни олдини олинг.


Машина қайрилганда қулф майдончасида эзилиш туфайли жароҳат олишингиз мумкин. Моторни ўт олдириш ёки рулни силжитишдан олдин машинанинг ёнида одамлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг. Машина марказини олдида техник хизматни бажариш ёки юк машинасида ташишдан олдин рулга блокировка ўрнатинг.

RD47322,0000844-UZ-07AUG17

Тўхтаб туриш тормози (йиғилган қувват)



RXA0179011—UN—05AUG20



RXA0139186—UN—07FEB14

А—Тўхтаб туриш тормози ёрлиғи

⚠ ДИҚҚАТ: Йиғилган қувватнинг кутилмаган тарзда бўшатилиши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган жароҳатдан сақланинг.


Тўхтаб туриш тормози кучланиш остидаги пружинани сақлайди. Тўхтаб туриш тормози қопқоғининг винтларини текис ечинг.

RD47322,0000846-UZ-07AUG17

Гусеница тўплагичлари



RXA0179013—UN—05AUG20



RXA0180366—UN—03NOV20

A—Тўплагич ёрлиғи (чап ва ўнг, олд ва орқа ўқлар)

⚠ ДИҚҚАТ: Эзилиш ва суюқлик сачрашини олдини олинг.


Босимни бўшатиш машина ҳаракатланиши ва босим остида суюқлик таъсирланишига сабаб бўлади. Тизимга сервис кўрсатишдан олдин босимни бўшатиш бўйича кўрсатмалар учун дилерга мурожаат қилинг.

RD47322,00008F8-UZ-04NOV20

Орқа шатак (фақат Хитой учун жиҳозланган бўлса) [Ag]



RXA0179014—UN—05AUG20



RXA0180291—UN—26OCT20

A—Чап ёрлиғи

⚠ ДИҚҚАТ: Эзилишнинг олдини олинг.


Агрегатни улаганда ёки ажратганда трактор ва агрегат ўртасидаги ҳудудда босиб қолиш хавфи мавжуд. Шатакка бириктириш пайтида уч нуқтали шатак кўтариладиган жойга яқинлашманг ва бу ҳудудда бошқаларнинг бўлишига ҳам йўл қўйманг.

RD47322,0000847-UZ-26OCT20

Моторни совитиш тизими (фақат Хитой учун)



RXA0135618—UN—13NOV13



RXA0139435—UN—14FEB14


А— Ҳавосизлантириш баки қопқоғи

⚠ ДИҚҚАТ: Куйиб қолишдан сақланинг.

Совитиш моддаси юқори босим остида бўлади. Қопқоқни олиб ташлашдан олдин совитиш тизими совишини ва босим тушишини кераклича вақт кутиб туринг.

Моторни ўчиринг, капотни очинг ва совитиш тизими совигунча кутиб туринг. Совитиш тизими шлангларини очиқ қўл билан ушлаб, совиганлигини сезганингиздан сўнг қопқоқни очинг. Босим тушиши учун дастлаб қопқоқни бироз очиб қўйинг, кейин уни тўлиқ олиб ташланг.

KT81203,00009A2-UZ-02NOV17



RXA0162409—UN—07MAR18

А— ҚТҚ ёрлиғи

⚠ ДИҚҚАТ: Илашиб қолманг.

Айланаётган қисмлардан қўл, оёқлар ва кийимни узоқроқ тутинг. Моторни ўчиринг ва барча қисмлар айланишдан тўхташини кутиб. Барча тўсиқларни ўз жойида сақланг.

EC82310,0000694-UZ-26JUL18

Орқа ҚТҚ (фақат Хитой учун жиҳозланган бўлса) [Ag]



RXA0179012—UN—05AUG20

Транспорт ҳақида умумий маълумот

9RX серияли трактор



9RX серияли трактор (Оддий)

RXA0185294—UN—01SEP21

KD34109,00001DA-UZ-01SEP21

Моторни ишлатиш

Мотор созламалари - Кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



Меню

RXA0167075—UN—20MAR19

1. Меню



Машина созламалари

RXA0167076—UN—20MAR19

2. Машина созламалари варағи



Мотор

RXA0175176—UN—17FEB20

3. Мотор

Иловага навигация панели орқали кириш:



Мотор

RXA0168449—UN—30MAY19


Дисплей остидаги навигация панелида мотор тугмасини босинг.

KD34109,00005AC-UZ-20JAN21

Мотор созламалари

Мотор иловаси мотор созламаларига кириш ва уларни ўзгартириш учун ишлатилади.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат агар агрегат тегишли параметр билан жиҳозланган бўлсагина намоиш этилади.



RXA0175172—UN—13FEB20

Мотор намунаси

Моторнинг бош саҳифасида мавжуд элементлар:



Мотор қуввати

RXA0175187—UN—13FEB20

Мотор қуввати — моторнинг жорий қувват даражасини кўрсатиш учун танланг. Ушбу оператор қўлланмасининг Мотор созламалари - Мотор қуввати бўлимига қаранг.

00000.0 h



Мотор ишлаш вақти

RXA0175162—UN—17FEB20

Мотор соатлари — моторнинг ишлаш соатларини кўрсатади.

Макс. мотор тезлиги бандлари:



RXA0175183—UN—17FEB20

Макс. мотор тезлиги 1

Макс. мотор тезлиги 1 ни ёқиш — сақланган максимал тезликни ёқиш учун танланг.

1400 n/min

RXA0175194—UN—18FEB20

Макс. мотор тезлиги 1 қиймати

Макс. мотор тезлиги 1 — максимал тезлик созламасини ростлаш учун танланг. Ушбу оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Макс. мотор тезлиги қисмига қаранг.



RXA0175184—UN—17FEB20

Макс. мотор тезлиги 2

Макс. мотор тезлиги 2 ни ёқиш — сақланган максимал тезликни ёқиш учун танланг.

1600 n/min

RXA0175195—UN—18FEB20

Макс. мотор тезлиги 2 қиймати

Макс. мотор тезлиги 2 — максимал тезлик созламасини ростлаш учун танланг. Ушбу оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Макс. мотор тезлиги қисмига қаранг.



RXA0175181—UN—13FEB20

Индикатор

Фаол индикатор — Макс. мотор тезлиги ёқилганда тўқ сариқ бўлиб ёнади.

Кутиш режими индикатори — Макс. мотор тезлиги ўчирилганда кулранг тус олади.

Орқа ҚОҚ бандлари:

0



RXA0175189—UN—02APR20

Орқа ҚОҚ тезлиги

Орқа ҚОҚ — жорий ҚОҚ тезлигини кўрсатади.

Чиқинди газ филътрини тозалаш бандлари:

ҚАЙД: Фақат Final Tier 4/Stage V моторлар.



RXA0175166—UN—17FEB20

Чиқинди газ филътрини АВТОМАТИК тозалаш

Чиқинди газ филътрини АВТОМАТИК тозалаш — автоматлаштирилган жараёни ёқиш/ўчиришни танлаб, нормал ишлаш пайтида чиқинди газ филътрини тозалашни амалга оширинг. Ушбу оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Чиқинди газ филътри тизими ҳақида умумий маълумот қисмига қаранг.



RXA0175186—UN—18FEB20

Тўхтаб туриш ҳолатида филътрни тозалаш

Тўхтаб туриш ҳолатида филътрни тозалаш — машина тўхтаб турганда чиқинди газ филътрини тозалаш учун жараёни бошлашни танланг. Ушбу оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Чиқинди газ филътри тизими ҳақида умумий маълумот қисмига қаранг.



RXA0175191—UN—18FEB20

Чиқинди газ филътрини тозалаш сўрови

Чиқинди газ филътрини тозалаш сўрови — Тўхтаб туриш ҳолатида филътрни тозалашга нисбатан янада кучлироқ тозалаш жараёни бошлаш учун танланг. Ушбу оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Чиқинди газ филътри тизими ҳақида умумий маълумот қисмига қаранг.

Секинлаштиргич бандлари:

50%



RXA0175169—UN—13FEB20

Секинлаштиргич

Секинлаштиргич — оёқда секинлаштиргичдан фойдаланилганда мотор тезлиги қанчага ошишини ростлаш учун танланг.

Мотор билан тормоз бериш бандлари:



RXA0167071—UN—21MAR19

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар - қўшимча ростлашлар ва кам ишлатиладиган созламаларга кирилади.

Иш саҳифаси модуллари

Схема менежери ёрдамида иш саҳифаларига ушбу илова учун модулларни қўшинг. 4-авлод дисплейи Оператор қўлланмасига қаранг.

Мисол:



Мотор қуввати

RXA0175178—UN—17FEB20

ҚАЙД: Иловангиз учун ҳар хил модуллардан фойдаланишингиз мумкин.

Мотор қуввати — Мотор қуввати модулига тез кириш имконини беради.

Қисқа тугмалар

Ушбу илова учун тезкор тугмаларни Схема менежери ёрдамида тезкор тугмалар панелига қўшинг. 4-авлод дисплейи Оператор қўлланмасига қаранг.

Мисол:



ЁНИҚ

RXA0175174—UN—17FEB20

ҚАЙД: Иловада ҳар хил тезкор тугмаларни ишлатиш мумкин.

Мотор тормози — Мотор тормозини ЁҚИШ ва ЎЧИРИШдан тез фойдаланиш имконини беради.

KD34109,00005AD-UZ-16JUN20

Мотор созламалари — Мотор қуввати

Мотор қуввати саҳифасида моторнинг жорий қувват даражаси ва тўпланган мотор соатлари кўрсатилади.

Мотор қуввати саҳифасида мавжуд пунктлар:



Қувват даражаси

RXA0175180—UN—17FEB20

Яшил рангда тўлиш белгиси ишлатилаётган мотор қувватини билдиради. Мавжуд мотор қувватининг 40% и ишлатилмагунча кўрсаткич акс этмайди.

00000.0 h



Мотор ишлаш вақти

RXA0175162—UN—17FEB20

Машина учун моторнинг ишлаш соатлари кўрсатилади.

KD34109,00005AE-UZ-03SEP21

Мотор созламалари - Макс. мотор тезлиги

Енгил юклама ҳолатларида мотор тезлигини чеклаш ёқилғи тежашга ижобий таъсир қилиши мумкин. Макс. мотор тезлигида ўзгарувчан юкламаларга тезкор жавоб берадиган доимий тезлик регулятори эгри чизигидан фойдаланилади. Созлама 1100-2150 айл/дақ.га ростланиши мумкин. Операторга бирдан бошқасига тезда ўтиш имконини берувчи иккита бир-бирдан фарқли тезлик созланиши мумкин.

Ўзгартириш тартиби:

ҚАЙД: Макс. мотор тезлигини ростлаш учун мотор ишлаб турган бўлиши керак.

1400 n/min

RXA0175194—UN—18FEB20

Макс. мотор тезлиги қиймати

1. Макс. мотор тезлиги қийматини танланг.



RXA0175163—UN—17FEB20

Тезликни ростлаш

2. Созламани ошириш учун плюс (+/++) ёки камайтириш учун (-/--) ни танланг. (+) ва (-) га нисбатан юқориқ тезликда қийматни ошириш ёки камайтириш учун (++) ва (--) белгиларидан фойдаланинг. Қиймат экранда кўрсатилади.



Ёпиш

RXA0167129—UN—25MAR19

3. Ёпиш учун танланг.

ҚТҚ элементлари:



Орқа ҚТҚ тезлиги RXA0175189—UN—02APR20

Орқа ҚТҚ — жорий ҚТҚ тезлигини кўрсатади.

Ташқи манбалар:

Макс. мотор тезлиги тугмаси — CommandARM™ дисплейида Макс. мотор тезликларини ёқинг/ўчиринг. Ушбу оператор қўлланмасининг CommandARM™ бошқарув воситалари бўлимидаги CommandARM™ бошқарув воситалари - Чап томон қисмига қаранг. CommandCenter™ да танланган сўнги макс. мотор тезлигидан фойдаланилади. Саҳифада сўнги марта ёқилган макс. мотор тезлиги келтирилган катак акс эттирилади.

Трансмиссия режимлари билан алоқа:

ҚАЙД: Трансмиссия режими трансмиссия саҳифасида ўзгартирилади. Кўпроқ маълумот учун трансмиссия бўлимига қаранг.

- **Тўлиқ АВТОМАТИК** — тўлиқ қувватда минимум мотор тезлиги ҚОҚ ўчирилган ҳолатда 1500 айл/дақ.ни ташкил этади. Ошиб борувчи ишчи юкламани қоплаш учун трансмиссия паст узатмага алмашади ва мотор макс. мотор тезликкача чиқади. Мавжуд мотор тезлиги диапазони макс. мотор тезлигигача 1500 айл/дақ.
- **Мослаштирилган** — минимум мотор тезлигининг икки созламасидан ҳам фойдаланиш мумкин, ECO ON ва ECO OFF. ECO ON созламасида мотор тез ўзгармайдиган енгил юкламалар учун имкон қадар секинроқ ишлайди. ECO OFF юклама тез ўзгарганда қўл келади.
- **Қўлда** — оператор қўлда бошқариладиган дроссель ёрдамида мотор тезлигини ўрнатади. Мотор тезлиги доимий қолади ва Макс. мотор тезлиги орқали чекланади.

KD34109,00005B0-UZ-11MAR21

Мотор созламалари - Чиқинди газ фильтри тизими ҳақида

Final Tier 4/Stage V моторлари чиқинди газни тозалайди ва фильтрлайди. Машинани нормал ишлатганда ва АВТО режимда фильтрни тозалаганда минимал аралашув талаб этилади.

Чиқинди газ фильтри тизимида дизель зарралари ёки қурум тўпланишининг олдини олиш учун:

- Чиқинди газ фильтрини тозалашнинг АВТО режимидан фойдаланинг.

- Кераксиз холостойда ишлашга йўл қўйманг.
- Тегишли мотор мойидан фойдаланинг.
- Таркибида олтингурт ўта кам бўлган ёқилғи туридан фойдаланинг.


⚠ ДИҚҚАТ: АВТО, тўхтаб туриш ёки зарурий фильтр тозалаш режими ёқилганда, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин.

Чиқинди газ фильтрини тозалаш пайтида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.

Чиқинди газ фильтрларини АВТОМАТИК ва қўлда/стационар тозалашда мотор узоқ вақт тез холостойда ва юқори ҳароратда ишлайди. Чиқаётган газлар ва чиқинди газ фильтри қисмлари қизиб кетиб, одамнинг куйиши, аланга чиқиши ёки оддий буюмларни эришига сабаб бўлиши мумкин.

Мос келадиган чиқариш қувурлари билан таъминламагунча, чиқинди газни тозалаш амалиётларини ёпиқ бинода асло амалга оширманг.


Бурчак дисплейи индикаторлари ва CommandCenter™ эслатмалари чиқинди газлар фильтри тизимининг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларини беради.



Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш RXA0175166—UN—17FEB20

ҚАЙД: Ҳар бир ўт олдириш циклидан кейин чиқинди газ фильтрини тозалаш автоматик равишда АВТО режимига қайтади.

Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш — автоматлаштирилган жараён бўлиб, нормал ишлаш пайтида чиқинди газ фильтрини тозалашни амалга оширади. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш қисмига қаранг.



Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш ўчирилган RXA0175164—UN—17FEB20

Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалашни ўчиринг — чиқинди газ ҳароратининг кўтарилиши хавфсиз бўлганда фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари -

Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалашни ўчириш қисмига қаранг.



RXA0175186—UN—18FEB20

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

ҚАЙД: Жараёни яқунлаш учун 1 соатча вақт керак бўлади.

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш — машина тўхтаб турганда чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёни. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Тўхтаб туриш ҳолатида чиқинди газ фильтрини тозалаш қисмига қаранг.



RXA0175191—UN—18FEB20

Чиқинди газ фильтрини тозалаш сўрови

ҚАЙД: Жараёни яқунлаш учун 2-3 соатча вақт керак бўлади.

Чиқинди газ фильтрини тозалаш сўрови — Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалашга нисбатан янада кучлироқ тозалаш жараёни. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Тўхтаб туриш ҳолатида чиқинди газ фильтрини тозалаш қисмига қаранг.

Чиқинди газ фильтрини тозалаш индикатори— Чиқинди газ фильтри тизими фильтрни фаол равишда тозалаётган пайтда бурчакдаги дисплейда ёнади. Ушбу Оператор қўлланмасининг Бурчак таянчи дисплейи бўлимидаги Бурчак таянчи дисплейи рукнига қаранг.

KD34109,00005B1-UZ-09JUN20

Мотор созламалари - Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш

ҚАЙД: Фақат Final Tier 4/Stage V моторлар.

Чиқинди газ фильтрини тозалаш саҳифаси АВТО режимини ёқиш/ўчириш имконини беради. АВТО режимда керак бўлганда чиқинди газ фильтрини тозалаш автоматик равишда амалга оширилади.

ҚАЙД: 15 л моторлар билан жиҳозланган тракторларда бир неча соат ишлагандан сўнг чиқинди газ фильтрини бирламчи тозалаш автоматик тарзда амалга оширилади. Ушбу жараён трактор етказилгунга қадар юз бериши ҳам мумкин. Жараён бошланса, унинг тўлиқ яқунланишини кутинг.

ДИҚҚАТ: АВТО, тўхтаб туриш ёки зарурий фильтр тозалаш режими ёқилганда, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин.

Чиқинди газ фильтрини тозалаш пайтида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.

Чиқинди газ фильтрларини АВТОМАТИК ва қўлда/стационар тозалашда мотор узоқ вақт тез холостойда ва юқори ҳароратда ишлайди. Чиқаётган газлар ва чиқинди газ фильтри қисмлари қизиб кетиб, одамнинг куйиши, аланга чиқиши ёки оддий буюмларни эришига сабаб бўлиши мумкин.

Мос келадиган чиқариш қувурлари билан таъминламагунча, чиқинди газни тозалаш амалиётларини ёпиқ бинода асло амалга оширманг.

МУҲИМ: Диагностика ва таъмирлаш ишлари учун ичкарига йўналган чиқинди газ тизимига уланганда ёки чиқинди газ ҳароратининг ошиши хавфсиз бўлганда Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш тизимини ўчиринг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги Мотор созламалари - Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалашни ўчириш қисмига қаранг.

Жуда зарур бўлмаса, Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш тизимини ўчирманг. Қўлда режимида ёки тўхтаб турган ҳолатда фильтрни тозалаш амалиётини бажариш учун қайта-қайта ўчириш ёки эслатмаларга эътибор бермаслик қўшимча тарзда мотор қуввати чекланишига ва охир-оқибат зарурий дилер сервисига олиб келиши мумкин.

Агар чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида ёки тозалаш яқунланиши билан мотор ўчирилса, чиқинди газларни тозалаш компонентлари ишдан чиқиши мумкин.

Ўчирилганда ўзгартириш жараёни:



DISABLED

RXA0175164—UN—17FEB20

Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш ўчирилган

1. Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш саҳифасини очиш учун танланг.

ҚАЙД: Ҳар бир ўт олдириш циклидан кейин чиқинди газ фильтрини тозалаш автоматик равишда АВТО режимига қайтади.



ON/OFF

RXA0167628—UN—26APR19

2. Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш учун ON ҳолатини танланг.



Ўпиш

RXA0167129—UN—25MAR19

3. Ўпиш учун танланг.

KD34109,00005B2-UZ-21APR20

Мотор созламалари - Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш режимини ўчириш

ҚАЙД: Фақат Final Tier 4/Stage V моторлар.

Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш режими маълум шароитларда ўчирилиши мумкин.

МУҲИМ: Фақат зарур бўлгандагина Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш режимини ўчиринг.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Уй ичида ёки том остида юқори ҳароратли газларни ташқарига чиқариш тизими уланмаган бўлса.
- Машинани ўчиришдан олдин тозалаш циклини тугатиш учун етарли вақт бўлмаса.
- Кўп миқдордаги экин чанги ёки сомон бўлган шароитларда ишлаганда.
- Ёқилғи қуйиш жойи яқинида.

Ўзгартириш жараёни:



AUTO

RXA0175166—UN—17FEB20

Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш

1. Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш саҳифасини очиш учун танланг.

ҚАЙД: Ҳар бир ўт олдириш циклидан кейин чиқинди газ фильтрини тозалаш автоматик равишда АВТО режимига қайтади.



ON/OFF

RXA0167628—UN—26APR19

2. Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш режимини ўчириш учун OFF ҳолатини танланг.



Ўпиш

RXA0167129—UN—25MAR19

3. Ўпиш учун танланг.



DISABLED

RXA0175164—UN—17FEB20

Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш ўчирилган

Асосий саҳифада DISABLED (ўчирилган) белгиси ва матн чиқади.

KD34109,00005B3-UZ-18FEB20

Мотор созламалари — Тўхтаб турган ҳолатда фильтрни тозалаш

ҚАЙД: Фақат Final Tier 4/Stage V моторлар.

Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш функцияси оператор томонидан ишга тушириладиган жараён бўлиб, унда чиқинди газ фильтри тозаланади.

Жараён давомида тизим мотор тезлигини назорат қилади ва амалиётни бажариш учун машина тўхтаб туриши талаб этилади. Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёни учун талаб этиладиган вақт чиқинди газ фильтрини чеклаш даражасига, атроф-муҳит ҳарорати ва чиқинди газнинг жорий ҳароратига боғлиқ.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Чиқинди газ фильтрини тозалаш индикатори бурчакдаги дисплейда ёниб турганда.

- Чиқинди газ фильтрини АВТОМАТИК тозалаш режимини доимий ўчиришда.
- Меъёрдан ортиқ холостойда ишлаганда.
- Мос келмайдиган сифатдаги ёқилғидан фойдаланганда.

ҚАЙД: Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалашга эътибор берилмаса ва қурум миқдори меъёрдан ортиқ бўлса, чиқинди газ фильтрини тозалаш сўрови - янада кучлироқ тозалаш жараёни талаб этилади.

ДИҚҚАТ: АВТО, тўхтаб туриш ёки чиқинди газ фильтрини зарурий тозалаш режими ёқилганда, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин.

Чиқинди газ фильтрини тозалаш пайтида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.

Чиқинди газ фильтрларини АВТОМАТИК ва қўлда/стационар тозалашда мотор узоқ вақт тез холостойда ва юқори ҳароратда ишлайди. Чиқаётган газлар ва чиқинди газ фильтри қисмлари қизиб кетиб, одамнинг куйиши, аланга чиқиши ёки оддий буюмларни эришига сабаб бўлиши мумкин.

Мос келадиган чиқариш қувурлари билан таъминламагунча, чиқинди газни тозалаш амалиётларини ёпиқ бинода асло амалга оширманг.

Ўзгартириш тартиби:

1. Мос келадиган амалиётни танланг:



RXA0175186—UN—18FEB20

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

- a. Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш



RXA0175191—UN—18FEB20

Чиқинди газ фильтрини тозалаш сўрови

- b. Чиқинди газ фильтрини тозалаш сўрови

2. Машина тўхтаб туриш режимида фильтрни тозалашга созланганини текширинг.

- Машина ҳаракатини тўхтатинг.

- Мотор тезлигини секин холостойга қўйинг.
- Тўхтаб туриш тормозини босинг.
- ҚТҚни ўчириш (олд ва орқа).



RXA0175167—UN—19FEB20

Белгини текширинг

Шарт бажарилганда, шарт ёнида яшил белги чиқади.



RXA0175185—UN—19FEB20

Кейинги

3. Барча шартлар бажарилгач, Кейингисини танланг.

ҚАЙД: Чиқинди газ фильтри тизими чиқинди газ ҳароратини ошириш учун мотор тезлигини бошқаради.



RXA0175188—UN—19FEB20

Ривож индикатори

Чиқинди газ фильтрини тозалаш амалга ошаётган пайтда ривож индикатори чиқиб туради.



RXA0175168—UN—19FEB20

Тўлиқ бажариш

Икки босқичнинг ҳар қайсиси тугаганда тизим сизга маълум қилади:

- Тайёргарлик - чиқинди газ фильтри тизими чиқинди газ ҳароратини ошириш учун мотор тезлигини бошқаради.
- Тозалаш - чиқинди газ фильтри тизими дизель зарраларидан (қурум) тозаланади. Жараён 40 дақиқадан ортиқ давом этиши мумкин.



RXA0167129—UN—25MAR19

Ёпиш

4. Ёпиш учун танланг.

ҚАЙД: Тозалаш якунланганда тизим АВТО режимига ўрнатилади.

Агар амалиётдан кейин дарҳол машинани хизматга қайтармасангиз, моторни ўчиришдан олдин унинг

нормал иш ҳароратига қайтишини кераклича вақт кутинг.

Бекор қилиш жараёни:



RXA0175161—UN—19FEB20

Бекор қилиш

Жараёни бекор қилиш учун тозалаш жараёни давомида исталган пайтда Бекор қилиш тугмасини танланг.

Жараён қуйидагилар орқали ҳам бекор қилиниши мумкин:

- Дросселни ҳаракатга келтириш.
- Трансмиссияни ишга тушириш.
- Моторни тўхтатиш.
- ҚТҚни ёқиш (олд ва орқа).

KD34109,00005B4-UZ-23NOV20

Мотор созламалари - Секинлаштиргич

Секинлаштиргич саҳифасида оёқда секинлаштиргич учун максимал мотор тезлигининг фоизини ростлаш мумкин. Секинлаштиргич фаол бўлганда, дросселнинг тўлиқ диапазони таъсир қилади.

Efficiency Manager™ ишлатилганда ва оёқда секинлаштиргич босилганда, ғилдирак тезлигини камайтириш учун ишга тушириш узатмасигача трансмиссия пастки передачага пасайиши содир бўлиши мумкин. Алмаштиришлар сонини камайтириш учун ишга тушириш узатмасини ростланг.

Ўзгартириш жараёни:



RXA0175170—UN—17FEB20

Кўтариш/пасайтириш қиймати

1. Фоизни ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-) ни танланг. Бирламчи созлама 65% ва 50-95% га ростланиши мумкин. Қиймат экранда кўрсатилади.



Ёпиш

RXA0167129—UN—25MAR19

2. Ёпиш учун танланг.

KD34109,00005B5-UZ-24FEB20

Мотор созламалари — Қўшимча

Қўшимча созламалар сизга қўшимча ростлашлар ва камроқ фойдаланиладиган созламаларга кириш имконини беради.

Қўшимча созламалар саҳифасида мавжуд пунктлар:



RXA0175165—UN—17FEB20

АВТО ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

МУҲИМ: Жароҳат олишдан сақланинг ва ёки моторга шикаст етказманг:


- Мотор билан тормозлаш тизими транспортни секинлаштиришда ишчи тормозга ёрдам беради. Транспортни тўхтатиш учун фақат мотор тормознинг ўзидангина асло фойдаланманг.
- Мотор тормозлари ишлаётганда регулятор орқали чекланадиган мотор тезлигидан оширманг.

Мотор билан автоматик тормозлаш — мотор компрессияси ёрдамида трактор тезлигини пасайтириб, ишчи тормозларда ейилишни камайтиради. Текис юзаларда юкламада юрганда фойдаланинг. Ёқиш учун ЁҚИШ, ўчириш учун ЎЧИРИШ тугмасини босинг.

KD34109,0000617-UZ-08SEP20

Машинани тўхтатиш кераклиги тўғрисидаги огоҳлантириш

Машинани тўхтатиш кўрсатмаси чиққанида



RG22491—UN—21AUG13

МУҲИМ: Айрим ҳолатларда машина моторининг қуввати қуйида кўрсатилгандек пасайтирилиши мумкин. Хабар пайдо бўлиши билан машинани хавфсиз ҳолатга келтиринг ёки хавфсиз жойга кўчиринг. Машинани тўхтатиш кўрсатмаси фақатгина техник хизмат кўрсатиш ходими томонидан бекор қилиниши мумкин.

Мотор газ чиқариш тизимидаги носозлик индикатори чиқиндилар билан боғлиқ носозлик рўй берганда ёритилади.



RG22492—UN—21AUG13


Огоҳлантириш индикатори оператор томонидан чора кўрилиши талаб қилинадиган шароит юзага келганда ёритилади.



RG22493—UN—21AUG13

Моторни тўхтатиш индикатори оператор томонидан зудлик билан чора кўрилиши ва техник хизмат кўрсатилиши талаб қилинадиган шароит юзага келганда ёритилади.

Газ чиқариш тизимидаги носозлик



RG26361—UN—04SEP14

30 дақиқа қолди, мотор газ чиқариш тизимидаги носозлик ва огоҳлантириш индикаторлари ёритилиб, операторни мотор газ чиқариш билан боғлиқ носозлик тўғрисида огоҳлантирувчи сигнал янграйди. Дисплейли машиналарда “Қувват чекланишига 30 дақиқадан кам вақт қолди” хабари акс этади.

- Мотор қуввати нормал даражада.
- Машина нормал ҳолатда ишламоқда.
- Машинани хавфсиз ҳолатга келтиринг.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотга мурожаат қилинг.



RG26972—UN—26MAR15

20 дақиқа қолди, мотор газ чиқариш тизимидаги носозлик ва огоҳлантириш индикаторлари ёритилиб, операторни мотор газ чиқариш билан боғлиқ носозлик тўғрисида огоҳлантирувчи сигнал янграйди. Дисплейли машиналарда “Қувват чекланишига 20 дақиқадан кам вақт қолди” хабари акс этади.

- Мотор қуввати ва айлантериш кучи пасайтирилган.
- Калитни ўчириб ёқиш вақтинчалик тўлиқ қувватни таъминлаб беради.
- Машинани хавфсиз ҳолатга келтиринг.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотга мурожаат қилинг.



RG26972—UN—26MAR15

2 дақиқадан кам қолди, мотор газ чиқариш тизимидаги носозлик ва огоҳлантириш индикаторлари ёритилиб, операторни мотор газ чиқариш билан боғлиқ носозлик тўғрисида огоҳлантирувчи сигнал янграйди. Дисплейли машиналарда “Қувват чекланиши” хабари акс этади.

- Мотор қуввати холостой ҳолатда.
- Машинани хавфсиз ҳолатга келтиринг.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотга мурожаат қилинг.

DX,MACHSTOPWARN,AG-UZ-02OCT15

Моторнинг ёқилғи тизими ва қувват даражаси

Ёқилғи тизими

МУҲИМ: Пуркаш тизими ёки чиқиндиларни назорат қилиш мосламаларини ўзгартириш харидорга кафолатни бекор қилади.

Пуркаш тизимини таъмирлашга уринманг. Махсус малака ва махсус асбоблар керак бўлади. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Мотор сертификати/Қувват даражаси


Моторнинг чиқитлари ҳақидаги маълумот ёрлиғида кўрсатилган кВт (от кучи) қуввати бу – вентиляторсиз

маховикнинг номинал қуввати кВт (от кучи)ни ифодалайди.

TS36762,0000174-UZ-18NOV16

Аккумуляторни узиш дастаги

⚠ ДИҚҚАТ: Электр қувватига тасодифан тегишиш натижасида жароҳатланиш ёки трактор тизимларининг шикастланишидан сақланинг. Аккумуляторни кўрсатма берилганида узинг.



Аккумуляторни узиш дастаги трактор зиналари яқинида жойлашган.

МУҲИМ: Тракторнинг электр тизими ва газ чиқариш тизими шикастланишининг олдини олинг. Қуйидаги ҳолатларда ҳеч қачон аккумуляторни узиш дастаги (А) ёрдамида ўчирманг:

- Мотор ишлаб турганда.
- Аккумуляторни узиш чироғи (В) ёнади.

Узоқ сақланса, доим аккумуляторни узиш калитини ўчик ҳолатига буранг. Аккумуляторни ўчириш мурватини “ёқилган” ҳолатда қолдирса, аккумулятор қувватини йўқотиши мумкин.

1. Аккумуляторни узиш дастагидан фойдаланишдан олдин қуйидагиларни таъминланг:
 - a. Трактор тўхтаган.
 - b. Трансмиссия ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатига қўйилган.
 - c. Калит ЎЧИРИЛГАН.
2. Аккумуляторни узиш индикатор чироғи ўчганида аккумуляторни узиш дастагини ўчиринг (С).
3. Зарур бўлса, аккумуляторни узиш дастагини берилган тешиклар (D) ёрдамида ўчик ҳолатига маҳкамланг.

4. Тракторни ишлатишдан олдин аккумуляторни узиш дастагини (Е) ёқинг.

EC82310,0000F58-UZ-09NOV20

Моторни ўт олдириш

Моторни ишга туширишдан олдин

1. SCV дастагини НЕЙТРАЛ ҳолатга ўрнатинг.
2. ҚТҚни ўчиринг (жиҳозланган бўлса).
3. Қўлда бошқариладиган дросселни қуйи холостой ҳолатига суринг.
4. Узатмалар дастагини ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатига ўрнатинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олиш ёки ўлим хавфидан сақланинг. Трактор ва уланган ускуналарда одамлар ва бошқа объектлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.

5. Уланиш ва тормозлаш тепкиларини охиригача босинг.
6. Овозли сигнал беринг.

Моторни ўт олдириш



1. Калитни (А) тўлиқ соат мили бўйича ишга тушириш ҳолатига буранг. Моторнинг бошқарув блоки (ECU) калитнинг ҳолатини сезади ва моторни ўт олдириш учун стартерга сигнал юборади. Калитни қўйиб юбориш мумкин.
2. ECU белгилаган вақтдан кейин мотор ўт олдирилмаса, ташқи шароитларга боғлиқ равишда мотор совишига вақт бўлгунича ECU ишга тушириш ҳаракатини бекор қилади. Шароитларга боғлиқ равишда ECU:

- Моторни 2 дақиқагача ўт олдиришга ҳаракат.
- 2 сониягача иккинчи ўт олдиришнинг олдини олинг.

3. Қуйидаги шароитларнинг бири содир бўлмагунча моторнинг ўт олдириш ҳаракати давом этади:

- Мотор ўт олдирилади.
- Калитни OFF ҳолатига буриш орқали ишга тушиш жараёни бекор қилинади.
- ECU томонидан мотор муаммоси аниқланган.
- Ишга тушиш учун 2 сониягача ҳаракат қилгандан кейин мотор ўт олмаган.

4. Агар мотор:

- Ишга тушса, исталган амалларни бажаради.
- Ишга тушмайди, иккинчи уринишда ҳаракат қилинг. Агар мотор ҳали ҳам ўт олмаса, 5-босқичга ўтинг.

ҚАЙД: Агар мотор ишга тушмаса, 2 дақиқагача ECU қўшимча ишга тушиш ҳаракатларининг олдини олиб, ишга тушган мотор совиши учун етарлича вақт беради.

5. Қуйидагиларни текширинг:

- Ёқилги миқдори ва сифати.
- Электр тизими.
- Ташқи ҳарорат. Агар ҳаво совуқ (-6 C [21 F] ёки ундан паст) бўлса, ушбу Оператор қўлланмасининг Совуқ ҳавода ишлатиш бўлимида Совуқ ҳавода ишга туширишни қаранг.

6. Агар 5-босқичда барча босқичлар қабул қилинади, моторни қайта ишга туширишга ҳаракат қилинг. Агар мотор учта уринишдан кейин ҳам ишга тушмаса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KT81203,0000136-UZ-03NOV20

Ўғирлашдан ҳимоя қилиш тизими Иммобилайзер калитлари

Иммобилайзер бу мазкур трактор учун дастурлашган калитга эга бўлиши шарт бўлган тизим. Агар калитда ўзига хос электрон мослама бўлмаса, мотор ишга тушади, лекин қисқа вақт ишлаб, ўчади. Трактор учун дастурлаштирилмаган калит билан давомли уринишлар трактор моторининг айланишига олиб келади, лекин ишга туширмайди.



RXA0108294—UN—24JUN10

Иммобилайзер калитларини стандарт John Deere калитлари билан солиштирмаси

ҚАЙД: Иммобилайзер калитлари (A) одатий ўт олдириш калитларидан (B) биров қалинроқ бўлганлиги учун уларни фарқлаб олиш мумкин. Иммобилайзер калитлари маълум бир трактор учун дастурлаштирилган. Ҳар қандай трактор учун мос келувчи калитларнинг фақат чекланган сони мавжуд.

Иммобилайзер билан жиҳозланган тракторлар сотувчига иккита калит билан етказиб берилади. Сизнинг John Deere дилерингиз орқали учтагача қўшимча калитларга буюртма бериш мумкин.

CESAR регистратори



RXA0117725—UN—09JUN11

CESAR регистратори

Ушбу ўғирлашдан ҳимоя қилиш тизими трактор ўғирлигини камайтиришга, шунингдек ўғирланган тракторларни қайтаришга ёрдам беради.

CESAR регистратори билан жиҳозланган тракторлар машинанинг атрофида жойлашган иккита катта ва 2 кичик сув ўтказмайдиган, учбурчак шаклидаги идентификация ёрлиқларига эга бўлади. Ушбу теглар ичида кичик радиочастотали идентификациялаш (RFID) чиплари мавжуд, улар машинани серия рақамлари олиб ташланган ҳолларида Datatag сканери ёрдамида ўқилиши мумкин. Машина ўғирланган тақдирда тракторларни

ва/ёки трактор қисмларини аниқлаш учун бошқа хавфсизлик компонентлари ишлатилади.

TS36762,00002A7-UZ-14MAY19

Моторни ишга тушириш

МУҲИМ: Моторни қўлда бошқариш дроссели тўлиқ олдинга сурилган ҳолда ёқманг.

Моторни нейтрал ҳолатда ортиқча (5 дақиқадан кўпроқ) ишлашидан сақланг. Нейтрал ҳолатда узоқ ишлаш моторни совутиш суюқлиги ҳароратини меъёрдаги диапазондан пастлашига олиб келиши мумкин. Нейтрал ҳолатда узоқ ишлаш картернинг мойини суюлтирилишига олиб келади, бу ёқилғининг тўлиқ ёнмаслиги ва клапан, поршен ва поршен ҳалқаларида ёпишқоқ ажратмалар ҳосил бўлишига имкон беради. Бу чиқинди тизимида мотор куйиндилари ва ёнмай қолган ёқилғини тез йиғилишига ёрдам беради.

Моторни 1500—2100 айл/дақ. орасида ишлатинг. Трактор кучли тяга ёки ҚОҚнинг [Ag] тўлиқ юкламаси билан ишлаётганида моторни узлуксиз 1500 айл/дақ. дан паст тезликда ишланг.

Тракторни максимал унумдорлик билан ишлаши учун:

- Трактор тўғри балластланганлигига ишонч ҳосил қилинг, ушбу Оператор қўлланмасининг Балластлашнинг самарадорлиги бўлимига қаранг.
- Трансмиссия ҳақида маълумот учун ушбу Оператор қўлланмасининг e18™ PowerShift™ Трансмиссияси бўлимига қаранг.

Агар мотор ўчиб қолса, моторнинг муҳим қисмларини мойланишни таъминлаш учун уни дарҳол ишга тушинг.

Ўт олдириш калитини ЎЧИРИЛГАН ҳолатига ўтказмасдан олдин моторни 20 сония давомида нейтрал ҳолатда ишлатиб туринг.

МУҲИМ: Агар мотордаги муаммолардан дарак берувчи қуйидаги дастлабки белгилар аниқланса, John Deere дилерига мурожаат қилинг:

- Ёғ босимининг кескин пасайиши
- Совутиш суюқлигининг хос бўлмаган ҳарорати
- Ғайриоддий шовқин ёки тебраниш
- Тўсатдан кувватни йўқотиш
- Ёқилғини ҳаддан ортиқ сарфи
- Мой кўп сарфланыпти
- Суюқлик тўкилиши

KT81203,00000C9-UZ-12NOV19

Моторни тўхтатиш

МУҲИМ: Иш юкламасида ишлаётган моторни тўхтатишдан олдин моторнинг иссиқ қисмларини совутиш учун моторни эркин ҳолатда 1000-1200 айл/дақиқада камида 2 дақиқа ушлаб туринг. Агар чиқиш фильтрини тозалаш амалга оширилган бўлса, моторнинг холостой юришидаги ишлаш вақтини 4 дақиқага оширинг. Агар сервис ишлари чиқинди фильтрида амалга оширилса, моторнинг холостойда юриш вақтини 10 дақиқага оширинг.

МУҲИМ: Тракторнинг газ чиқариш тизими шикастланишининг олдини олинг. Индикатор чироғига эга аккумуляторни узиш калити: Трактор газларни танлов асосида нейтрализация қилиш (SCR) тизимидан фойдаланувчи мотор билан жиҳозланган. Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) тизимдан оқиб чиқаётганда чироқ ёнади. Чироқ ўчмагунича узиш калитини бураманг.

Индикатор чироғисиз аккумуляторни узиш калити: Мотор SCR тизими билан жиҳозланмаган. Калитни ўчиришдан аввал кутиш талаб этилмайди.

Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.

1. Тракторни тўхтатинг ва қўлда бошқариладиган дросселни орқага секин холостой ҳолатга тортинг.
2. Уланиш ва тормозлаш тепкиларини охиригача босинг.
3. Трансмиссияни ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатига қўйинг.
4. Барча ускуналарни ерга тушинг.
5. SCV дастаклари НЕЙТРАЛ ҳолатда бўлсин.
6. [Ag] ҚТҚни ажратиш учун орқа ҚТҚ (жиҳозланган бўлса) калитини тортинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун калитни чиқариб олинг.

7. Ўт олдириш калитини OFF ҳолатига бураб қўйинг ва калитни чиқариб олинг.

KT81203,00000D1-UZ-21AUG18

Ёқилғиси тугаган моторни қайта ишга тушириш

1. Ёқилғи бакини тўлдиринг.
2. Электр ёқилғи насосини ишга тушириш ва ёқилғи тизимидаги ҳавони чиқариш учун ўт олдириш калитини “ИШГА ТУШИРИШ” ҳолатига ўтказинг.

ҚАЙД: Ёқилғи идишлари олиб қўйилган ёки бўшатилган бўлса, иккинчи ва учинчи бошқичларни такрорлаш зарур бўлиши мумкин.

3. Моторни қайта ёқишдан олдин насосни 30 сониядан 1 дақиқагача ишлатиб қўйинг.

Ёқилғи насоси 1 дақиқадан кейин ўчади. Насосни қайта ёқиш учун ўт олдириш калитини “УЧИРИШ” ва қайтиб “ИШГА ТУШИРИШ”га ўрнатиш керак.

TS36762,0000179-UZ-18NOV16

Ёқилғи сарфини камайтириш

Қуйида ёқилғи сарфини камайтириш бўйича кўрсатмалар келтирилган:

- Ҳавони тозаловчи элементлар ва ёқилғи, мотор мойи ва трансмиссия/гидравлик филтър элементларини кўрсатилган сервис оралиқларида алмаштиринг, ушбу Оператор қўлланмасининг Сервис — Қайд жадваллари бўлимига қаранг ёки CommandCenter™ экрандаги хабарларида кўрсатилган пайтда.
- Фақат тавсия этилган мой ва мойлаш материалларидан фойдаланинг, ушбу Оператор қўлланмасининг Ёқилғи, мойлаш материаллари ва совутиш суюқлиги бўлимларига қаранг.
- Энг самарали ишлаш учун жипслашиш функциясини созланг, ушбу Оператор қўлланмасининг TouchSet чуқурлигини бошқариш бўлимига қаранг.
- Тракторни балластлаш шартларини ушбу Оператор қўлланмасининг Балластлашнинг самарадорлиги бўлимига қаранг.
- Пасайтирилган мотор тезлигида имкони борича юқори узатмаида ҳайданг. Трактор ишлаётган пайтда мотор юклама остида эканида узатмани мотор тезлиги 150-250 айл/дақ.гача тушадиган қилиб танланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг e18™ PowerShift™ Трансмиссияси бўлимига қаранг.

ҚАЙД: Енгил ишлар учун мотор тезлигини 2000 айл/дақ.дан пастга тушинг. Ишлаш пайтида узатмани мотор тезлиги 200-300 айл/дақ.гача тушадиган қилиб танланг.

Максимал мотор тезлигидан фойдаланиш ёнилғи тежашни яхшилаши мумкин. Максимал мотор тезлиги созламалар ҳақида кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг Мотор созламалари бўлимига қаранг.

KT81203,00000D2-UZ-22APR21

Қўшимча аккумулятор ёки қувватлагич

⚠ ДИҚҚАТ: Аккумуляторлардан чиқадиган газ портловчидир. Аккумуляторларга учқун ва алангани яқинлаштирманг. Охириги улаш ва биринчи узиш пайтида қўшимча аккумулятордан узоқроқда туринг.

МУҲИМ: Улашдан олдин қутблари тўғрилигига амин бўлинг. Қутбларни нотўғри танлаш электр тизимини шикастланишига олиб келиши ёки аккумулятор портлашини келтириб чиқариши мумкин.

Агар икки ёки ундан ортиқ қўшимча аккумуляторлар ишлатилса, қўшимча аккумуляторларнинг 12 вольтлик қувват ишлаб чиқаришини таъминлаган ҳолда уларни параллел улаш талаб қилинади.

Тракторнинг газ чиқариш тизими шикастланишининг олдини олинг. Аккумуляторни узиш дастаги чироғи ёниб турганда аккумуляторнинг узиш дастагини асло узманг. Ушбу Оператор қўлланмасида Аккумуляторни ўчириш мурвати бўлимини қаранг.

Қўшимча аккумулятор



RXA0185275—UN—01SEP21

Аккумуляторнинг алмашиш клеммаси трактор зиналари яқинида жойлашган.

1. Тракторнинг аккумулятор клеммаси қопқоғини ечиб олинг.
2. Қизил (мусбат) аккумулятор кабелени бунга бириктиринг:
 - a. Масофадан мусбат стартер клеммаси (А).
 - b. Кучайтиргич аккумуляторнинг мусбат қутби.
3. Қора (ерга улаш) аккумулятор кабелени қуйидагига бириктиринг:
 - a. Кучайтиргич аккумуляторнинг манфий қутби.
 - b. Масофадан манфий стартер клеммаси (В).
4. Трактор ишга тушса, қуйидагини ечинг:
 - a. Тракторнинг манфий кабели.

- b. Кучайтиргич аккумуляторнинг манфий кабели.
- c. Аккумуляторнинг мусбат кабели.
- d. Тракторнинг мусбат кабели.

Аккумуляторни қувватлагич

МУҲИМ: Аккумуляторни қувватлашни номинал 12 вольтга ва кўпи билан 16 вольтгача созланг. Аккумуляторни қувватлаш жиҳози ишлаб чиқарувчисининг Фойдаланиш қўлланмасига қаранг.

1. Аккумуляторни қувватлаш жиҳози ўчик эканига ишонч ҳосил қилинг.
2. Тракторнинг клеммаси қопқоғини ечиб олинг қуйидагига бириктиринг:
 - a. Қувватлаш жиҳози симининг мусбат (қизил) учини ташқи стартернинг мусбат клеммасига уланг.
 - b. Қувватлаш жиҳози симининг қора манфий (ерга улаш) учини ташқи ерга улаш устуни.
3. Қувватлаш жиҳозини ёқинг ва аккумуляторни қувватлаш жиҳози ишлаб чиқарувчисининг қўрсатмаларига мувофиқ қувват олдинг.
4. Қувватлаш жиҳозини ўчиринг.
5. Трактор ишга тушса, қуйидагини трактордан ечинг:
 - a. Манфий қувватлаш жиҳози кабели.
 - b. Мусбат қувватлаш жиҳози кабели.

EC82310,0000F59-UZ-31AUG21

Совуқ ҳавода ишлатиш

Совуқ ҳавода ишга тушириш - Ишга тушириш воситаси билан

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ишга тушириш суюқлиги ўта ёнувчан. Бу маҳсулотдан фойдаланганда чекманг ва барча алангани ўчиришга ишонч ҳосил қилинг. Бу маҳсулотдан фойдаланаётганда ва/ёки агар буғлар ҳали ҳам мавжуд бўлса, барча назорат чироқларини, печкаларни, иситкичларни, электр моторларни ва бошқа учқун чиқарувчи манбаларни ўчиринг.

Заводда совуқ ҳавода ишга тушириш ёрдами билан жиҳозланган тракторлар автоматик ишга тушириш инжектор тизимидан фойдаланади. Тизим заруратга кўра ёқилғи ва мотор совиткич ҳароратларига асосланиб, автоматик ишга туширишни амалга оширади. Ҳаво олиш панжараларига ишга тушириш суюқлигини қўлда сепиш тавсия этилмайди ёки зарур эмас.

Агар мотор ишга тушмаса:


- Ёқилғи миқдори ва сифатини текширинг.
- Ишга тушириш суюқлиги канистрида суюқлик мавжудлигини текширинг.
- FE14 сақлагич ва KE14 релени текширинг.
- Агар мотор учта уринишдан кейин ҳам ишга тушмаса Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Ишга тушириш ёрдамчиси канистрини алмаштириш учун оператор қўлланмасининг бу бўлимида Ишга тушириш суюқлиги канистрини алмаштиришга қаранг.

GH15097,00003E1-UZ-09MAR20

Ўт олдириш суюқлиги канистрини алмаштириш

⚠ ДИҚҚАТ: Ишга тушириш суюқлигини ўт, учқун ёки аланга ёнида ишлатманг. Контейнер устидаги диққат маълумот ёрлиғини ўқинг. Контейнерни шикастланишдан ҳимоя қилинг. Ўт олдириш суюқлиги идишларини кабина ичида олиб юрманг.



RXA0141914—UN—05JUN14

1. Канистрни (А) олиш учун капотни кўтаринг.
2. Янги контейнердан хавфсизлик қопқоғи ва пластик пуркаш учлигини олиб ташланг.
3. Канистрни бўшатинг ва эски канистрни олиб ташланг.

МУҲИМ: Моторга чанг киришининг олдини олиш учун доим ўт олдириш суюқлиги контейнерини тегишли ҳолатда сақланг ёки контейнер тубини тозалаб туринг ва контейнернинг таг қисмини юқорига қаратиб қўйинг.

4. Янги контейнер ўрнатинг ва канистрни қотириг.

TO84419,000039B-UZ-25JUL17


Моторни совитиш воситаси иситкичидан фойдаланиш

⚠ ДИҚҚАТ: Электр токи уриши ёки ёнғиндан сақланиш учун, 3 талик симдан, 14 AWG (14 ўлчагичли)дан, ташқарида ишлатишга мос келувчи мураккаб шароитлар учун 15 ампер нисбатли электр шнурдан фойдаланинг. Ҳар доим электр симини GFI (Ground Fault Interrupter – тупроқ туташуви узгичини) билан ҳимояланган 220 вольтли (агар мавжуд бўлса 120 вольтли) розеткага уланг.

Иситкични қувват манбасига улашдан олдин элемент совитиш моддасига ботириб қўйилсин. Иситкич очиқ турганида АСЛО ток уламанг. Акс ҳолда элемент қобиғи ёрилиб кетиб, жароҳат етказиши мумкин.

МУҲИМ: Трактордаги ерга улаш хатолигини тўсuvчи тракторни қувват билан таъминловчи электр симларини эмас, балки фақат тракторни ҳимоя қилади. Ҳар сафар фойдаланишдан олдин ерга улаш хатолигини тўсuvчини синовдан ўтказинг.

ҚАЙД: Фавқулодда совуқ ҳаво моторни 1—2 соат қизитишни талаб қилиши мумкин.



RXA0164452—UN—05SEP18

Тракторнинг олд ўнг томони

Моторнинг ўнг томонида жойлашган моторни совитиш воситасининг иситкичи вилкасини (А) ерга улаш хатолигини тўсувчи билан җимояланган 220 вольтли (жиҳозланган бўлса, 120 вольт) электр розеткага уланг.

BH38674,0000D8D-UZ-25AUG21


Чиқариш назорати ускунаси

Чиқиш газлари нейтрализацияси индикаторлари




RG22487—UN—21AUG13

Дизель газини тозалаш суюқлиги индикатори




RG22488—UN—21AUG13

Мотор газ чиқариш ҳарорати индикатори



RG22489—UN—21AUG13

Чиқиш фильтри индикатори



RG22490—UN—21AUG13

Автоматик тозалаш ўчирилган ҳолати индикатори



RG22491—UN—21AUG13

Мотор газ чиқариш тизимидаги носозлик индикатори



RG22492—UN—21AUG13

Огоҳлантириш индикатори



RG22493—UN—21AUG13

Моторни тўхтатиш индикатори

МУҲИМ: Моторни бошқариш блоки томонидан чиқинди газларни назорат қилиш тизими яхши ишламаётгани ва/ёки мотордаги носозликлар аниқланган тақдирда, оператор операторни огоҳлантириш тизими томонидан хабардор қилинади. Операторни огоҳлантирувчи сигналларнинг талабларига риоя қилмаслик мотор қувватининг чиқиндилар туфайли пасайишига сабаб бўлиб, бу машинани дала шароитида ишлатиш имкониятини йўққа чиқариши мумкин.

Машинанинг нотўғри ишлашини тўғрилаш, чиқинди газларни назорат қилиш тизимидан қуйидаги огоҳлантириш хабарларида айтиб ўтилган тўғрилаш чораларига биноан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш учун тезкор чораларни кўриш муҳим.

Дизель газини тозалаш суюқлиги индикатори суюқлик даражаси паст бўлганда ёритилади. DEF бакини тўлдириш.

DEF индикатори огоҳлантириш индикатори ёки моторни тўхтатиш индикатори билан бирга акс этса, моторни бошқариш блоки моторнинг иш кўрсаткичларини пасайтиради, негаки дизель газини тозалаш суюқлиги ўлчанадиган даражадан ҳам пастда бўлади. DEF бакини тўлдириш.

Мотор газ чиқариш ҳарорати индикаторининг ёритилиши чиқиш газининг ҳарорати юқори экани, мотор юқори холостой тезликда ишлаётгани ёки чиқиш фильтрини тозалаш жараёни кетаётганини англатади. Агар оператор машинани юқори чиқиш ҳароратида ишлатиш хавфли, деб ҳисоблаб, автоматик тозалашни ўчириб қўймаса, машинани нормал режимда ишлатиш мумкин.

Мотор газ чиқариш ҳарорати индикатори огоҳлантириш индикатори ёки моторни тўхтатиш индикатори билан бирга акс этса, чиқиш газининг ҳарорати кутилгандан юқорироқ бўлгани боис моторни бошқариш блоки моторнинг иш кўрсаткичларини пасайтиради. Носозлик диагностика коди тартибига риоя қилинг ёки техник хизмат кўрсатиш бўйича ваколатли дилерга мурожаат қилинг.

Чиқиш фильтри индикаторининг ёритилиши чиқиш фильтрини тозалаш жараёни кетаётганини, чиқиш газлари нейтрализацияси тизими носоз экани, чиқиш фильтрини тозалаш талаб қилинишини ва оператор чиқиш фильтрини автоматик тозалаш режимини

ўчириб қўйганини англатади. Агар шароит хавфсиз бўлса, оператор чиқиш фильтрини автоматик тозалаш режимини ишга тушириши, хизматни тиклаш амалиётларини қўлда бажариши ёки носозлик диагностика коди тартибига риоя қилиши лозим.

Чиқиш фильтри индикатори огоҳлантириш индикатори билан бирга акс этса, чиқиш газларини нейтрализация қилиш тизимидаги носозлик ёки чиқиш фильтридаги қурум даражасининг бирмунча юқорилиги боис моторни бошқариш блоки моторнинг иш кўрсаткичларини пасайтиради. Агар шароит хавфсиз бўлса, оператор чиқиш фильтрини автоматик тозалаш функциясини ишга тушириши лозим. Агар шароит хавфли бўлса, оператор машинани хавфсиз жойга қўчириши ва чиқиш фильтрини автоматик тозалаш функциясини ишга тушириши лозим. Хизматни тиклаш амалиётларини қўлда бажаринг ёки носозлик диагностика коди тартибига риоя қилинг.

Чиқиш фильтри индикатори моторни тўхтатиш индикатори билан бирга акс этса, чиқиш газларини нейтрализация қилиш тизимидаги носозлик ёки чиқиш фильтридаги қурум даражаси ҳаддан ташқари юқори бўлгани боис моторни бошқариш блоки моторнинг иш кўрсаткичларини пасайтиради. Агар мана шу тўплам бор бўлса, техник хизмат кўрсатиш бўйича ваколатли дилерга мурожаат қилинг.



Оператор чиқиш фильтрини автоматик тозалашни ўчириш тўғрисидаги сўровни бажарган бўлса, автоматик тозалаш индикатори ёритилади. Бу белги оператор диагностик ўлчагич орқали чиқиш фильтрини автоматик тозалаш функциясини ишга туширмагунга қадар ёритилган ҳолда қолади. Агар вазият хавфсизлик билан боғлиқ бўлса ёки тозалаш жараёнини якунлаш учун ёқилғи ҳажми етарли бўлмаса, автоматик режимни ўчириш тавсия қилинмайди.

Мотор газ чиқариш тизимидаги носозлик индикатори мотор газ чиқариш нормал иш кўрсаткичлари чегарасидан чиқиб кетганда ёки мотор газ чиқариш тизимида носозлик юзага келганда ёритилади. Носозлик диагностика коди тартибига риоя қилинг ёки техник хизмат кўрсатиш бўйича ваколатли дилерга мурожаат қилинг.

Мотор газ чиқариш тизимидаги носозлик индикатори огоҳлантириш хабари билан бирга акс этса, мотор газ чиқариш нормал иш кўрсаткичлари чегарасидан чиқиб кетгани ёки мотор газ чиқариш тизимида носозлик юзага келгани боис моторни бошқариш блоки моторнинг иш кўрсаткичларини пасайтиради. Носозлик диагностика коди тартибига риоя қилинг ёки техник хизмат кўрсатиш бўйича ваколатли дилерга мурожаат қилинг.

DX,AFTRTREAT,INDCATRS-UZ-12FEB18

Газларни танлов асосида нейтрализация қилиш (SCR) тизими



SCR тизими

RG22427A—UN—07JAN20

A—SCR катализатори
B—DEF дозалаш инжектори
C—DEF дозалаш блоки
D—DEF баки

E—DEF баки коллектори
F—Ички DEF фильтри (бор бўлса)
G—Модулли консервация созламаси
H—Ички консервация созламаси

МУҲИМ: Мотор тўхтагандан сўнг аккумулятор симларини камида 4 дақиқа давомида чиқармай туринг. SCR тизими мотор тўхташи билан ўзини дизель газини тозалаш суюқлигидан (DEF) автоматик равишда тозалайди. Агар линияларнинг тозаланиши учун етарли вақт берилмаса, қолдиқ DEF музлаб қолиши ва совуқ ҳарорат пайтида SCR тизимининг деталларига зарар етказиши мумкин.

Зарарли чиқиндилар соҳасидаги миллий ва маҳаллий талабларга риоя қилиш мақсадида мазкур серия моторлари SCR тизими билан жиҳозланган. Газларни танлов асосида нейтрализация қилиш (SCR) тизимининг асосий деталлари SCR катализатори (A), DEF дозалаш инжектори (B), DEF дозалаш блоки (C), (DEF) баки (D) ҳамда DEF баки коллекторидан (E) иборат. SCR тизими азот оксиди чиқиндиларининг ҳажмини камайтиришда самаралидир. Азот оксиди қурум ва кислотали ёмғирларнинг асосий детали ҳисобланади.

Ёқилғи ёниши пайтида газларни чиқариш тизимида азот оксиди молекулалари шаклланади. DEF газларни чиқариш оқимида SCR катализаторидан аввал киритилади. SCR тизимидаги кимёвий реакция воситасида азот оксиди азот ва сувга айлантирилади.

Сув парлари ёниш жараёнининг нормал қўшимча маҳсулоти ҳисобланади. Машина паст ҳарорат шароитида ишлатилганда, сув парлари конденсацияга учраб, газларни чиқариш тизимидан оқ рангли тутунга ўхшаб чиқади. Иш ҳарорати кўтарилиб, сув парланишда давом этиши билан бу ҳолат йўқолади. Бундай ҳолат нормал ҳисобланади.

DEF эритмаси -11 °C (12 °F) даражада кристалланиб, музлай бошлайди. Бундан совуқ бўлган иқлим шароитларида DEF бақда музлаб қолади. Шу боис DEF бакида иситиш элементи мавжуд бўлиб, у машина ишга туширилиши билан DEFнинг эришини таъминлайди. Суюқлик ҳолатини сақлаб туриш учун иситиш элементи иш давомида керагича айланиб туради. DEF бирламчи ўт олдириш пайтида тақсимланмайди, шу боис моторни совуқ ҳолатда ишга тушириш пайтида DEF суюқ ҳолатда бўлиши шарт эмас.

Агар DEF сифати ёмонлашиб, унинг техник кўрсаткичлари талаб доирасида бўлмаса, моторнинг қуввати пасайиши мумкин. DEF енгил аммиак ҳидли ва сувдек шаффоф бўлиши лозим. Агар DEF шаффоф бўлмаса, ранг олган бўлса ва ундан аммиак ҳиди анқиб турса, унинг техник кўрсаткичлари талабга жавоб бермайди.

DX,SCR,OVERVIEW-UZ-30MAR20

Дизель қуруми фильтрига (DPF) сервис

⚠ ДИҚҚАТ: Хизмат муддати тугаган чиқинди газ фильтрини тўғри утилизация қилинг. Чиқинди газ фильтрида DPF кули мавжуд бўлиб, у:

- Хавфли чиқинди сифатида таснифланиши мумкин.
- Хавфли чиқиндиларни утилизация қилишни тартибга соладиган барча федерал, штат ва маҳаллий қонунлар ва қарорларга биноан утилизацияни талаб қилади.

Ишлатилган чиқинди газ фильтрлари, хусусан DPF, исталган Жон Дир дилери ёки малакали сервис таъминотчисида алмаштирилиши мумкин.

- DPF дан кулни доимо малакали сервис таъминотчисига олдинг.
- Ёрдам олиш учун Жон Дир дилерига ёки бошқа малакали сервис таъминотчисига мурожаат қилинг.

DPF кулини олиб ташлашнинг маъқулланган усулларида амал қилинмаганда:

- АҚШ федерал, штат ва маҳаллий хавфли чиқиндиларни утилизация қилиш тўғрисидаги қонун бузилиши мумкин.
- DPF фильтрига зарар етиши мумкин, бу эса чиқинди газ тизими кафолатининг бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

МУҲИМ: Ишланган газларни тозалаш тизимига шикаст етишини олдини олинг. Ҳеч қачон:

- Нотўғри ёки маъқулланмаган ишланган газларни тозалаш қисмларидан фойдаланманг.
- Interim Tier 4/Stage III B ва бошқа ишланган газларни тозалаш тизимлари билан жиҳозланган транспорт воситаларида ишланган газларни тозалаш қисмларини алмаштирманг.

Чиқинди газ фильтри DPF га эга. DPF фильтри қуйидагилар учун мўлжалланган:

- Картер мойи ва ёқилғида фойдаланиладиган қўшимчаларнинг ёнмайдиган ҳосиласи бўлмиш қолдиқ кулни ушлаб қолади.
- Кўп соатлик техник хизматсиз ишни таъминлайди. Аммо, DPF фильтри маълум пайтда йиғилган кулни олиб ташлаш учун профессионал хизматни талаб қилади. Профессионал хизматдан олдинги ишлаш соатларининг аниқ сони қуйидагиларга боғлиқ:

- Мотор қувват тоифаси, иш цикли, ёқилғи сифати ва мотор мойининг таркибига.
- Тавсия этилган мой ва ёқилғи маркаларидан фойдаланилиши ишлаш соатларини кўпайтиради.

Мотор эгаси мазкур Оператор қўлланмасида таърифланган талаб этилган техник хизматни бажаришга маъсулдир. Ускунанинг нормал ишлаши давомида:

- DPF фильтрига техник хизмат кўрсатиш талаблари DPF фильтрида кул қандай тезликда йиғилишига боғлиқ.
- DPF фильтрида кул даражаси кўпайган сари қурумни сақлаш қобилияти камаяди ва чиқинди газ тизимидаги чиқишга қаршилиқ янада ошади.
- DPF фильтрига сервис кўрсатиш зарур бўлганда, асбоблар панелидаги индикатор ёки диагностик кўрсаткич бу ҳақда сигнал беради.

EC82310,0000F0A-UZ-17JUN20

Олд консол

Олд консол

ҚАЙД: Чап реверсор учун трансмиссия бўлимига қаранг.




RXA0177210—UN—14APR20

Олд консолга мисол

KD34109,00005E2-UZ-13APR20

Руль чамбараги ва устунини ростлаш



RXA0167453—UN—12APR19

Оғиш/сурилмани тўхтатиш дастаги

Оғиш/сурилмани тўхтатиш дастаги — ростлашни очиш учун дастакни руль устунидан тортинг. Очилганда руль ғилдирагининг кенгайтириш/қайтариш ва оғишини ростлаш мумкин. Қулфлаш дастагини исталган ҳолатга қулфлаш учун руль устуни томонга босинг.



RXA0167454—UN—12APR19

Хотира оғиши тепкиси

Хотира оғиши тепкиси — тепки руль устунидан оғиши учун оператордан ташқарига ёки операторга яқинроқ қилиб пастга босинг. Шу ҳолат сақланаши учун тепкини қўйиб юборинг.

KD34109,00004CB-UZ-29MAY19

Сигнални ишлатиш



RXA0167455—UN—12APR19

Сигнал тугмаси

Сигнал — сигнал чалиш учун руль устунда дастакнинг чапки паст томонидаги тугмани босинг.

KD34109,00004CC-UZ-29MAY19

Ювгичлар ва ойнатозалагичларни ишлатиш

Арткич ва ойнатозалагичлар тугмалари руль устунда ўнг дастакдан жойлашган.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина, мавжуд бўлади.



RXA0167456—UN—12APR19

Олд арткич тезлиги

Олд арткич тезлиги — ювгич/ойнатозалагич дастакларнинг учида мурватни буринг. Созлама қанчалик юқори бўлса, арткич шунчалик тез ишлайди. Пастки созлама ўчик ҳолат (цикл кўрсатилган). Стрелка жорий созламани кўрсатади.



RXA0167457—UN—12APR19

Олд ювгич тугмаси

Олд арткич ойнатозалагич — ювгич/ойнатозалагич дастакларнинг учидаги тугмани босиб туринг. Ойнатозалагични тўхтатиш учун тугмани қўйиб юборинг.



RXA0167458—UN—12APR19

Ўнг/орқа арткич дастагини танлаш

Ўнг/орқа арткични танлаш — фаол ювгич/ойнатоалагичларни танлаш учун дастакни қуйидаги ҳолатлардан бирига қўйинг:

- Ўнг арткич учун чап томон
- Ўнг ва орқа ювгичлар учун марказ
- Орқа арткич учун ўнг



RXA0167459—UN—12APR19

Ўнг/орқа арткич тезлик/ойнатоалагич дастаги

Ўнг/орқа арткич тезлик/ойнатоалагич — фаол ювгич/ойнатоалагичларни ишлатиш учун дастакни ўчик ҳолатидан қўтаринг (цикл кўрсатилган). Созлама қанчалик юқори бўлса, арткич шунчалик тез ишлайди. Ойнатоалагич ишлаши учун дастакни босиб туринг. Ойнатоалагични тўхтатиш учун дастакни бўшатинг.

KD34109,00004CD-UZ-26AUG19


Ўт олдиригич



RXA0168011—UN—17MAY19

Ўт олдиригич

Ўт олдиригич рул устунининг ўнг томонида жойлашган ва учта позицияга эга:



RXA0168012—UN—17MAY19

СТОП

ТЎХТАТИШ — мотор ва барча анжомларнинг функцияларини ўчиради.



RXA0168013—UN—17MAY19

Иш

Ишга тушириш — барча аксессуарларнинг функциялар ва моторни ўт олдиригандан кейин ишга тушириш имконини беради.



RXA0168014—UN—17MAY19

Ишга тушириш

Ишга тушириш — мотор ишга тушади ва ишлаш ҳолатига қайтади.

KD34109,00004CE-UZ-30MAY19

Бурилиш сигналларини ишлатиш



RXA0168015—UN—17MAY19

Бурилиш сигнали дастаги

Бурилиш сигнали тугмаси рул устунидagi чап дастакда.

Ўйлни алмаштириш бурилиш сигнали — фаоллаштириш учун дастакни бир ҳолатга (ўнг сигнал учун юқори, чап сигнал учун паст). Уч марта ёнгандан кейин сигнал автоматик ўчиб қолади.

Ўзини бекор қилувчи бурилиш сигнали — фаоллаштириш учун дастакни икки ҳолатга (ўнг сигнал учун юқори, чап сигнал учун паст). Бурилишдан олдин ёки дастакни бир хил йўналишда дастакни бурса, сигнал ўчади.

KD34109,00004CF-UZ-29MAY19

Тепкилар

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина, мавжуд бўлади.



RXA0177205—UN—14APR20

Тормоз тепкиси

Тормоз тепкиси — секинлаштириш ва машинани тўхтатиш учун ишлатинг. Тормозлар ҳақида кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Тормозлар бўлимига қаранг.



RXA0177207—UN—14APR20

Дебрияж тепкиси

Дебрияж тепкиси — дебрияжни узиш учун ишлатинг.



RXA0177203—UN—13APR20

Тезликни бошқариш тепкиси

Тезликни бошқариш тепкиси:

ҚАЙД: Трактор тезликни бошқариш тепкиларининг бири ёки тепкисиз бўлиши мумкин.

- **Акселератор функцияси (тўқ сарик)** — трансмиссия режимига боғлиқ равишда мотор ёки юриш тезлигини бошқариш учун ишлатинг.
- **Секинлашиш функцияси (кулранг)** — моторнинг айланиш тезлигини секинлашиш созуламасига асосланиб пасайтириш учун ишлатинг. Созламалар учун оператор қўлланмасининг Моторни ишлатишда Мотор созуламаларига қаранг.

KD34109,00005E0-UZ-11AUG21

Чироқларни бошқариш



RXA0168015—UN—17MAY19

Чироқлар дастаги

Узоқни ёритиш фаралари ва чироқнинг олдиндан ўрнатилган созуламалари руль устунидаги чап дастак ёрдамида бошқарилади. Қўшимча чироқ тугмалари, жумладан дала ва йўл чироқлари тугмалари ҳақида маълумот учун оператор қўлланмасининг CommandARM™ бошқаруви элементлари рукнидаги CommandARM™ иқлим, радио ва ёриткичлар бошқарувига қаранг.

- **Яқин/узоқни ёритиш чироқлари жойлашуви** — йўл чироқлари фаоллаштирилган ҳолатда дастакни ойна томонга босинг ва яқин ва узоқни ёритиш тугмалари орасида алмаштириш учун бўшатинг. Узоқни ёритиш фараси режимида бурчакдаги дисплей чироқлари индикатори ёнади.
- **Қисқа муддатли узоқни ёритувчи чироқ (Flash-to-Pass)** — йўл чироқлари фаоллашган ҳолатда дастакни ойнадан тортинг ва узоқни ёритиш фарасини қисқа вақтда фаоллаштириш учун босиб турунг. Яқинни ёритишга ўтиш учун бўшатинг. Созлама тўхташ ёки ўчик режимида бўлганида узоқни ёритиш чироқларини қисқа муддатда фаоллаштиради.
- **Дала чироқлари бошланғич созуламалари** — дала чироқлари фаоллаштирилганда дастакни ойнадан тортинг ёки фаол бошланғич созуламани ўзгартириш учун дастакни ойна томонга босинг.



RXA0168021—UN—17MAY19

Қулайлик чироқлари тугмаси

Қулайлик чироқлари (жиҳозланган бўлса) — ёқиш учун қулайлик чироқлари тугмасини босинг. Қулайлик чироғи жойлари учун оператор қўлланмасининг Чироқлар бўлимидаги Чироқ идентификациясига қаранг.

Тугма жойлашуви:

- 7R, 8RW ва 8RX: Машинанинг чап томони зиналар ораси.
- 8RT ва 9RT: Машинанинг чап томони, аккумуляторни узишдан кейин.
- 9RW ва 9RX: Машинанинг чап томони зиналардан кейин.



RXA0173051—UN—09DEC19

Ташиш чироқлари калити

Ташиш чироқлари (жиҳозланган бўлса) — ёқиш учун калитнинг тепасини ёки ташиш чироқларини ўчириш учун калитнинг тубини босинг. Калит радиога яқин жойлашган. Ташиш чироқлари жойлашуви учун оператор қўлланмасининг Чироқлар бўлимида ташиш чироқларига қаранг.

KD34109,00004D1-UZ-14APR20

Дифференциални блоклаш тугмаси



RXA0177202—UN—13APR20

Дифференциални блоклаш полдаги калит

Дифференциални блоклаш полдаги калит — қўл дифференциални блоклаш режимини фаоллаштириш учун:

- 9RW тракторлар: Полдаги калитни босиб, қўйиб юборинг. Фаолсизлантириш учун CommandARM™ тизимида тормоз ёки дифференциални блоклаш тугмасини босинг. Тугманинг жойлашуви учун ушбу Оператор қўлланмасининг CommandARM™ бошқаруви элементлари бўлимининг чап томонидаги — CommandARM™ бошқарув элементлари рукнига қаранг.
- 9RX тракторлар: Полдаги калитни босиб туринг. Фаолсизлантириш учун полдаги калитни бўшатинг.

Дифференциални блоклаш бўйича кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг Қувват узатмаси бўлимидаги Дифференциални блоклаш қисмига қаранг.

KD34109,00005E1-UZ-05NOV20

Бурчакдаги дисплей

Бурчакдаги дисплей



RXA0168459—UN—29MAY19

Бурчакдаги дисплей

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли параметр билан жиҳозланган бўлсагина намоиш этилади.



RXA0167737—UN—06MAY19

Чапга бурилиш индикатори

Чапга бурилиш индикатори — чапга бурилиш чироғи ёки аварийкалар ёниқ бўлганда ёнади.



RXA0167738—UN—06MAY19

Ўнга бурилиш индикатори

Ўнга бурилиш индикатори — ўнга бурилиш чироғи ёки аварийкалар ёниқ бўлганда ёнади.



RXA0167739—UN—06MAY19

Узоқни олувчи фара индикатори

Узоқни олувчи фара индикатори — узоқни ёритувчи фара чироқлари ёқилганда ёнади.



RXA0167740—UN—06MAY19

Тиркаманинг бурилиш индикатори

Тиркаманинг бурилиш индикатори — бурилиш сигнали ёнганида ва битта тиркама уланганида тиркама белгиси ва 1-чироқ ёнади. 1 ва 2 белги бурилиш сигнали ёки аварийкалар ёниқ бўлганда ва иккита тиркама уланганида ёнади.



RXA0167741—UN—06MAY19

Моторни олдиндан қиздириш индикатори

ҚАЙД: Фақат 6,8 моторлар.

Моторни олдиндан қиздириш индикатори — калит ишга тушиш режимида бўлганида ёнади. Мотор ишга тушиши мумкин бўлганда индикатор ўчади.



RXA0167742—UN—06MAY19

Тахометр

Тахометр — мотор тезлигини дақиқасига айланишлар сонига (айл/дақ) кўрсатади. Агар (- - - -) кўрсатилса, ҳеч қандай тезлик сигнали қабул қилинмаётган бўлади.



RXA0167743—UN—06MAY19

IPM индикатор

Интеллектуал қувват бошқаруви (IPM) индикатори — IPM фаол бўлганда ёнади.



RXA0167744—UN—06MAY19

Максимал мотор айланиш индикатори

Максимал мотор айланиши индикатори — максимал мотор айланиши бир ёки икки фаол бўлганда ёнади.



RXA0167745—UN—06MAY19

Қўлда мотор айланиш индикатори

Қўлда мотор айланиш индикатори — CommandPRO™ жойстик билан жиҳозланган машиналарда мотор айланиши қўлда режимида бўлганда ёнади.



RXA0167746—UN—06MAY19

Максимал мотор айланиши/моторнинг белгиланган тезлиги

Моторнинг белгиланган тезлиги — моторнинг ўрнатилган бир тезлиги фаол бўлганда 1 ёнади. Моторнинг белгиланган иккинчи тезлиги фаол бўлганда 2 ёнади.



RXA0167747—UN—06MAY19

Чиқинди газ фильтрини тозалаш индикатори

Чиқинди газ фильтрини тозалаш индикатори — Чиқинди газ фильтрини тозалаётган пайтда ёнади.



RXA0167748—UN—06MAY19

Юриш тезлиги

Юриш тезлиги — оператор томонидан танланган бирликларга (АҚШ ёки метр тизими) қараб, соатига миллар (мил/соат) ёки километрларда (км/соат) ифодаланган юриш тезлигини кўрсатади. Агар (- - -) кўрсатилса, ҳеч қандай тезлик сигнали қабул қилинмаётган бўлади. Моторни олдиндан қиздириш индикатори (6,8 л моторлар) фаоллашганда моторнинг ишга тушиш вақти кўрсатилади.



RXA0167749—UN—06MAY19

Ерда ўрнатилган тезлик йўналиши ва сони

Ерда ўрнатилган тезлик йўналиши ва сони — фаол ўрнатилган тезлик йўналиши (F — олдинга ёки R орқага) ва сонини (1 ёки 2) кўрсатади.



RXA0167750—UN—06MAY19

Ўрнатилган юриш тезлиги индикатори

Ўрнатилган юриш тезлиги индикатори — ўрнатилган ерда юриш тезлиги бир ёки икки фаол бўлганда ёнади.



RXA0167751—UN—06MAY19

Ўрнатилган юриш тезлиги қиймати

Ўрнатилган юриш тезлиги қиймати — фаол ўрнатилган тезлик учун тезлик қийматини (тўқ сариқ) кўрсатади. Агар CommandPRO™ жойстик билан жиҳозланган ва ўрнатилган тезлик фаол бўлмаса, максимал ўрнатилган тезликни кўрсатилади. Агар ўрнатилган максимал тезлик ёки ўрнатилган тезлик сигнали қабул қилинмаса, (- - -) кўрсатилади.



RXA0167752—UN—06MAY19

CommandPRO™ ўрнатилган тезлик индикатори

CommandPRO™ ўрнатилган тезлиги индикатори — ўрнатилган CommandPRO™ тезлиги бир ёки икки фаол бўлганда ёнади.



RXA0167753—UN—06MAY19

CommandPRO™ ўрнатилган максимал тезлик индикатори

CommandPRO™ ўрнатилган максимал тезлиги индикатори — ўрнатилган CommandPRO™ максимал тезлиги бир ёки икки фаол бўлганда ёнади.



RXA0167754—UN—06MAY19

Ҳаракат йўналиши индикатори

Ҳаракат йўналиши индикатори — машина олдинга юришда бўлганида трактор белгиси ва юқорига стрелка ёнади. Орқага юришда белги ва пастга стрелка тугмаси ёнади.



RXA0167755—UN—06MAY19

Жорий узатма

Жорий узатма — машинанинг узатмасини кўрсатади.



RXA0167756—UN—06MAY19

Тўхташ/нейтрал

Тўхташ/нейтрал — машина тўхтаган бўлса, R ёки машина нейтралда бўлса, N кўрсатилади.



RXA0167757—UN—06MAY19

AutoTrac™ индикатори

AutoTrac™ индикатори AutoTrac™ фаол бўлганда ёнади.



RXA0167758—UN—06MAY19

Автоматик алмаштириш индикатори

Автоматик алмаштириш индикатори — автоматик алмаштириш ёниқ бўлганда ёнади.



RXA0167759—UN—06MAY19

Туртиш режими индикатори

Туртиш режими индикатори — Тезликнинг бирдан ошишининг олдини олиш учун ўрнатилган тезлик 2 км/соатдан (1 мил/соат) пасайса ёки ўрнатилган тезлик 2,5 баробар юқори бўлса, ёнади.



RXA0167760—UN—06MAY19

Тезликни бошқариш тепкиси режими индикатори

Тезликни бошқариш тепкиси режими индикатори — тепки режими фаол бўлганда ёнади.



RXA0167761—UN—30MAY19

iTEC™ индикатори

iTEC™ индикатори — iTEC™ фаоллаштирилганда тугмадаги индикатор ёнади.



RXA0167762—UN—06MAY19

Трактор автоматикаси индикатори

Трактор автоматикаси индикатори — трактор автоматикаси фаол бўлганда ёнади.



RXA0167763—UN—06MAY19

Жойстик индикатори

Жойстик индикатори — жойстик фаол бўлганда ёнади.



RXA0167764—UN—06MAY19

Дифференциал фиксатор индикатори

Дифференциални блоклаш индикатори — дифференциални блоклаш фаол бўлганда ёнади.



RXA0167765—UN—06MAY19

MFWD индикатори

Механик олд ғилдирак узатмаси (MFWD) индикатори — MFWD фаол бўлганда ёнади.



RXA0167766—UN—06MAY19

Олд ҚТҚ индикатори

Олд ҚТҚ индикатори — олд ҚТҚ фаол бўлганда трактор ва олд ҚТҚ белгилари ёнади. 1000 режими фаол бўлганда 1000 ёнади.



RXA0167767—UN—06MAY19

Орқа ҚТҚ индикатори


Орқа ҚТҚ индикатори — орқа ҚТҚ фаол бўлганда трактор ва олд ҚТҚ белгилари ёнади. Тегишли фаол ҚТҚ узатмаси учун ҚТҚ узатмаси ҳақида маълумот ёнади.



RXA0167768—UN—06MAY19

Тиркама пневматик тормози босими ўлчагичи

Тиркама пневматик тормози босими ўлчагичи — тиркама пневматик тормози учун ҳаво босими фоизини кўрсатади. Қизил зонадаги сегментлар тормоз босимларини босим йўқдан (0%) паст босимгача (66%) кўрсатади. Яшил зонадаги сегментлар тормоз босимларини паст босимдан юқори (66,4%) тўлиқ босимгача (100%) кўрсатади. Ҳаво босими паст бўлса, қизил зонадаги сегментлар ёнади.



RXA0167769—UN—06MAY19

Совиткич ҳарорати ўлчагичи

Мотор совиткич ҳарорати ўлчагичи — моторнинг совиткичи ҳароратини 40—120 C (104—248 F) оралиғида кўрсатади. Совиткич ҳарорати 40°C (104° F) дан паст бўлганда барча сегментлар ўчиқ бўлади. Ҳарорат 120°C (248°F) ва ундан юқори бўлганда барча сегментлар ёнади. Ҳарорат қизил зонага етса, қизил зонадаги сегментлар ва белги ёнади.



RXA0167770—UN—06MAY19

Ёқилғи миқдори кўрсаткичи

Ёқилғи миқдори ўлчагичи — бакдаги ёқилғининг тахминий миқдорини кўрсатади. Ҳар бир ёришган сегмент ёқилғи баки тўлиқ сиғимининг 5% ни ифодалайди. Ёқилғи баки тўлганда, барча сегментлар ёнади. Ёқилғи миқдори паст бўлса, қизил зонадаги сегментлар ёнади. Ёқилғи даражаси қизил зонага етса, огоҳлантириш сигнали бир марта чалинади.



RXA0167771—UN—06MAY19

DEF миқдори ўлчагичи

ҚАЙД: Дизель газини тозалаш суюқлиги фақатгина Final Tier 4/Stage V мотори билан жиҳозланган тракторларда мавжуд. DEF ўлчагичи бошқа моторлар билан жиҳозланган машиналарда кўрсатилмайди.

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) миқдори

ўлчагичи — дизель газини тозалаш суюқлиги миқдорини кўрсатади. Ҳар бир ёришган сегмент DEF суюқлиги баки тўлиқ сиғимининг 5% ни ифодалайди. DEF баки тўлганда, барча сегментлар ёнади. DEF миқдори паст бўлса, қизил зонадаги сегментлар ёнади. DEF даражаси қизил зонага етса, огоҳлантириш сигнали бир марта чалинади. Ёқилғи баки тўлдирилганда, DEF суюқлиги баки ҳам тўлдирилиши лозим.

Сигнализация индикаторлари:

Сигнализация индикаторлари CommandCenter™ тизимида кўрсатилган маълумот хабари, носозлик диагностик коди ва/ёки носозлик тавсифи билан биргаликда келади. CommandCenter™ сигналлари, ТЎХТАШ, сервис ва маълумот сигналлари ҳақида кўпроқ маълумот учун ушбу Оператор қўлланмасидаги Муаммоларни ҳал қилиш — Носозлик диагностик кодлари (НДК) бўлимига қаранг.



RXA0167772—UN—06MAY19

ТЎХТАШ сигнали индикатори

ТЎХТАШ сигнали индикатори — ёнади ва зудлик билан аҳамият беришни талаб қилувчи жиддий носозликни кўрсатган ҳолда давомли сигнал тўхтовсиз овоз чиқаради.



RXA0167773—UN—06MAY19

Сервис сигнали индикатори

Сервис сигнали индикатори — чироқ ёнади ва ишлаш ёки ишлатишда муаммо аниқланганини ва имкон қадар тезроқ бартараф этилиши зарурлигини кўрсатган ҳолда безовталиқ сигнали беш марта овоз чиқаради.



RXA0167774—UN—06MAY19

Маълумот сигнал индикатори

Маълумот сигнали индикатори — чироқ узлуксиз ёнади ва GSix шинада бўлганда эҳтимолий хатолик ҳолатини кўрсатган ҳолда сигнал 2 сония чалинади.

Огоҳлантириш индикаторлари:

Огоҳлантириш юзага келганида:

- Тракторни текис ерда тўхтатинг ва юриб кетишининг олдини олинг.

- Носозлик ташхиси коди (DTC) CommandCenter™ дисплейида кўриниб туради. Носозликни ҳал қилиш учун кўрсатмаларга амал қилинг.
- Агар хатоликни тузатиш имконсиз бўлса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.



RXA0167775—UN—06MAY19

Руль бошқарувининг огоҳлантирувчи индикатори

Руль бошқарувининг огоҳлантирувчи индикатори — руль бошқаруви тизимида жиддий хатолик аниқланганида чироқ ёнади.



RXA0167776—UN—06MAY19

Тормозда огоҳлантириш сариқ индикатори

Тормозда огоҳлантириш сариқ индикатори — қўшимча хатоликларни аниқлаш имкониятига таъсир қилувчи электр билан боғлиқ хатолик аниқланганида чироқ ёнади.



RXA0167777—UN—06MAY19

Тормоздан огоҳлантириш қизил индикатори

Тормоздан огоҳлантириш қизил индикатори — қуйидагиларни кўрсатади:

ҚАЙД: Тиркаманинг ҳаво тормозлари ишчи босим даражасига етганида тормоздан огоҳлантириш индикатори (қизил) ёнади, ишчи босим даражасига етиши билан индикатор ўчади. Ишчи босим даражасига етиши билан индикатор ўчади.

- Тормоз тизимининг ишлашига таъсир қилувчи жиддий хатолик аниқланганида чироқ ёнади. Тракторни зудлик билан тўхтатинг.
- Тўхтаб туриш қулфини улаш имконсиз бўлганида чироқ ёнади.

TS36762,0000189-UZ-17AUG21

CommandARM™ тугмалари

CommandARM™



RXA0168022—UN—17MAY19
CommandArm™ намунаси

KD34109,00004E7-UZ-20JUN19



RXA0168025—UN—17MAY19

Шатак чуқурлигини ростлаш мурвати

ҚАЙД: Мурват шатакни юқори чегарадан баланд кўтармайди.

Шатак чуқурлигини ростлаш мурвати — шатакни кўтариш ва тушириш учун фойдаланинг.

CommandARM™ тиркама бошқариш тугмалари [Ag]

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина, мавжуд бўлади.

Олд шатак элементлари:



RXA0168023—UN—17MAY19

Олд шатак дастаги

ҚАЙД: Дастак шатакни юқори чегарадан баланд кўтармайди.

Олд шатак дастаги — олд шатак жойлашувини ростлашга имкон беради. Ушбу оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимида Шатакни бошқариш дастагига қаранг.

Орқа шатак элементлари:



RXA0168024—UN—17MAY19

Орқа шатак дастаги

ҚАЙД: Дастак шатакни юқори чегарадан баланд кўтармайди.

Орқа шатак дастаги — орқа шатак жойлашувини ростлашга имкон беради. Ушбу оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимида Шатакни бошқариш дастагига қаранг.



RXA0168026—UN—17MAY19

Ўрнатиш тугмаси

Ўрнатиш тугмаси — ўрнатилган нуқтани сақлаш учун босинг.



RXA0168027—UN—17MAY19

Қулфлаш тугмаси

Қулфлаш тугмаси — шатакни қулфлаш учун босинг. Очиш учун қайта босинг.



RXA0168028—UN—17MAY19

Қайта тиклаш тугмаси

Қайта тиклаш тугмаси — шатакни ўрнатилган нуқта жойига қўйиш учун босинг.



RXA0168029—UN—17MAY19

Шатак юқори чегара циферблати

Шатакнинг юқори чегараси қийматини киритиш мурвати — юқори чегара созламасини ростлаш учун фойдаланинг. Ростлашни кўриш учун тушувчи меню CommandCenter™ да кўринади.



RXA0168030—UN—17MAY19

Шатак тушиш тезлиги мурвати

Шатакнинг тушиш тезлиги қийматини киритиш мурвати — тушиш тезлиги созулмасини ростлаш учун ишлатинг. Ростлашни кўриш учун тушувчи меню CommandCenter™ да кўринади.



RXA0168031—UN—17MAY19

Шатак юклама чуқурлиги циферблати

Шатакнинг юкланиш чуқурлиги қийматини киритиш мурвати — юклаш чуқурлиги созулмасини ростлаш учун фойдаланинг. Ростлашни кўриш учун тушувчи меню CommandCenter™ да кўринади.

KD34109,00005E4-UZ-15APR20

CommandARM™ SCV Бошқариш дастаклари

ҚАЙД: SCV бошқарув дастаклари трактор функцияларини ва мосламаларни бошқариш учун қайта созуланиши мумкин. Ушбу Оператор қўлланмасининг CommandCenter™ бўлимидаги Бошқарув элементларини созулаш қисмига қаранг.



RXA0168032—UN—17MAY19

SCV I дастаги

SCV бошқарув дастаги SCV оқимини ростлашга имкон беради. Дастаклар сони машинага кўра фарқ қилади. Оператор қўлланмасининг тақсимлаш клапани бўлимида SCV тақсимлаш дастаги ростлашларига қаранг.

KD34109,00004E1-UZ-20JAN21

CommandARM™ ҚТҚни бошқариш дастаклари [Ag]

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина, мавжуд бўлади.



RXA0168033—UN—17MAY19

Олдинги ҚТҚ дастаги

Олд ҚТҚ дастаги — олд ҚТҚни фаоллаштиради/фаолсизлантиради. Оператор қўлланмасининг ҚТҚ — Умумий маълумот бўлимидаги ҚТҚларни ишлатиш бўлимига қаранг.



RXA0168034—UN—17MAY19

Орқа ҚТҚ дастаги

Орқа ҚТҚ дастаги — орқа ҚТҚни фаоллаштиради/фаолсизлантиради. Оператор қўлланмасининг ҚТҚ — Умумий маълумот бўлимидаги ҚТҚларни ишлатиш бўлимига қаранг.

KD34109,00005E5-UZ-19APR21

CommandARM™ иқлим, радио ва ёритишни бошқариш тугмалари



RXA0168035—UN—17MAY19

Товуш баландлиги

Товуш баландлиги — кўтариш учун (+) белгисини ёки камайтириш учун (-) белгисини танланг.



RXA0168036—UN—17MAY19

Олдинги/Кейинги

Олдинги/кейинги — кейинги трек/станция учун юқорини ёки олдинги трек/станция учун пастини босинг.



RXA0168037—UN—28JUN19
Овозни ўчириб қўйиш


Овозни ўчириб қўйиш — карнайнинг товуш баландлигини овозсиз қилиш учун босинг, сўнг овозини ёқиш учун қайта босинг. Фаол қўнғироқ давомида микрофонни овозсиз қилмайди. Микрофонни телефон ёки радио юз панелидан овозсиз қилиши мумкин.



RXA0178830—UN—22JUL20
РТТ/қўнғироқни қабул қилиш

КАЙД: Агар сенсорсиз экран радиоси билан жиҳозланган бўлса, тугма фақат кириш қўнғироқларини қабул қилади.

Push-To-Talk (РТТ)/ қўнғироқни қабул қилиш тугмаси операторга радио ҳолати ва тугмани босиш узунлигига қараб турли функцияларни бажариш имконини беради. Ушбу Оператор қўлланмасидаги Push-To-Talk (РТТ) қисмига қаранг.



RXA0178829—UN—22JUL20
Қўнғироқни тугатиш

Қўнғироқни тугатиш — давом этаётган қўнғироқни тугатиш ёки фаол овозни таниш (VR) сеанси учун босинг.



RXA0167638—UN—26APR19
Ҳаво Оқими Режими

Ҳаво оқими режими — ҳаво оқими режимини танлаш учун босинг. Ҳар бир босиш уни кейинги режимга ўтказиши.



Ҳарорат

RXA0167640—UN—26APR19

Ҳарорат — ҳароратни қўпайтириш учун (+) ёки пасайтириш учун (-) тугмасини босинг.



RXA0167644—UN—26APR19
Вентилятор тезлиги

Вентилятор тезлиги — вентилятор тезлигини қўпайтириш учун (+) ёки пасайтириш учун (-) тугмасини босинг.



RXA0168040—UN—17MAY19
Авариявий чироқлар

Авариявий чироқлар — авариявий чироқларини ёқиш учун босинг, ўчириш учун қайта босинг. Фаол бўлганида индикатор чироғи ёнади.



RXA0168041—UN—17MAY19
Тўхтаб туриш чироқлари

Тўхтаб туриш чироқлари — тўхташ чироқларини ёқиш учун босинг, ўчириш учун қайта босинг. Фаол бўлганида индикатор чироғи ёнади.



RXA0168042—UN—17MAY19
Йўл чироқлари

Йўл чироқлари — йўл чироқларини ёқиш учун босинг. Ўчириш учун қайта босинг. Фаол бўлганида индикатор чироғи ёнади. Жиҳозланган бўлса, танланганида капот/камар қатори чироқлари саҳифаси автоматик кўрсатилади. 10 сония ҳаракатсиз қолганидан кейин саҳифа йўқолади. Оператор қўлланмасининг Чироқ бўлимида Чироқ созламаларига қаранг.



Дала чироқлари

RXA0168043—UN—17MAY19

Дала чироқлари — дала чироқларини ёқиш учун босинг, ўчириш учун қайта босинг. Фаол бўлганида

индикатор чироғи ёнади. Фаол олдиндан созлаш саҳифаси автоматик кўрсатилади. 10 сония ҳаракатсиз қолганидан кейин саҳифа йўқолади. Оператор қўлланмасининг Чироқ бўлимида Чироқ созламаларига қаранг.



RXA0168044—UN—17MAY19

Маёқ чироқлари

Маёқ чироқлари — маёқ чироқларини (жиҳозланган бўлса) ёқиш учун босинг. Ўчириш учун қайта босинг. Фаол бўлганида индикатор чироғи ёнади. Йўл чироқлари ёқилганида маёқ автоматик ёқилади.

KD34109,00004E3-UZ-21JUL20

Push-To-Talk (PTT)

PTT тугмаси операторга радио ҳолати ва тугмани босиш узунлигига қараб турли функцияларни бажариш имконини беради.

Радионинг жорий ҳолати	Apple CarPlay® ишламапти	
	Қисқа босиш (2 сониядан камроқ)	Узоқ босиш (4 сония ва ундан кўпроқ)
Кутиш режими	Натив ^a VR сеансини бошлаш	
Кутиш режими (Телефон Bluetooth® орқали уланган)	Натив ^a VR сеансини бошлаш	Қурилма VR жараёнини бошлаш (Siri® ёки бошқа телефон овозли ёрдамчиси)
Кирувчи қўнғироқ	Қўнғироқни қабул қилиш	—
Фаол қўнғироқ	Натив ^a VR сеансини бошлаш	—
Буйруқни тинглаш	—	Табиий ^a VR сеансини тўхтатиш
Буйруқни бажариш	—	
Овозли хабарни эшиттириш	Овозли хабарни тўхтатиш	

^aVR радио орқали ишламоқда.

Радионинг жорий ҳолати	Apple CarPlay® ишляпти
	Қисқа ёки узоқ босиш
Кутиш режими	Siri® билан гаплашиш
Кирувчи қўнғироқ	Қўнғироқни қабул қилиш (отбой берганда)
Фаол қўнғироқ	—
Фаол VR сеанси	VR сеансини якунлайди

KD34109,00004FB-UZ-06JAN20

CommandARM™ тугмалари—чап томон

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина, мавжуд бўлади.



RXA0171324—UN—10OCT19

Тезлик/алмаштириш тугмасига мисол

Тезлик/алмаштириш тугмаси — трансмиссияни ишлатиш учун фойдаланинг. Машинада мавжуд тугма ҳақида кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг Трансмиссия бўлимига қаранг.



RXA0168423—UN—30MAY19

AutoTrac™ давом эттиш тугмаси (ABTO)

AutoTrac™ тиклаш тугмаси (ABTO) — агрегатнинг оператор қўлланмасида кўрсатилганидек, агрегатни тайёрлагандан кейин Трактор-агрегатни автоматлаштиришни (TIA) фаоллаштириш учун босинг.



RXA0168424—UN—30MAY19

iTEC™ тугмалари

1-4 тугмалар — тайинланган функцияни фаоллаштириш учун босинг. Тайинлаш ҳақида маълумотлар учун ушбу Оператор қўлланмасининг CommandCenter™ бўлимидаги Бошқарув элементларини созлаш қисмига қаранг.



MFWD тугмаси

RXA0168425—UN—30MAY19

MFWD тугмаси — қўл механик олд ғилдирак узатмаси (MFWD) режимини фаоллаштириш учун босинг. Ушбу оператор қўлланмасининг қувват узатмаси бўлимидаги Механик олд ғилдирак узатмаси (MFWD) қисмига қаранг.



ABTO MFWD тугмаси

RXA0168426—UN—30MAY19

ABTO MFWD тугмаси — ABTO механик олд ғилдирак узатмаси (MFWD) режимини фаоллаштириш учун босинг. Ушбу оператор қўлланмасининг қувват узатмаси бўлимидаги Механик олд ғилдирак узатмаси (MFWD) қисмига қаранг.



Дифференциал фиксатор тугмаси

RXA0168427—UN—30MAY19

Дифференциални блоклаш тугмаси — қўл дифференциални блоклаш режимини фаоллаштириш учун:

- 7R, 8RW, 8RX ва 9RW тракторлар: Тугмани босиб, бўшатинг. Фаолсизлантириш учун тугмани қайта босинг ёки тормоз тепкиси/тепкиларини босинг.
- 9RX тракторлар: Тугмани босиб, ушлаб туринг. Фаолсизлантириш учун тугмани бўшатинг.

Дифференциални блоклаш бўйича кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг Қувват узатмаси бўлимидаги Дифференциални блоклаш қисмига қаранг.



Дифференциални АВТОМАТИК блоклаш тугмаси

RXA0168428—UN—30MAY19

Дифференциални АВТОМАТИК блоклаш тугмаси — АВТОМАТИК дифференциални блоклаш режимини фаоллаштириш учун босинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Қувват узатмаси

бўлимидаги Дифференциални блоклаш қисмига қаранг.



SCV қулфлаш тугмаси

RXA0168429—UN—30MAY19

SCV қулфлаш тугмаси — SCV дастакларини қулфлаш учун босинг. Тугмадаги индикаторлар дастаклар қулфланганида ёнади. Очиш учун қайта босинг.



ISB тугмаси

RXA0168430—UN—30MAY19

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Тугма функцияси хавфсиз ва тўсиқлардан холи очиқ жойдалигини текширинг.

ISOBUS (ISB) тугмаси — агрегатда бошланган амалларни тўхтатиш учун ISOBUS сигналинини бериш учун босинг. Агрегатнинг оператор қўлланмасида агрегат ISB тугмасига мос келишини текширинг.



Қўлда бошқариладиган дроссель

RXA0168431—UN—30MAY19

ҚАЙД: Қўлда бошқариладиган дроссель ғилдирак тезлигини эмас, мотор тезлигини буюради.

Қўлда бошқариладиган дроссель — мотор тезлигини ошириш ёки камайтириш учун фойдаланинг.



Моторнинг максимал тезлиги тугмаси

RXA0168432—UN—30MAY19

Моторнинг максимал тезлиги тугмаси — максимум мотор тезлиги созламасини

фаоллаштириш учун босинг. Фаолсизлантириш учун яна босинг. Фаоллаштирилганда тугмадаги индикатор ёнади. Ушбу оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Мотор созуламалари — Максимал мотор тезлиги қисмига қаранг.



ECO тугмаси

RXA0168433—UN—30MAY19

ECO тугмаси — ECO унумдорлигини фаоллаштириш учун босинг. ECO фақат Махсус трансмиссия режимида мавжуд бўлади. Фаолсизлантириш учун яна босинг. Фаоллаштирилганда тугмадаги индикатор ёнади. ECO созуламаси (жиҳозланган бўлса) ҳақида маълумот учун оператор қўлланмасининг Трансмиссия бўлимига қаранг.



Тезликни бошқариш тепкисини қулфлаш тугмаси

RXA0168434—UN—30MAY19

ҚАЙД: Тугма 1 сониядан кўпроқ ушлаб турилса, тезлик бошқаруви тепкиси блокламайди. Агар тезликни бошқариш тепкиси секинлаштиргич функцияси билан жиҳозланган бўлса, тепкини қулфлаш/очиш тугмаси ишламайди.

Тезликни бошқариш тепкисини қулфлаш/очиш тугмаси — буюрилган тезликни сақлаш учун тезлик бошқаруви тепкисини қулфлаш тугмасини босинг. Тугмадаги индикаторлар қулфланганида ёнади. Тугма қайта босилса, буюрилган тезлик давом этмайди, қулфлашдан кейин тепки босилади ёки машина тўхтатилади.



Моторни белгиланган тезлиги 1-тугмаси

RXA0168435—UN—30MAY19

ҚАЙД: Фақат CommandPRO™ жойстиги билан жиҳозланган машиналар.

Моторнинг белгиланган тезлиги 1-тугмаси — максимум мотор тезлиги 1-созламасини фаоллаштириш учун босинг. Фаолсизлантириш учун яна босинг. Фаоллаштирилганда тугмадаги индикатор ёнади. Ушбу оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Мотор

созламалари — Белгиланган мотор тезлиги қисмига қаранг.



Моторни белгиланган тезлиги 2-тугмаси

RXA0168436—UN—30MAY19

ҚАЙД: Фақат CommandPRO™ жойстиги билан жиҳозланган машиналар.

Моторнинг белгиланган тезлиги 2-тугмаси — максимум мотор тезлиги 2-созламасини фаоллаштириш учун босинг. Фаолсизлантириш учун яна босинг. Фаоллаштирилганда тугмадаги индикатор ёнади. Ушбу оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Мотор созуламалари — Белгиланган мотор тезлиги қисмига қаранг.



Моторнинг қўлда режими тугмаси

RXA0168437—UN—30MAY19

ҚАЙД: Фақат CommandPRO™ жойстиги билан жиҳозланган машиналар.

Моторнинг қўлда режими тугмаси — моторнинг қўлда режимини фаоллаштириш учун босинг. Мотор тезлиги қўлда бошқариладиган дроссель орқали аниқланади. Фаолсизлантириш учун яна босинг. Фаоллаштирилганда тугмадаги индикатор ёнади.

KD34109,00004E4-UZ-27MAY21

CommandARM™ Ёрдамчи тормоз дастаги



Ёрдамчи тормоз дастаги

RXA0169485—UN—02JUL19

ҚАЙД: Бу фақат орқа ўқни тормозлайди.

Дастакни (жиҳозланган бўлса) орқага тортинг ва

иккиламчи тормозни фаоллаштириш учун ушлаб туриш. Ёрдамчи тормозни бўшатиш учун дастакни бўшатиш.

KD34109,00004FE-UZ-01JUL19

CommandARM™ навигация панели



RXA0171956—UN—12NOV19

Навигация панелига мисол



RXA0168445—UN—30MAY19

Ростлаш мурвати

Ростлаш мурвати — танланган киритиш катакчасида ошириш учун соат миля бўйлаб ёки камайитириш учун соат миляга тескари буриш. Ростлаш ғилдирагининг марказидаги тугма CommandCenter™ саҳифасини ёпиш учун ишлатилади.



RXA0168446—UN—30MAY19

Иш саҳифасини ўтказиш

Иш саҳифасини ўтказиш — иш саҳифаларни ўтказиш учун босинг.



RXA0168447—UN—30MAY19

SCV

SCV — SCV иловасини очиш учун босинг.



RXA0168448—UN—30MAY19

Орқа шатак

ҚАЙД: Фақат Ag машиналари.

Орқа шатак — Орқа шатак иловасини очиш учун босинг.



Мотор

RXA0168449—UN—30MAY19

Мотор — мотор иловасини очиш учун босинг.



Трансмиссия

RXA0168450—UN—30MAY19

Трансмиссия — трансмиссия иловасини очиш учун босинг.



ҚТҚ

RXA0168451—UN—30MAY19

ҚАЙД: Фақат Ag машиналари.

ҚТҚ — ҚТҚ иловасини очиш учун босинг.



iTEC™

RXA0168452—UN—30MAY19

iTEC™ — iTEC™ иловасини очиш учун босинг.



Чироқлар

RXA0168455—UN—05JUN19

Чироқлар — чироқлар иловасини очиш учун босинг.



HVAC

RXA0168456—UN—30MAY19

HVAC — HVAC иловасини очиш учун босинг.



Бошқарув воситаларини созлаш

RXA0168457—UN—30MAY19

Бошқарув элементларини созлаш — бошқарув элементи иловасини очиш учун босинг.



AutoLoad™

RXA0168458—UN—30MAY19

ростланаётган бўлса, фақатгина шу мурват керак бўлади.

TS36762,000023C-UZ-20JAN20

ҚАЙД: Фақат скрепер машиналари.

AutoLoad™ — AutoLoad™ иловасини очиш учун босинг.

KD34109,00004E6-UZ-12NOV19

CommandARM™ ҳолатини ростлаш



RXA0167304—UN—02APR19

CommandARM™ ни созлаш


ҚАЙД: Баландликни ростлаш учун иккала ростлаш дастаклари ҳам бўшатилиши лозим.



RXA0167305—UN—02APR19

Фақат баландликни ростлаш

Ростлаш мурвати (фақат баландлик) — бўшатиш учун ростлаш мурватини соатга тескари буранг. CommandARM™ ни исталган ҳолатга силжитинг ва мурватни соат йўналишида бураб қотириг.



RXA0167306—UN—02APR19

Баландлик ва оғишни ростлаш

Ростлаш мурвати (баландлик ва оғиш) — бўшатиш учун ростлаш мурватини соатга тескари буранг. CommandARM™ ни исталган ҳолатга силжитинг ва мурватни соат йўналишида бураб қотириг. Баландлик эмас, балки оғиш

4-авлод дисплейи

4-авлод дисплейи техник ва дастурий таъминоти ишлаши ҳақида қўшимча маълумот учун 4-авлод дисплейи оператор қўлланмаси ва дисплейдаги Ёрдам маркази иловасига қаранг. Оператор қўлланмасининг нусхасини олиш учун дилер билан боғланинг, Ёрдам маркази иловасидан фойдаланинг ёки уни бу манзилдан олинг: techpubs.deere.com.

DX,PC,DISPLAY,REFERENCE-UZ-21MAY20

Орқа шатак ёки ҚОҚ мавжудлиги

[Ag] ҚОҚ ёки орқа шатак опциялари фақат қишлоқ хўжалиги тракторларида мавжуд.

[Куракча] Скрепер трактор учун бу параметрларга кирадиган CommandCenter™ таркибига эътибор берманг.

RX32825,0000004-UZ-09AUG18

Машина созламалари ҳақида

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли параметр билан жиҳозланган бўлсагина намоиш этилади.



RXA0167076—UN—20MAR19

Машина созламалари варағидаги машинага хос иловаларга кириш. Мавжуд иловалар машина конфигурациясига қараб турлича бўлиши мумкин.



AutoLoad™

RXA0180073—UN—09OCT20

AutoLoad™

- AutoLoad™ созламаларини ростлаш учун AutoLoad™ иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Скрепер ҳақида маълумот бўлимига қаранг.



Мотор

RXA0175176—UN—17FEB20

Мотор

- Мотор ва чиқинди газлар филтър тизими созламаларини ростлаш учун Мотор иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимида мотор созламаларига қаранг.



ExactRate™ трактор баки

RXA0178628—UN—08JUL20

ExactRate™ трактор баки

- ExactRate™ тўлдириш ҳақида маълумотларни кўриш учун ExactRate™ трактор баки иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг ExactRate™ трактор баклари бўлимидаги ExactRate™ трактор баки созламаларига қаранг.



Олд шатак

RXA0169132—UN—25JUN19

Олд шатак

- Олд шатак созламаларини ростлаш учун олд шатак иловасига қаранг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Олд шатак бўлимида олд шатакдаги созламаларга қаранг.



HVAC

RXA0167626—UN—26APR19

HVAC

- Иситиш, вентиляция ва кондиционер тизими созламаларини ростлаш учун HVAC иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор

қўлланмасининг HVAC бўлимидаги HVAC
созламаларига қаранг.



John Deere CTIS

RXA0177902—UN—14MAY20

John Deere CTIS

- John Deere CTIS созламаларини ростлаш учун John Deere CTIS иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг John Deere CTIS бўлимидаги John Deere CTIS созламаларига қаранг.



Чироқлар

RXA0168488—UN—05JUN19

Чироқлар

- Чироқ созламаларини ростлаш учун Чироқлар иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Чироқлар бўлимидаги Чироқ созламаларига қаранг.



Техник хизмат ва калибрлаш

RXA0134981—UN—07AUG13

Техник хизмат ва калибрлаш

- Сервис оралиқларини қўшиш/таҳрирлаш ва ер радарлари ва сирпанишни калибрлаш учун Техник хизмат ва калибрлаш иловасидан фойдаланинг.



ҚТҚ

RXA0167685—UN—30APR19

ҚОҚ

- ҚТҚ созламаларини ростлаш учун ҚТҚ иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг ҚТҚ — умумий маълумотлар бўлимида ҚТҚ созламаларига қаранг.



Орқа шатак

RXA0169204—UN—26JUN19

Орқа шатак

- Орқа шатак созламаларини ростлаш учун Орқа шатак иловасига қаранг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимида орқа шатакдаги созламаларга қаранг.



SCV

RXA0173516—UN—03JAN20

SCV

- SCV созламаларини ростлаш учун SCV иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Тақсимлаш клапанлари бўлимида SCV созламаларига қаранг.



Руль

RXA0171926—UN—06NOV19

Руль бошқаруви

- Руль бошқаруви созламаларини ростлаш учун Руль бошқаруви иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Созламалар бўлимидаги созламалар қисмига қаранг.



Амортизатор

RXA0174230—UN—28JAN20

Амортизатор

- Осма тизими созламаларини ростлаш учун Осма тизими иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Узатма механизми бўлимида Амортизатор созламаларига қаранг.



RXA0177626—UN—28APR20

Тиркама тормози

Тиркама тормози

- Тормоз ва олдиндан тормозлаш созуламаларини ростлаш ва ёки тиркама тормозларини синаш учун Тиркама тормоз иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун Тормозлар бўлимидаги Тиркама тормоз тизими созуламалари қисмига қаранг.



RXA0167077—UN—20MAR19

Трансмиссия

Трансмиссия


- Трансмиссия созуламаларини ростлаш учун Трансмиссия иловасидан фойдаланинг.
- Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг тегишли трансмиссия бўлимига қаранг.

KD34109,00005E3-UZ-19APR21

4-авлод CommandCenter™ бўйлаб кезиш

ҚАЙД: Расмлар маълумот учун ва трактор конфигурацияси ёки оператор созуламаларига кўра фарқ қилиш мумкин. Оператор CommandCenter™ саҳифалари бўйлаб ўтар экан кенгроқ маълумотлар берилади, бу операторга трактор функцияларини созулашга имкон беради.

CommandCenter™ саҳифалари бўйлаб кезиш:



RXA0130496—UN—09APR13


CommandCenter™ ва CommandARM™

Танлаш учун сенсорли CommandCenter™ тугмалари ёки белгиларидан фойдаланинг. Кириш катэги қийматларини ростлаш учун клавиатурада қиймат киритиш ёки киритиш катэгини танланг ва ростлаш мурватини (C) исталган қийматга айлантиринг. Танланган киритиш катэчаси атрофида сариқ ажратилган катэчка пайдо бўлади ва ростлаш мурвати фаол эканини кўрсатади.

A—CommandCenter™: CommandARM™ (B) экранига бириктирилган сенсорли дисплей операторга тракторни ишлатиш учун зарурий саҳифаларга киришга имкон беради. Оператор операторга саҳифалар бўйлаб ўтиш ва трактор функцияларига кириш учун танлаш (тегиш) имкониятларини танлаши мумкин.

B—CommandARM™: Тугмалар, калитлар ва жойстикдан (жиҳозланган бўлса) иборат бўлиб, оператор трактор ёки агрегат функцияларини бошқаришга ёрдам беради.

C—Ростлаш мурвати/ойнани ёпиш тугмаси: Кўтариш учун ростлаш мурватини соат мили бўйлаб ёки киритиш катэги қийматларини камайитириш учун соат милига тескари буриш. Ойнани ёпиш учун тугмани бир марта босинг. Барча очиқ ойналарни ёпиш учун босиб туриш.



RXA0137128—UN—19NOV13


Иш саҳифаси

D—қисқа тугмалар Қисқа териш панелида илова функцияларга тезкор қиришга имкон беради.

E—Саҳифани ишга тушириш модуллари: Иш саҳифасида илова функцияларга тезкор қиришга имкон беради.

F—Сарлавҳа сатри: Мавжуд иш саҳифаларига кириш ёки янги иш саҳифасини қўшиш учун танланг.

G—Меню: Дисплей ва машинада ўрнатилган барча иловаларга кириш учун танланг. Бошқа иловалар гуруҳини кўриш учун чапдаги варақларни танланг.



Н—Ёрдам/кенгайтирилган созламалар

туғмалари: Иловада вақтида ёрдам саҳифаларини кўриш ёки бу иловада қўшимча созламаларни ўзгартириш учун сарлавҳа сатрини танланг.

І—Ёпиш тугмаси: Жорий саҳифани ёпиш учун танланг.

Ј—Қийматни ошириш/камайтириш тугмалари:

Кириш катакчаларида қийматни ўзгартириш учун танланг. Қийматни ростлаётганда (+) ёки (-) тугмаларига тегиш ўрнига каттароқ ўзгаришлар қилиш учун (++) ва (- -) тугмаларини ишлатинг. Қаттиқроқ ростлашни талаб қилувчи майдонлар учун фақат (+) ва (-) тугмалари мавжуд.

К—Варақлар: Турли бўлим мавзуларини ўзгартириш учун танланг.

KT81203,00004A1-UZ-05MAY20

Мувофиқ келадиган универсал дисплейлар

4-авлод CommandCenter™ дисплеи бурчакдаги тиргакда уланган куйидаги Жон Дир универсал дисплейлари билан ишлашга созланиши мумкин.

- GreenStar™ 3 2630 дисплей
- 4640 универсал дисплейи
- 4240 универсал дисплей (фақат 7R ва 8R серияли тракторлар)

KD34109,000058C-UZ-11SEP20

Дисплейни ёқиш ва ўчириш


4-авлод CommandCenter™ дисплеи трактор ўт олдиригичи билан ёнади ва ўчади.

- **Илиқ юклаш** CommandCenter™ дисплеи охири 24 соат ичида ишлаётган бўлса, содир бўлади. Дисплей 24 соат ёки ўчирилган қисқа вақт давомида гибернация ҳолатида тикланади. Қайта ёқилганида дисплей тез ёнади (тахминан 10 сонияда).

- Дисплей 24 соат ёки ундан кўпга ўчириб қўйилганидан кейин ёки ток ўзиб қўйилганидан кейин **совуқ юклаш** содир бўлади. Бу давр давомида аккумулятор қувватини сақлаш учун дисплей бутунлай ўчади. Кейинги ёниб-ўчиш тахминан 60 сония олади.

ҚАЙД: Моторни ўчиргандан сўнг дисплей экрани қорайиб қолмагунича ўт олдириш тугмасини қайта ёқманг.

- **Тўлиқ қайта тиклаш** нормал иш шароитларида дисплей бир неча дақиқа ишламаса, талаб этилади.



RXA0148512—UN—25JUN15

Навигация панели

5 сония давомида навигация панелининг чап юқори ва пастки тугмаларини (А ва В) босиш орқали тўлиқ қайта тиклашни амалга оширинг. Агар дисплей ўчиб-ёнмаса, юк маркази сақлагич панелидаги тўққизинчи сақлагични тортинг ва 5 дақиқадан сўнг алмаштиринг. Юклаш маркази сақлагичлари ҳақида кўпроқ маълумот учун оператор қўлланмасининг Сервис — Электр жиҳозлар бўлимидаги Юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг. Агар муаммо ҳал бўлмаса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KT81203,00004A2-UZ-21APR21


Саҳифа ва қийматларни ўзгартириш

Турли усуллар CommandCenter™ саҳифа ва қийматларини танлаш ва ўзгартиришга имкон бериш учун тақдим этилган.



RXA0181011—UN—22JAN21

- **A—Бўлим варағи:** Турли бўлим мавзусини ўзгартириш учун танланг.
- **B—Белгилар:** Иловани очиш учун танланг.



RXA0130123—UN—23APR13

- **C—Гистограмма:** Панелнинг тўлдирилган қисми ёрдамида созламалар ҳақида маълумотларни кўрсатади.
- **D—Шток:** Минимум ва максимум қиймат диапазони доирасида созламани кўрсатади.
- **E—Киритиш катаги:** Ўрнатилган қийматни кўрсатади. Қийматни ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-) белгисини танланг.

ҚАЙД: Ростлаш мурвати ёрдамида қийматларни ўзгартиришда мурватни тезроқ буриш қийматни тезроқ оширади ёки камайтиради.

Агар катта диапазондаги қийматлар мавжуд бўлса, рақамли клавиатурада исталган қийматни тўғридан-тўғри киритиш имконини беради.

KT81203,00004A7-UZ-21JAN21

- Хитой
- Инглиз
- Француз
- Немис
- Италиян
- Португал
- Рус
- Испан

4-авлод ишлаш тизими ёрдам тўплами заводда барча тиллар учун ўрнатилади.

Экран ёрдами тўпламларини қай тарзда ўрнатиш ва янгилаш ҳақида кўрсатмалар учун 4-авлод дисплейи оператор қўлланмасига қаранг.

KT81203,00004A9-UZ-15JUN20

Радарни калибрлаш

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Калибрлашни объект ва атрофдагилардан холи бўлган хавфсиз ва очиқ жойда амалга оширинг.

Қуйидаги ҳолатларда радарни калибрланг:

- Сирғаниш кузатилмаганда радар тезлиги ва ғилдирак/гусеница тезлиги тенг бўлмайди.
- Радар қурилмаси ўрнатилган/алмаштирилган.
- Шина ўлчами ўзгартирилган.
- Тракторнинг балласти ўзгарган.
- Тезлик манбаси ўзгартирилган.




RXA0147926—UN—13APR15

1. Менюни танланг.
2. Машина созламалари варағини танланг.
3. Профилактика ва калибрлаш белгисини танланг.
4. Калибрлаш варағини танланг.
5. Радарни калибрлаш белгисини танланг.
6. Бўшатирилган тракторни қаттиқ, қуруқ ва текис сиртда тахминан 3.2 км/соат (2.0 мил/соат) ҳайданг.

Экранда ўрнатилган стандарт ва Service ADVISOR™ ёрдами

Трактор иловаси ёрдам тўплами қуйида келтирилган саккизта тилда Service ADVISOR™ ёки Service ADVISOR™ Remote билан заводда ўрнатилади:



RXA0147580—UN—10MAR15

ҚАЙД: Радарни калибрлаш Бекор қилиш (B) орқали бекор қилиниши мумкин.

7. Радарни калибрлаш тартибини бошлаш учун Стартни (A) танланг.



RXA0147581—UN—10MAR15

8. Радар калибрлашини тугатиш учун ОК (C) ни танланг.

Уч ҳаракатдан сўнг радарни калибрлаш муваффақиятсиз бўлса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KD34109,00004DE-UZ-06JAN20

Сирпанишни калибрлаш

ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Калибрлашни объект ва атрофдагилардан холи бўлган хавфсиз ва очиқ жойда амалга оширинг.

Қуйидаги ҳолатларда сирпанишни калибрланг:

- Радарни калибрлаш амалга оширилди.
- Сирғаниш кузатилмаганда сирпаниш акс этади.
- Тракторнинг балласти ўзгарган.
- Тезлик манбаси ўзгартирилган.




RXA0147928—UN—13APR15

1. Менюни танланг.
2. Машина созуламалари варағини танланг.
3. Профилактика ва калибрлаш белгисини танланг.
4. Калибрлаш варағини танланг.

ҚАЙД: Сирпанишни калибрлаш белгиси кўриниши учун трактор ҳаракатланаётган бўлиши керак.

5. Сирпанишни калибрлаш белгисини танланг.




RXA0147582—UN—10MAR15

ҚАЙД: Сирпанишни калибрлаш Бекор қилиш (B) орқали бекор қилиниши мумкин.

6. Сирпанишни калибрлаш тартибини бошлаш учун Стартни (A) танланг.

7. Бўшатишган тракторни қаттиқ, қуруқ ва текис сиртда камида 8 км/соат (5 мил/соат) ҳайданг.



RXA0147583—UN—10MAR15

8. Калибрлаш (C) ни танланг.



RXA0147584—UN—10MAR15

9. Сирпаниш калибрлашни тугатиш учун OK (D) ни танланг.

Уч ҳаракатдан сўнг сирпанишни калибрлаш муваффақиятсиз бўлса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KT81203,000020F-UZ-06JAN20

Руль созламалари—кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



Меню

RXA0167075—UN—20MAR19

1. Меню



Машина созламалари

RXA0167076—UN—20MAR19

2. Машина созламалари варағи



Руль

RXA0171926—UN—06NOV19

3. Руль

KD34109,0000571-UZ-05NOV19

Руль созламалари

Руль иловаси руль созламаларига кириш ва ростлаш учун ишлатилади.

Руль бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



Қаршилиқ ҳолати

RXA0174749—UN—05FEB20

Руль чамбараги қаршилиги — Руль чамбарагини буришда талаб этиладиган куч учун созламани ростлаш учун танланг. Ушбу оператор қўлланмасидаги Руль созламалари - Руль чамбараги қаршилиги бўлимига қаранг.

KD34109,0000572-UZ-05FEB20

Руль созламалари—Руль чамбарагининг қаршилиги

Руль чамбарагининг қаршилигининг созламаси операторга руль чамбарагини айлантиришга талаб этиладиган куч учун созламани ростлаш имконини беради.

Ўзгартириш тартиби:



Қўтариш/пасайтириш қиймати

RXA0171921—UN—07NOV19

Қийматни ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-) танланг.

- Максимум: 2
- Минимум: -2
- Қадам: 0,1
- Бирламчи: 0

KD34109,0000573-UZ-25MAR20

Бошқарув воситаларини созлаш



PC15326—UN—08JUL13

Бошқарув воситаларини созлаш тракторни ёки агрегат функцияларини бошқариш учун ўрнатилган трактор жойистигини CommandARM™ дастаклари, 1-4 тугмалар ва учинчи томон қурилмаларини созлайди. ISO Aux агрегатлари трактор жойистиги ёки учинчи томон қурилмасига конфигурация қилинади.

Созлаш вазифалари:

1. Менюни танланг.
2. Иловалар варағини танланг.
3. Бошқарув воситаларини созлаш иловасини танланг.
4. Саҳифанинг чап томонидаги қуйидаги ёрлиқлардан танланг:

ҚАЙД: Стандарт ва буюртма асосидаги (жиҳозланган бўлса) вазифаларни фаоллаштириш учун трактор жойистигини қулфдан чиқаринг. Ушбу оператор қўлланмасининг CommandARM™ бошқарув воситалари бўлимидаги CommandARM™ жойистиги қисмига қаранг.

- **CommandPRO™ жойистиги:** Тракторни бошқариш ва агрегат функцияларига белгиланг (масалан: орқа шатак).
- **Ўрнатилган трактор жойистиги:** Тракторни бошқариш ва агрегат функцияларига белгиланг (масалан: олд шатак).
- **CommandARM™ дастаклари ва 1-4 тугмалари:** Тракторни бошқариш ва агрегат функцияларига белгиланг (масалан: орқа шатак).
- **Учинчи томон қурилмалари:** ISOBUS га бириктирилган Жон Дир ёки бошқа ҳар қандай механизм. Бириктирилгандан сўнг тракторни бошқариш ва агрегат функцияларига белгиланг (масалан: вагон).
- **ISO Aux агрегатлар:** Агрегатни тайинлаш (масалан: вагон) функцияни трактор жойистигидаги махсус тугмага.

5. Қайта конфигурация қилинадиган модулни танланг.

Танланган манбага қараб қуйидаги комбинациялар (вазифалар) мумкин:

- **Ўрнатилган трактор жойистиги, CommandARM™ дастаклари, 1-4 тугмалари ва учинчи томон қурилмалари:** Киритиш + Манба + Функция
- **ISO Aux агрегатлар:** Функция + Қурилма + Киритиш

Вазифаларини бошқариш:




RXA0156706—UN—11JAN17

Трактор жойистиги, CommandARM™ дастаклари ёки 1-4 тугмалари вазифаларини таҳрирлаш учун исталган қайта конфигурация қилинадиган вазифа модулини танланг. Вазифани олиб ташлаш учун исталган вазифа модулини танланг ва Вазифани олиб ташлашни (A) танланг.

Учинчи томон қурилмалари ёки ISO Aux агрегатлари вазифаларини таҳрирлаш учун исталган қайта конфигурация қилинадиган вазифа модулида таҳрирлаш тугмасини (B) танланг. Вазифани олиб ташлаш учун чиқитдон тугмасини (C) босинг.

Буюртмали, ISO Aux ва стандарт созламаларни фаоллаштириш:



RXA0166821—UN—05MAR19

ISO Aux агрегатларида буюртмали вазифаларни ёқиш учун буюртма асосидаги ва ISO Aux тугмаларини танланг

Буюртма асосидагиларни фаоллаштириш (D): Барча гуруҳлар бўйлаб барча буюртма асосидаги вазифаларни ёқади.

ISO Aux (E): Трактор жойистигидаги хабарлар ISO Aux агрегатига юборилганини аниқлайди. Агрегат функцияларини фаоллаштириш учун танланг, фаолсизлантириш учун қайта танланг. Оператор тегишли вазифани ўзгартирмагунича, функциялар сақланади.

Одатий созламалар (F): Завод стандарт созламаларига ҳар қандай буюртмали вазифаларни ўчиради ва тиклайди.

KT81203,00005B2-UZ-25AUG21

Видеокамера дисплейини ўрнатиш

МУҲИМ: Камерани ускунага ва у сиқилмайдиган, урилмайдиган ёки зарба тегмайдиган жойга ўрнатиш орқали камерага шикаст етишини олдини олинг.

ҚАЙД: Камера жойи видеокамера кабелли узунлиги билан чекланган. Жойни танлаганда камеранинг кўриш майдонини ҳисобга олинг.

4200 процессори билан жиҳозланган тракторлар камера учун битта кириш коннекторига ва 4600 процессор билан жиҳозланганлари эса тўртта кириш коннекторига эга бўлади.


Агар камера/камералар заводда жиҳозланган:

- 4600 процессор: Иккитадан тўрттагача видео кириши банд қилинади.
- 4200 процессор: Видео кириши банд қилинади.

4. Камерани исталган жойга ўрнатинг.

Видео созламаларни қандай ростлаш ҳақида маълумот учун 4-авлод дисплейи оператор қўлланмасига қаранг.


KD34109,00004B4-UZ-15JUN20



RXA0169767—UN—31JUL19

Машина 4600 процессор билан жиҳозланган

1. Орқа кабина панелининг пастки очилишида 4 контактли видео коннекторларини (А) топинг.



RXA0107925—UN—28MAY10

Видео коннектор штифти идентификацияси

Штифт рақами	Функцияси
1	Қувват
2	Ерга улаш
3	Сигнал
4	Сигнал — ер

ҚАЙД: Камерани портга улагандан кейин камера ишлаши учун ўчириб ёқиш калити зарур бўлади.

2. Камера кабелини 4 контактли коннекторга уланг.
3. Камера кабелини йўналтиринг.


Ускунани тўлиқ интеллектуал бошқариш тизими (iTEC™)

CommandARM™ назорат функциялари

Тўрттагача кетма-кетликда ускунани тўлиқ интеллектуал бошқариш тизими (iTEC™) функцияси кўп қайтариладиган бир қатор вазибаларни тугмани босиш орқали бажариш имконини беради. Кетма-кетликлар ўчириб юборилгунча ёки устидан ёзилгунча, ҳатто электр ток ўчирилган тақдирда ҳам, хотирада сақланади. Ҳар бир кетма-кетлик 20 тагача функцияни ўз ичига олиши мумкин.

Кетма-кетлик биринчи функциянинг ишга тушишидан бошлаб охириги функциянинг бажарилишигача бўлган амалларни ўз ичига олган ҳодисалар кетма-кетлиги ҳисобланади. Кетма-кетликнинг бирини босиш орқали уни (1-4) бошлаш мумкин.

iTEC™ саҳифаларига 4-авлод CommandCenter™ орқали кириш мумкин. Кетма-кетлики қандай сошлаш ва таҳрирлаш бўйича кўшимча маълумотни оператор қўлланмасидан олинг.



RXA0156096—UN—09DEC16

Қуйидаги iTEC™ ишлаши жадвали элемент ва CommandARM™ тасвири функциясини тасвирлайди.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина, мавжуд бўлади.

iTEC™ функциялари		
	Деталь	Функциялар
A	IVT™ —AutoPowr™, EVT-eAutoPowr™ ва 16-Speed PowerShift™	Ўрнатилган тезликни олдига ўзгартириш
	e18™ ва e23™ трансмиссияси	Олдинга узатмани ошириш ёки пасайтириш
B	Орқа шатак	Кўтариб тушириш ва тез тушириш фиксаторлари
C	Олд шатак	Кўтариш, тушириш, сузиш ва бекор қилиш
D	SCV	Узайтириш, тортиш, чайқалиш ва бекор қилиш
E	1-4 тугмалар ^a	Кетма-кетлик тўплами 1, 2, 3 ёки 4
F	Олдинги ҚТҚ	Ёқиш/ўчириш
G	Орқа ҚТҚ	Ёқиш/ўчириш
H	MFWD	Ёқ/Ўч/Авто

iTEC™ функциялари		
	Деталь	Функциялар
I	Дифференциални блоклаш (7R, 8RW, 8RX ва 9RW)	Ёқ/Ўч/Авто
	Дифференциални блоклаш (9RX)	Авто

^aКетма-кетлик тўпламларини ишга тушириш учун тугмалар созланади ва iTEC™ тизимига тайинланиши мумкин.

KT81203,000093C-UZ-18AUG21

iTEC™ станция тавсифи

⚠ ДИҚҚАТ: Тўсатдан ҳаракатланиб кетиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида олд юклагичларни Ускунани тўлиқ интеллектуал бошқариш тизими билан (iTEC™) бирга ишлатманг.

Кетма-кетлик деганда биринчи ёзилган функциянинг бошланиши ва охириги ёзилган функциянинг бажарилиши назарда тутилади. Бир неча функция, операция ва масофадан иборат бўлган кетма-кетлик даланинг бошида бажарилиши ва иккинчи кетма-кетлик дала ўртасидаги зовурда бажарилиши икки кетма-кетликка мисол бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир дастур 20 тагача функцияни ўз ичига олиши мумкин. Дастурлар ўчириб юборилгунча ёки устидан ёзилгунча, ҳатто электр ток ўчирилган тақдирда ҳам, хотира сақланади.

DB71512,0000142-UZ-15DEC16

CommandCenter™ саҳифалари тавсифи ва функциялари

⚠ ДИҚҚАТ: Исталмаган ҳаракат ва эҳтимолий бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олинг. Олд юклагичларни Ускунани тўлиқ интеллектуал бошқариш тизими билан (iTEC™) бирга ишлатманг.

iTEC™ асосий саҳифаси



RXA0168452—UN—30MAY19

Қисқа тугмадан фойдаланинг ва муқобил йўлни ишлатинг:




RXA0145566—UN—01OCT14

1. Менюни танланг.

iTEC — Deere & Company савдо белгиси

2. Машина созламалари варағини танланг.

3. iTEC™ белгисини танланг.




RXA0158043—UN—02MAR17

- **A — iTEC™ асосий тугмаси:** iTEC™ тизимини ўчириш/ёқиш орасида алмаштиринг.
- **B — Фаол вазифа тўплами тугмаси:** Вазифа тўпламини танланг ёки яратинг.
- **C — Вазифалар рўйхати:** 1-4 тугмаларига тайинланган кетма-кетликлар рўйхати.
- **D — Кетма-кетликларни бошқариш тугмаси:** Кетма-кетликни тахрирланг ва тугмаларни тайинланг.
- **E — Айлантриш панели:** Пастга ёки тепага айлантиринг.
- **F — Ҳолат рўйхати:** Кетма-кетлик бажарилган сари ҳар бир iTEC™ кетма-кетлигининг ҳолатини кўрсатади.

KT81203,00004D7-UZ-18DEC19

Ҳолат соҳаси



RXA0131243—UN—08MAR13

- **A—Ном:** Айни пайтда ишлаётган кетма-кетлик номи.
- **B—Масофа:** iTEC™ кетма-кетлиги ишлаётганда босиб ўтилган умумий масофани кўрсатади.
- **C—Ҳолат:** Жорий ҳолат iTEC™ индикатори.

- **Off** - Ҳеч қандай кетма-кетликни бажариб бўлмайд.
- **Ready** - Кетма-кетлик тайинланган iTEC™ тугма босилишини кутиш.
- **Active** - iTEC™ кетма-кетлиги фаол.
- **RPM Limit** - мотор тезлиги диапазондан ташқарида.¹
- **Park** - Тўхташ қулфи фаоллигини кўрсатадиган трансмиссия.²
- **Operator Presence** - Оператор йўқ, ҳеч қандай iTEC™ ижросига рухсат этилмайди. Оператор жойига қайтди.¹
- **Wheel Speed Low** - филдирак тезлиги < 0,5 км/с (0,3 MPH), ижро вақтинча тўхтатилди.
- **Complete** - кетма-кетлик бажарилди.
- **Aborted** - кетма-кетлик оператор ёки фаол узилиш шароити томонидан бекор қилинди.
- **Error** - бир ёки бир нечта кетма-кетлик босқичлари бажарилмади.


KT81203,00004D8-UZ-10APR18

Барча кетма-кетликлар саҳифаси



RXA0129723—UN—06MAR13

iTEC™ асосий саҳифасида **кетма-кетликлар тугмасини** бошқариш менюсини танланг.



RXA0158044—UN—02MAR17

- **A—Барча кетма-кетликлар варағи:** Мавжуд ҳолатларни кўринг, сақланганини ўчиринг ёки тахрирланг, ёки янги кетма-кетлик қўшинг.
- **B—Кетма-кетлик тўпламлари варағи:** Тайинланган кетма-кетликларни кўринг ёки кетма-кетликни тайинланг.
- **C—Тавсиялар (AutoLearn):** Ўрганилган кетма-кетликларни кўринг ёки тахрирланг.

¹ Кетма-кетликлар тўхтади ёки ушбу шароитда ишга туша олмайди. Кетма-кетликни тиклаш учун шароитни тузатинг.

² Кетма-кетлик тўхтади ёки ушбу шароитда ишга туша олмайди. Кетма-кетликни тиклаш учун шароитни тузатинг.

- **D— Янги кетма-кетлик тугмаси:** Янги кетма-кетликни қўлда дастурланг.
- **E—Таҳрирлаш тугмаси:** Сақланган кетма-кетликни таҳрирланг.
- **F— Ўчириш тугмаси:** Сақланган кетма-кетликни ўчириш.
- **G—Кетма-кетлик тугмаси:** Сақланган кетма-кетликлар рўйхати.

DB71512,000013B-UZ-22AUG17

Янги кетма-кетликни қўшиш

ҚАЙД: Мавжуд функцияларнинг бутун рўйхати учун ушбу оператор қўлланмасидаги CommandCenter™ саҳифалари тавсифи ва функцияларига қаранг.


Асосий саҳифада iTEC™ қуйидаги босқичларни бажаринг:



RXA0158059—UN—02MAR17


1. **Кетма-кетликларни бошқариш тугмасини** босинг.
2. **Барча кетма-кетликлар панелини** танланг.
3. **Янги кетма-кетлик тугмасини** босинг.
4. **Босқич қўшиш тугмасини** танланг.

ҚАЙД: Ўзгаришларни сақламасдан таҳрирлаш жараёнидан чиқиш учун Бекор қилиш (F) тугмасини босинг.




RXA0158057—UN—02MAR17

5. Функциялар рўйхатидан (A) танланг.
6. Ҳаракатлар рўйхатидан (A) танланг.



RXA0158047—UN—02MAR17

7. Босқич масофаси саҳифасида масофани босқичнинг масофа катагига киритиш учун (C) клавиатурадан (D) фойдаланинг.
8. Ок тугмасини (E) босинг.
9. Босқичларни кетма-кетликка қўшиш учун 4-8 босқичларини такрорланг.
10. Давом этиш учун **Кейинги тугмасини** босинг.



RXA0158048—UN—02MAR17


11. Кетма-кетлиқнинг ном катагини (G) танланг. Кетма-кетлик номини киритинг. Якунлагач, **Сақлаш/ОК** тугмасини босинг.

ҚАЙД: Кетма-кетлиқдан фойдаланиш учун уни тайинлаш талаб этилади.

12. Кетма-кетликни тайинлаш катагини (H) танланг. Керакли вазифани танланг ва якунлагач **Сақлаш/ОК** тугмасини босинг.
13. Кетма-кетликни якунлаш учун **Сақлаш тугмасини (I)** босинг.

KT81203,00004D9-UZ-08NOV17

Кетма-кетлик босқичи ҳолати



ҚАЙД: Умумий ҳолат саҳифасига кириш учун исталган iTEC™ саҳифасида маълумот тугмасини (B) босинг. Умумий ҳолат саҳифасида айти пайтда танланган ижрога оид кетма-кетликнинг таркибида бўлган барча функциялар келтирилади.

Кетма-кетликнинг бирор босқичини бажариш имконсиз ёки у узилган бўлса, iTEC™ тизим операторни янги муаммо ҳақида маълумот сигналин (A) ёки хатолик сигналин (F) кетма-кетлик ёки унинг босқичи ёнида кўрсатиш орқали огоҳлантиради. Хатолик кузатилган босқичларни ўқиш мақсадида кетма-кетлик ҳолатига доир саҳифага кириш учун кетма-кетлик ёнидаги (вазифа соҳаси ёки кетма-кетликни тайинлаш панелида) **Огоҳлантириш белгисини** босинг. Пастга ва тепага айлантириш учун айлантириш панелларидан (D) фойдаланинг. Кетма-кетликни таҳрирламоқчи бўлсангиз, кетма-кетликни таҳрирлаш тугмасини (G) босинг. Айти шу босқичдаги муаммо ҳақидаги маълумот учун кетма-кетлик босқичи ёнидаги (ТАҲРИРЛАШ пайтида) **Огоҳлантириш белгисини** босинг. Иккала намоиш муаммонинг қисқа сабабини (C) кўрсатади. Чиқиш учун OK (E) тугмасини босинг.


KT81203,00004DA-UZ-28AUG17

Кетма-кетликни таҳрирлаш ёки олиб ташлаш

Асосий саҳифадан iTEC™:




1. Кетма-кетликларни бошқариш тугмасини босинг.




2. Барча кетма-кетликлар панелини (A) танланг.
3. Керакли кетма-кетликни танланг.

ҚАЙД: Ўчириш тугмаси (C) кетма-кетлик ёки ундаги босқични ўчиради.

4. Кетма-кетлик босқичларини янгилаш учун Таҳрирлаш тушмасини (B) босинг.



5. Кетма-кетликни босқичлари рўйхатидан (D) таҳрирлаш учун керакли босқични танланг. Керак бўлса, босқични жойлаштириш учун айлантириш панелидан (K) фойдаланинг.



RXA0158051—UN—02MAR17

ҚАЙД: Ўзгаришларни сақламасдан таҳрирлаш жараёнидан чиқиш учун Бекор қилиш тугмасини (I) босинг.

6. Босқични таҳрирлаш учун янги босқични қўшиш (E), функция (F) ёки ҳаракат (G) тугмаларини босинг ёки масофани киритиш катагидан (H) фойдаланинг.
7. Кейинги тугмасини (J) босинг.
8. Керак бўлса, кетма-кетлик номини (L) ёки кетма-кетлик вазифасини (M) таҳрирланг.
9. Сақлаш тугмасини (N) босинг.

KT81203,00004DB-UZ-11AUG17


Кетма-кетлик тўплamlари саҳифаси

Асосий саҳифадан iTEC™ қуйидаги босқичларни бажаринг:



RXA0129723—UN—06MAR13


1. Кетма-кетликларни бошқариш тугмасини босинг.




RXA0158311—UN—15MAR17

2. Кетма-кетлик тўплamlари панелини (A) танланг.

3. Керак бўлса, фаол кетма-кетлик тўплamlини (B) танланг ва 4-6 босқичларига амал қилинг. Керак бўлмаса, 7-босқичга ўтинг.



RXA0158312—UN—15MAR17



RXA0158313—UN—15MAR17

ҚАЙД: Ўзгаришларни сақламасдан таҳрирлаш жараёнидан чиқиш учун Бекор қилиш (I) ёки Ёпиш (I) тугмасини босинг.

4. Кетма-кетликлар рўйхатидан (D) кетма-кетлик тўплamlини танланг.
5. Керак бўлса, Таҳрирлаш (C) ёки Янги тўплам (E) тугмасини босинг.
6. ОК тугмасини (G) босинг.
7. Тайинланадиган iTEC™ тугмани танланг.
8. Таҳрирлаш (C) тугмасини босинг.

9. Кетма-кетлик рўйхатидан (H) кетма-кетликини танланг.

KT81203,00004DD-UZ-01SEP17


Кетма-кетликини бажариш

iTEC™ кетма-кетликини бажари айрим трактор функцияларининг муайян тартибда бажарилишини талаб қилади. Агар трактор тўхташ ҳолатида бўлса, кетма-кетлик бажарилмайди. Аввалдан созланган тезликда юриш, узатмаларни алмаштириш ёки автоматик тарзда узатмаларни алмаштириш чоғида трансмиссия дастаги олд ҳолатда бўлиши лозим. Тракторнинг буриш тезлиги камида 0,5 км/с (0,31 м/с) бўлиши лозим.

SCV функцияларидан фойдаланиб кетма-кетликини бажаришдан олдин, алоқадор SCV дастаклари нейтрал ҳолатда бўлиши лозим.

Кетма-кетликини ишга тушириш учун ишлатилган худди шу iTEC™ кетма-кетлик тугмасини босиш орқали жорий кетма-кетликини узинг. Жорий фаол бурилган функциялар бекор қилинади (масалан: Олдин кетма-кетлик қисми ишга тушган бўлса, шатак (жиҳозланган бўлса) ҳаракати ёки SCV оқими тўхтади.

iTEC™ индикатор фаол ҳолатда бўлганда ёнади. Индикатор жойи учун ушбу Оператор қўлланмасининг Бурчақдаги дисплей бўлимидаги Бурчақдаги дисплей қисмига қаранг.



RXA0173766—UN—13JAN20

Кетма-кетликини бажариш пайтида функция қўлда исталган вақтда жорий кетма-кетликини узмаган ҳолда қўшилиши мумкин. Қўлда қўшилган функциялар кетма-кетликининг қолган қисми учун iTEC™ томонидан эътиборсиз қолдирилади. Ушбу функция учун мос сигнал белгиси ҳолат соҳасида (C) акс этади.

1. Ёниқ ҳолат учун iTEC™ бош тугмасини (A) буринг.
2. Керакли кетма-кетлик учун iTEC™ кетма-кетлиги тугмасини (B) босинг.
3. Кетма-кетлик босқичлари ҳолат соҳасида (C)

пайдо бўлади ва босқичларнинг ривожини акс этади.

KT81203,00004DF-UZ-09JUL21

Тавсиялар (AutoLearn)

Автоматик ўрганиш функцияси ёқилганда, тизим машина фонда бажарган ҳар бир ҳаракатни ўрганади. Бир хил шаблон, ҳаракат ёки босқичлар аниқланганда, автоматик ўрганиш функцияси кетма-кетлик яратади. Автоматик ўрганиш функцияси вазифаларни iTEC™ тугмасига тавсия қилади.


Кетма-кетликлар керак бўлмаганда ўчирилиши мумкин. Кетма-кетлик ўчирилгач, барча тугма вазифалари тозаланади ва кетма-кетликдан ортиқ фойдаланиб бўлмайди.

iTEC™ асосий саҳифасидан қуйидаги босқичларни бажаринг:



RXA0129723—UN—06MAR13

1. Кетма-кетликини бошқариш функциясини танланг.




RXA0158056—UN—02MAR17

ҚАЙД: Автоматик ўрганиш функцияси бирламчи бўйича ёниқ бўлади. Уни ўчириш учун автоматик ўрганиш функциясини ёқиш/ўчириш тугмасидан фойдаланинг.

2. Тавсиялар (автоматик ўрганиш) панелини (A) танланг.
3. Тавсиялар тарихини (C) кўриб чиқинг.
4. Тавсия қилинган кетма-кетликини таҳрирлаш ёки тайинлаш учун таҳрирлашни (D) танланг. Кетма-кетликини рўйхатдан ўчириш учун ўчиришни (E) танланг.

KT81203,00004E0-UZ-19JUN19

iTEC™ функциялари—Efficiency Manager™



RXA0139446—UN—17MAR14

Efficiency Manager™ тайинланган тезлик тугмалари (C): Айни пайтда олдинга тайинлаган тезлик созлаш дастагидаги (A) тегишли доира ёрдамида пасайтирилиши ёки оширилиши мумкин. Трансмиссия ўзгаришлари тайинланган тезлик ўзгарганда нормал жадалликда амалга оширилади.

Сақланиши мумкин бўлган минимал тайинланган тезлик 0,8 км/соат (0,5 мил/с). Кетма-кетлик бажарилаётган пайтда тайинланган тезликни ўзгартириш ёки узатмани алмаштириш iTEC™ ишининг узилишига сабаб бўлмайди, бироқ тайинланган тезлик кетма-кетликнинг қолган қисмига татбиқ этилмай қолади.

Тайинланган тезлик iTEC™ кетма-кетлиги томонидан ўзгартирилганда, трансмиссия худди оператор тепага ёки пастга тезликни ўзгартиргандай ишлайди.

KT81203,00004E2-UZ-07MAR19

Трактор-агрегатни автоматлаштириш (ТАА)

ТИА — Умумий маълумот

ДИҚҚАТ: "Трансфер назорати" ва "ўчириш назорати" каби иборалар ТИА ускуналари билан кўп ишлатилишига қарамай, агрегат фаолиятни бутунлай назорат қила олмайди. Оператор ДОИМ ТИА агрегатини ўзи бошқариши мумкин. Агрегатнинг ишлаши жиҳозни шикастлаб қўймаслиги ёки операторнинг ёки бошқа яқин-атрофдаги кишиларнинг жароҳат олиши ёки ўлимига сабаб бўлувчи хавфни келтириб чиқармаслигига ишонч ҳосил қилиш операторнинг масъулиятига киради.

Умумий фойдаланишдаги йўлларда ҳайдаганда ёки яқин-атрофда бошқа кишилар бўлганида ТИА ишлатилмаслиги керак.

ISO талабларига жавоб берадиган тракторлар, ТИА билан ўзаро муносиб агрегатлар муайян алоҳида трактор функцияларини бажариши мумкин. ТИА билан ўзаро муносиб агрегатларга тааллуқли ҳар қандай савол бўйича агрегатнинг Оператор қўлланмасига қаранг ёки Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KD34109,0000901-UZ-14APR21

ТИА ускунасини фаоллаштириш

Реакция кодлари, матнли тавсифлар ва тузатиш чоралари		
Умумий реакция кодлари	Матн кўринди	Тузатиш чораси
0	Код қабул қилинди	Талаб қилинмайди
4	Агрегатни фаолсизлантириш имконсиз	Агрегат аллақачон фаолсизлантирилган
5	Агрегат аллақачон фаоллаштирилган	Талаб қилинмайди, агрегат кутилганидек ишлаши керак
6 ва 11	Фаоллаштириш учун жой етарли эмас	Ёрдам учун дилерингиз билан боғланинг
17	Демо активация доимий активация билан алмаштирилган	Талаб қилинмайди


ҚАЙД: Трактор серия рақамини олиш учун, ушбу Оператор қўлланмасининг Идентификация рақамлари бўлимида маҳсулотнинг идентификация рақамига қаранг.

ТИА агрегати ишлашига рухсат бериш учун фаоллаштириш коди талаб қилинади. Трактор серия рақамлари ва агрегатнинг ясаилиши, модели ва серия рақами бўйича Жон Дир дилери билан боғланинг. Дилер фаоллаштириш кодини John Deere StellarSupport™ тизими орқали олади.



RXA0166970—UN—08MAR19

1. Менюни танланг.
2. Тизим варағини танланг.
3. Дастурий таъминот менежери белгисини танланг.



RXA0166931—UN—08MAR19

4. Фаоллаштириш панелини (А) танланг.
5. Фаоллаштириш саҳифаси кўринганида, Кодни киритиш тугмасини (В) босинг. Клавиатура кўринади.

ҚАЙД: Айрим тракторни автоматлаштириш функциясини фаоллаштириш саҳифаси клавиатура белгилари кулранг тусда бўлади ва фаоллаштириш кодларида ишлатилмайди. Агар тақдим этилган фаоллаштириш коди тракторни автоматлаштириш функциясини фаоллаштириш саҳифаси клавиатурасидаги кулранг тусдаги белгини ўз ичига олса, дилерлардан фаоллаштириш кодини такроран тасдиқлашларини сўранг.

6. Клавиатура ёрдамида активация кодини киритинг, кейин ОК тугмасини танланг.
7. Агар фаоллаштириш коди тўғри киритилса, фаоллаштиришни киритиш соҳасида тасдиқлаш коди кўринади ва хабар пайдо бўлади. Код қабул қилинди хабари фаоллаштириш якунланганини кўрсатади.
8. Агар Код қабул қилинди хабаридан бошқа хабар кўринса, Реакция кодлари, Матнли тавсифлар ва Тузатиш чоралари жадвалига қаранг. Агар рўйхатда йўқ хабар кўринса, кодни текшириб, қайтадан киритинг. Агар муаммо ҳал бўлмаса, Жон Дир дилери билан боғланинг.

Фаоллаштириш саҳифасида исталган пайт 20 тагача агрегат номлари кўрилиши мумкин. Функциялар рўйхатида (С) янги киритма кўринса, ўша киритма Номаълум агрегат сифатида белгиланади.

KD34109,0000902-UZ-14APR21

ТИА тизимини ишлатиш

МУҲИМ: ТИА тўғри ишлаши учун трактор ва мосламалар турли хил техник талабларга жавоб бериши керак. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги ва мосламанинг Оператор қўлланмаси бўлимидаги техник талаблар бўйича маълумотга қаранг.

1. ISO уланиш жараёнидан фойдаланиб ТИА жиҳозини тракторга уланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Ўнг олд бурчак тиргагига қаранг.
2. CommandARM™ тизимидаги AutoTrac™ Давом этиш (ABTO) тугмасини танланг. Тугманинг жойлашуви учун ушбу Оператор қўлланмасининг CommandARM™ бошқаруви элементлари бўлимининг чап томонидаги - CommandARM™ бошқарув элементлари рукнига қаранг.
3. Мосламани ишлатиш учун мосламанинг Оператор қўлланмаси кўрсатмаларига амал қилинг.

KD34109,0000903-UZ-16APR21

ҚТҚ талаблари [Ag]

Агрегатга бошқарувни ўтказишдан олдин, уни агрегатнинг Оператор қўлланмасида кўрсатилгандек қилиб тайёрланг. Агрегатнинг оператор қўлланмасида тасвирланганидек қилиб, AutoTrac™ давом этиш тугмасидан фойдаланган ҳолда бошқарувни ўтказинг.

Бошқарувни агрегатга ўтказишдан олдин қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- Оператор ўз жойида.
- ҚТҚ носозликлари мавжуд эмас.
- ҚТҚ масофавий бошқарув функцияси ўчиқ ҳолатда.

ҚАЙД: Трактор тўхтаганида унга шундай ваколат берилмаса, агрегат ҚТҚни улай олмайди. Бироқ агрегат исталган пайтда, жумладан, трактор тўхтаганида ҳам ҚТҚни узиб қўйиши мумкин.

Ишляётганда ва ҚТҚ тизими имкониятларига боғлиқ бўлганда агрегат ҚТҚни улаш/узиш ёки ҚТҚ тезлигини ростлаш имкониятига эга.

Бошқарувни узиб қўйиш учун ҚТҚ калитини ўчиқ ҳолатига буранг.

KD34109,000090F-UZ-15APR21

SCV техник талаблари

Агрегатга бошқарувни ўтказишдан олдин, уни агрегатнинг Оператор қўлланмасида кўрсатилгандек қилиб тайёрланг. Агрегатнинг оператор

қўлланмасида тасвирланганидек қилиб, AutoTrac™ давом этиш тугмасидан фойдаланган ҳолда бошқарувни ўтказинг.

Бошқарувни агрегатга ўтказишдан олдин қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- Оператор ўз жойида.
- SCV носозликлари мавжуд эмас.
- SCV бошқарув дастаклари (тайинланган бўлса) нейтрал ҳолатда.
- Барча тайинланган SCV тугмаларини очинг.

ҚАЙД: Агрегат томонидан ошириб юборилиши мумкин бўлмаган максимал SCV оқими чекловини созланг.

Скрепер шатакка олиш рамаси вазни қишлоқ хўжалиги трактори шатакка олиш рамаси ҳисоб кўрсаткичларидан ошганда скрепер шатакка олиш рамасидан фойдаланинг. Скрепер шатакка олиш рамаси қисқароқ бўлиб, оғирликни орқа ўққа ўтказишни камайтиради. Шатакка олиш рамасини ўрнатиш учун скрепер тавсияларига амал қилинг.




RXA0064878—UN—23JAN03

МУҲИМ: Скрепер шатакка олиш рамасини ўрнатишда олти бурчакли втулкаларни (C) ростлаш.


ҚАЙД: Максимал моментни ушлаб туриш учун барча тўртта (4) қулфлаш болтини тоза сақлаш керак.

1. Шатакка олиш рамаси қулфлаш болтларини ва втулкаларини тиргак пастки томонида бўшатиш.
2. Шатакка олиш рамаси атрофи кенглигини шатакка олиш рамаси тиргакка (A) тиралганда ўлчанг.
3. Втулкаларни шундай бурангки (B), втулкалар орасидаги масофа иложи бориша шатакка олиш рамасига яқинроқ бўлсин.



RXA0142716—UN—21JUL14

Скрепер шатакка олиш рамаси тиргаги



RXA0148253—UN—29MAY15

Тез ечилувчи мосламани шатакка олиш рамаси

4. Қисқа шатакка олиш рамасини ёки тез ечилувчи шатакка олиш рамасини (D) тиргакка қўйинг.
5. Олд шатакка олиш рамаси поршень бармоғи ўрнатиш.
6. Шатакка олиш рамаси қулфлаш болтини 430 Н м (320 фунт/фут) гача тортиш.
7. Тез ечилувчи шатакка олиш рамасини ишга тушириш учун қулфлаш поршень бармоғини (E) ечинг ва дастакни (F) қўтариш.

МУҲИМ: Қулфлаш болти моменти хусусиятларини қайта текширинг.

8. Шатакка олиш рамаси тиргакли болтларини скрепер биринчи 10, 50 ва 100 соат ишлаганидан сўнг текширинг ва қотиринг.


RW29387,00004F2-UZ-30AUG17

Қисқа шатакка олиш рамаси конверсияси

Скрепер шатакка олиш рамаси тиргаги каттароқ ҳажмдаги шатакка олиш рамасини ўрнатишга мосланган ва кичикроқ ҳажмдаги шатакка олиш рамасини ишлатиш учун ўзгартирилиши мумкин. Шатакка олиш рамасини ўрнатиш учун скрепер тавсияларига амал қилинг.



RXA0082032—UN—05JUL05




RXA0082012—UN—05JUL05

Кичикроқ ҳажмдаги скрепер шатакка олиш рамаси тиргагини ўрнатинг

МУҲИМ: Скрепер шатакка олиш рамасини ўрнатишда олти бурчакли втулкаларни (C) ростлаш.

ҚАЙД: Максимал моментни ушлаб туриш учун барча тўрт қулфлаш болтини тоза сақлаш керак.



RXA0082010—UN—05JUL05

Каттароқ ҳажмдаги скрепер шатакка олиш рамаси тиргагини ўрнатинг

1. Шатакка олиш рамаси тиргаги қалпоқчали винтларини (A) ва втулкаларини (B) бўшатинг ва ечиб олинг.
2. Пастки втулкаларни қалпоқчали винтларга қулфлаш шайбалари ёрдамида ўрнатинг.
3. Қалпоқчали винтларни пастки ва юқори

втулкалар (D) билан шатакка олиш рамаси тиргагига ўрнатинг.

4. Шатакка олиш рамаси атрофи кенглигини шатакка олиш рамаси тиргакка тиралганда ўлчанг.
5. Втулкаларни шундай бурангки, втулкалар орасидаги масофа иложи борица шатакка олиш рамасига яқинроқ бўлсин.
6. Шатакка олиш рамасини тиргакка қўйинг.
7. Олд шатакка олиш рамаси поршень бармоғи ўрнатинг.
8. Шатакка олиш рамаси қулфлаш болтини 430 Н м (320 фунт/фут) гача тортинг.

МУҲИМ: Қулфлаш болти моменти хусусиятларини қайта текширинг.


9. Шатакка олиш рамаси тиргакли болтларини скрепер биринчи 10, 50 ва 100 соат ишлаганидан сўнг текширинг ва тортинг.

RW29387,00004F3-UZ-30AUG17

Шатак арқони


МУҲИМ: Трактор шикастланмаслиги учун:

1. Шатак арқонини трактор олд томонидан олдинга тортган ҳолда тўғри ишлатинг.
2. Арқон ён томонларга силжишини чеклаш ва ўнг олд гусеницага халақит бермаслиги учун арқонни зич боғланг.
3. Шатак арқонини тортиш юки бўлган тракторларни бир вақтнинг ўзида тортиш учун ишлатманг.
4. Юкланган мослама билан тракторни тортиш шатакка олиш рамаси тиргагига ҳаддан ташқари оғирлик қилиши мумкин, бу эса тезлик ҳамда тупроқ нотекикликларини сезиларли даражада оширади.
5. Шатак арқони ва/ёки шатакка олиш рамаси поршень бармоғи эскириш ҳолатини текширинг ва зарур бўлганда алмаштиринг.
6. Шатак арқонини сақлаш учун кронштейнга уланг, ва ишлатилмаётганида зич сақланг.



RXA0142715—UN—24JUN14

Юмшоқ ёки нам тупроқ шароитидан тракторни ёки трактор шатакка олиш рамаси билан тортиб олиш учун тортиш арқонидан (А) фойдаланинг.



RXA0185286—UN—31AUG21

Шатак арқонини шатакка олиш рамаси тиргагига уланг (В).

GH15097,0000932-UZ-01SEP21

Гидравлика — Умумий маълумот

Гидравлик тизим ҳақида маълумот

Гидравлик тизим трактордаги кўплаб субтизимларни мой, қувват ва назорат билан таъминлайди.

Трансмиссия, руль, тормоз ва шатак [Ag] ҳақида маълумотлар ушбу оператор қўлланмасининг бошқа бўлимларида ёритилган. Кейинги бир нечта бўлимда тақсимлаш клапанлари, шу жумладан ростлаш, функция, уланишлар ва махсус назорат тизимлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

TS36762,00002C7-UZ-23APR18

Тақсимлаш клапанлари

SCV созламалари - Кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



RXA0167075—UN—20MAR19

Меню

1. Меню



RXA0167076—UN—20MAR19

Машина созламалари

2. Машина созламалари варағи



RXA0173516—UN—03JAN20

SCV

3. SCV

Иловага навигация панели орқали кириш:



RXA0173515—UN—03JAN20

SCV


Дисплей остидаги навигация панелида SCV тугмасини босинг.

KD34109,000057C-UZ-07JAN20

SCV созламалари

SCV иловаси жиҳозланган SCVлар учун SCV режимлари ва созламаларига кириш ва ростлаш учун ишлатилади.

ҚАЙД: Дисплей SCV-нинг жорий режимига ва мавжуд SCVлар сонига боғлиқ бўлади.



RXA0178901—UN—23JUL20

SCV намунаси


SCV бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



RXA0173519—UN—06JAN20

SCV панели намунаси


SCV панеллари - панеллар тўрттадан ортиқ SCV бўлганида акс эттиради. Фақат мавжуд SCV дисплейи.



RXA0173523—UN—02JAN20

Стандарт режим намунаси

Стандарт режим - ҳам кенгайтириш, ҳам қайтариб олиш учун битта фиксатор вақти қийматини ва битта фиксатор оқими қийматини ўрнатинг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Стандарт режим қисмига қаранг.



RXA0173504—UN—03JAN20

Мустақил режим намунаси

Мустақил режим - кенгайиш ва қайтариб олиш учун турли фиксатор вақти ва оқими қийматларини ўрнатинг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Мустақил режим қисмига қаранг.



RXA0173490—UN—02JAN20

Аралаш режим намунаси

Аралаш режим - фиксатор вақти мослама томонидан бошқарилади. Ёқиш учун транспорт воситасини ёқишдан олдин ихтиёрий коннектордан фойдаланган ҳолда уланг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Аралаш режими қисмига қаранг.



RXA0173500—UN—03JAN20

Гидравлик оқим индикатори

Гидравлик оқим индикатори - жорий оқимни кўрсатади ва SCV танланганида фаол ва мой оқаётганини акс эттиради.



RXA0167071—UN—21MAR19

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар - қўшимча ростлашлар ва кам ишлатиладиган созламаларга кирилади. Ушбу Оператор созламалари бўлимидаги SCV созламалари - Қўшимча қисмига қаранг.

SCV-ларни ишлатиш:



RXA0173518—UN—06JAN20

SCV I дастаги

SCV бошқарув дастаги ростламалари - CommandARM™ тизимидаги SCV дастаклари SCV оқимини ростлаш учун ишлатилади. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV бошқаруви дастаги ростламалари қисмига қаранг.

Бошқа SCV ҳолатлари



RXA0173494—UN—02JAN20

Фаол оқим намунаси

Фаол оқим - индикатор оқим даражаси билан биргаликда ҳаракатланади. 0 нуқта орасидаги соҳани тўлдиринг ва индикатор яшил рангни акс эттиради.



RXA0173525—UN—02JAN20

Фаол вақт намунаси

Фаол вақт - сариқ катакча вақтни ростлаш давомида ва у фаол бўлганида акс этади.



RXA0173768—UN—13JAN20

Чайқалиш

Чайқалиш - цилиндр бемалол кенгайиши ёки қайтариб олиниши мумкин, мослама ер контурига мослашиши мумкин.



RXA0173492—UN—02JAN20

Чайқалиш ўчирилган

Чайқалиш ўчирилган - агар мотор ўт олдирилганида дастак чайқалиш ҳолатида бўлса, чайқалиш функцияси дастак нейтрал ҳолатига айлантирилгунча ўчирилган ҳолатда бўлади.



RXA0173506—UN—03JAN20

Қулфланган

Қулфланган - SCV қулфланган.



RXA0173483—UN—02JAN20

АВТО

АВТО - АВТО режими ёқилган ва фаол ҳолатда.



RXA0173484—UN—02JAN20

АВТО режими ўчирилган ҳолатда


АВТО режими ўчирилган - АВТО режими ЁНИҚ ҳолатда, бироқ фаол ҳолатда эмас.

Иш саҳифаси модуллари

Схема менежери ёрдамида ушбу иловани ишга тушириш саҳифалари учун модуллари кўшинг. 4-авлод дисплейи Оператор қўлланмасига қаранг.

ҚАЙД: Агар кирувчи созламалар шу тахлитда бўлса, модул учун SCV тайинлови ўзгартирилиши мумкин. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Тайинлов қисмига қаранг.

Мисол:



Стандарт режим

RXA0173524—UN—02JAN20

ҚАЙД: Иловангиз учун ҳар хил модуллardan фойдаланишингиз мумкин.


Стандарт режим - стандарт режим модулига тезкор кириш.

KD34109,0000618-UZ-19AUG21

SCV созламалари - Стандарт режим

Ҳам кенгайтириш, ҳам қайтариб олиш учун битта фиксатор вақти қийматини ва битта фиксатор оқими қийматини ўрнатинг.

Стандарт режимда мавжуд пунктлар:



Стандарт режим намунаси

RXA0173523—UN—02JAN20

Стандарт режим намунаси - элементлар ҳолатга асосан ўзгариши мумкин.



Вақт панели

RXA0173530—UN—02JAN20

Вақт - кенгайтириш ва қайтариб олиш учун фиксатор вақтини ростлаш учун танланг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Вақтни ростлаш қисмига қаранг.



Оқим панели

RXA0173503—UN—03JAN20


Оқим - чўзиш ва тортиш учун фиксатор оқими қийматини ростлашда танланг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Оқимни ростлаш қисмига қаранг.

KD34109,000057E-UZ-09JAN20

SCV созламалари - Мустақил режим

Кенгайтириш ва қайтариб олиш учун турлича фиксатор вақти ва оқими қийматини ўрнатинг. Қўшимча созламаларда мустақил режимни ёқинг. Ушбу Оператор созламалари бўлимидаги SCV созламалари - Қўшимча қисмига қаранг.

Мустақил режимда мавжуд пунктлар:



Мустақил режим намунаси

RXA0173504—UN—03JAN20

Мустақил режим намунаси - элементлар ҳолатга асосан ўзгариши мумкин.



Вақтни қайтариш панели

RXA0173529—UN—02JAN20

Вақтни қайтариш - фиксатор вақтини қайтариш қийматини ростлаш учун танланг. Ушбу Оператор

қўлланмасы бўлимидаги SCV созуламалари - Вақтни ростлаш қисмига қаранг.



RXA0173502—UN—03JAN20

Оқимни қайтариш панели

Оқимни қайтариш - фиксатор оқимини қайтариш қийматини ростлаш учун танланг. Ушбу Оператор қўлланмасы бўлимидаги SCV созуламалари - Оқимни ростлаш қисмига қаранг.



RXA0173501—UN—03JAN20

Оқимни кенгайтириш панели

Оқимни кенгайтириш - фиксатор оқимини кенгайтириш қийматини ростлаш учун танланг. Ушбу Оператор қўлланмасы бўлимидаги SCV созуламалари - Оқимни ростлаш қисмига қаранг.



RXA0173528—UN—02JAN20

Вақтни кенгайтириш панели

Вақтни чўзиш - фиксатор вақтини чўзиш қийматини ростлаш учун танланг. Ушбу Оператор қўлланмасы бўлимидаги SCV созуламалари - Вақтни ростлаш қисмига қаранг.

KD34109,000057F-UZ-10JAN20

SCV созуламалари - Мультисервис режими

Ўзига хос режим мосламага иловани бошқаришга имкон беради. Ёқиш учун транспорт воситасини ёқишдан олдин ихтиёрий коннектордан фойдаланган ҳолда мультисервис режимига мос агрегат уланг. ISOBUS ёқи мослама коннектор орқали уланганда SCV-лар автоматик тарзда мультисервис режимига киради ва саҳифа ўзига шу режим параметрлари билан акс этади.

Мультисервис режимида мавжуд пунктлар:




RXA0173490—UN—02JAN20

Аралаш режим намунаси

Мультисервис режими намунаси - элементлар ҳолатга асосан ўзгариши мумкин.

ҚАЙД: Варақнинг кўриниши ва ҳажми мультисервис режими стандарт ва мустақил режимлар билан уйғунликда ишлатилгани учун фарқланади.



RXA0173527—UN—02JAN20

Вақт варағи намунаси

Вақт - бирорта ростлаш бажарилмагани сабабли агрегат томонидан бошқарилади ва кулранг тусга кириб қолади.



RXA0173503—UN—03JAN20

Оқим варағи намунаси

Оқим - чўзиш ва тортиш учун фиксатор оқими қийматини ростлашда танланг. Ушбу Оператор қўлланмасы бўлимидаги SCV созуламалари - Оқимни ростлаш қисмига қаранг.



RXA0173485—UN—02JAN20

Автоматлаштириш варағи

ҚАЙД: AutoLoad™ тизими учун мавжуд эмас.

Автоматлаштириш - мультисервис режими ёқилади/ўчирилади. Ушбу Оператор қўлланмасыдаги SCV созуламалари - Автоматлаштириш қисмига қаранг.

KD34109,0000580-UZ-03FEB20

SCV созуламалари - Оқимни ростлаш

Талабга кўра SCV оқимига асосланган миқдорни

ростланг. Тахминий SCV оқими чиқувчи созламалари ва мавжуд насос оқими бўйича маълумот учун ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги Умумий SCV оқими қисмига қаранг.

Ўзгартириш тартиби:




Оқимни ростлаш

RXA0173495—UN—02JAN20

ҚАЙД: Оқимни ростлаш .04 дан 10 гача. (+) ни танлаш оқимни .04 қадамда оширади ва (++) ни танлаш оқимни 1.00 қадамда оширади. (-) ёки (--) ни танлаш оқимни бир хил қадамларда камайтиради.

Оқимни ошириш учун плюс (+/++) ва камайтириш учун (-/--) ни танланг. Қиймат дисплей катакчасида кўрсатилади.



Оқим ўлчагич

RXA0173499—UN—03JAN20

Оқим созламаси, шунингдек, оқим ўлчагичда акс этади.



Ёпиш

RXA0167129—UN—25MAR19

Ёпиш учун танланг.

TouchSet™ ишлов бериш чуқурлигини бошқариш тизими учун мавжуд пунктлар



RXA0173522—UN—06JAN20
Белгиланган юқори меъёр



RXA0173521—UN—06JAN20
Белгиланган меъёр индикатори

Белгиланган юқори меъёр - тез-тез фойдаланиладиган такрорланиши мумкин баландликни сошлаш учун юқори ЎРНАТИШ тугмасини танланг. Тепадаги сариқ индикатор ёрдамида белгиланган меъёр акс эттирилади.



RXA0173520—UN—06JAN20
Белгиланган қуйи меъёр



RXA0173521—UN—06JAN20
Белгиланган меъёр индикатори

Белгиланган қуйи меъёр - тез-тез фойдаланиладиган такрорланиши мумкин чуқурликни сошлаш учун пастки ЎРНАТИШ тугмасини танланг. Пастдаги сариқ индикатор ёрдамида белгиланган меъёр акс эттирилади.



RXA0173500—UN—03JAN20
Ҳолат индикатори

Ҳолат индикатори - жорий мослама ҳолатини кўрсатади.

KD34109,0000582-UZ-21JAN20

SCV созламалари - Вақтни ростлаш

Бириктирилган агрегат ишлайдиган вақтни ростланг.

Ўзгартириш тартиби:



Вақтни ростлаш

RXA0173526—UN—02JAN20

ҚАЙД: Тўхтовсиз оқим учун вақтни ростлаш 0 сониядан С гача бўлади. Вақт 1 сониялик катталиклар билан 10 сониягача, кейин 2 сониялик катталиклар билан 20 сониягача, кейин 5 сониялик катталиклар билан 30 гача, кейин 10 сониялик катталиклар билан 60 гача, кейин 30 сониялик катталиклар билан 120 гача, кейин 60 сониялик катталиклар билан С гача ошиб боради.

Вақтни ошириш учун плюс (+) ва камайтириш учун (-) ни танланг. Қиймат дисплей катакчасида кўрсатилади.



Вақт созламаси

RXA0173525—UN—02JAN20

Вақт созламаси, шунингдек, оқим ўлчагич остида акс этади. Ростланаётганда вақт давомида сариқ катак пайдо бўлади.



Ёпиш

RXA0167129—UN—25MAR19

Ёпиш учун танланг.

KD34109,0000583-UZ-06FEB20

SCV созламалари - Қўшимча

Қўшимча созламалар сизга қўшимча ростлашлар ва камроқ фойдаланиладиган созламаларга кириш имконини беради.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат агар агрегат тегишли параметрлар билан жиҳозланган бўлсагина намоиш этилади.


Қўшимча созламалар саҳифасида мавжуд пунктлар:



RXA0173517—UN—03JAN20

SCV Мустақил режим намунаси

SCV Мустақил режим - ҳар бир SCV учун мустақил режимни ЁНИҚ ёки ЎЧИҚ ҳолатга буранг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Мустақил режимни фаоллаштириш қисмига қаранг.



RXA0173496—UN—02JAN20

Оқимни ростлаш сезувчанлиги

Оқимни ростлаш сезувчанлиги - SCV бошқарув дастаги ва жойстиги учун керакли эгри оқим реакциясини танланг. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги SCV созламалари - Оқимни ростлаш сезувчанлиги қисмига қаранг.



RXA0167187—UN—22MAR19

ЁНИҚ/ЎЧИҚ

Юклагич режими - SCV оқими ва вақт созламаларини эътиборсиз қолдирган ҳолда юклагичнинг ноҳос ҳаракатидан сақлайди. Ёқиш учун ЁҚИШ, ўчириш учун ЎЧИРИШ тугмасини босинг.



RXA0167187—UN—22MAR19

ЁНИҚ/ЎЧИҚ

Оқимни тақсимлаш - муҳим функцияларга устувор оқимни таъминлаган ҳолда номуҳим функцияларга оқимни камайтиради. Ёқиш учун ЁҚИШ, ўчириш учун

ЎЧИРИШ тугмасини босинг. Ушбу Оператор қўлланмасидаги Оқимни тақсимлаш қисмига қаранг.

KD34109,0000587-UZ-03FEB20

SCV созламалари - Мустақил режимни фаоллаштириш

Сизга кенгайтириш ва қайтариб олиш учун турлича фиксатор вақти ва оқими қийматини ўрнатиш имконини беради. Мустақил режим ҳар бир SCV учун алоҳида ёқилади/ўчирилади.

ҚАЙД: Фақат мавжуд SCV дисплейи.

Ўзгартириш тартиби:



ЁНИҚ/ЎЧИҚ

RXA0167187—UN—22MAR19

Мустақил режим — Ёқиш учун ЁҚИШ ёки ўчириш учун ЎЧИРИШ тугмасини танланг.

KD34109,0000581-UZ-11FEB20

SCV созламалари - Автоматлаштириш

Автоматлаштириш сизга SCV ростламаларини мультисервис режимини ёқиш/ўчиришга имкон беради. Ўчирилганида SCV стандарт режим ёки мустақил режимдан қайси бири SCV-га созланган бўлса, ростламаларни акс эттиради.

Ўзгартириш тартиби:



ЁНИҚ/ЎЧИҚ

RXA0167187—UN—22MAR19

Автоматик режим - Ёқиш учун ЁҚИШ ёки ўчириш учун ЎЧИРИШ функцияларини танланг.

KD34109,0000584-UZ-14JAN20

SCV созламалари - Тайинлаш

SCV саҳифасини ишга тушириш модулини бошқа SCV-га қайтадан тайинланг.

ҚАЙД: Саҳифани ишга тушириш модули орқали фойдаланиш мумкин.

Ўзгартириш тартиби:

SCV Assignment

RXA0173514—UN—03JAN20

SCV тайинлаш варағи


1. SCV тайинлаш варағини танланг.



RXA0173512—UN—03JAN20

Тайинланган SCV катакчаси

2. Тайинланган SCV катакчасини танланг.



RXA0173513—UN—03JAN20

SCV рўйхати

3. Рўйхатдан керакли SCV-ни танланг.



RXA0167129—UN—25MAR19

Ёпиш

4. Ёпиш учун танланг.

KD34109,0000585-UZ-14JAN20

SCV созламалари - Оқимни ростлаш сезувчанлиги

Ўзгартириш тартиби:



RXA0173498—UN—02JAN20

SCV бошқариш
дастагини ростлаш



RXA0173497—UN—02JAN20

Жойстикни ростлаш

1. SCV бошқарув дастаги ёки жойстиги учун керакли эгри оқим реакциясини ўрнатиш учун катакчани танланг.

2. Қуйидаги эгри реакциялардан бирини танланг:



RXA0173505—UN—03JAN20

Чизиқли

- **Чизиқли** - SCV оқими тезлиги SCV бошқарув дастаги/жойстик дастаги босиб ўтган масофага мос келади.



Прогрессив

RXA0173509—UN—03JAN20

- **Прогрессив** - аввалига, SCV оқими тезлиги SCV бошқарув дастаги/жойстик дастагига нисбатан камроқ бўлади (ҳаракатга нисбатан сезувчанроқ старт бағишлаган ҳолда).



Комбинация

RXA0173487—UN—02JAN20

- **Комбинация** - чизиқли ва прогрессив реакциялар орасидаги ўртача босқич.



OK

RXA0173508—UN—03JAN20

Ўзгаришларни сақлаш ва чиқиш учун OK тугмасини танланг.



Бекор қилиш

RXA0173486—UN—02JAN20

Ўзгаришларни сақламасдан чиқиб кетиш учун Бекор қилиш тугмасини танланг.

KD34109,0000588-UZ-03FEB20

SCV созламалари — Оқим ёрдами

Барча гидравлик функциялар учун насос оқими талабига жавоб бериш учун ўзгармас ғилдирак тезлигини сақлаётганда оқим ёрдами мотор тезлигини автоматик ростлайди. Мотор тезлигининг оператор чекловларига амал қилинади (жумладан, юқори чеклов сифатида дроссель ҳолати).

Гидравлик оқим талаби қуйидагиларни ўз ичига олади (жумладан):

- SCV
- Шатак
- Руль бошқаруви
- Ташқи бошқаришли гидрооқим

Оқим ёрдамичиси Тўлиқ АВТО ва Махсус трансмиссия режимларида фаоллаштирилиши/фаолсизлантирилиши мумкин.

Бу режимларда мотор тезлиги ва трансмиссия узатмасы қуйидагига асосан автоматик ростланади:

- Юклама
- Бошқарилган ғилдирак тезлиги

KD34109,00005DF-UZ-19APR21

SCV бошқарув дастаги ростламалари


ДИҚҚАТ: Тан жароҳати олиш ёки машинага зиён етишидан эҳтиёт бўлинг:

- Шланглар тескари қаратилмаганига ишонч ҳосил қилинг. Агар шланглар тескари бўлса, цилиндр тортилиши керак бўлганида узайтирилади.
- Мосламанинг кутилмаганда ҳаракатланиб кетишининг олдини олиш учун моторни ўчиринг, SCV бошқарув дастакларини нейтрал ҳолатга ўтказинг ва мосламани бириктиришдан олдин SCV қулфи тугмасини босинг. Қулфлаш тугмасининг хусусиятлари учун ушбу Оператор қўлланмасининг CommandARM™ бошқаруви элементлари бўлимининг чап томони - CommandARM™ бошқарув элементлари қисмига қаранг.
- Оператор ўриндиқни тарк этганда SCV тизими ўчмайди. Кўпроқ маълумот учун, ушбу Оператор қўлланмасининг Ўриндиқлар бўлимидаги Оператор жойидалиги датчиги қисмига қаранг.

CommandARM™ тизимидаги SCV бошқарув дастаклари сизга SCV оқимида ростлашлар киритишга имкон беради. SCV дастаклари бўйича кўпроқ маълумот учун ушбу Оператор қўлланмасининг CommandARM™ бошқарув элементлари бўлимидаги CommandARM™ SCV бошқариш дастаклари қисмига қаранг.

ҚАЙД: SCV бошқарув дастаклари трактор функцияларини ва мосламаларни бошқариш учун қайта созланиши мумкин. Ушбу Оператор қўлланмасининг CommandCenter™ бўлимидаги Бошқарув элементларини созлаш қисмига қаранг.

SCV бошқарув дастаги ростламалари:




Нейтрал ҳолат

RXA0173507—UN—03JAN20

ҚАЙД: SCV бошқарув дастаги трактор ўт олдирилганида нейтрал ҳолатда бўлиши керак.


Нейтрал - синхронлашган фиксатор муддати тугагунича оқим давом этади. Агар синхронлашган фиксатор буюрилмаган бўлса, оқим ўчирилади.



Узайтириш

RXA0173488—UN—02JAN20


Узайтириш - оператор томонидан бошқариладиган узайтирилган цилиндрга нисбатан ўзгарувчан оқим. Мой дастак қанчалик сурилганига қараб ўзгарадиган тезликда оқади. Дастак нейтрал ҳолатга жуда яқин бўлганида мой жуда секин оқади. Дастак қўйиб юборилса, нейтрал ҳолатга қайтади.



Қайтариш

RXA0173510—UN—03JAN20


Қайтариш — оператор томонидан бошқариладиган қайтарилган цилиндрга нисбатан ўзгарувчан оқим. Мой дастак қанчалик сурилганига қараб ўзгарадиган тезликда оқади. Дастак нейтрал ҳолатга жуда яқин бўлганида мой жуда секин оқади. Дастак қўйиб юборилса, нейтрал ҳолатга қайтади.



Узайтирилган фиксатор

RXA0173489—UN—02JAN20


Узайтирилган фиксатор - вақт ва оқим фиксатори созуламаларига асосан узайтирилган цилиндрга нисбатан синхронлашган оқим. Дастак нейтрал ҳолатга қайтади, бироқ оқим фиксатор вақти созуламаси муддати тугагунича оқим фиксатори созуламаси тезлигида давом этади.



Қайтариш фиксатори

RXA0173511—UN—03JAN20

Қайтариш фиксатори - вақт ва оқим фиксатори созуламаларига асосан қайтариш цилиндрга нисбатан синхронлашган оқим. Дастак нейтрал ҳолатга қайтади, бироқ оқим фиксатор вақти созуламаси муддати тугагунича оқим фиксатори созуламаси тезлигида давом этади.



Чайқалиш

RXA0173491—UN—02JAN20

ҚАЙД: Агар мотор ўт олдирилганида дастак чайқалиш ҳолатида бўлса, чайқалиш функцияси дастак нейтрал ҳолатига айлантирилгунча ўчирилган ҳолатда бўлади.

Агрегатдаги гидравлик босимни тушириш учун двигатель ишлаётганда дастакни чайқалувчи ҳолатга (D) ўтказинг.

Чайқалиш - SCV мосламага ет контурига мослашишга имкон берган ҳолда мойнинг таянч учидан мослама гидравлик цилиндрининг учига бемалол оқишига имкон бериш учун очилади. Дастак ва SCV қўлда нейтрал ҳолатга қайтарилгунча чайқалиш ҳолатида қолади. Цилиндр мой билан тўлдирилишини таъминлаш учун цилиндрни чайқалиш ҳолатида ишлатилганидан кейин ҳар иккала йўналишда тўлиқ буранг. Гидравлик цилиндрларга агрегат ўчирилганда инерция бўйича ҳаракатланиши учун чайқалишдан фойдаланиш мумкин.

KD34109,0000589-UZ-05MAY20

Умумий SCV оқими

1. Ҳар бир функция учун оқим созуламасини мустиқил равишда текширинг. Тўғри мотор оқими созуламалари учун мосламанинг Оператор қўлланмасига мурожаат қилинг.

Қуйидагилар насоснинг юқори босим остида ишлашига сабаб бўлиши мумкин

- Пасайган босим тизимлари (экиш мосламалари, уруғ сепувчи мосламалар, дисклар) — кўтариш ёки тушириш цикли якунланганидан кейин ноль оқим сарфи сифатида қўрилиши мумкин. Кўпроқ маълумот учун ушбу Оператор қўлланмасининг Гидравлик уланишлар бўлимидаги мосламани улаш намуналарига қаранг.
- Ёрдамчи оқим бошқаруви клапанлари (вакуум оқими бошқаруви) — мосламанинг оқим бошқаруви клапанини очинг ва тракторнинг оқим тезлигини керакли созламага ростланг. Кўпроқ маълумот учун ушбу Оператор қўлланмасининг Гидравлик уланишлар бўлимидаги мосламани улаш намуналарига қаранг.
- Чизиқ ёки туйнук чекловларини бошқариш оқими мавжуд бўлган цилиндр функциялари — трактор оқими бошқарувини функция тезликлари камайишни бошлайдиган меъёрга ростланг.
- Ёрдамчи оқим бошқаруви клапанлари (мосламанинг блокланган клапанлари, қаторга йўналтиргич) — тракторнинг оқим бошқарувини тўғри ишлашга олиб келадиган энг паст созламага ростланг.

- 1-қадамда аниқланган созламалар ёрдамида ҳар бир SCV учун оқим талабларини қўшган ҳолда умумий оқим сарфини аниқланг. Агар қўллаш мумкин бўлса, оқим талабларидан юқори шатак ва қувватни киритинг (тахминий оқим сарфига асосланган созламалар учун SCV оқим жадвалига мурожаат қилинг).
- Агар оқим сарфи фойдаланиш мумкин бўлагн насос оқимидан ошиб кетганини аниқланг (тахминий фойдаланиш мумкин бўлган насос оқими учун SCV насос оқими жадвалига мурожаат қилинг).

Агар оқим сарфи:

- Фойдаланиш мумкин бўлган насос оқимидан камроқ, бироқ самарадорлик бўйича муаммо бўлса, Жон Дир дилерингизга мурожаат қилинг.
- Насос оқимидан ошиб кетса:
 - Моторнинг айланиш тезлигини имкон қадар оширинг.
 - Муҳим бўлмаган функцияларда оқим созламасини камайтинг.
 - Агар керак бўлса, мосламанинг очик марказий клапанларини ёпиқ марказий операцияга конверсияланг.

ҚАЙД: Руль бошқарувисиз ёки шатакдан фойдаланилмаган ҳолда бажарилади.

Насос оқими (тахминий) ^а Литр/дақиқа (гал/дақ)		
Моторнинг айланиш тезлиги	Насос	
	85 куб/см	85 cc + 85 cc
1000	100,9 (27)	201,8 (53)
1500	151,4 (40)	302,8 (80)
2000	201,8 (53)	403,7 (106)
2100	211,9 (56)	423,9 (112)

^аОдатий оқимлар янги тракторлардан олинган. Қисмлар қисман пастроқ қийматларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳар бир айланиш тезлигида тўлиқ оқимга етиш учун бирдан ортиқ SCV зарур.

Ташқи бошқаришли гидрооқим максимум оқими	
Муфта	Литр/дақиқа (гал/дақ)
1/2 дюйм	132 (35)
3/4 дюйм	211,9 (56)

SCV оқими (тахминий) ^а Литр/дақиқа (гал/дақ)		
SCV оқим созламалари	Стандарт оқимли SCV 1/2-дюймли муфта ^б	Юқори оқимли SCV 3/4-дюймли муфта ^с
0,04 ^д	—	—
1,0	1,9 (0,5) ^е	4,3 (1,1)
2,0	6,1 (1,6)	11,3 (3,0)
3,0	13,6 (3,6)	19,4 (5,1)
4,0	20,4 (5,4)	27,6 (7,3)
5,0	28,0 (7,4)	35,2 (9,3)
6,0	40,9 (10,8)	49,9 (12,4)
7,0	62,1 (16,4)	72,0 (19,0)
8,0	81,4 (21,5)	95,3 (25,2)
9,0	107,1 (28,3)	118,6 (31,4)
10,0	132,0 (35,0)	159,0 (42,0)

^аФойдаланиш нуқтасидаги юкланиш 2000 айл/дақ ва 454 кг (1000 фунт)ни ташкил этади.

^б85 куб/см лик насос.

^с85 куб/см ва 85 куб/см лик насослар.

^дМинимал оқим созламаси.

^еЮкламасиз кузатилади.

Шатак цилиндри диаметри мм	Шатак оқими [Ag] Литр/дақиқа (гал/дақ)
90/100	71 (18,7)
120/120	88 (23,2)

KD34109,0000586-UZ-06MAY21

Оқимни тақсимлаш

Маҳсулдорлиқни сақлаб қолиш учун, гидравлик оқимни тақсимлаш муҳим SCV функцияларга устувор оқимни таъминлаган ҳолда номуҳим SCV функцияларга оқимни камайтиради. Оқимни

тақсимлаш функциясини ёқиш ёки ўчириш учун ушбу
Оператор созламалари бўлимидаги SCV
созламалари - Қўшимча қисмига қаранг.

*ҚАЙД: Узлуксиз созлама синхронлашган фиксатор
устидан устуворликни қабул қилади. Агар барча
SCV-лар C (узлуксиз)га созланган бўлса ва
сўралган оқимдан ошиб кетса, барча
функциялар фаол ҳолатда бўлишини
таъминлаш учун оқим барча SCV-ларга тенг
баробар қисқартирилади.*

Максимал самарадорлик учун:

- SCV-лар ва мосламаларни мосламанинг оператор қўлланмасига кўра тўғри уланг.
- Агарда мосламанинг оператор қўлланмаси мавжуд бўлмаса, ушбу Оператор қўлланмасининг Гидравлик уланишлар бўлимидаги тегишли гидравлик уланиш намунасига мурожаат қилинг. Юқори оқим гидравликлари билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги тракторларида SCV-лар турли хил насослар ёрдамида таъминланиши мумкин. Кўпроқ маълумот учун ушбу Оператор қўлланмасининг Гидравлик уланишлар бўлимидаги Мосламаларни юқор оқимли гидравлик SCV-ларга улаш [AG] қисмига қаранг.
- SCV оқим созламалари функция учун оқим талабларига мос келишига ишонч ҳосил қилинг. Кўпроқ маълумот олиш учун ушбу Оператор қўлланмаси бўлимидаги Умумий SCV оқими қисмига қаранг.
- Зарур бўлганидан кўра сал узоқроқ фиксатор вақтини (мослама оператор қўлланмасидаги тавсия) созлаш афзал кўрилади. Бироқ, керагидан узоқроқ ёки C (узлуксиз)гача созлама вақти оқимни тақсимлаш функциясининг фаоллаштирилиши ва ортиқча ёқилғи ёқилишига олиб келиши мумкин.

Агар созлама функциялари кутилганидан секинроқ ишласа, оқимни тақсимлаш функциясини ташхислаш жараёнини амалга оширинг.

Оқимни тақсимлаш функциясини ташхислаш жараёни:

1. Тўғри илмоққа киргизиш учун барча уланишларни текшинг. Имкон бўлганида, SCV-нинг қайтувчи портларига ёки қайтувчи портлардан устунроқ бўлган қувват қайтувчи уланишларни уланг.
2. Ҳар бир SCV C (узлуксиз) оқимга созланиши учун, оқим тезлигини мослама оптимал ишлаши учун мумкин бўлган энг паст тезлик бўладиган қилиб ростланг. Ҳамма функциялар ҳам узлуксиз оқимни талаб қилавермайди ва жуда узоқ синхронлашган SCV-лар, агар улар узлуксиз оқим SCV-лари билан тўсилиб қолмаса, оқимнинг тақсимланишига олиб келиши мумкин.
3. Гидравлик оқим моторнинг тезлигига боғлиқдир.

Агар функция секин бўлса, оқим тезлигини ошириш учун моторнинг айланиш тезлигини оширинг.

4. Дастлаб оқимни ва кейин мосламанинг тўғри ишлашини таъминлаш учун синхронлашган фиксатор SCV-ларини (кузатувларга кўра заруратга қараб) ростланг.
5. Юқори оқимли гидравлик тизимлар билан жиҳозланган тракторларда гидравлик юкланишни иккита схема орасида мувозанатлашга ҳаракат қилинг.
6. Агар мослама функцияси секинлигича сақланиб қолса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KD34109,000057B-UZ-16NOV20

Гидравлик уланишлар

Гидравлик шлангларни улаш/узиш

ДИҚҚАТ: Босим билан чиқаётган суюқлик териға тегса, жиддий жароҳат етказиши мумкин.

- Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг ва:
 - Қўлингиз ва танангизни юқори босимли моддалардан ҳимояланг.
 - Гидравлик шлангларнинг шикастланган ёки узилмаганини мунтазам равишда, ёки ҳеч бўлмаса, бир йилда бир марта текшириб турунг.

Шикастланиш ёки эскириш натижасида шлангларда сизиб чиқиш, тугун, кесилган жой, ёриқ, кенгайиш, қавариқ, коррозия, сим ўрамаси чиқиб қолиши ва бошқа турдаги муаммолар юзага келиши мумкин.

Кенгайган ёки шикастланган шлангларни дарҳол Жон Дир томонидан тавсия қилинган эҳтиёт қисмларига алмаштиринг.

- Босим беришдан олдин ҳамма уланган жойларини қотиринг.
- Барча уланиш жойларининг иложи борица тўғри турганига ишонч ҳосил қилинг.
- Картон бўлаги билан суюқлик сизиб чиқиши ҳолатларини текширинг.
- Гидравлик шлангларни ажратишдан ёки гидравлик тизимда ишлашдан олдин босимни камайтиринг.
- Фавқулудда ҳолат юз берганда дарҳол шифокорга учрашинг. Териға теккан ҳар қандай суюқлик жарроҳлик йўли билан бир неча соат ичида олиб ташланиши керак, акс ҳолда бу қорасонга олиб келиши мумкин. Бунақа жароҳатни тушунмайдиган шифокорлар тушунадиганига юбориши лозим. Бундай маълумот инглиз тилида Deere & Company тиббий департаментида бор, манзили Moline, Illinois, U.S.A. ёки телефон рақами: 1-800-822-8262 ёки +1 309-748-5636.

Асбобнинг тўсатдан ҳаракатланиб кетиши, сизга жиддий жароҳат етказиши мумкин. Шикастланишни олдини олиш учун гидравлик шлангларни улашдан ёки ечишдан олдин ҳар доим қуйидагиларни бажаринг:


- SCV бошқариш дастагини қулфлаш. Ушбу фойланиш йўриқномасининг CommandARM™ бўлимида CommandARM™ SCV бошқариш дастаги қисмига қаранг.
- Жойстик ёрдамида қулфлаш (агар жиҳозланган бўлса). Ушбу фойланиш йўриқномасининг Танланган бошқариш клапанлари бўлимида CommandARM™

SCV ни жойстик билан бошқариш қисмига қаранг.

МУҲИМ: Кир, чанг ёки бошқа ёт моддалар гидравлик тизимга зиён етказиши мумкин. Гидравлик тизимнинг шикастланишдан сақланг, асбобни улашдан олдин гидравлик шланглар ва шланг учларини ва SCVларни яхшилаб тозаланг.

Пар билан тозалаш ёки юқори босимли сув пуркагич билан SCV ва электроник қисмлар атрофини ювиш ускуна бузилишига олиб келиши мумкин. 6895 кПа (69 бар) (1000 фунт/кв.дюйм) дан юқори бўлган ҳар қандай босимли ювиш воситаси учун ювиш мосламаси ва гидравлик алоқалар ўртасида камида 200 мм (8 дюйм) масофани сақланг.

SCV бирлаштирувчи компонентининг идентификацияси ва жойлашуви



RXA0177992—UN—22JUN20

A—Узайтириш порти
B—Тортиш портлари
C—Муфтанинг идентификация плитаси - узайтириш порти
D—Муфтанинг идентификация плитаси - тортиш порти
E—Масофавий цилиндрли муфтанинг идентификацияси
F—SCV гидравлик шлангни бўшатувчи ричаг

ҚАЙД: Масофавий цилиндрли муфталар I дан BVIII (E) гача белгиланади, I пастки бириктирувчи ҳисобланади.

Тизимни керакли бошқариш жараёнини таъминлаш учун масофавий гидравлик шлангларнинг керакли SCV муфталарига уланганлигини текшириб кўринг.

Гидравлик шлангларни улаш

1. Кабина ичидан SCV бошқарувини блокировка қилинг.
2. Кабина ташқарисидан:
 - a. Гидравлик шлангларни улашдан олдин қуйидагиларни текширинг:
 1. Агар муфта идентификация плитасида цилиндр ҳаракатини билдирувчи (C) ёки

(D) белгилари бўлса, керакли цилиндрнинг ҳаракатланиш йўналишига мосланг.

2. Қурилманинг битта ёки икки томонлама цилиндрлардан фойдаланишига қараб керакли SCV уланиши танланади. Масалан:

- Битта томонлама цилиндрлар учун узайтирувчи (A) портдан фойдаланинг.
- Икки томонлама цилиндрлар учун узайтириш (A) ва тортиш (B) портларидан фойдаланинг.

- b. Гидравлик шлангни SCV га улаш учун:

1. Қопқоқ/филофнинг чанг ва кирларини тозаланг.
2. SCV муфтани очиш учун қопқоқлар юқорига буранг ёки олиб ташланг.
3. Гидравлик муфтанинг енгини олдинга суринг. (Агар жиҳозланган бўлса)
4. Гидравлик шланг(лар)ни SCV муфта(лар)га маҳкам киритинг.
5. Корпус муфтасини идишга қулфлаш учун гидравлик муфтанинг енгини орқага тортинг. (Агар жиҳозланган бўлса)

Гидравлик шланглари узиш

1. Кабина ичкарасидан:

- a. Тракторни ишга тушинг.
- b. Агрегатни ерга тушириш учун тегишли SCV ричагидан фойдаланинг.
- c. SCV бошқарув ричагини ёки жойстикни (жиҳозланган бўлса) бир неча сония давомида сузувчи ҳолатига ўтказиб, шланглардаги гидравлик босимни камайтинг.
- d. SCV бошқарув элементларини қулфланг.
- e. Тракторни ўчиринг.

2. Кабина ташқарисидан:

- a. Қолиб кетган ёқилғининг босимини юмшатиш учун SCV шлангни очиш ричагини (F) бир оз пастга суринг.
- b. SCV муфтасидан барча шланглари олиб ташланг.
- c. SCV муфта атрофини тозаланг.
- d. SCV муфтани очиш учун қопқоқларини айлантиринг ёки олиб ташланг.

EC82310,0000EF3-UZ-06AUG20

Катта ҳажмдаги гидравлик мойни талаб қиладиган агрегатлар

МУҲИМ: Гидравлик тизимларга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг:

- Текшириш жараёнида мойнинг катта қисмини резервуарга қайтариш учун агрегатни ерга тушинг.
- Двигател ишлаётганида ҳеч қачон резервуарга гидравлик мой қўшманг, чунки бу гидравлик резервуарнинг тошиб кетишига олиб келиши мумкин.
- Гидравлик резервуарни ҳаддан зиёд тўлдириб юборманг.

1. Барча агрегатлар цилиндрларини тракторни ишга туширгандан сўнг айлантиринг.
2. Мойнинг кўп қисмини резервуарга қайтариш учун асбобни ерга тушинг.
3. Трансмиссия/гидравлик мойи миқдорини кўриш ойнаси (B) орқали гидравлик мой миқдорини текшинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Сервис — Алмаштириш бўлимидаги Гидравлик тизими мойи қисмига қаранг.
4. Агрегат олиб ташлангач мой даражасини қайта текшинг.
5. Керак бўлса, мой қуйинг ёки олиб ташланг. Агар мой бўшатилиши керак бўлса, ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Алмаштириш бўлимидаги Гидравлик тизими мой ва фильтрилар қисмига қаранг.

EC82310,0000EF4-UZ-02SEP21


Юкни сезадиган гидравлик тизимдан фойдаланиш - Power-Beyond

Power-beyond мустақил оқимни бошқариш клапанлари билан жиҳозланган ёрдамчи функциялар учун босим / оқим манбаи сифатида ишлатилади. Power-Beyond дан қуйидаги ҳолатларда фойдаланинг:

- Тракторнинг SCV бошқаруви керак бўлмаганда.
- Бошқа SCV розетки мавжуд бўлмаганда.


Power-beyond функцияси насос босимини тартибга солиш учун "юклама датчиги" сигналинини талаб қиладди, шунинг учун "юклама датчиги" гидравлик линиясидан фойдаланилади. Айрим қурилмалар ўзгартиришни талаб қилиши мумкин. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Компонентлар идентификацияси



RXA0177993—UN—20MAY20

Power-Beyond муфтаси - ўрта/юқори




RXA0179032—UN—06AUG20

Power-Beyond муфтаси - шатакка олиш

- A— Босим муфтаси
- B— Юклама датчиги муфтаси
- C— Қайтиш муфтаси (мотор)

1-мисол

ҚАЙД: 1-мисол энг кўп тавсия қилинади.




RXA0177994—UN—20MAY20

- A— Босим муфтаси
- B— Юклама датчиги муфтаси
- C— Қайтиш муфтаси (мотор)
- D— Назорат клапани
- E— Цилиндр

Юклама датчиги бошқарув клапанлари гидравлик тизимга юкни сезувчи сигнал беради ва уни қўлда ёки соленоидлар ёрдамида бошқариш мумкин.

2-мисол




RXA0177995—UN—20MAY20

- A— Босим муфтаси
- B— Юклама датчиги муфтаси
- C— Қайтиш муфтаси (мотор)
- D— Назорат клапани
- E— Цилиндр

МУҲИМ: Схема юкни сезиш чизиғи (C) орқали цилиндрнинг "оқиши" га имкон беради. Агар "оқиш" га рухсат беришнинг имкони бўлмаса, 3-мисолдан фойдаланинг.

Назорат клапанлари мойни узайтириш ёки тортиш схемаларига йўналтиради. Юклама датчиги қувурини босимни талаб қиладиган занжирга уланг. Тўлиқ туширилган ҳолатдаги механик тиргаклар орқали тираладиган вагонни кўтарувчи цилиндр бунинг мисолидир. Юқори босим зарур бўлганда юклама датчиги сигналлари ишлаб кетади. Юк механик тўхташлар билан ушлаб турилганда босим пастлигича сақланиб туради.

3-мисол




RXA0177996—UN—20MAY20

- A— Босим муфтаси
- B— Юклама датчиги муфтаси
- C— Қайтиш муфтаси (мотор)
- D— Назорат клапани
- E— Цилиндр

МУҲИМ: Power-beyond шланги уланиб турганда тизим максимал 20000 кПа (200 бар) (2900 фунт/кв.дюйм) босимни сақлайди.

Назорат клапанлари мойни узайтириш, тортиш ёки юқори босимни талаб қилувчи занжирларга йўналтиради. Юклама датчиги чизиғини босим чизиғига назорат клапанидан олдин уланг. Масалан, цилиндрларни кенгайтириш ёки тортиб олиш учун босим зарур бўлганда йиғиладиган агрегат.

4-мисол



RXA0138270—UN—17JAN14

- А— Босим қувири
 В— Қайтиш қувири
 С— Юклама датчиги қувири
 F— Босим билан компенсацияланган оқимни бошқариш клапани
 G— Гидравлик мотор
 H— Мотор картерини бўшатиш (осттоғора қувири)

ҚАЙД: Бошқа функциялар тизим босимининг ўзгаришига олиб келганда, мотор тезлиги ўйнаши мумкин. Босим билан компенсация қилинган оқимни бошқариш клапанини ўрнатиш орқали тезлик ўйнашини минималлаштиринг.

Максимал сарфли Ag учун гидравлик мотор SCV ларга (85 сс максимал сарфли насоси) уланган бўлиши тавсия этилади.

Моторда максимал сарфли скрепер гидравликасидадан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Босимли қопланадиган оқимни бошқариш клапани гидравлик мотор тезлигини ростлаш учун ишлатилади. Юклама датчиги қувири босим қувирига назорат клапанидан кейин уланг.

EC82310,0000EF5-UZ-05AUG20


Компонентлар идентификацияси ва жойлашуви [Ag]

SCV лар идентификациялаш осонроқ бўлиши учун рангли кодланган. Шланглар идентификация тўпламларини Жон Дир дилеридан олиш мумкин.

SCV рақами ва мос ранглари	
SCV	
Рақами	Ранги
I	Яшил
II	Кўк
III	Жигарранг
IV	Қора
V	Бинафшаранг
VI	Кулранг
VII	Оқ


SCV рақами ва мос ранглари	
SCV	
Рақами	Ранги
VIII	Оч яшил

Стандарт оқимли гидравлика




RXA0177997—UN—20MAY20

Компонентлар идентификацияси ва жойлашуви [Ag] -
Юқорида жойлашган ташқи бошқаришли стандарт оқим



RXA0178744—UN—16JUL20

Компонентлар идентификацияси ва жойлашуви [Ag] -
Шатак қуймасида жойлашган ташқи бошқаришли стандарт оқим



RXA0177998—UN—20MAY20


Компонентлар идентификацияси ва жойлашуви [Ag] -
Стандарт оқим (F) мой тўплагич муфтаси - Мотор картерини бўшатиш

- А—Узайтириш муфтаси
 В—Тортиш муфтаси
 С—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Босим муфтаси
 D—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Юклама датчиги муфтаси
 E—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (мотор)

F—Мой тўплагич муфтаси (Мотор картеридан суюқликни чиқариш бўшатиш)


1/2 дюйм VII ва VIII SCV ларидан далада ўрнатиладиган тўпламлар сифатида мавжуд.

Юқори оқим гидравликалари




RXA0178141—UN—10JUN20

Юқори оқим SCV, I—VI муфталар билан



RXA0178746—UN—17NOV20

Юқори оқим SCV, I—VIII муфталар билан



RXA0177998—UN—20MAY20


Компонент идентификацияси ва жойлашуви [Ag] -
Максимал сарф гидравликалари: (F) мой тўплагич
муфтаси - Мотор картерини бўшатиш

- A1—Узайтириш муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- A2—Узайтириш муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- B1—Тортиш муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- B2—Тортиш муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- C—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Босим муфтаси
- C1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Босим муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- C2—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Босим муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- D—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Юклама датчиги муфтаси
- D1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Юклама датчиги муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- D2—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Юклама датчиги муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- E—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (мотор)
- E1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (Мотор қайтиши) (Асосий гидравлик насос)
- E2—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (Мотор қайтиши) (Иккинчи гидравлик насос)

Қуйидагиларга эга максимал сарфли гидравлик тизимлари учун:


- Олтита SCVлар:
 - I—III (A1, B1) лар бирламчи насос билан таъминланади.
 - IV—VI (A2, B2) (агар жиҳозланган бўлса) лар иккиламчи насос билан таъминланади. Ушбу SCVлар орбитал гидромоторни ишлатиш учун тавсия этилади.
- Саккизта SCVлар:
 - I—IV (A1, B1) лар бирламчи насос билан таъминланади.
 - V—VIII (A2, B2) лар иккиламчи насос билан таъминланади. Ушбу SCVs лар орбитал гидромотор ёки пневматик сеялкани ишлатиш учун тавсия этилади.
 - VII—VIII. SCV VII ва VIII билан жиҳозланган трактор қувватни ақлли бошқариш (IPM) тизими билан таъминланган. Агар пневматик сеялка SCV VI—VIII га уланган бўлса, пневматик сеялкадан фойдаланиш йўриқномасидаги кўрсатмаларга амал қилинг (масалан: John Deere 1870 ёки 1895 пневматик сеялкалари). Ушбу оператор қўлланмасининг Қувват узатмаси бўлимидаги Қувват узатмасини ҳимоялаш қисмига қаранг.

Агрегатларни максимал сарфли гидравлика SCV ларига улаш




RXA0178144—UN—17JUN20

Максимал сарфли гидравлик SCV тўплами - Юқори жойлашувдаги Power-Beyond тизимида эга бешта SCV



RXA0178746—UN—17NOV20

Максимал сарфли гидравлик SCV тўплами - Шатак қўймасида Power-Beyond га эга саккизта SCV



RXA0177998—UN—20MAY20

Компонент идентификацияси ва жойлашуви [Ag] - Максимал сарф гидравликалари: (F) мой тўплагич муфтаси - Мотор қартерини бўшатиш

- A1—Узайтириш муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- A2—Узайтириш муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- B1—Тортиш муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- B2—Тортиш муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- C1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Босим муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- C2—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Босим муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- D1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Юклама датчиги муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- D2—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Юклама датчиги муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- E1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (Мотор қайтиши) (Асосий гидравлик насос)
- E2—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (Мотор қайтиши) (Иккинчи гидравлик насос)
- F—Мой тўплагич муфтаси (Мотор қартеридан суюқликни чиқариш бўшатиш)

МУҲИМ: Қизиш натижасида совитиш ва гидравлик тизимларга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Агрегат гидравлик тизимга тўғри уланганлигига ишонч ҳосил қилинг.

Ушбу тизим максимал сарфли скрепер гидравликаси учун тавсия этилмайди.

Максимал сарфли гидравлик тизим иккита насосдан фойдаланади. Насослар қуйидагилардан иборат:

1. SCV (A1) ва (B1)ни таъминлайдиган асосий гидравлик насос. Бирламчи насос юқори босимли ва минимал сарфли функциялар, масалан, пневматик сеялкалар, катта цилиндрлар ва фаол сиқувчи куч тизимлари учун тавсия этилади.
2. SCV (A2) ва (B2)ни таъминлайдиган иккинчи гидравлик насос. Иккинчи гидравлик насос паст босимли ва максимал сарфли функциялар учун тавсия этилади. Аксарият гидравлик моторлар ҳар бир мотор учун 19–26,5 л/дақ (5–7 гал/дақ) ва 1450 фунт/кв.дюйм (100 бар) атрофида босим сарфлайди. Иккиламчи гидравлик насос қуйидагиларни қила олади:
 - а. Пневматик сеялкалар, пуркагичлар ва вакуумли сеялкалар каби гидравлик моторларни ишлатиши. Гидравлик моторларни ишлатишда иккиламчи гидравлик насосдан фойдаланиш:
 - Ёқилғи тежамкорлигини яхшилаиди,


қувват исрофини камайтиради ва гидравлик мойнинг исишини олдини олади.

- Руль бошқаруви, тормозлар, кўтариш, тушириш, фаол сиқувчи куч ва бошқалар билан гидравлик тизимнинг ўзаро алоқасини камайтиради.

б. Бирламчи гидравлик насос каби бир хил функцияларга юқори босимни таъминлайди, бироқ:


- Такмиллаштирилган ёқилғи тежаш ва камайтирилган қувват исрофи фойдалари йўқолади.
- Одатда, ошган вакуум даражаси ёки пуфлагич мотор тезлигининг ўзгаришини билдирувчи бошқа гидравлик функциялар каби гидравлик моторлар битта насосда бўлганида, унинг тизим билан ўзаро алоқаси ошиши мумкин.
- Баъзи бир шароитларда кўпроқ иссиқлик ҳосил бўлиши мумкин, бу эса совутиш тизими юкмасининг кўпайишига олиб келади.

Агрегатларни пневматик сеялканнинг максимал сарфли махсус гидравлик SCV ларига улаш



RXA0178746—UN—17NOV20

Максимал сарфли гидравлик SCV тўплами



RXA0177998—UN—20MAY20

Компонент идентификацияси ва жойлашуви [Ag] -
Максимал сарф гидравликалари: (F) мой тўплагич
муфтаси - Мотор қартерини бўшатиш

- A1—Узайтириш муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- A2—Узайтириш муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- B1—Тортиш муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- B2—Тортиш муфтаси (Иккинчи гидравлик насос)
- C1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Босим муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- D1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Юклама датчиги муфтаси (Асосий гидравлик насос)
- E1—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (Мотор қайтиши) (Асосий гидравлик насос)
- E2—Ташқи бошқаришли гидрооқим: Қайтиш муфтаси (Мотор қайтиши) (Иккинчи гидравлик насос)
- F—Мой тўплагич муфтаси (Мотор қартеридан суюқликни чиқариш бўшатиш)

МУҲИМ: Совутиш ва гидравлик тизимларининг қизиқ кетишига йўл қўйманг. Агрегат гидравлик тизимга тўғри уланганлигига ишонч ҳосил қилинг.

- Максимал сарфли қишлоқ хўжалиги агрегатлари учун тавсия этилган созлама, қуйидагиларни уланг:
 - Гидравлик мотор таъминотини SCVs (A2) ва (B2) иккиламчи гидравлик насосга.
 - Гидравлик моторнинг қайтиш муфтаси Power-Beyond қайтиш муфтаси (E2) уламасига.
- Скреперли гидравлик тизимларни максимал сарфли SCV ларига улаш тавсия этилмайди.

Максимал сарфли гидравлик тизим иккита насосдан фойдаланади:

- SCV (A1) ва (B1)ни таъминлайдиган асосий гидравлик насос.
- SCV (A2) ва (B2)ни таъминлайдиган иккинчи гидравлик насос.

Асосий гидравлик насослар SCVлари

Ушбу SCV ларни насоснинг юқори босимли ва минимал сарфли функциялари, масалан, пневматик сеялкалар, катта цилиндрлар ва фаол сиқувчи куч тизимлари учун ишлатинг.

Иккиламчи гидравлик насос SCVлари

Ушбу SCV-лардан паст босимли ва максимал

сарфли функциялар учун фойдаланинг, масалан, пневматик сеялкалар, пуркагичлар ва вакуум функциялари.

Иккиламчи гидравлик насос орқали гидравлик моторларни ишлатиш:

- Бошқариш тизими, тормозлаш, кўтариш, тушириш, фаол пастга тушириш кучи ва бошқалар билан гидравлик тизим интеграциясини камайтиради.
- Ёқилғи тежашни яхшилайдиган, қувват исрофини камайтиради ва гидравлик мой исишининг олдини олади.

EC82310,0000EF7-UZ-02NOV20


Гидравлик пуркаш насосларидан [Ag] фойдаланиш

МУҲИМ: SCV босими ва қайтариш муфталарини ишлатадиган моторларда гидравлик тизим насос қистирмалари, SCV ва насос ўртасида сиқилиб қолган юқори босимли мой туфайли шикастланишидан сақланинг. Насосни тўхтатиш учун:

- Ҳар доим SCV ричагини чайқалиш ҳолатига ўтказинг, бу моторнинг инерция бўйича тўхташига имкон беради.
- Ҳеч қачон SCV ричагини нейтрал ҳолатига қўйманг, чунки бу ҳаракат моторнинг кескин тўхташига олиб келиши мумкин.

ҚАЙД: Гидравлик моторни 85 сс максимал сарфли насосига улаш уланишнинг афзал усули ҳисобланади.

1. Насос моделини танлаш, сошлаш ва ишлатиш учун насос ишлаб чиқарувчи томонидан берилган тавсияларга амал қилинг.



RXA0178001—UN—20MAY20

Пуркаш насоси (шатакка олиш ускунаси)

А—Босим қувури
В—Қайтиш қувури
С—Кириш қувури тешиги (Олиб ташлаш)
D—Power-Beyond қайтиш муфтаси (мотор)
Е—Игнари қулф (ёпиқ)

2. Моторнинг босим қувурини SCV тортиш портига уланг (ўнг томонда).

Умуман олганда:

- Ушбу функция учун тавсия этилган энг кичик гидравлик моторни танланг. Кичик силжиш умумий гидравлик оқимга талабни пасайтиради ва тизимнинг умумий иш фаолиятини яхшилайдиган.
- SCV дан фойдаланиш:

- Стандарт гидравлик тизим учун III, IV ёки V.
- Шатакка олиш қурилмасига эга максимал сарфли гидравлик тизим учун III ёки IV.
- Шатакка олиш қурилмасига эга бўлмаган максимал сарфли гидравлик тизим учун IV ёки V.


3. Қайтиш қувурини Power-Beyond қайтиш муфтасига уланг.

МУҲИМ: Баъзи моторлар юқори тезликдан ҳимояланмаган. Тавсия этилган тезликдан юқори тезлик бузилишларга олиб келиши мумкин.

4. SCV қуйидагилар орқали фаоллаштирилади:
 - a. SCV ричагини тортиш фиксацияси ҳолатига олдинга суриш.
 - b. Гидравлик оқим тезлигини насос ишлаб чиқарувчиларининг кўрсатмаларига ростлаш.
5. SCV бошқарув ричагини чайқалиш ҳолатига ўтказиш орқали (тўлиқ олдинга ва пастга) пуркаш насосини ўчириш.

EC82310,0000EF6-UZ-04AUG20

Агрегатни улашга мисол [Ag]: Юқори босимда ёпиқ марказий клапан ва насос юқори босимда — илашма камроқ




1—Стандарт оқимли гидравлика
2—Максимал сарфли гидравлика
A—Узайтириш муфтаси қувури
B—Тортиш муфтаси қувури
C—Босим қувури
D—Қайтиш қувури

МУҲИМ: Гидравлик двигател ўчирилгандан кейин SCV ричагининг нотўғри жойлашиши сабабли, гидравлик тизим зичлагичларига шикаст етказмаслик учун:

- Ҳар доим SCV ричагини чайқалиш ҳолатига ўтказинг, бу моторнинг инерция бўйича тўхташига имкон беради.
- Ҳеч қачон SCV ричагини нейтрал ҳолатига қўйманг, чунки бу ҳаракат моторнинг кескин тўхташига олиб келиши мумкин.

ҚАЙД: Гидравлик моторни иккиламчи максимал сарфли насосга улаш уланишнинг афзал усули ҳисобланади.




E—Power-Beyond қайтиш муфтаси (мотор)
F—Цилиндри кўтариш/тушириш
G—Маркерлар
H—Йиғиш
I—Гидравлик мотор

Ушбу иловада:


- Гидравлик қайтарувчи муфта Power-Beyond нинг қайтиш портига йўналтирилади.
- Гидравлик мотор босим мойини SCV тортиш портидан қабул қилади.
- Агар гидравлик мой қайтиш шланги:
 - Power-Beyond портига уланган бўлса, қайтиш шланги учун махсус уч талаб қилинмайди.
 - Power-Beyond портига уланмаган бўлса, гидравлик мой қайтишини исталган чап SCV муфталарига улаш учун қайтиш шланги учун махсус учдан фойдаланинг.

EC82310,0000EF8-UZ-02SEP21

Агрегатни улашга мисол [Ag]: Вакуум моторли сеялка ва мотор қайтиш учидан фойдаланувчи SCV га қайтиш қувири



- 1—Стандарт оқимли гидравлика
2—Максимал сарфли гидравлика
А—Узайтириш муфтаси қувири
В—Тортиш муфтаси қувири
С—Босим қувири
D—Қайтиш қувири
Е—Оқимни бошқариш клапани



- F—Вакуумли мотор
G—Маркер
H—Йиғиш
I—Махсус шланг учи
J—Агрегатни кўтариш ёрдамчиси
K—Т-симон фитинг ва гидравлик шланг

RXA0185299—UN—01SEP21

МУҲИМ: Гидравлик мойга зиён етмасин. Агар атрофдаги ҳаво ҳарорати юқори бўлса, гидравлик насос максимал босим билан ишлаганда гидравлик мой қизиб кетиши мумкин.

- Оқим назорати клапани оқимни стандарт оқим гидравликаси билан бошқаради.
- Клапан максимал сарфли гидравлика билан мой оқимини бошқариш учун ишлатилади.

Гидравлик мотор ўчирилгандан кейин SCV ричагининг нотўғри жойлашиши сабабли, гидравлик тизим зичлагичларига шикаст етишидан сақланиш учун:

- Ҳар доим SCV ричагини чайқалиш ҳолатига ўтказинг, бу моторнинг инерция бўйича тўхташига имкон беради.
- Ҳеч қачон SCV ричагини нейтрал ҳолатига қўйманг, чунки бу ҳаракат моторнинг кескин тўхташига олиб келиши мумкин.

Юқори босимли қайтаётган гидравлик мой SCV уланиши орқали мотор томон орқага қараб ҳаракатланиши туфайли гидравлик тизим зичлагичларининг шикастланишидан сақланинг. Текшириш клапани билан қайтиш шлангининг махсус учини ўрнатиш талаб қилинади.

ҚАЙД: Гидравлик моторни иккиламчи максимал сарфли насосга улаш уланишнинг афзал усули ҳисобланади.



Ушбу иловада:

- Сеялка пуфлагичига ўхшаш вакуумли мотор SCV тортиш муфтасидан босим мойини қабул қилади.
- Агар вакуумли моторга оқимни бошқариш учун SCV дан фойдалансангиз, стандарт оқим ёки максимал сарфли гидравлика учун SCV панелидан фойдаланинг. Агар сеялка вакуумли моторда оқимни бошқариш клапани билан жиҳозланган бўлса, у кенг очилган ҳолатда бўлиши керак.
- Юк кўтариш ёрдамчи цилиндрларини Т шаклидаги фитинг ва гидравлик шланг билан

шатакни тушириш клапанига уланг. Шатакка олиш ричаги кўтаришга ёрдамчи цилиндрларини бошқаради.


EC82310,0000EFB-UZ-02SEP21

Агрегатни улашга мисол [Ag]: Вакуумли мотор ва моторга қайтувчи қайтиш қувурига эга сеялка - шатак ва агрегатни кўтариш ёрдамчиси билан



RXA0178004—UN—17JUN20

L—TouchSet™ чуқурликни бошқариш коннектори учун 9 штифтли коннектор



RXA0178005—UN—20MAY20

- 1—Стандарт оқимли гидравлика
2—Максимал сарфли гидравлика
A—Узайтириш муфтаси қувури
B—Тортиш муфтаси қувури
C—Босим қувури
D—Қайтиш қувури (Power-Beyond қайтиш муфтаси — мотор қайтиши)
E—Оқимни бошқариш клапани
F—Вакуумли мотор
G—Маркерлар
H—Йиғиш
I—Агрегатни кўтариш ёрдамчиси
J—Т-симон фитинг ва гидравлик шланг
K—9 штифтли агрегат коннектори

МУҲИМ: Гидравлик мойга зиён етмасин. Агар атрофдаги ҳаво ҳарорати юқори бўлса, гидравлик насос максимал босим билан ишлаганда гидравлик мой қизиб кетиши мумкин.

- Оқим назорати клапани оқимни стандарт оқим гидравликаси билан бошқаради.
- Клапан максимал сарфли гидравлика билан мой оқимини бошқариш учун ишлатилади.

Гидравлик мотор ўчирилгандан кейин SCV ричагининг нотўғри жойлашиши сабабли, гидравлик тизим зичлагичларига шикаст етишидан сақланиш учун:

- Ҳар доим SCV ричагини чайқалиш ҳолатига ўтказинг, бу моторнинг инерция бўйича тўхташига имкон беради.
- Ҳеч қачон SCV ричагини нейтрал ҳолатига қўйманг, чунки бу ҳаракат моторнинг кескин тўхташига олиб келиши мумкин.

Юқори босимли қайтаётган гидравлик мой SCV уланиши орқали мотор томон орқага қараб ҳаракатланиши туфайли гидравлик тизим зичлагичларининг шикастланишидан сақланинг. Текшириш клапани билан қайтиш шлангининг махсус учини ўрнатиш талаб қилинади.

ҚАЙД: Гидравлик моторни иккиламчи максимал сарфли насосга улаш уланишнинг афзал усули ҳисобланади.



Ушбу иловада:

- Вакуумли мотор SCV тортиш муфтасидан босим мойини қабул қилади.
- Оқимни бошқариш клапани:
 - Кенг очик ҳолатда ўрнатилган.
 - Трактор панели орқали бошқарилади.
- Қайтаётган мой Power-Beyond нинг қайтиш портига йўналтирилади.
- Қайтиш шланги тўғридан-тўғри учинчи муфтанинг чап томонига уланиши мумкин. Масалан:

- Стандарт оқим гидравликаси махсус қайтиш учи билан жиҳозланган.
- Максимал сарф гидравликаси махсус сеялка қайтиш учи билан жиҳозланган.
- Юк кўтариш ёрдамчи цилиндрларини Т шакладаги фитинг ва гидравлик шланг билан шатакни тушириш клапанига уланг.
 - Шатакка олиш ричаги шатак клапани фаоллаштирилганда агрегатнинг кўтаришга ёрдамчи цилиндрларини бошқаради.
 - SCV I ҳам шатак клапани, ҳам агрегатни кўтариш ёрдамчисини бошқариш учун ишлатилади.
 - 9 штифтли агрегат коннектори жуги тракторнинг асосий электр жугига уланган TouchSet™ чуқурлик назорати учун 9 штифтли уланганда трактор шатак бошқариш блокини ўчирадиган берк контурни ўз ичига олади.

EC82310,0000EFE-UZ-02NOV20

Агрегатни улашга мисол [Ag]: Босимни бошқариш клапани қўлланилиши - илашма камроқ (доимий сиқувчи босимли тизимга эга дон сеялкалари ёки пневматик сеялкалар)



1—Стандарт оқимли гидравлика
2—Максимал сарфли гидравлика
А—Узайтириш муфтаси қувири
В—Тортиш муфтаси қувири
С—Селектор клапани

Д—Босим назорати клапани
Е—Транспортировка фиксатори клапани
F—Босим қувири
G—Қайтиш қувири (Power-Beyond қайтиш муфтаси — мотор қайтиши)

RXA0178006—UN—20MAY20

H—Махсус шланг учи

МУҲИМ: Гидравлик мойга зиён етмасин. Фаол куч ишлатишни талаб қиладиган бирдан ортиқ агрегатдан фойдаланиш ҳаддан ташқари қизиқ кетган гидравлик мойи туфайли қуйидаги ҳолатларда гидравлик тизимга зарар етказиши мумкин:

- Атроф-муҳит ҳарорати баланд бўлганда.
- Гидравлик насос максимал босим остида ишлашга ўрнатилганда.

Агар атрофдаги ҳаво ҳарорати юқори бўлса, бир вақтнинг ўзида бир нечта агрегатдан фойдаланманг.

Гидравлик мотор ўчирилгандан кейин SCV ричагининг нотўғри жойлашиши сабабли, гидравлик тизим зичлагичларига шикаст етишидан эҳтиёт бўлинг. Гидравлик моторни ўчиргандан сўнг:

- Ҳар доим SCV ричагини чайқалиш ҳолатига ўтказинг, бу моторнинг инерция бўйича тўхташига имкон беради.
- Ҳеч қачон SCV ричагини нейтрал ҳолатига қўйманг, чунки бу ҳаракат моторнинг кескин тўхташига олиб келиши мумкин.

Юқори босимли қайтаётган гидравлик мой SCV уланиши орқали двигател томон орқага қараб ҳаракатланаши туфайли гидравлик тизим зичлагичларининг шикастланишидан сақланинг: Қайтган мойни қуйидаги томонга йўналтиринг:

- SCV кенгайиш порти. Ушбу параметр махсус қайтиш шланги учини ўрнатишни талаб қилади.
- Power-Beyond қайтиш порти. Ушбу параметр махсус қайтиш шланги учини ўрнатишни талаб қилмайди.

ҚАЙД: Гидравлик моторни иккиламчи максимал сарфли насосга улаш уланишнинг афзал усули ҳисобланади.


Ушбу иловада:

- Вакуумли мотор SCV тортиш портидан босим мойини қабул қилади.
- Фаол сиқувчи куч талаб қиладиган агрегатлардан фойдаланганда, гидравлик насосни максимал босим остида ишлашга қуйидагича созланг:

- Оқим назоратини доимийга ўрнатиш.
- SCV ричагини фиксация ҳолатига ўтказиш.

EC82310,0000F01-UZ-02NOV20

Агрегатни улашга мисол - максимал сарфли гидравлика [Ag]: Бошқариш клапанларини улаш - камроқ илашма



RXA0185300—UN—01SEP21

- A—Босим қувури
- B—Қайтиш қувури (Power-Beyond қайтиш муфтаси — мотор қайтиши)
- C—Ўзгарувчан тезлик узатмаси (Power-Beyond босим муфтаси)
- D—Power-Beyond юклама датчиги қувури
- E—Қайтиш шланги учи
- F—Вакуумли мотор
- G—Гидравлик мотор
- H—Гидравлик мотор

МУҲИМ: Гидравлик мотор ўчирилгандан кейин SCV ричагининг нотўғри жойлашиши сабабли, гидравлик тизим зичлагичларига шикаст етишидан сақланиш учун:

- Ҳар доим SCV ричагини чайқалиш ҳолатига ўтказинг, бу моторнинг инерция бўйича тўхташига имкон беради.
- Ҳеч қачон SCV ричагини нейтрал ҳолатига қўйманг, чунки бу ҳаракат моторнинг кескин тўхташига олиб келиши мумкин.

Юқори босимли қайтаётган гидравлик мой SCV уланиши орқали мотор томон орқага қараб ҳаракатланаши туфайли гидравлик тизим зичлагичларини шикастланишдан сақланг. Қайтган мойни қуйидаги томонга йўналтиринг:

- SCV кенгайиш порти махсус қайтиш шланги учини ўрнатишни талаб қилади.
- Power-Beyond нинг қайтиш порти махсус қайтиш шланги учини ўрнатишни талаб қилмайди.

ҚАЙД: Гидравлик моторни иккиламчи максимал сарфли насосга улаш уланишнинг афзал усули ҳисобланади.

Ушбу иловада:

- Иккиламчи гидравлик насос қуйидагиларни бошқаради:
 - Гидравлик моторлар.
 - Вакуумли мотор.
- Қайтарилаётган мой Power-Beyond нинг қайтиш портига йўналтирилади. Агар қайтиб келадиган шланг махсус қайтариладиган шланг учи билан жиҳозланган бўлса, у тўғридан-тўғри муфтанинг чап томонига уланиши мумкин.
- Гидравлик мотор (G) босим мойини SCV тортиш портидан қабул қилади. Қайтиш мойи SCV кенгайтирилган портига йўналтирилганлиги сабабли, қайтиб келадиган шланг учи талаб қилинади.
- Гидравлик мотор (H)
 - Power-Beyond портидан босим мойини қабул қилади.
 - Қайтаётган мой Power-Beyond нинг қайтиш портига йўналтирилади.


EC82310,0000F06-UZ-02SEP21

Компонентлар идентификацияси ва жойлашуви (скрепер)

SCV ғилофлари осон идентификациялаш учун рангли кодланган.

SCV рақами ва мос ранглари	
SCV	
Рақами	Ранги
I	Яшил
II	Кўк
III	Жигарранг
IV	Қора
V	Бинафшаранг
VI	Кулранг


Стандарт оқимли гидравлика



RXA0179031—UN—11AUG20

А—Узайтириш портлари
В—Қисқартириш портлари

Максимал сарфли гидравлика (премиум)




RXA0178008—UN—20MAY20

А—Узайтириш портлари
В—Қисқартириш портлари

Асосий гидравлик насос ва иккиламчи гидравлик насоснинг ҳар иккаласи ҳам олтига SCVнинг барчасини гидравлик мой билан таъминлайди.

Хусусиятлари	SCV муфта опцияси
	Премиум
3/4" улаш	Ҳа
Чайқалиш	Ҳа
Босим остида улаш/ажратиш	Ҳа
Ажратиш хусусияти	Ҳа

SCV муфтани танлаш




RXA0178009—UN—20MAY20

A— Узайтириш портлари
B— Қисқартириш портлари

Хусусиятлари	SCV муфта опцияси
	Танлаш
3/4" улаш	Ҳа
Чайқалиш	Ҳа
Босим остида улаш/ажратиш	Йўқ
Ажратиш хусусияти	Йўқ

EC82310,0000F07-UZ-02NOV20

Агрегатни улашга мисол [скрепер]: 1, 2 ва 3 скреперларни тортиш



RXA0178010—UN—20MAY20

Тортиш скреперини улашга мисоллар

A—Скрепер 1
B—SCV 1 (Кўтариш цилиндрлари)
C—SCV 2 (қулф/ағдарилиш механизми цилиндрлари)
D—Скрепер 2
E—SCV 3 (Кўтариш цилиндрлари)
F—SCV 4 (қулф/ағдарилиш механизми цилиндрлари)
G—Скрепер 3
H—SCV 5 Кўтариш цилиндрлари
I—SCV 6 (қулф/ағдарилиш механизми цилиндрлари)

EC82310,0000F09-UZ-11JUN20

Скрепер гидравлик шланги учлари [скрепер]

Текис юзали зичловчи ҳалқа зичлагич коннекторларига эга шланглар ва зичловчи ҳалқа втулка портлари мавжуд муфтalar учун тавсия этилган Жон Дир скрепери гидравлик шланг учлари.

Ўлчами			Қисм рақами	
Гидравлик шланг		SCV муфта мм (дюйм)	Шланг учи	Шлангни муфтага улаш адаптери
Индекс	Ички диаметр мм (дюйм)			
-8	12.5 (0.50)	12 (.5)	AR94522 ^a	38H1161
-12	19 (0.75)			AN233013
		19 (0.75)	AT117365 ^b	

^aСтандарт Ag муфтаси

^bМаксимал сарфли муфта

EC82310,0000F08-UZ-12MAY20

TouchSet™ ишлов бериш чуқурликни назорат қилиш

TouchSet™ ишлов бериш чуқурлигини бошқариш созламалари ва ростлаш

⚠ ДИҚҚАТ: Тан жароҳати олишдан ёки ўлим хавфидан эҳтиёт бўлинг. Ушбу тизимга мўлжалланмаган ускуналарга ишлов бериш чуқурлигини бошқариш датчикларини ўрнатишга ҳаракат қилманг. Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг.

Мотор ишлаётган пайтда агрегатнинг бошқарув блоки, датчиги, коннекторлари ёки симларини силжитиш кутилмаган силжишга сабаб бўлиши мумкин. Моторни ўт олдираётганда агрегатдан узоқроқ туринг.

TouchSet™ ишлов бериш чуқурлигини бошқариш тизими кўпинча ишлатиладиган баландлик ва чуқурликни ўрнатишга ва қулай тарзда тиклашга имкон беради. TouchSet™ ишлов бериш чуқурлигини бошқариш тизимидан фойдаланиш учун, SCV I тегишли равишда уланган ва мультисервис режимига ўрнатилган бўлиши лозим.

Қуйидаги мавзуда кўпроқ маълумот олиш учун:

- Тўғри уланиш учун оператор қўлланмасининг Агрегат ва бошқарув тизимини бириктириш тизими бўлимига қаранг.
- Мультисервис режими, мазкур Оператор қўлланмасининг Тақсимлаш клапанлари бўлимидаги SCV созламалари — Мультисервис режими қисмига қаранг.
- Баландлик ва чуқурлик созламалари, мазкур Оператор қўлланмасининг Тақсимлаш клапанлари бўлимидаги SCV созламалари — Оқимни ростлаш қисмига қаранг.

SCV дастагини ростлаш:

- Агрегатни юқорироқ ёки пастроқ ўрнатмага силжитиш учун SCV дастагини узайтириш ёки тортиш фиксацияси ҳолатида қисқа вақт ушлаб туринг.
- Агрегат ҳолатини тепага ёки пастга белгиланган миқдорда ростлаш учун SCV дастагини узайтириш ёки тортиш ҳолатларига келтиринг.

SCV дастагининг ҳолатлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун мазкур Оператор қўлланмасидаги Тақсимлаш клапанлари бўлимининг SCV бошқарув дастагини ростлаш қисмига қаранг.

KD34109,000058D-UZ-24MAY21

Агрегатнинг ҳолат коннекторини улаш/узиш

⚠ ДИҚҚАТ: Эҳтимолий шикастланишнинг олдини олинг. Агрегат силжиб кетмаслиги учун агрегатларни улаш/узишдан олдин доимо:

- 1.Моторни ўчириг.
- 2.SCV дастагини нейтрал ҳолатга ўрнатинг.
- 3.SCV бошқарув элементларини қулфланг.

МУҲИМ: Ҳар доим агрегат ҳолати коннекторини улаш ёки узишдан олдин моторни ўчириг. Мотор ишлаётган пайтда агрегатнинг ҳолат коннекторини улаш ёки узиш қуйидагиларни келтириб чиқариши мумкин:

- Ускуна буйруқларга жавоб бермаслиги.
- Диагностик носозлик кодларининг (DTC) пайдо бўлиши.


Диагностик носозлик коди пайдо бўлса ёки ускуна буйруқларга жавоб бермаса, агрегатнинг ҳолат коннекторини ўчириб ёқинг. Агрегатнинг ҳолат коннекторини тиклашга қаранг.

Агрегатнинг ҳолат коннекторини улаш

1. Тракторнинг орқа томонини агрегатнинг олдига жойлаштиринг.
2. Моторни ўчириг.

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олиш ва ускунага зарар етишини олдини олинг. Доим шатак штифтини қулфланган ҳолатга ўрнатинг.

3. Агрегатни шатакка олиш рамасига бириктиринг.
4. Агрегатнинг гидравлик шлангларини уланг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Гидравлик улашлар бўлимидаги Гидравлик шлангларни улаш/узиш қисмига қаранг.



RXA0179273—UN—20AUG20

Тракторнинг симлар жуги коннектори (D) SCV тўппамининг ўнг томонидаги кронштейнда жойлашган

5. Агрегатнинг ҳолат коннекторини тракторнинг симлар жгути коннекторига (D) ўрнатинг.

Агрегатнинг ҳолат коннекторини узиш

1. Моторни ўчиринг.
2. Агрегатнинг ҳолат коннекторини тракторнинг симлар жгути коннекторидан бўшатинг.
3. Агрегатнинг гидравлик шлангларини узинг.
4. Агрегатни шатакка олиш рамасидан узинг.

Агрегатнинг ҳолат коннекторини тиклаш

Агрегат уланишини тиклаш учун:

1. Моторни ўчиринг ва CommandCenter™ тўлиқ ўчишини кутинг.
2. Агрегат жгутини агрегат коннекторидан узинг.
3. Тракторни ўт олдинг ва CommandCenter™ тўлиқ ёнишини кутинг.
4. Моторни ўчиринг ва CommandCenter™ тўлиқ ўчишини кутинг.
5. Агрегат жгутини агрегат коннекторига уланг.
6. Моторни ўт олдинг ва CommandCenter™ тўлиқ ёнишини кутинг.
7. Агрегатни ишлатинг. Агар DTC пайдо бўлса ёки агрегат буйруқларга жавоб бермаса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

TS36762,0000202-UZ-26AUG21

Лазерли скрепер бошқаруви [Ag]

Лазерли скрепер — Скрепер бошқарув блоки билан жиҳозланган скреперлар учун

⚠ ДИҚҚАТ: Тан жароҳати олишдан ёки ўлим хавфидан эҳтиёт бўлинг. Мотор ишлаётган пайтда скрепернинг бошқарув блоки, коннекторлари ёки симларини силжитиш кутилмаган силжишга сабаб бўлиши мумкин. Моторни ўт олдираётганда агрегатдан узоқроқ туринг.

ҚАЙД: Тизим, асосан, скрепердан фойдаланиш учун лазерни автоматик йўналтириш тизимини талаб қилувчи ҳудудларда ишлатилади.

Скреперни автоматик бошқариш тизими кабинадан чиқмасдан туриб агрегат чуқурлигини электрон кўтариш, тушириш ва созлаш имконини беради.

Созлаш

1. SCV I, III ёки V ёрдамида агрегатни тракторга уланг.
2. Уланган SCV ни АВТО созламага қўйинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Тақсимлаш клапанлари бўлимидаги SCV созламалари—Мультисервис режими қисмига қаранг.
3. Уланган SCV учун сарфни ўрнатинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Тақсимлаш клапанлари бўлимидаги SCV созламалари—Сарфни ростлаш қисмига қаранг.


Фаоллаштириш

Скреперни автоматик бошқариш тизимини фаоллаштириш учун мос келувчи SCV дастагини стопорни узайтириш ёки тортиш ҳолатига озгина силжитинг. SCV дастагининг ҳолатлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун мазкур Оператор қўлланмасидаги Тақсимлаш клапанлари бўлимининг SCV бошқарув дастагини ростлаш қисмига қаранг.

KD34109,000058E-UZ-10NOV20

Скрепер ҳақида маълумот [скрепер]

Скреперни ишлатиш цикли



RXA0179362—UN—26AUG20

Скрепер цикли диаграммаси

A—Қазиш соҳаси
B—Ташиш — Юкланган
C—Тушириш соҳаси
D—Ташиш — Юкланмаган

МУҲИМ: Трактор учта скрепер билан ишлаши учун унинг ўзи ва барча куракли тагликлар тиркаманинг гидравлик тормозлари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Ушбу Оператор қўлланмасининг Транспорт бўлимидаги Шатакка олинган юклар ва барқарарлаштириш ёрдамида ташиш рукнига қаранг.

Ҳеч қачон оширманг:

- Олд ўққа 65% юклама билан максимал трактор балласти 28123 кг (62000 фунт) ни ташкил қилади.
- Қалта скреперли шатак мосламаси билан скрепернинг тилининг максимал юкламаси 10206 кг (22500 фунт)ни ташкил қилади.
- Доимий узун скреперли (Ag) шатак мосламаси таянчи билан скреперли тракторлар учун максимал юклама 8391 кг (18500 фунт)ни ташкил қилади.

Шатакка олинган скреперлар

Скреперли тракторни қўллаш бўйича йўриқномалар	
Тиркама тормозлари	Максимал шатакка олиш юкламаси
Йўқ	1,5 баравар оғирликни ҳисобга олмаганда ^a

Скреперли тракторни қўллаш бўйича йўриқномалар	
Бор	4,5 баравар оғирликни ҳисобга олганда.

^aТиркама тормозларисиз 32 км/соат (20 мил/соат)гача чекланган

Ишлаб чиқарувчининг скреперни ишлатиш бўйича тавсиялари ҳамда скреперни бириктириш ва фойдаланиш бўйича кўрсатмага риоя қилинг:

ҚАЙД: Мазкур ишлатиш йўриқномаларига риоя қилиш трактор ва скрепер яроқлилик муддатининг, шунингдек, маҳсулдорлиқнинг ошишига олиб келади.

- Юклаш тезлигини 6.2 км/соат (3,8 мил/соат)дан ошиқроқ сақлаб туриш учун кесиш чуқурлигини чекланг¹ Максимал қувват самарадорлиги учун 5-олдинга узатмада ишлатинг.
- Кесиш пайтида минимал мотор айланиш тезлигини 1850 ёки баландроқ нисбатда сақлаб туринг.
- 8-12% оптимал сирпанишни таъминлаш учун тракторни тўғри балластланг.
- Унча чуқур бўлмаган кесиклар нисбатан юқори тезликда қувват узатмасининг хизмат муддатини узайтиради ва умумий маҳсулдорлиқни оширади.
- Қазиш соҳасига ёки ташиш циклининг ташиш қисмига/қисмидан қайтиш пайтида қуйи узатма/ юқори узатмаларни, скреперларни кўтариш/ тушириш ёки бошқа функцияларни уйғунлаштириш учун iTEC™ (Жиҳозни тўлиқ интеллектуал бошқариш) тизимидан фойдаланинг. (Ускунани тўлиқ интеллектуал бошқариш тизими (iTEC™) бўлимига қаранг.)
- Шатак мосламаси баландлиги скрепернинг кесувчи ҳошияси скрепер пастга тушгунча ерга уриладиган қилиб созланиши лозим. Скрепернинг Оператор қўлланмасига қаранг.
- Шароит имкон берганида нишабликдан пастга ва/ ёки қуйиш соҳасига қаратиб юкланг.
- Тепага юклашдан олдин скрепер(лар)ни ерга ўрнатинг.
- Юклашдан олдин дифференциал фиксаторни фаоллаштинг, буришдан олдин бўшатинг.
- Кесиш мобайнида зич ва ҳўл соҳалар учун дифференциал фиксатордан фойдаланиш чекланиши лозим.
- Юкланиш остида бўлганда узатмани 6.2 км/соат (3.8 мил/соат)га тенг юриш тезлигидан пастга туширманг.¹
- Тезлиқни камайтиринг ва нишабликдан тушишдан олдин узатмани пасайтиринг.
- Эҳтимолий юкланиш 6-узатмада ёки ундан юқорида ҳамда мўлжал 1900-2150 айл/дақ бўлганида.

¹ Бу қийматлар трактор конфигурациясига боғлиқ равишда фарқ қилиши мумкин.

- Скрепер юклаётган пайтда руль бошқарувидаги барча киритиш функцияларини минималлаштиринг.
- Юқори тезликдаги динамик манёврлардан, айниқса, юкланган пайтда сақланг. (Кескин бурилишлар, нишабликлардан текис юзаларга ўтишлар ёки оғир ёки кескин тормоз бериш манёврлари.)
- Бурилатганда юк юкломанг.
- Шиналарни ёки занжирларни куракчанинг тилчасига бурманг.
- Равон шатак йўли ва қуйиш соҳасини сақлаб туринг.
- Агар жиҳозланган бўлса Ишлатиш/Сервис бўйича кўрсатмалар ва AutoLoad™ тизимини созлаш учун Оператор қўлланмасига қаранг.

Efficiency Manager™ тавсиялари

ҚАЙД: AutoLoad™ тизимидан фойдаланиш Efficiency Manager™ тизимидан чиқаради.

- Ташиш учун Efficiency Manager™ трансмиссия тизимидан фойдаланинг.
- Ташиш учун ҳар иккала Efficiency Manager™ трансмиссия тезлиги созламалари тизимидан фойдаланинг. Ташиш тезлигидаги битта тезлик созламасида ва бошқаси қазил тезлигида. Қўл режимида ўтишдан олдин трактор узатмасини пасайтириш ва юриш тезлигини қазил тезлигига яқинлаштириш учун иккинчи Efficiency Manager™ тезлик созламаси тизимидан фойдаланинг.

Мисол:

- Ташиш учун 2-созланган тезликдан, юклаш ва юкни тушириш соҳасига яқинлашиш учун 1-созланган тезликдан фойдаланинг.
- Кесил функциясига киришдан олдин самарадорлик менежерини узиб қўйинг.

RD47322,00009DE-UZ-26AUG21

Оғирликни узатиш чекловлари

МУҲИМ: Калта скреперли шатак мосламасига нисбатан скрепер тилининг максимал юклама узатиш қийматини 10206 кг (22500 фунт)дан, узун скреперли шатак мосламасига нисбатан скрепер тилининг максимал юклама узатиш қийматини 8391 кг (18500 фунт)дан ошириб юборманг. Тракторга узатилган вазнининг ошириб юборилиши структуравий ёки қувват узатмасида шикастланишга олиб келиши мумкин.

Бевосита маҳкамланган скреперни тортаётганда скрепернинг бир қисми ва фойдали оғирлик

тракторга узатилади. Ушбу тракторга қўшимча оғирлик, айниқса, иккита скрепер биргаликда тортаётганда юклаш цикли давомида маҳсулдорликни сезиларли даражада ошириши мумкин. Биринчи скрепер юкланганидан кейин трактор нисбатан кўпроқ тортиш имкониятига эга бўлади ва иккинчи чўмични нисбатан тезроқ юклай олади, бу цикл вақтининг сезиларли камайишига сабаб бўлади.

RD47322,00000EC-UZ-07JAN19

Скрепер/Трактор бирикмаси

МУҲИМ: Ишлатиш чекловларини назорат қилмаслик ва тўғри ишлатиш жараёнларига риоя қилмаслик тракторнинг хизмат муддатини қисқартиради ва шасси, қувват узатмаси ва занжир тизимининг муддатидан аввал ишдан чиқишига олиб келади.

Агрегатни тўғри ишлатиш занжирларнинг, қувват узатмасининг ва юриш қисмларининг хизмат муддатини узайтириш, тўхтаб қолишлардан сақланиш ва ишлаш самарадорлигини максималлаштириш учун муҳим ҳисобланади.

Тилча баландлиги

Скрепер тилчасининг баландлиги кесувчи хошиянинг ерга нисбатан бурчагини белгилайди. Агар тилча жуда паст бўлса, скрепер чўмичининг туби кесикка тушади. Агар тилча жуда баланд бўлса, скреперни кесикда назорат қилиш қийин бўлади. Тилчанинг оптимал узунлиги ерга нисбатан 46-53 см (18-21 дюйм) бўлади. Тилчани шатак ёки хомут мосламалари орқали тепага ёки пастга ростланг. Юмшоқ шароитларда ишлаётганда тилча баландлигини кўтариш ташиш пайтида ерга нисбатан баландликни яхшилаши мумкин. Орқа скрепернинг тилчаси олд скреперники билан бир хил баландликда бўлиши керак. Скрепернинг Оператор қўлланмасига қаранг.

Шатак мосламаси баландлиги

Шатак мосламаси баландлиги скрепернинг кесувчи хошияси скрепер пастга тушгунча ерга уриладиган қилиб созланиши лозим. Скрепернинг Оператор қўлланмасига қаранг.

RD47322,00000ED-UZ-07JAN19

Юклаш техникалари

Юклаш методлари

Учта умумий юклаш техникаси мавжуд.

- Тортиб юклаш - тракторнинг тортувчи скреперлари юклаш методи сифатида тавсия


қилинади. Умуман олганда, скреперларни юклаш учун энг тежамкор метод.

- Итариб юклаш - скреперни итариш учун алоҳида транспорт воситасидан фойдаланади. Фақат итариб юклаш учун мўлжалланган скреперни итариб юкланг (яъни, эжектор моделлар). Итарувчи транспорт воситаси тезлиги тортувчи трактор тезлигидан ошиб кетмаслиги муҳимдир, акс ҳолда занжир ортиқча айланиб кетиши ва тортувчи ғилдирақларнинг сирпаниб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

МУҲИМ: Тепага юклаганда юклаш кетма-кетлиги мобайнида шатак мосламаси ва гидравлик тизим орқали тракторга ортиқча зарба юкланишидан сақланиш учун юклаш циклини бошлашдан олдин доим скреперни ерга тушириб қўйинг.

- Тепадан юклаш - (яъни, экскаватор) - скрепердан экскаватор ёрдамида юкланадиган шатак блоки сифатида фойдаланади.

Ишлаш циклини автоматлаштириш



RXA0119628—UN—09AUG11

Ишлаш циклини автоматлаштириш


- A— Қазилар соҳаси
- B— Юкланган транспорт
- C— Туширилган соҳаси
- D— Туширилган транспорт

Қазилар соҳасига (A) ёки циклининг юкланган (B) ёки туширилган транспорт (D) қисмларини киритиш соҳасига қайтиш пайтида қуйи ва юқори узатмаларни, скреперларни кўтариш ёки тушириш ёки бошқа автомат функцияларни уйғунлаштириш учун iTEC™ (Жиҳозни тўлиқ интеллектуал бошқариш) тизимидан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланимидан Ускунани тўлиқ интеллектуал бошқариш тизими (iTEC™) бўлимига қаранг.

Юклаш операциялари мобайнида эмас, циклининг ташиш қисмлари учун Efficiency Manager™ тизимидан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланимидан e18™ PowerShift™ трансмиссия бўлимидаги e18™ созланган тезликлар ва Efficiency Manager™ рукнига қаранг.

Юклаш тезлигини 6,4 км/соат (4 мил/соат)дан ошиқроқ сақлаб туриш учун кесиш чуқурлигини чекланг

Юклаш кетма-кетлиги



RXA0119629—UN—09AUG11

- A— Скрепер эни
- B— Скрепер энидан кичикроқ
- C— Биринчи кесик
- D— Иккинчи кесик
- E— Учинчи кесик

Биринчи кесикни (C) очгандан кейин биринчисига параллел тарзда ундан биров масофада скрепер энидан (B) кичикроқ иккинчи кесикни (D) очинг. Учинчиси ўтказишда (E) биринчи ва иккинчи кесиклар ўртасидаги материални териб олинг.

Бевосита маҳкамланган скреперни бошқа скрепер билан биргаликда юклаётганда олд скрепер чўмичини дастлаб юклаш жуда самарали ҳисобланади.

RD47322,00000EE-UZ-12NOV19

AutoLoad™ жгутини улаш

МУҲИМ: Ҳар доим AutoLoad™ жгутини улаш ёки узишдан олдин моторни ўчиринг. Мотор ишлаётганда AutoLoad™ жгутини улаш ёки узиш қуйидагиларга сабаб бўлиши мумкин:

- Скрепер Autoload™ буйруқларига жавоб бермайди.
- Диагностик носозлик кодларининг (DTC) пайдо бўлиши.

DTC пайдо бўлса ёки AutoLoad™ жгути буйруқларга жавоб бермаса, жгутни асл ҳолатига қайтаринг. AutoLoad™ жгутини асл ҳолатига қайтаришга қаранг.

1. Моторни ўчиринг.



AutoLoad™ жгути улагич розеткаси SCV тўпламидан юқорида бўлади
RXA0179346—UN—24AUG20

2. Скрепердаги AutoLoad™ жгутини трактор AutoLoad™ жгути улагичи розеткасига (A) уланг.
3. Оператор қўлланмаси бўлимидаги скреперни тўғри ишлатиш ёки скрепер ишлаши циклидаги скреперни ишлатиш нақлейкасига қаранг.

AutoLoad™ жгутини асл ҳолатига қайтариш

Жгут уланишини асл ҳолатига қайтариш учун:

1. Моторни ўчиринг ва CommandCenter™ тўлиқ ўчишини кутинг.
2. Коннектор розеткасидан AutoLoad™ жгутини узинг.
3. Тракторни ўт олдинг ва CommandCenter™ тўлиқ ёнишини кутинг.
4. Моторни ўчиринг ва CommandCenter™ тўлиқ ўчишини кутинг.
5. AutoLoad™ тизимини коннектор розеткасига уланг.
6. Моторни ўт олдинг ва CommandCenter™ тўлиқ ёнишини кутинг.
7. Скреперни ишлатинг. Агар DTC пайдо бўлса ёки AutoLoad™ буйруқларга жавоб бермаса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

AK08008,0000B3C-UZ-27AUG21

AutoLoad™ созламалари — кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



Меню

RXA0167075—UN—20MAR19

1. Меню



Машина созламалари
RXA0167076—UN—20MAR19

2. Машина созламалари варағи



AutoLoad™

RXA0180073—UN—09OCT20

3. AutoLoad™

Иловага навигация панели орқали кириш:



AutoLoad™

RXA0168458—UN—30MAY19

Дисплей остидаги навигация панелида AutoLoad™ тугмасини босинг.

KD34109,000063A-UZ-12OCT20

AutoLoad™ созламалари


AutoLoad™ иловаси AutoLoad™ созламасига кириш ва ростлаш учун ишлатилади. AutoLoad™ фақат 5-13 трактор узатмаларида ишлайди.

ҚАЙД: Агар ойна сояси SCV функцияси қотиб қолган ва оқим тезлигини оширишни айтса, трактор талаб этилган узатмаларнинг (5-13) биридалигини текширинг.

Агар AutoLoad™ скрепер тракторга уланган бўлса, SCV саҳифаси функция режимида уланган SCV (I, III ва/ёки V) билан кўрсатилади. Кўпроқ маълумот учун ушбу оператор қўлланмасининг Тақсимлаш клапанлари бўлимида SCV созламаларига қаранг. Энг яхши кўрсаткич аниқлиги учун ҳар йили шатак мосламаси датчигини калибрланг. Калибрлаш тартиби учун ушбу Оператор қўлланмасининг

Сервис — Текшириш бўлимидаги Шатакка олиш рамаси датчиги қисмига қаранг.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли параметр билан жиҳозланган бўлсагина, намоиш этилади.



AutoLoad™ мисол

AutoLoad™ бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



Ҳолат индикатори

ҚАЙД: Ҳар бир бириктирилган AutoLoad™ скрепер учун модул кўрсатилади.

Скрепер жойлашуви ҳолати индикатори — ўрнатилган нуқталарга нисбатан скрепер жойлашуви ҳолатини кўрсатади. Ушбу оператор қўлланмасининг AutoLoad™ созламалари — Скрепер ҳолатига қаранг.



Бошланғич тортиш қаршилиғи

ҚАЙД: Ҳар бир бириктирилган AutoLoad™ скрепер учун модул кўрсатилади.

Илк тортиш — жорий илк тортиш созламасини кўрсатади ва ростлайди. Ушбу оператор қўлланмасининг AutoLoad™ созламалари — Илк тортишга қаранг.



Скрепер ҳолати

RXA0180092—UN—09OCT20

ҚАЙД: Ҳар бир бириктирилган AutoLoad™ скрепер учун модул кўрсатилади.

Скрепер ҳолати — жорий скрепер жойлашуви ва ўрнатиш нуқталарини кўрсатади ва ростлайди. Ушбу оператор қўлланмасининг AutoLoad™ созламалари — Скрепер жойлашувига қаранг.



Ўртача тортиш қаршилиғи

RXA0180075—UN—09OCT20

Ўртача тортиш — жорий ўртача тортиш созламасини кўрсатади ва ростлайди. Ушбу оператор қўлланмасининг AutoLoad™ созламалари — Ўртача тортишга қаранг.



Юклама миқдори

RXA0180071—UN—09OCT20

ҚАЙД: Ҳисоблагич максимал қийматга (9999 юклама) етса, ҳисоблагич нолга қайта тикланади.

Юклама ҳисоби — кўчириладиган скрепер юкламалари сонини қўлда кўрсатади ва ростлайди. Автоматик юклама ҳисобини фаоллаштириш/фаолсизлантириш учун оператор қўлланмасининг AutoLoad™ созламалари — Қўшимча бўлимига қаранг.



Юклав миқдорини қайта созлаш

RXA0180090—UN—09OCT20

Юклама ҳисобини тиклаш — юклама ҳисобини нолга тиклайди. Танлашни тасдиқлаш учун саҳифа кўрсатилади.



RXA0180094—UN—09OCT20
SCV очик



RXA0180093—UN—09OCT20
SCV қулфланган

Ҳолат — SCVнинг қулфланган ёки очилган ҳолатини кўрсатади.



RXA0167071—UN—21MAR19
Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар — Қўшимча ростлашлар ва кам ишлатиладиган созламаларга кирилади. Ушбу Оператор созламалари бўлимидаги AutoLoad™ созламалари — Қўшимча қисмига қаранг.

Иш саҳифаси модуллари

Схема менежери ёрдамида ушбу иловани ишга тушириш саҳифалари учун модулларни қўшинг. 4-авлод дисплеи Оператор қўлланмасига қаранг.

Мисол:



Ҳолати

RXA0180089—UN—09OCT20

ҚАЙД: Иловангиз учун ҳар хил модуллардан фойдаланишингиз мумкин.

Ҳолати — Ҳолат модулига тезкор кириш.

KD34109,000063B-UZ-21APR21

AutoLoad™ созламалари — Скрепер ҳолати

Ҳолат индикатори ўрнатилган нуқталарга нисбатан скрепернинг жорий жойлашувини кўрсатади. Индикатор ранги AutoLoad™ тизимининг жорий ҳолатига (қазиш жараёни фазаси) боғлиқ равишда ўзгаради.

Ҳолат индикаторлари:



RXA0177921—UN—14MAY20
Ҳолат индикатори

- **Қора индикатор** — скрепер ташиш ҳолатида бўлганида индикатор қора рангда ёнади.
- **Кулранг индикатор** — носозлик аниқланса, индикатор ёнмайди ва кулранг кўрсатилади.
- **Яшил индикатор** — скрепер кесишга киритиш ҳолатида бўлганида индикатор яшил рангда ёнади.
- **Кўк индикатор** — скрепер юклаш ҳолатида бўлганида индикатор кўк рангда ёнади.
- **Тўқ сариқ индикатор** — скрепер тайёр ҳолатида бўлганида индикатор тўқ сариқ рангда ёнади.

KD34109,000063C-UZ-24NOV20

AutoLoad™ созламалари — Бошланғич тортиш

Бошланғич тортиш қаршилиги созламаси оператор унинг ёрдамида кесикка киритиш пайтида тизимнинг ишчи юкласини сошлаши мумкин бўлган воситадир. Созлама кесишнинг дастлабки ярмига таъсир кўрсатади.

ҚАЙД: Ҳар бир бириктирилган AutoLoad™ скрепер учун модул кўрсатилади.

Ўзгартириш тартиби:



RXA0180084—UN—09OCT20
Ошириш



RXA0180078—UN—09OCT20
Камайтириш

Созламани ошириш учун плюс (+/++) ёки камайтириш учун (-/--) ни танланг. (+) ва (-) га нисбатан юқориқроқ тезликда қийматни ошириш ёки камайтириш учун (++) ва (--) белгиларидан фойдаланинг.



Қиймат

RXA0180098—UN—09OCT20

Ростлаш вақтида қиймат экранда кўрсатилади, бу эса белгиланади.



Индикатор

RXA0169143—UN—25JUN19

Индикатор жорий созулмани кўрсатади. Максимум созулмага (250) қанчалик яқин бўлса, кесиш шунча кескин (оғир) бўлади. Минимум созулмага (0) қанчалик яқин бўлса, кесиш шунча енгил (енгилроқ) бўлади.

KD34109,000063D-UZ-10DEC20

AutoLoad™ созуламалари — Скрепер жойлашуви

Скрепер жойлашуви саҳифаси скрепернинг жорий жойлашувини кўрсатади ва скрепернинг ўрнатилган нуқталарини ростлашга имкон беради.

ҚАЙД: Ҳар бир бириктирилган AutoLoad™ скрепер учун модуль кўрсатилади.

Ўзгартириш тартиби:



RXA0180095—UN—09OCT20

Ўрнатилган нуқта индикаторлари

Ўрнатилган нуқта индикаторлари — учта скрепер жойлашувини ўрнатиш нуқтасини ифодалайдиган кичик сариқ индикаторлар. Учта жойлашувининг барчаси AutoLoad™ ишлаши учун созуланиши керак.

- Ташиш (юқори)
- Тайёр (куйи)
- Юклаш (текис даража)



RXA0180097—UN—09OCT20

Юқори чегарани ўрнатиш

Ташиш — скреперни ташиш учун исталган жойлашув. Скрепер исталган жойлашувга кўчирилгандан кейин юқори чегара калитини созулашни танланг. Скреперни ташиш ҳолатига кўчириш учун тегишли SCV дастаги стопорни кенгайтиришга ўтказилиши мумкин. Дастак сурилганда скрепер ўрнатилган жойлашувдан юқорида бўлса, у ҳаракатланмайди. SCVни бошқариш дастаги ростланиши ҳолатлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун мазкур Оператор

қўлланмасидаги Тақсимлаш клапанлари бўлимининг SCV бошқарув дастагини ростлаш қисмига қаранг.



RXA0180086—UN—09OCT20

Пастки чекловни ўрнатиш

Тайёр — скрепер учун исталган бўшаиш жойлашуви. Скрепер исталган жойлашувга кўчирилгандан кейин пастки чегара калитини созулашни танланг. Скреперни тайёр ҳолатига кўчириш учун тегишли SCV дастаги стопорни қайтаришга ўтказилиши мумкин. Дастак сурилганда скрепер ўрнатилган жойлашувдан пастда бўлса, у ҳаракатланмайди. SCVни бошқариш дастаги ростланиши ҳолатлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун мазкур Оператор қўлланмасидаги Тақсимлаш клапанлари бўлимининг SCV бошқарув дастагини ростлаш қисмига қаранг.



RXA0180082—UN—09OCT20

Текис даражани ўрнатиш

ҚАЙД: Жон Дир тушиш маркази пичоқлари ерга кириши учун пасайтирилишини тавсия қилади. Тушиш маркази пичоқларини тушириш ташқи тигларнинг ерга тегишига имкон берган ҳолда тушиш маркази тиглари ерга киришига имкон беради.

Юклаш — кесишга кириши учун скрепер учун исталган жойлашув. Скрепер исталган жойлашувга кўчирилгандан кейин пастки текис ерга созулашни танланг.



RXA0169140—UN—25JUN19

Скрепер жойлашуви индикатори

Ҳолат индикатори — скрепернинг жорий ҳолатини кўрсатади.

KD34109,000063E-UZ-16FEB21

AutoLoad™ созуламалари — Ўртача тортиш

Ўртача тортиш қаршилиги созуламаси оператор унинг ёрдамида кесикка охиригача киритилгандан кейин тизимнинг ишчи юкламасини созулаши мумкин бўлган воситадир. Созлама кесишнинг охириги ярмига таъсир кўрсатади. Ушбу созулама барча скреперлар учун бир хил ва фақатгина битта жойга ўрнатилади.

Ўзгартириш тартиби:




RXA0180077—UN—09OCT20
Камайтириш



RXA0180083—UN—09OCT20
Ошириш

Созламани ошириш учун плюс (+/++) ёки камайтириш учун (-/--) ни танланг. (+) ва (-) га нисбатан юқорида тезликда қийматни ошириш ёки камайтириш учун (++) ва (--) белгиларидан фойдаланинг.



RXA0180098—UN—09OCT20
Киритиш катаги

Ростлаш вақтида қиймат экранда кўрсатилади, бу эса белгиланади.



RXA0169143—UN—25JUN19
Индикатор

Индикатор жорий созламани кўрсатади. Максимал созламага (250) қанчалик яқин бўлса, кесиш шунча кескин (оғир) бўлади. Минимал созламага (0) қанчалик яқин бўлса, кесиш шунча енгил (енгилроқ) бўлади.

KD34109,000063F-UZ-16FEB21

AutoLoad™ созламалари — Қўшимча

Қўшимча созламалар батафсил созламаларга ўтиш ва камроқ фойдаланиладиган созламаларга кириш имконини беради.

Қўшимча созламалар саҳифасида мавжуд пунктлар:



RXA0180096—UN—09OCT20
Созлаш устаси

AutoLoad™ созламаси — Созлаш устаси AutoLoad™ скрепер жойларини созлашни кетма-кетликда олиб боради.



Auto Dimensions



Manual Dimensions

RXA0180091—UN—09OCT20
Автоматик/қўл ўлчамлари

Скрепер ўлчамлари — скрепер модели ёрдамида

ўлчамларни созланг ёки қўлда киритинг. Ушбу оператор қўлланмасининг AutoLoad™ созламалари — скрепер ўлчамларига қаранг.



ЁНИҚ/ЎЧИҚ

RXA0167187—UN—22MAR19

ҚАЙД: AutoLoad™ тизими юклаш миқдорини ҳар сафар автоматлашган кесик фаолсизлантирилганида; скрепер бошқарувини қўлда бажарганда ёки юқори созланган ҳолатга фиксация қилинганда ошириб боради. Агар автоматлашган кесик тўхтатилса ёки қайта ишга туширилса, юклаш миқдори икки марта ошади. Агар керак бўлса, юклаш миқдори қўлда тузатилиш зарур бўлади. AutoLoad™ тизими ҳар бир алоҳида скрепер(лар) юкламасини ҳисоблайди, цикллар сонини эмас.

Юклаш ҳисоби — автоматик юклаш ҳисобини фаоллаштириш учун ЁҚИШ ёки фаолсизлантириш учун ЎЧИРИШни танланг.

KD34109,0000640-UZ-16FEB21

AutoLoad™ созламалари — Скрепер ўлчамлари

Скрепер ўлчамларини қўлда ёки моделига кўра созланг.

Ўзгартириш тартиби:

Моделни танлаш орқали созлаш:



Auto Dimensions

RXA0180072—UN—09OCT20
Автоматик ўлчамлар

1. Автоматик ўлчамларни танланг.



RXA0180076—UN—09OCT20
Моделни танлаш катакчаси

2. Моделни танлаш катакчасини танланг.



RXA0180088—UN—09OCT20

Модел рўйхати

3. Рўйхатдан моделни танланг.

Ўлчамларни киритиш орқали сошлаш учун:

ҚАЙД: Скрепер ўлчамлари фақатгина агар трактор, шатак мосламаси ва скрепер AutoLoad™ тизими таркибий қисмлари билан жиҳозланган бўлса, киритилиши мумкин.




Manual Dimensions

RXA0180087—UN—09OCT20

Қўл ўлчамлари

1. Қўл ўлчамларини танланг.



RXA0180081—UN—09OCT20

Ўлчам тавсияси

- А ўлчам (скрепернинг бўйи) скрепернинг олд тилчаси штифти ва орқа штифти ўртасидаги тандем скреперни боғловчи масофадир.
- В ўлчам (пичокдан ўққа) ўққа кўндаланг тиг энг саёз кесувчи тиг учидан орқа ўққача бўлган масофадир.



22 ft

RXA0180079—UN—09OCT20

А ўлчам

2. Скрепер бўйи ўлчамини киритиш учун А киритиш катагини танланг. Ўлчамни киритиш учун А рақам панели кўрсатилади.



13 ft

RXA0180080—UN—09OCT20

В ўлчам

3. Пичокдан ўққача ўлчамини киритиш учун В киритиш катагини танланг. Ўлчамни киритиш учун А рақам панели кўрсатилади.

Жон Дир скрепер ўлчами жадвали		
Скрепер модели	Скрепер тилчаси штифтидан орқа штифтгача узунлик (А)	Скрепер тигидан орқа ўққача узунлик (В)
	фут	
1510C	24,3	8,3
1510DC	24,3	8,3
1512C	23,3	7,6
1810C	27,0	9,3
1810DC	27,0	9,3
1812C	24,3	8,3
1812DC	24,3	8,3
1814C	24,6	7,6
1814DC	24,6	7,6
2112C	29,2	9,6
2112DC	29,2	9,6
1512E	27,7	7,8
1612DE	27,7	7,8
1810E	29,2	9,3
2010DE	29,2	9,3
2010DE иккита шина	31,2	10,5
1814E	26,3	7,8
2014DE	26,3	7,8
2112E	31,6	9,8
2412DE	32,8	9,8
2412DE иккита шина	33,9	10,5

KD34109,0000641-UZ-22FEB21

Гусеницалар — Умумий маълумот

Гусеницадан фойдаланиш бўйича умумий кўрсатмалари

МУҲИМ: Гусеница ва гусеница тизими компонентларига зарар етишини олдини олинг, гусеницаларни олдиндан текширинг.

- Тракторни илк марта йўлда ҳайдашдан олдин гусеницаларни олдиндан текширинг, ушбу оператор қўлланмасининг Чиниқтириш пайтида хизмат кўрсатиш (100 соат ёки камроқ) бўлимидаги Гусеница тизими обкаткасини амалга ошириш қисмига қаранг.
- Янги гусеница ва ғилдираклар билан катта тезликда ҳаракатланишдан сақланинг, айниқса дастлабки 50-100 соат ичида.

Трансмиссия ва гусеницанинг хизмат муддатини узайтириш учун тупроқнинг ҳаддан зиёд зичлашининг олдини олинг ва силжиш қаршилигини камайтиринг: жуда кўп балласт қўшманг. Ҳеч қачон 6.6 км/с (4.1 мил/с) дан паст тезликда ишлаш ва тўлиқ қувватда доимий ортиқча юкламаларга олиб келувчи балластни қўшманг. 9 RX Narrow [Ag] учун 7.5 км/соат (4.7 мил/с) дан паст бўлганда, узлуксиз тўлиқ қувватли юкламалар билан ишлатишдан сақланинг.

Гусеница ва қувват узатмасининг шикастланишига йўл қўйманг. 30 ва 36 дюймли гусеницалар ва 120 дюймли оралик билан жиҳозланган тракторларда қуйидагилардан асло фойдаланманг:

- 3 нуқтали шатак
- Пуркаш баклари
- Олдига ўрнатилган тиг
- Скрепер

Ишқаланиш кучайганда чиқиндилар тўпланиши ёнғин келтириб чиқариши мумкин. Гусеница ва трактор рамаси ўртасидаги чиқинди йиғилиш нуқталаридан қолдиқларни тозаланг.

Гусеницани мой, солидол ёки бошқа бензини бор кимёвий моддаларда ишлатишдан сақланинг. Ушбу материалларнинг техник хизмат пайтида гусеница ва ғилдиракларга тўкилишидан эҳтиёт бўлинг.

Гусеницанинг ишлаш муддатини узайтириш

Гусеница каркаслари нотекис ейилишларни ортиқча бўлишини олдини олишга мўлжалланган, лекин бунинг учун каркасининг бутунлиги таъминланиши лозим. Пўлат каркасга намлик тегишидан сақлаш ва ортиқча маҳаллий кабелъ юкламаси юз беришини олдини олиш жуда муҳим саналади. Гусеницали машина эгалари гусеницанинг максимал яроқлилиги

муддатига эришиш ва ишлатиш билан юзага келадиган муаммоларга дуч келмасликлари учун ушбу йўриқномаларга амал қилишлари маслаҳат берилади, зеро буларнинг барчаси техник хизмат харажатларининг қисқаришига олиб келади:

- **Йўлда юришни камайтиринг. Йўлда ҳаддан ташқари кўп юриш гусеницанинг далада юришга қараганда 15 мартагача кўпроқ ейилишига олиб келади**
 - Йўлда юрганда транспорт юкини камайтиринг.
 - Айниқса максимал қулай шароитларда ҳаракатланиш тезлигини камайтиринг.
- **Тўғри ишлатиш техникаларидан фойдаланинг**
 - Гусеница ейилишини камайтириш учун сирпаниш ва ерни тишлаш элементларининг ювилишини олдини олинг.
 - Ариқлардан кечиб ўтаётганда ёки бурилишларда эҳтиёткорлик билан ҳаракатланинг. Ариқлардан диагонал шаклда кечиб ўтиш гусеницанинг марказий қисмида таянчсиз қолишига ва тарангловчининг рўпарадаги қирғоққа урилишига сабаб бўлади, бу эса бир лаҳзага тарангликни йўқолишига ва марказий қисмининг пастга ва ғилдираклардан ташқарига тушиб кетишига олиб келади ҳамда айниқса бурилиш пайтида гусеницанинг изидан чиқиб кетиш хавфи катта.
- **Гусеницанинг тўғри таранглигини ушлаб туриш**
 - Тарангликнинг йўқолиши сирпаниш ва моддалар йиғилиб қолиши сабабли гусеницалар ва унинг ички томонининг тез ейилишига олиб келади.
 - Ҳаддан ташқари таранглик ортиқча юкламага ва шасси подшипниклари, ички гусеница кабеллари ва гусеница рамаси зўриқишига олиб келади.
- **Ортиқча моддаларни гусеницадан ташқарида сақланг**

Гусеницада ўткир, қаттиқ материалларнинг бўлиши унинг айрим қисмларида ейилиш ва кейинчалик гусеница каркасида намлик тўпланишга олиб келади.

EC82310,000060F-UZ-23APR21

Гусеница сервис

Гусеница тизими учун сервис маълумотлари ушбу оператор қўлланмасининг Сервис бўлимида мавжуд.

Сервис вазифалари	Қаранг
Гусеница ейилиши	Сервис — Текшириш
Гусеница тўғрилиги	
Гусеница таранглиги	

Сервис вазифалари	Қаранг
Узатма ва оралиқ ғилдираклар ва ўрта роликлар	
Чиқинди тўпланиши	
Етакловчи ғилдирак втулкаси корпуси мойи	
Ўрта роликларда мой миқдори	
Узатма ғилдирак, оралиқ ғилдирак ва ўрта роликли қалпоқчали винтлар	Сервис — қотириш
Гусеница тарангловчи цилиндри	Сервис — мойлаш

EC82310,0000525-UZ-22APR21

Ўриндиқлар

Пневматик ўриндиқни ростлаш



RXA0167353—UN—03APR19

Пневматик ўриндиқ

ҚАЙД: Танлаш, премиум ёки сўнгги қулайлик тўпламини кўрсатади, иккисининг таркибига киритилмаса, функция киритилади.



RXA0167320—UN—03APR19

Тирсакқўйғич баландлигини бошқариш

Чап тиргак баландлиги — бўшашиш учун ростлаш мурватини соат милага тескари буранг. Тирсакқўйғични юқорига ёки пастга исталган ҳолатга силжитинг ва мурватни соат йўналишида бураб қотириш.



RXA0167321—UN—03APR19

Тирсакқўйғич оғиши бошқаруви


Чап тирсакқўйғич оғиши — тирсакқўйғичнинг оғиш бурчагини ростлаш учун ростлаш мурватини буриш.



RXA0167322—UN—03APR19

Бурилиш қулфланиши бошқаруви

Ўриндиқ бурилиши — ўриндиқ бурилишига имкон бериш учун дастакни юқорига жойланг. Ўриндиқ бурилишига қарши қулфланмаслиги учун пастки ҳолатга (кўрсатилган) жойланг. Ўриндиқни бир нечта ҳолатларга қулфланиши керак.



RXA0167344—UN—03APR19

Олдинга/орқага аттенюация қулфланиши бошқаруви

Олдинга/орқага аттенюация — ҳаракатланишга имкон бериш учун дастакни олдинга ҳолатига (кўрсатилган) буриш. Ҳаракатни қулфлаш учун дастакни орқа ҳолатига буриш. Қулфлаш учун ўриндиқ марказий ҳолатда бўлиши керак.



RXA0167345—UN—03APR19

Чап/ўнга аттенюация қулфланиши бошқаруви

Чап/ўнга аттенюация — ҳаракатланишга имкон бериш учун дастакни олдинга ҳолатига (кўрсатилган) буриш. Ҳаракатни қулфлаш учун дастакни орқа ҳолатига буриш. Қулфлаш учун ўриндиқ марказий ҳолатда бўлиши керак.



RXA0167343—UN—03APR19

Ҳаракатланиш қаттиқлигини бошқариш

Ҳаракатланиш қаттиқлиги — дастакни уч ҳаракатланиш қаттиқлигининг бирига суриш:

- Энг қаттиқ (олд ҳолат)
- Ўртача қаттиқлик (марказий ҳолат)
- Энг кам қаттиқлик (орқа ҳолат)




RXA0167326—UN—03APR19

Ўриндиқ баландлигини бошқариш


Ўриндиқ баландлиги — ўриндиқни кўтариш учун (юқори стрелка кўрсатилган) юқорига кўтаринг ёки

Ўриндиқни тушириш учун (пастки стрелка) пастга туширинг.



RXA0167340—UN—03APR19
Орқа суянчиқ бурчаги бошқаруви — танлаш

Орқа суянчиқ бурчаги (танлаш) — дастакни юқорига тортинг ва бурчакни ростланг. Исталган бурчакка етилганида дастакни кўтаринг. Орқа ўриндиқ энг яқин фиксаторга блокланади.



RXA0167327—UN—03APR19
Орқа суянчиқ бурчаги бошқаруви — премиум ва сўнгги

Орқа суянчиқ бурчаги (премиум ва сўнгги) — орқа ўриндиқ сурилиши учун тугмани исталган йўналишга буринг.




RXA0167341—UN—03APR19
Олдинга/орқага ҳолати бошқаруви — танлаш

Олд/орқа ўриндиқ ҳолати (танлаш) — панелни тортинг ва ҳолатини ростланг. Исталган ҳолатга етилганида панелни кўтаринг. Ўриндиқ энг яқин фиксаторга блокланади.



RXA0167328—UN—03APR19
Олдинга/орқага ҳолати бошқаруви — премиум ва сўнгги

Олд/орқа ўриндиқ ҳолати (премиум ва сўнгги) — ўриндиқ сурилиши учун тугмани исталган йўналишга буринг.



RXA0167329—UN—03APR19
Ёстиқ оғиши бошқаруви — премиум ва сўнгги

Ёстиқ оғиши (премиум ва сўнгги) — олд ўриндиқ ёстиғи сурилиши учун тугманинг олдини исталган йўналишга буринг.



RXA0167342—UN—03APR19
Белни ростлаш бошқаруви — танлаш

Бел суянчиғини ростлаш (танлаш) — бел суянчиғи даражасини ростлаш учун дастакни суринг. Исталган миқдорда таянчга етиш учун дастакни суришда давом этинг.



RXA0167330—UN—03APR19
Бел суянчиғи баландлигини бошқариш — премиум

Бел суянчиғи баландлиги (премиум) — бел суянчиғини кўтариш учун (юқори стрелка) юқорига кўтаринг ёки бел суянчиғини тушириш учун (пастки стрелка) пастга туширинг.



RXA0167331—UN—03APR19
Бел суянчиғи баландлигини бошқариш — сўнгги

Бел суянчиғи баландлиги (сўнгги) — бел суянчиғини кўтариш учун (юқори томон бошқаруви) юқорига кўтаринг ёки бел суянчиғини тушириш учун (пастки томон бошқаруви) пастга туширинг.



RXA0167332—UN—03APR19

Бел суянчиғи кенгайтмасини бошқариш — премиум

Бел суянчиғини кенгайтмаси (премиум) — бел суянчиғида ҳаво даражасини ростлаш учун қўшиш (+) ёки олиш (-) тугмасини босинг.



RXA0167333—UN—03APR19

Бел суянчиғи кенгайтмасини бошқариш — сўнги

Бел суянчиғини кенгайтмаси (сўнги) — бел суянчиғида ҳаво даражасини ростлаш учун қўшиш (ўнг томон бошқаруви) ёки олиш (чап томон бошқаруви) тугмасини босинг.



RXA0167334—UN—03APR19

Ёстиқ узунлиги бошқаруви — премиум ва сўнги

Ёстиқ узунлиги (премиум ва сўнги) — ёстиқ узунлигини ростлаш учун ошириш (юқори) ёки тушириш (пастки) тугмасини босинг.



RXA0167335—UN—03APR19

Орқа валиклар бошқаруви — сўнги

Орқа валиклар (сўнги) — орқа суянчиқ валикларида ҳаво миқдорини ростлаш учун қўшиш (+) ёки олиш (-) тугмасини босинг.



RXA0167337—UN—03APR19

Массаж бошқаруви — сўнги

Массаж (сўнги) — биринчи массаж шаклини танлаш учун пастни (1) ёки иккинчи массаж шаклини танлаш учун юқорини (2) босинг. Массаж қилишни

ўчириш учун танланган шаклни босинг. Массаж функцияси 10 дақиқадан кейин ўчади.



RXA0173802—UN—14JAN20

Шамоллатиш/иссиқлик бошқаруви — сўнги

Шамоллатиш/иссиқлик (сўнги) — шамоллатишни танлаш учун чап (қўк белги) ёки иситишни танлаш учун ўнг томонни (қизил белги) босинг.



RXA0173801—UN—14JAN20

Шамоллатиш/иссиқлик интенсивлиги бошқаруви — сўнги

Шамоллатиш/иссиқлик интенсивлиги (сўнги) — уч созламадан бирини танланг:

- Юқори (баланд)
- Ўчиқ (марказ)
- Паст (қуйи)

KD34109,00004B0-UZ-09DEC20

Оператор жойидалиги датчиги

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Тизим оператор ўриндиқда эмаслигини сезса SCV автоматик тарзда ўчмайди.

Агар оператор ўриндиғини тарк этса, овозли огоҳлантириш 5 сония чалинади:

- Тормоз ва муфта тепкилари босилмайди ва машина НЕЙТРАЛ ҳолатда ёки тезлик нол бўлганида тўхтади. Машина 7 сониядан кейин ТЎХТАШ ҳолатига ўтади.
- ҚТҚ ишляпти. Автоматик ўчириш эътиборсиз қолдирилса, 7 сониядан кейин ҚТҚ автоматик ўчиб қолади. Автоматик ўчиш бўйича кўпроқ маълумот учун ҚТҚ — оператор қўлланмасининг Умумий маълумот бўлимида ҚТҚ созламалари — Автоматик ўчишга қаранг.
- SCV ричаги фиксатор оқими ҳолатида.

TS36762,000023D-UZ-19APR21

Ўргатиш ўриндиғини ростлаш

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳатнинг олдини олиш учун қолган барча йўловчиларни трактор ва қурилмаларга яқинлаштирманг. Ўргатиш ўриндиғи фақат операторларни ўқитиш ёки машина муаммоларини диагностика қилишга мўлжалланган. Ҳар доим хавфсизлик камарини тақинг.



RXA0167301—UN—02APR19

Ўргатиш ўриндиғи



RXA0167302—UN—02APR19

Суянчиқ туширилган

Ўриндиқ суянчиғи — ёзув учун юза сифатида фойдаланишда суянчиқни олдинга итаринг.



RXA0167303—UN—02APR19

Ёстиқча тепада

Ўриндиқ ёстиқчаси — кабинага кириш ва чиқиш учун кўпроқ жой ажратишда ёстиқчани тепага итаринг.

KT81203,000058D-UZ-02APR19

Кўзгулар

Кўзгуларни рoстлaш

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина мавжуд бўлади.



RXA0173907—UN—15JAN20

Кўзгуга мисол — Иккиталик кўзгу

Қўл кўзгу — бурчакни рoстлaш учун кўзгу қирраларини босинг. Бир кўзгули кўзгулар ва иккиталик кўзгудаги пастки кўзгу қўлда рoстлaнади.



RXA0167461—UN—12APR19

Қўл сурилма қулф дастағи

Қўл сурилма — рoстлaшга имкон бeриш учун қулфлаш дастағини пастга босинг. Кўзгу тутқичини керакли ҳoлатга суринг. Қулфлаш дастағини исталган ҳoлатга қулфлаш учун орқага босинг.



RXA0168462—UN—31MAY19

Электр билан бошқариладиган кўзгу тугмаларига мисол


Электр билан бошқариладиган кўзгу тугмалари радиодан кейин жойлашган.



RXA0167462—UN—12APR19

Чап/ўнг кўзгуни танлаш

Кўзгуни танлаш — чап электр кўзгусида рoстлaшга имкон бeриш учун чап томон стрелкани босинг. Ўнг электр кўзгусида рoстлaшга имкон бeриш учун ўнг томон стрелкани босинг.




RXA0167463—UN—12APR19

Электр билан бошқариладиган кўзгу рoстлaниши

ҚАЙД: Кўзгу бурчаги тугмалари ўнг томонда жойлашган.

Электр кўзгу — рoстлaнадиган кўзгуни танлагандан кейин тегишли йўналишда кўзгу бурчагини рoстлaш учун стрелкаларни танланг. Иккиталик кўзгуда юқори кўзгу бу электр рoстлaш ҳисoблaнади.



RXA0167463—UN—12APR19

Электр сурилма рoстлaниши

ҚАЙД: Сурилма тугмалари чап томонда.

Электр сурилма — рoстлaнадиган кўзгуни танлагандан кейин кўзгу дастағини кенгайтириш учун чап томон ёки қайтариш учун ўнг томонни танланг.



RXA0167464—UN—12APR19

Иссиқликни рoстлaш

Қиздирилган кўзгу — кўзгу иссиқлигини ўчириш учун ёкишда юқорини ёки ўчиришда пастки қисмни босинг. Иссиқлик ёнганида белги кўрсатилади.



KD34109,00004B2-UZ-16JAN20

Чироқлар

Чироқ идентификацияси (А версия)

А версия каттароқ ташқи чироқ ёки рўйхатга олиш

платаси чироқларига эга эмас. В версиясида бу чироқлар мавжуд.



- A—Том иш чироқлари (8 та)
B—Маёқ чироқлари (3 та)
C—Аварийка (4 та)
D—Олд томондаги ўрта корпус иш чироғи (жиҳозланган бўлса)
E—Кабина фараси олд томондаги иш чироғи
F—Кабина фарасининг яқинни олиши — Йўл

- G—Кабина фарасининг узоқни олиши — Йўл
H—Кабина фарасининг бурчакдаги иш чироғи
I—Авариядан огоҳлантириш чироқлари (4 та)
J—Орқа иш чироқлари парраги (4 та)
K—Паррак орқа чироқлари
L—Орқадаги ёрдамчи иш чироғи (жиҳозланган бўлса)


RXA0185325—UN—03SEP21

KT81203,0000247-UZ-02SEP21


Чироқ идентификацияси (В версия)

А версия каттароқ ташқи чироқ ёки рўйхатга олиш

платаси чироқларига эга эмас. В версиясида бу чироқлар мавжуд.



A—Том иш чироқлари (8 та)
B—Ташиш чироқлари (агар жиҳозланган бўлса)
C—Ён габарит чироқлари (жиҳозланган бўлса)
D—Орқа иш чироқлари парраги (4 та)
E—Кабина фараси олд томондаги иш чироғи
F—Кабина фарасининг бурчадаги иш чироғи
G—Кабина фараси олд томондаги иш чироғи
H—Узоқни олувчи фара—Йўл



I—Авариядан огоҳлантириш чироқлари (4 та)
J—Маёқ чироқлари (3 та)
K—Паррак орқа чироқлари
L—Ёрдамчи механизм чироғи (жиҳозланган бўлса)
M—Рўйхат платаси чироқлари (жиҳозланган бўлса)
N—Корпуснинг ўрта қисмидаги олд иш чироқлари (жиҳозланган бўлса) (4 та)
O—Орқадаги ёрдамчи иш чироғи (жиҳозланган бўлса)

RXA0185326—UN—07SEP21

KT81203,0000248-UZ-02SEP21

Чироқ созламалари — Кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



Меню

RXA0167075—UN—20MAR19

1. Меню



Машина созламалари

RXA0167076—UN—20MAR19

2. Машина созламалари варағи



Чироқлар

RXA0168488—UN—05JUN19

3. Чироқлар

Иловага навигация панели орқали кириш:



Чироқлар

RXA0168455—UN—05JUN19

Дисплей остидаги навигация панелида чироқлар тугмасини босинг.

KD34109,00004D2-UZ-27AUG19

Чироқ созламалари

Бошқа моторлар учун олтингургут миқдори

- Таркибида олтингургут 5000 мг/кг (5000 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғиси ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.
- Таркибида олтингургут 5000 мг/кг (5000 ppm) миқдоридан кўп бўлган дизель ёқилғиси ишлатилса, мой ва филътрни алмаштириш муддати ҚИСҚАРАДИ.

МУҲИМ: Дизель ёқилғисига ишлатилган мотор мойи ёки бошқа смазка мойини аралаштирманг.

¹ Мотор мойи ва филътри сервис интерваллари учун DX, ENOIL 12, OEM, DX, ENOIL 12, T2, STD, ёки DX, ENOIL 12, T2, EXT қисмларига қаранг.

Ёқилғига нотўғри қўшимча ишлатилса, дизелли моторнинг ёқилғи пуркаш мосламаси шикастланиши мумкин.

DX,FUEL1-UZ-13,JUL20

Ёрдамчи дизель ёқилғиси қўшимчалари

Дизел ёқилғиси хизмат кўрсатиш манбаси ёки моторда бир қанча операцион муаммолар сабаби бўлиши мумкин. Смазкалаш хусусияти ёмонлиги, ифлослантирувчи моддалар, цетан рақами пастлиги, ёқилғи тизимидаги чўкмаларга сабаб бўлувчи омиллар шулар жумласидан. Ушбу ва бошқалар ҳақида мазкур йўриқноманинг бошқа бўлимида келтирилган.

Мотор иш самарадорлиги ва ишончлилигини оптималлаштириш учун ёқилғи сифати, сақлаш ва ишлатиш бўйича тавсияларга қатъий амал қилинг ва бу маълумотлар йўриқноманинг тегишли қисмларида келтирилган.

Моторнинг ёқилғи тизимини иш самарадорлиги ва ишончлигига ёрдам бериш мақсадида Жон Дир кўпчилик глобал бозорлар учун ёқилғига қўшимча маҳсулотлар оиласини ишлаб чиқди. Fuel-Protect дизель ёқилғи кондиционер (қиш ва ёзги параметрларга эга тўлиқ функционал кондиционер) ва Fuel-Protect Keep Clean (ёқилғи форсункаси қолдиқларини олиб ташлаш ва олдини олиш) асосий маҳсулотлар саналади. Уларнинг ва бошқа маҳсулотларнинг сотувда мавжудлиги бозорга қараб фарқ қилади. Сизнинг талабларингизга мос келувчи ёқилғи қўшимчалари ҳақида батафсил маълумот олиш ва уларни қаерда харид қилиш мумкинлигини билиш учун маҳаллий Жон Дир дилерингиз билан маслаҳатлашинг.

DX,FUEL13-UZ-07FEB14

Биодизель ёқилғиси

Биодизель ёқилғиси узун занжирли ёғ кислоталарининг моноалкил эфирларидан таркиб топган бўлиб, ўсимлик мойлари ва ҳайвонлар ёғларидан олинади. Биодизел аралашмалари ҳажм бирликларида нефт дизель ёқилғиси билан аралаштирилган биодизель саналади.

Таркибида биодизель бўлган ёқилғини ишлатишдан олдин ушбу фойдаланиш йўриқномасидаги Биодизель ёқилғидан фойдаланиш талаблари ва тавсиялари бўлимини кўриб чиқинг.

Экологик қонун ва қоидалар биоёқилғидан фойдаланишни маъқуллаши ёки тақиқлаши мумкин. Биоёқилғидан фойдаланишдан олдин операторлар тегишли ҳукумат органлари билан маслаҳатлашишлари шарт.

Европа Иттифоқида ишлатиладиган Cummins® Stage V ва John Deere моторлари

Мотор Иттифоқ доирасида дизель ёки йўл танламас газойль билан ишлатилса, таркибида FAME 8% ҳажмдан (B8) кўп бўлмаган ёқилғи ишлатилиши керак.

Европа Иттифоқида ишлатиладиган Stage V дан бошқа John Deere ва Cummins® чиқинди газ фильтрли моторлари

B20 гача бўлган биодизель аралашмалари ФАҚАТ биодизель (100% ёки B100) ASTM D6751, EN 14214 ёки муқобил даражалар талабига жавоб берсагина ишлатилиши мумкин. B20 ишлатилганда қувват 2% га ва ёқилғи тежаш 3% га камаяди.

B20 дан юқори биодизель концентрациялари моторнинг ишланган газ ажратишни бошқариш тизимига шикаст етказиши ва у ишлатилмаслиги лозим. Хавфлар шундан иборатки, у янада кўпроқ стационар регенерацияни талаб қилади, қурум тўпланиши ва қулни олиб ташлаш интервалини оширади, аммо бу билан чекланиб қолмайди.

B10 дан B20 гача биодизель аралашмаларидан фойдаланганда, таркибида ювувчи ва дисперсант қўшимчалар бўлган Жон Дир ёқилғи кондиционерлари ёки унинг муқобиллари талаб этилади ва камроқ биодизель аралашмаларидан фойдаланганда тавсия этилади.

Ишланган газ фильтрисиз Жон Дир моторлари

B20 гача бўлган биодизель аралашмалари ФАҚАТ биодизель (100% ёки B100) ASTM D6751, EN 14214 ёки муқобил даражалар талабига жавоб берсагина ишлатилиши мумкин. B20 ишлатилганда қувват 2% га ва ёқилғи тежаш 3% га камаяди.

Жон Дир моторлари B20 дан юқори (100 % гача биодизель) биодизель аралашмаларида ишлай олади. Биодизелга қонунан рухсат этилган ва EN 14214 спецификацияга (асосан Европада) мос ҲОЛАТЛАРДАГИНА B20 дан юқори даражаларда ишлатинг. B20 дан юқори биодизель аралашмаларида ишлайдиган моторлар ишланган газ чиқариш қоидаларига мос келмаслиги ёки рухсат этилмаслиги мумкин. 100 % биодизель (B100) ишлатилганда қувват 12% гача ва ёқилғи тежаш 18% гача камаяди.

B10 дан B100 гача биодизель аралашмаларидан фойдаланганда, таркибида ювувчи ва дисперсант қўшимчалар бўлган Жон Дир ёқилғи кондиционерлари ёки унинг муқобиллари талаб этилади ва камроқ биодизель аралашмаларидан фойдаланганда тавсия этилади.

Биодизель ёқилғисидан фойдаланиш талаблари ва тавсиялари

Барча биодизель аралашмаларининг нефт дизель қисми ASTM D975 (АҚШ) or EN 590 (ЕИ) тижорий стандарти талабларига жавоб бериши керак.

АҚШда биодизелдан фойдаланувчиларга биодизель аралашмаларини сертификатланган BQ-9000 маркетолог ва аккредитланган BQ-9000 ишлаб чиқарувчисидан (биодизел бўйича Миллий Кенгаш томонидан сертификатланган) харид қилиш тавсия этилади. Сертификатланган маркетологлар ва аккредитланган ишлаб чиқарувчилар ҳақидаги маълумотни қуйидаги вебсайтдан олиш мумкин: <http://www.bq9000.org>.

Биодизель таркибида қолдиқ кул мавжуд. ASTM D6751 ёки EN14214 да рухсат этилган максимал миқдордан ошувчи кулчанлик кулнинг тез юкланиб қолишига сабаб бўлиши ва ишланган газ фильтрини (жиҳозланган бўлса) тез-тез тозалашни талаб қилиши мумкин.

Биодизел ёқилғи ишлатилганда, асосан дизель билан ёқилса, ёқилғи фильтрини тез-тез алмаштириш талаб этилиши мумкин. Ҳар куни моторни ишга туширишдан олдин мой миқдорини текширинг. Мотор мойи кўпайса, ёқилғи билан суюлтирилаётганини билдириши мумкин. B20 гача бўлган биодизел аралашмалари биодизель ишлаб чиқарилган санадан 90 кун ичида ишлатилиши керак. B20 дан юқори бўлган биодизел аралашмалари биодизель ишлаб чиқарилган санадан 45 кун ичида ишлатилиши керак.

B20 гача бўлган биодизель аралашмалари ишлатилганда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- Совуқ ҳавода оқимнинг ёмонлашуви
- Барқарорлик ва сақлаш муаммолари (нам тортиш, микробларнинг кўпайиши)
- Фильтрнинг беркилиб қолиши ва эскириши (одатда ишлатилган моторларда учрайдиган биодизелга илк марта ўтиш муаммоси)
- Зичлагичлар ва шланглар орқали ёқилғи сизиб чиқиши мумкинлиги (асосан эскироқ моторлар билан боғлиқ муаммо)
- Мотор қисмларининг хизмат кўрсатиш муддатини камайиш эҳтимоли

Ёқилғи ушбу йўриқномада келтирилган тавсифларга мос келишига ишонч ҳосил қилиш учун ёқилғи тақсимловчингиздан таҳлил ҳужжатини сўранг.

Биодизель ёқилғисини сақланишини ва хизмат кўрсатишини яхшилаш учун Жон Дир ёқилғи маҳсулотлари ҳақида Жон Дир дилерингиз билан маслаҳатлашинг.

B20 дан юқори биодизел аралашмалари ишлатилганда қуйидагилар ҳам ҳисобга олиниши керак:

- Жон Дир ёқилғи қўшимчалари ва кондиционерлари ёки таркибида ювувчи модда/диспергаторлар бўлган муқобиллари ишлатилмаса, мотор қувватининг камайиши ва ўт

- олишида носозликка олиб келувчи кокслаш ёки форсунка соплосининг ёпилиш эҳтимоли
- Мотор картери мойнинг суюлиб кетиш эҳтимоли (мойни тез-тез алмаштиришни талаб этади)
- Ички қисмларнинг лак билан қопланиш ёки қадалиш эҳтимоли
- Қолдиқ ва чўкмаларнинг ҳосил бўлиш эҳтимоли
- Ошган ҳароратларда ёқилғининг термал оксидланиш эҳтимоли
- Ёқилғи билан ишлаш, тақсимлаш ва сақлаш ускуналарида ишлатиладиган бошқа моддалар билан (жумладан мис, кўрғошин, рух, қалайи, жез ва бронза) мувофиқлик муаммолари
- Сув ажратиш самарадорлигида пасайиш
- Биодизель таъсирида бўёқнинг шикастланиш эҳтимоли
- Ёқилғи пуркаш ускуналарида коррозия эҳтимоли
- Эластомерик зичлаш ва қистирма материалларда деградация эҳтимоли (асосан эски моторлар билан боғлиқ муаммо)
- Ёқилғи тизими ичида юқори кислоталилик
- B20 дан юқори биодизел аралашмалари таркибида кул кўпроқ бўлганлиги учун, ундан фойдаланиш кулнинг тез юкланиб қолишига сабаб бўлиши ва ишланган газ фильтрини (жиҳозланган бўлса) тез-тез тозалашни талаб қилиши мумкин.

МУҲИМ: Хом сиқилган сабзавот мойларини Жон Дир моторлари учун ҳар қандай концентрацияда бўлса ҳам ишлатиш мумкин эмас. Улардан фойдаланиш мотор носозлигини келтириб чиқаради.

EC82310,0000953-UZ-04NOV20

Дизель ёқилғисининг мойлилиги

АҚШ, Канада ва Европа Иттифоқида ишлаб чиқарилган аксарият дизель ёқилғиларининг мойлилиги етарли бўлиб, ёқилғи пуркаш тизимининг компонентлари тўғри ишлаши ва чидамлилигига ёрдам беради. Аммо айрим мамлакатларда ишлаб чиқарилган дизель ёқилғисининг мойлилиги етарли бўлмаслиги мумкин.

МУҲИМ: Машинангизда ишлатилган дизель ёқилғисининг мойлилик характеристикалари яхшилигига амин бўлинг.

Ёқилғи мойлилиги кертикнинг максимум 0,52 мм диаметридан ўтиши керак, бу ASTM D6079 ёки ISO 12156-1 стандартларида белгиланган. Кертикнинг максимум 0,45 мм диаметри маъқулроқ.

Агар мойлилиги паст ёки номаълум ёқилғи ишлатилса, белгиланган концентрацияда Жон Дир

ёқилғини ҳимояловчи дизель ёқилғиси кондиционерни (ёки муқобилини) қўшинг.

Биодизель ёқилғисининг мойлилиги

B20 даражагача (20% биодизел) бўлган биодизел аралашмаларида ёқилғи мойлилиги сезиларли ошиши мумкин. B20 даражадан ортиқ аралашмаларда ёқилғи мойлилиги унчалик ошмайди.

DX,FUEL5-UZ-07FEB14

Дизель ёқилғисини ташиш ва сақлаш

⚠ ДИҚҚАТ: Ёнғин хатарини камайтиринг. Ёқилғини эҳтиёт бўлиб ташинг. Мотор ишлаб турганида ёқилғи бакини тўлдирманг. Бакка ёқилғи қуяётганда ёки ёқилғи тизимига сервис кўрсатаётганда **ЧЕКМАНГ**.

Ҳар куни иш тугагандан кейин ёқилғи бакини тўлдириш, шунда сув конденсатланмайди ва совуқ ҳавода музламайди.

Конденсацияга йўл қўймаслик учун барча бакларни тўлдирилган ҳолда тутинг.

Намлик кирмаслиги учун барча ёқилғи бак қопқоқлари ва қопламалари тўғри ўрнатилганига амин бўлинг. Ёқилғи таркибидаги сувни мунтазам текшириб туриш.

Биодизель ёқилғиси ишлатилганида ёқилғи фильтри эртароқ тикилиб қолиши туфайли, тез-тез алмаштириб туриш керак.

Ҳар куни моторни ишга туширишдан олдин мой миқдорини текширинг. Мотор мойи кўпайса, ёқилғи билан суюлтирилаётганини билдириши мумкин.

МУҲИМ: Ёқилғи бакининг ҳавоси қуйиш қопқоғи орқали чиқарилади. Агар янги қопқоқ керак бўлса, доим тешикли оригинал қопқоққа алмаштиринг.

Агар ёқилғи узоқ вақт сақланса ёки ёқилғи айланиши секин бўлса, барқарорлаштириш учун ёқилғи кондиционерини қўшинг. Ортиқча сувлар чиқариб турилса ва ёқилғини сақлаш бакига ҳар уч ойда биоцид модда қўллаб турилса, микроблар пайдо бўлмайди. Тавсияларни ёқилғи таъминотчиси ёки Жон Дир дилеридан олинг.

DX,FUEL4-UZ-13JAN18

Ёқилғи бакини тўлдириш




TS202—UN—23AUG88

⚠ ДИҚҚАТ: Шахсий жароҳат олиш ва қуйишдан эҳтиёт бўлинг:

- Ёқилғига эҳтиёт бўлинг: у ўта ёнувчан.
- Чекаётганда ёки очиқ олов ёки учкун яқинида ёқилғи қуйманг.
- Ёқилғи қуйишдан олдин доим моторни ўчириш.
- Тўкилган ёқилғини доим тозалаб олинг.
- Ёқилғи бакини ташқарида тўлдириш.
- Йиғилиб қолган чиқинди, смазка ва қолдиқларни тозалаш орқали ёнғин чиқишининг олдини олинг.

МУҲИМ: Трактор ёқилғи қуйиш тизимига, эмиссия тизимига ва бошқа қисмларга зарар етказилишининг олдини олинг. Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) ни бакка ёки ёнилғи тизимига қуйманг. Агар бакка DEF қуйилиб кетса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.



RXA0162574—UN—26MAR18


МУҲИМ: Трактор ёқилғи қуйиш тизими ва эмиссия тизими қисмларига зарар етишининг олдини олинг. Агар трактор Final Tier 4 / Stage B мотори билан жиҳозланган бўлса, наклейкага (E) биноан фақат олтингугурт таркиби ўта кам бўлган ёқилғидан фойдаланинг. Бошқа эмиссия хусусиятларига эга бўлган тракторларга бошқа ёқилғидан фойдаланиш мумкин. Ушбу оператор қўлланмасидаги Дизель ёқилғилари бўлимига қаранг.

Тракторингиз қайси мотор билан жиҳозланганини аниқлаш учун ушбу Оператор қўлланмасининг Идентификация рақамлари бўлимидаги Мотор серия рақами қисмига қаранг.

ҚАЙД: Final Tier 4/Stage V мотори билан жиҳозланган тракторлар ишлаши учун DEF керак бўлади. Тракторга ҳар сафар ёқилғи қуйилганда DEF бакни ҳам тўлдириш тавсия этилади. Ушбу оператор қўлланмасининг Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) бўлимидаги DEF баки - FT4/Stage V мотор қисмига қаранг.

МУҲИМ: Ёқилғи бакининг ҳавоси ёқилғи баки қопқоғидаги фильтр орқали чиқарилади. Ушбу оператор қўлланмасидаги Сервис — Алмаштириш бўлимидаги Ёқилғи баки вентиляция фильтрлари қисмига қаранг.

ҚАЙД: Рақамли дисплей ёнилғи кўрсаткичи ёниб-ўчиб турганда, тахминан 20 дан 25 галлонгача ёқилғи қолган бўлади.



RXA0158720—UN—07APR17

Ёқилғи даражаси текшириш найчаси (A) тагида бўлганда тахминан 132 л (35 галон) ёқилғи қолади.

1. Зиналарга тушишдан олдин ёқилғи форсункасини ёқилғи форсункаси тутқичига (B) га жойлаштиринг.
2. Платформада туринг.
3. Ёнилғи қопқоғи ва қўлфловчи ричаг (C).

4. Ёнилғи қопқоғини соат милига қарши йўналишда буранг.
5. Ёқилғи қуйиш қопқоғини очинг ва ёқилғини бакка қуйинг. Бакдаги конденсацияни олдини олиш учун ҳар куни иш тугаганидан кейин ёқилғи бакини тўлдиринг.
6. Ёқилғи форсункасини ёқилғи форсункаси тутқичи (B) га жойлаштиринг, платформадан пастга тушишдан олдин қопқоғни ўрнатинг ва қўлфланг.

KD34109,0000753-UZ-22APR21

Дизель ёқилғисини синаш

Ёқилғини таҳлил қилиш дастури дизел ёқилғиси сифатини кузатишга ёрдам беради. Ёқилғи таҳлили ҳисобланган цетан индекси, ёқилғи тури, олтингугурт миқдори, сув таркиби, ташқи кўриниши, совуқ об-ҳаво шароитларига яроқлилиги, бактериялар, хиралашиш ҳарорати, кислота сони, заррача ифлосланиши ва ёқилғининг ASTM D975 ёки унга тенг характеристикага жавоб бериши каби муҳим маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Дизель ёқилғисини таҳлил қилиш борасида маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

DX,FUEL6-UZ-13JAN18

Ёқилғи фильтрлари

Замонавий ёқилғи тизимларида ёқилғини фильтрлашнинг аҳамияти катта. Ишланган газ чиқариш чекловлари кўпайиб бориши ва самаралироқ моторлар чиқарилиши ёқилғи тизимининг жуда катта босим остида ишлашини талаб этмоқда. Юқори босимга эришиш учун ёқилғи пуркаш компонентлари жуда аниқ бўлиши лозим. Бу технологик чегаралар оқибатида чиқинди ва сувга ўрин қолмаган.

Жон Дир брендидаги ёқилғи фильтрлари Жон Дир моторлари учун махсус тайёрланган ва ишлаб чиқарилган.

Моторни чиқинди ва сувдан ҳимоялаш учун доим ёқилғи фильтрларини шу қўлланмада кўрсатилганидек алмаштиринг.

DX,FILT2-UZ-14APR11


Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF)

DEF бакини тўлдириш — Final Tier 4/ Stage V мотор

ДИҚҚАТ: DEF таркибида карбамид мавжуд. Кўзингизга тушишидан сақланинг. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Ютманг. DEF ютиб юборилган ҳолатда, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Трактор мотори турини аниқлаш учун, ушбу Оператор қўлланмасининг Идентификация рақамлари бўлимидаги Мотор серия рақами қисмига қаранг.

DEF ни ҳеч қачон дизел ёқилғи бакига ёки дизел ёқилғисини DEF бакига қўйманг.



RXA0152790—UN—13JUL16

Тракторнинг ишлашида кескин ўзгаришларга йўл қўймаслик учун ҳар доим DEF даражасини бурчак устун дисплейидаги энг юқори қизил белгидан баланд тутинг (A). DEF даражасини бурчак устун дисплейида кузатиб боринг ва агар зарур бўлса тўлдилинг. Ҳар сафар тракторга ёғилғи қуйилганда DEF танкини тўлдилинг, ушбу Оператор Қўлланмасининг Дизель Газини тозалаш Суюқлиги (DEF) — Сараланган катализик тиклаш тизими (SCR) била Жихозланган Двигателларда фойдаланиш рукнига қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

DEF бакини тўлдириш учун:

1. DEF ни чиқариш учун контейнерлар, воронкалардан фойдаланишдан аввал, нарсаларни дистилланган сув билан яхшилаб ювинг ва чайинг.



RXA0167615—UN—23APR19

2. DEF ифлосланишининг олдини олиш учун DEF баки қопқоғини (B), қопқоқ атрофини ва тўлдириш оғзини артинг.
3. DEF баки қопқоғи дастагини кўтаринг ва соат стрелкасига тескари йўналишда 90 га айлантиринг.
4. Тўлдиргич бўйнидан қопқоқни кўтаринг.

МУҲИМ: DEF бакининг ортиқча тўлиб кетишига йўл қўйманг.

DEF бакининг пастроқ ҳароратларда тўлиқ тўлдириш тўлдиригич бўйнининг тикилиб қолишига олиб келиши мумкин. Агар ҳарорат -11 C (12 F), дан паст бўлиши кутилса, DEF даражасин бурчак устун дисплейига мувофиқ DEF бакини яримдан кўпроққа тўлдирманг. Бакни ёқилғи билан тўлдириш қобилиятини таъминлаш учун ҳарорат кўрсатмаларига риоя қилинг.

5. Воронка ёрдамида DEF бакини эҳтиёткорлик билан тўлдилинг. DEF бакини тошириб юборманг. Энг яхши якуний тўлдириш даражаси атрофдаги ҳаво ҳарорати қўлланмаси орқали аниқланади:
 - Атрофдаги ҳаво ҳарорати -11°C (12°F) га тенг ёки юқори: Бакни тўлиқ тўлдилинг.
 - Атрофдаги ҳаво ҳарорати -11°C (12°F) дан паст: Бакни тўлдириш даражасини тўлдирувчи бўйнидан пастроқ даражада сақланг. DEF бакининг асосий қисми DEF бакини музлашдан сақлаш учун иситилса-да, тўлдирувчи бўйин иситилмайди. Бўйиндаги суюқлик музлаши мумкин, бу DEF бакини суюқлик эригунча тўлдиришга имкон бермайди.
6. DEF баки қопқоғини алмаштиринг ва маҳкам ёпиб қўйинг. Қопқоқни осма кулф билан кулфлаш мумкин.
7. Сачраган ҳар қандай суюқликни тоза (дистилланган афзалроқ) сув билан ювиб ташланг.

Агар тасдиқланмаган суюқлик, масалан, дизель ёқилғиси ёки мотор совитиш суюқлиги транспорт воситасининг DEF бакига қўшилса, ушбу Оператор

қўлланмасининг Дизель газини тозалаш Суюқлиги (DEF) баки Сервис ва Тозалаш қисмига қаранг.

DB71512,0000071-UZ-21APR21

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) — танланган каталитик нейтрализация тизими (SCR) билан жиҳозланган моторларда ишлатиш

Моторнинг ишланган газ чиқариш кўрсаткичини сақлаш учун спецификацияга мувофиқ DEF тўлдириш ва ундан фойдаланиш жуда муҳим.

DEF юқори даражада тоза суюқлик бўлиб, SCR тизимлари билан жиҳозланган моторларнинг ишланган газларни чиқариш тизимига чиқарилади. SCR тизимда носозликни олдини олиш учун DEF суюқлиги тозаллигини сақлаш жуда муҳим. DEF талаб қилувчи моторлар ISO 22241-1 стандартига кўра сувли мочевино эритмаси 32 (AUS 32) учун талабларга мос келувчи маҳсулотдан фойдаланиши керак.

Жон Дир дизель газини тозалаш суюқлиги тавсия этилади. Жон Дир дизель газини тозалаш суюқлигини сизнинг операцион талабларингизга мос келувчи турли ўлчамлардаги қадоқларда Жон Дир дилерингизда топишингиз мумкин.

Агарда Жон Дир дизель газини тозалаш суюқлигини топиш имкони бўлмаса, Америка нефт ташкилоти (API) дизель газини тозалаш суюқлиги сертификати дастури ёки AdBlue™ дизел газини тозалаш суюқлиги сертификат дастури томонидан сертификатланган DEF дан фойдаланинг. Контейнерда API сертификати белгиси ёки AdBlue™ номини қидиринг.



RG30211—UN—08MAR18

Айрим ҳолатларда DEF қуйидаги номлардан бирида ёки бир нечтасида берилади:

- Urea
- Aqueous Urea Solution 32
- AUS 32
- AdBlue™
- NOx Reduction Agent
- Catalyst Solution

DX,DEF-UZ-13JAN18

AdBlue — VDA савдо белгиси, VDA — Германия автомобил саноати ассоциацияси.

Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) сақлаш

⚠ ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

DEF суюқлигини ичга ютманг. Агар ютиб юборсангиз, дарҳол шифокорга учрашинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Қўшимча ишлов беришнинг бирор бир қисмини олиб ташлаш ёки алмаштириш қонунга зид. Тегишли талабларга жавоб бермайдиган DEF суюқлигини ишлатманг ёки мотордан DEF суюқлигисиз фойдаланманг.

Қишлоқ хўжалиги суви билан мочевинони аралаштириб DEF ҳосил қилишга ҳеч қачон уринманг. Қишлоқ хўжалиги мочевино даражаси зарурий талабларга жавоб бермайди ва қўшимча ишлов бериш тизимига шикаст етказиши мумкин.

Музламаслиги учун DEF га бирор бир кимёвий модда ёки қўшимча қўшманг. DEF га қўшилган ҳар қандай кимёвий моддалар ёки қўшимчалар қўшимча ишлов бериш тизимига шикаст етказиши мумкин.

Ҳеч қачон DEF ўрнига ёки унга қўшимча тарзда сув ёки бошқа суюқликдан фойдаланманг. Ўзгартирилган DEF билан ишлаш ёки маъқулланмаган DEF дан фойдаланиш қўшимча ишлов бериш тизимига шикаст етказиши мумкин.

Сақлаш бўйича маълумотлар қуйида қўшимча маълумот учун тақдим этилади ва фақат йўл-йўриқ сифатида фойдаланиш мумкин.

DEFни кескин ташқи муҳит ҳароратидан ташқарида сақлаш тавсия этилади. DEF –11 °C (12 °F) ҳароратда музлайди. 30 °C (86 °F) дан юқори ҳарорат таъсири вақт ўтиши билан DEF ҳолатини ёмонлаштиради. Бевосита қуёш нури тушадиган жойда DEF суюқлигини сақламанг.

Махсус DEF сақлаш контейнерлари буғланиш ва ифлосланишни олдини олиш мақсадида фойдаланишлар оралиғида зич беркитилиши керак. DEFни сақлаш ва кўчириш учун полиэтилен, полипропилен ёки зангламайдиган пўлатдан қилинган контейнерлар тавсия этилади.

DEF сақланадиган энг мос шароитлар:

- –5 °C ва 30 °C (23 °F ва 86 °F) ҳароратлари оралиғида сақланг
- Ифлосланиш ва буғланишнинг олдини олиш учун зич беркитилган махсус контейнерларда сақланг.

Бу шароитларда DEF дан камида 18 ой фойдаланиш мумкин. DEF юқори ҳароратларда сақланса, 30 °C (86 °F) дан юқори ҳар 5 °C (9 °F) ҳарорат тахминан 6 ойга унинг фойдалилик даражасини қисқартиради.

DEF қанча вақт давомида ёки қандай ҳолатларда сақланганлигига ишончингиз комил бўлмаса, уни текширинг. Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) сақлаш

DEF бакида узоқ (12 ойдан юқори) муддат сақлаш тавсия этилмайди. Узоқ муддат сақлаш лозим бўлса, моторни ишлатишдан олдин DEFни текширинг. Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) сақлаш

DEF суюқлигини 12 ой ичида ишлатиладиган миқдорларда харид қилиш тавсия этилади.

DX,DEF,STORE-UZ-15JUL20

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) бакини тўлдириш



TS1731—UN—23AUG13

⚠ ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

DEF суюқлигини ичга ютманг. Агар ютиб юборсангиз, дарҳол шифокорга учрашинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: DEF етказиладиган деталларни чайиш учун фақат дистилланган сув ишлатинг. Ичимлик суви DEF суюқлигини ифлослаши мумкин. Агар дистилланган сув топилмаса, тоза ичимлик суви билан чайинг, кейин кўп миқдордаги DEF билан чайиб ташланг.

Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Агар DEF мотор ёқилғиси бакига ёки бошқа суюқлик бўлмасига қуйиб юборилса, тизимни DEF суюқлигидан бутунлай тозаламасдан туриб, моторни ишга туширманг. Тизимни қандай қилиб бўшатиш ва тозалаш юзасидан дарҳол Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

DEF бакини тўлдиришда эҳтиёт бўлиш лозим. DEF бакининг қопқоғини очишдан олдин унинг атрофи чиқиндидан холи эканлигига амин бўлинг. DEF идишлари ишлатилмай турганида ифлосланмаслиги ва буғ чиқармаслиги учун зич ёпиб қўйинг.

DEF чайқалмасин ва терига, кўзга ёки оғизга тушишига йўл қўйманг.

DEF билан ишлаш пайтида зарарли эмас, аммо у пўлат, темир, рух, никель, мис, алюмин ва магний каби материалларни коррозияга учратиши мумкин. DEF суюқлигини ташиш ва сақлаш учун мос келадиган контейнерларни ишлатинг. Полиэтилен, полипропилен ёки зангламайдиган пўлатдан қилинган контейнерлар тавсия этилади.

Терига узоқ вақт тегиб турмасин. Тасодифан тегиб кетса, терини дарҳол совунлаб ювиб ташланг.

DEF сақлаш ва чиқитга чиқаришда ишлатилган нарсаларга лой ёки чанг тегмасин. Контейнер ёки воронкаларни тозалаш учун дистилланган сув билан яхшилаб ювинг ва чайинг.

Агар DEF бакига бошқа суюқлик, масалан, дизель ёқилғиси ёки совитиш моддаси қуйиб юборилса, тизимни қандай қилиб бўшатиш ва тозалаш юзасидан дарҳол Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Агар DEF бакига сув қуйиб юборилса, бакни тозалаш зарур. Шу қўлланмадаги DEF бакини тозалаш бўлимига қаранг. Бакни тўлдиргач, DEF концентрациясини текширинг. Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) сақлаш

Оператор доимий равишда тегишли DEF миқдорини таъминлаши керак. DEF миқдорини ҳар куни текшириб, керак бўлганида қуйиб туринг. Қуйиш портининг қопқоғи кўк рангда бўлиб, қуйидагича DEF белгиси туширилган.

DX,DEF,REFILL-UZ-15JUL20

Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) текшириш

МУҲИМ: Тўғри концентрацияли DEFдан фойдаланиш моторнинг иш самарадорлиги ва кейинги ишлов бериш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Узоқ муддат сақлаш ва бошқа шароитлар DEF концентрациясига салбий таъсир қилиши мумкин.

DEF сифатига шубҳангиз бўлса, шаффоф контейнерга ундан намуна олинг. DEF енгил аммиак ҳидли ва сувдек шаффоф бўлиши лозим. Агар DEF шаффоф бўлмаса, ранг олган бўлса ва ундан аммиак ҳиди анқиб турса, унинг техник кўрсаткичлари талабга жавоб бермайди. Ушбу ҳолатдаги DEFдан фойдаланманг. Бакни тўкиб ташланг, дистилланган сув билан ювинг ва янги ҳамда яхши сифатдаги DEF билан қайта тўлдилинг. Бакни тўлдиргач, DEF концентрациясини текширинг.

Агар DEF визуал ва ҳид тестидан ўтса, уни DEFни ўлчаш учун калибрланган қўлда ишловчи рефрактометр билан текширинг.

Мотор узоқ муддат давомида ишлатилмаганда ёки қуйилган ва мотор сув билан ифлосланган деган шубҳангиз бўлса, DEF концентрацияси текширилиши лозим.

Жон Дир дилери орқали иккита маъқулланган асбобдан фойдаланишингиз мумкин:

- JDG11594 рақамли DEF рефрактометри— концентрация ўлчамини осон аниқлаш имконини берувчи рақамли асбоб
- JDG11684 DEF рефрактометр—аналог ўқиш имконини берувчи асбобнинг арзон муқобили

Иккала асбоб билан ҳам ўлчаш учун келтирилган кўрсатмаларга амал қилинг.

Тўғри DEF концентрацияси 31.8—33.2% мочевина. DEF концентрацияси келтириб ўтилган кўрсаткич доирасида бўлмаса, DEF бакини бўшатинг, тоза дистилланган сув билан ювинг ва янги ёки яхши сифатдаги DEF билан тўлдилинг. Қадокдаги DEF тегишли кўрсаткич доирасида бўлмаса, DEF қадогини йўқ қилинг ва янгиси ёки яхшироғи билан алмаштиринг.

DX,DEF,TEST-UZ-13JUN13

Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) йўқ қилиш

DEF суюқлигини оз миқдорда ерга тўкишда муаммо бўлмаса ҳам, унинг катта миқдори сақланиши керак. У катта миқдорда тўкиладиган бўлса, тозалашда ёрдам учун маҳаллий эгология органларига мурожаат қилинг.

DEF суюқлигининг катта миқдори спецификация доирасида бўлмаса, йўқ қилишда ёрдам учун DEF таъминотчингиз билан боғланинг. Катта миқдордаги DEFни ерга тўкманг ёки оқава сувни тозалаш қурилмаларига юборманг.

DX,DEF,DISPOSE-UZ-13JUN13

Мотор мойи

Юқори баландликда ишлатиш учун дизелли мотор мойининг сервис интервали

Моторлар **1675 м (5500 фут)** дан юқори баландликда ишласа, мой тезда эскирмаслиги ва моторга шикаст етмаслиги учун мой ва филтърни алмаштириш интервалларини тавсия этилганидан 50% га қисқартиринг.

Мой таҳлили натижасида сервис оралиғини узайтириш мумкин.

Фақат тасдиқланган турдаги мойларни ишлатинг.

Оригинал соатларга мисол	Тегишли юқори баландлик соатлари
125	60
150	75
175	85
200	100
250	125
275	135
300	150
350	175
375	185
400	200
500	250

DX,ENOIL,SERV,HALT-UZ-11NOV14

John Deere Break-In Plus™ мотор мойи — Оралиқ 4-гуруҳ, якуний 4-гуруҳ, синфи IIIB, синфи IV ва синфи V

Янги моторга заводда John Deere Break-In Plus™ мотор мойи қуйилади. Обкатка даврида керакли микдорда ушлаб туриш учун Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.Обкатка даврида керакли микдорда ушлаб туриш учун Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.

Моторни турли шароитларда ишлатинг, айниқса битта жойда турмасдан, оғир юкланиш билан ишлатинг, шунда мотор деталлари жой-жойига тушади.

Янги ёки қайта қурилган моторни дастлабки ишлатишда минимум 100 соат ва максимум Deere Plus-50™ II мойи учун белгиланган муддатда мой билан филтърни алмаштиринг.

Мотор капитал таъмирдан чиқса, унга Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.

Агар Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойи топилмаса, қайишқоқлик даражаси SAE 10W-30 бўлган, қуйидаги талабларга жавоб берадиган мотор мойини ишлатинг:

- API хизмат тоифаси: CK-4
- API хизмат тоифаси: CJ-4
- ACEA мой тартиби: E9
- ACEA мой тартиби: E6

Янги ёки янгиланган моторни дастлабки ишлатишда бу мойлардан бири ишлатилса, минимум 100 соат ва максимум 250 соат оралиғида мой ва филтърни алмаштиринг.

МУҲИМ: Янги ёки янгиланган моторнинг обкатка даврида бошқа турдаги мотор мойларидан фойдаланманг.

Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини барча Жон Дир дизелли моторларида, барча газ чиқариш сертификацияси босқичларида ишлатиш мумкин.

Обкатка тугаганидан кейин Жон Дир Plus-50™ II ёки шу қўлланмада тавсия этилган бошқа мойларни ишлатинг.

DX,ENOIL16-UZ-13JAN18


Мотор обкаткаси мойидан фойдаланиш — Cummins 15 л моторлари

МУҲИМ: Махсус "обкатка" мотор мойлари (John Deere Break-In ёки Break-In Plus™ мойларини ўз ичига олади) янги ёки қайта таъмирланган 15 л моторлар учун тавсия этилмайди. Нормал иш жараёнида ишлатиладиган бир хил смазка мойидан ишлатинг, ушбу оператор қўлланмасининг шу бўлимидаги Дизель мотор мойи - Interim Tier 4, Final Tier 4, Stage IIIB ва Stage V қисмига қаранг.

15 л моторлар заводдан обкатка мойлари қуйилган ҳолатда етказиб берилмайди. Тавсия этилган дизель мотор мойларидан фойдаланинг. Обкатка мойларини ишлатманг.

RX32825,000017A-UZ-05NOV20

Дизелли мотор мойи — 2-гурӯҳ ва синфи II



TS1743—UN—25APR19

Ҳаво ҳарорати диапазонлари учун мой қайишқоқлиги

Тегишли мой стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир мойлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисдан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Мойни алмаштиришлар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳароратига мос қайишқоқликдаги мой ишлатинг.

Жон Дир Plus-50™ II мойини ишлатган маъқул.

Жон Дир Plus-50™ ҳам тавсия этилади.

John Deere Torq-Gard™ ҳам мумкин.

Бошқа мойлар ҳам ишлатилиши мумкин, бунинг учун қуйидаги стандартлардан бирига ёки бир нечтасига мос келиши керак:

- API хизмат тоифаси: CK-4
- API хизмат тоифаси: CJ-4
- API хизмат тоифаси: CI-4 PLUS
- API хизмат тоифаси: CI-4
- API хизмат тоифаси: CH-4
- ACEA мой тартиби: E9
- ACEA мой тартиби: E7
- ACEA мой тартиби: E6
- ACEA мой тартиби: E5

Plus-50 – Deere & Company савдо белгиси
Torq-Gard – Deere & Company савдо белгиси

- ACEA мой тартиби: E4

Дизелли мотор учун мултиқайишқоқ мойлар ишлатган маъқул.

Дизель ёқилғичи сифати ва таркибидаги олтингургурт миқдри мотор ишлатиладиган ҳудуддаги барча зарарли модда чиқариш қоидаларига риоя қилиши керак.

Таркибидаги олтингургурт 10 000 мг/кг (10 000 ppm) миқдордан ошадиган дизель ёқилғисини ИШЛАТМАНГ.

DX,ENOIL7-UZ-23APR19

Мотор мойи ва фильтри сервис интерваллари – 2-гурӯҳ ва синфи II моторлар

Тавсия этиладиган мой ва фильтр сервис интерваллари қўлланиладиган вентилятор мойи сигими, мотор мойи тури ва фильтр комбинацияларига ва дизель ёқилғининг олтингургурт таркибига боғлиқ. Аниқ сервис интерваллари ҳам ишлатиш ва хизмат кўрсатиш амалиётларига боғлиқ.

Мойни таҳлил қилиш орқали ҳолатига баҳо беринг ва мой билан фильтрни алмаштириш вақтини аниқланг. Мотор мойини таҳлил қилиш борасида маълумот учун Жон Дир дилерига ёки бошқа малакали техникларга мурожаат қилинг.

Мой ва фильтрни камида ҳар 12 ойда алмаштинг, ишлаган соати белгиланганидан кам бўлса ҳам.

Дизел ёқилғининг олтингургурт таркиби мотор мойи ва фильтрнинг сервис интервалларига таъсир қилади.

- Таркибида олтингургурт 2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғиси ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.
- Таркибида олтингургурт 2000-5000 мг/кг (2000-5000 ppm) бўлган дизель ёқилғиси ишлатилса, мой ва фильтрни алмаштириш муддати ҚИСҚАРАДИ.
- Таркибидаги олтингургурт 5000 мг/кг (5000 ppm) миқдордан ошадиган дизель ёқилғисини ишлатишдан олдин Жон Дир дилери ёки ваколатли сервис кўрсатувчига мурожаат қилинг.

МУҲИМ: Моторга зарар етмаслиги учун:

- В20 дан юқори биодизель аралашмаси ишлатилса, мой ва фильтр алмаштириш муддатини 50% га қисқартинг. Мой таҳлили натижасида сервис оралиғини узайтириш мумкин.
- Фақат тасдиқланган турдаги мойларни ишлатинг.

Маъқулланган мой турлари:

- “Plus-50 мойлари”га John Deere Plus-50™ II ва John Deere Plus-50™ мойлари киради
- “Бошқа мойлар”га John Deere Torq-Gard™, API CK-4, API CJ-4, API CI-4 PLUS, API CI-4, API CH-4, ACEA E9, ACEA E7, ACEA E6, ACEA E5 ва ACEA E4 киради


ҚАЙД: Қуйидаги шартларнинг ҳаммасига амал қилинсагина, мой ва филтрни алмаштириш интервалини 500 соатга узайтиришга рухсат берилади:

- Таркибида олтингурут 2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғисидан фойдаланиш.
- John Deere Plus-50™ II ёки John Deere Plus-50™ мойи ишлатиш.
- Маъқулланган Жон Дир мой филтрини ишлатиш.

Мотор мойи ва филтри сервис интерваллари	
Ёқилғидаги олтингурут	2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам
Plus-50 мойлари	500 соат
Бошқа мойлар	250 соат
Ёқилғидаги олтингурут	2000-5000 мг/кг (2000-5000 ppm)
Plus-50 мойлари	400 соат
Бошқа мойлар	150 соат
Ёқилғидаги олтингурут	5000-10 000 мг/кг (5000-10 000 ppm)
Plus-50 мойлари	250 соат (Жон Дир дилерига мурожаат қилинг)
Бошқа мойлар	125 соат (Жон Дир дилерига мурожаат қилинг)
Мой таҳлили “Бошқа мойлар”нинг сервис оралиғини узайтириши мумкин, максимуми Plus-50 мойларининг оралиғидан ошмайди. Мой таҳлилида одатдаги сервис муддатидан ўтгандан кейин ҳар 50 соатда мойдан намуна олинади, бунда Жон Дир Plus-50 мойларнинг максимал ишлаш муддати ёки максимал сервис оралиғи ўтганлиги ҳисобга олинади.	

DX, ENOIL12, T2, EXT-UZ-13JAN18

Дизелли мотор мойи — 3-гурӯҳ ва синфи IIIA



TS1743—UN—25APR19

Ҳаво ҳарорати диапазонлари учун мой қайишқоқлиги

Тегишли мой стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир мойлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисидан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Мойни алмаштиришлар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳароратига мос қайишқоқликдаги мой ишлатинг.

Жон Дир Plus-50™ II мойини ишлатган маъқул.

Жон Дир Plus-50™ ҳам тавсия этилади.

John Deere Torq-Gard™ ҳам мумкин.

Бошқа мойлар ҳам ишлатилиши мумкин, бунинг учун қуйидаги стандартлардан бирига ёки бир нечасига мос келиши керак:

- API хизмат тоифаси: CK-4
- API хизмат тоифаси: CJ-4
- API хизмат тоифаси: CI-4 PLUS
- API хизмат тоифаси: CI-4
- ACEA мой тартиби: E9
- ACEA мой тартиби: E7
- ACEA мой тартиби: E6
- ACEA мой тартиби: E5
- ACEA мой тартиби: E4

Дизелли мотор учун мултиқайишқоқ мойлар ишлатган маъқул.

Дизель ёқилғичи сифати ва таркибидаги олтингургурт миқдори мотор ишлатиладиган ҳудуддаги барча зарарли модда чиқариш қоидаларига риоя қилиши керак.

Таркибидаги олтингургурт 10 000 мг/кг (10 000 ppm) миқдордан ошадиган дизель ёқилғисини ИШЛАТМАНГ.

DX, ENOIL11-UZ-23APR19

Мотор мойи ва фильтри сервис интерваллари – 3-гурӯҳ ва синфи III A — PowerTech™ Plus моторлар

Тавсия этиладиган мой ва фильтр сервис интерваллари қўлланиладиган вентилятор мойи сифими, мотор мойи тури ва фильтр комбинацияларига ва дизель ёқилғининг олтингургурт таркибига боғлиқ. Аниқ сервис интерваллари ҳам ишлатиш ва хизмат кўрсатиш амалиётларига боғлиқ.

Маъқулланган мой турлари:

- “Plus-50 мойлари”га John Deere Plus-50™ II ва John Deere Plus-50™ мойлари киради.
- “Бошқа мойлар”га John Deere Torq-Gard™, API CK-4, API CJ-4, API CI-4 PLUS, API CI-4, ACEA E9, ACEA E7, ACEA E6, ACEA E5 ва ACEA E4 киради.

Мойни таҳлил қилиш орқали ҳолатига баҳо беринг ва мой билан фильтрни алмаштириш вақтини аниқланг. Мотор мойини таҳлил қилиш борасида маълумот учун Жон Дир дилерига ёки бошқа малакали техникларга мурожаат қилинг.

Мой ва фильтрни камида ҳар 12 ойда алмаштинг, ишлаган соати белгиланганидан кам бўлса ҳам.

Дизел ёқилғининг олтингургурт таркиби мотор мойи ва фильтрнинг сервис интервалларига таъсир қилади.

- Таркибида олтингургурт 2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғиси ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ
- Таркибидаги олтингургурт 2000 мг/кг (2000 ppm) миқдордан ошадиган дизель ёқилғисини ишлатишдан олдин Жон Дир дилери ёки ваколатли сервис кўрсатувчига мурожаат қилинг
- Таркибидаги олтингургурт 10000 мг/кг (10000 ppm) миқдордан ошадиган дизель ёқилғисини ИШЛАТМАНГ

ҚАЙД: Қуйидаги шартларнинг ҳаммасига амал қилинсагина, мой ва фильтрни алмаштириш интервалини 500 соатга узайтиришга рухсат берилади:

- Таркибида олтингургурт 2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғисидан фойдаланиш
- John Deere Plus-50™ II ёки John Deere Plus-50 мойи ишлатиш
- Маъқулланган Жон Дир мой фильтрини ишлатиш


Мотор мойи ва фильтри сервис интерваллари	
Ёқилғидаги олтингургурт	2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам
Plus-50 мойлари	500 соат
Бошқа мойлар	250 соат
Ёқилғидаги олтингургурт	2000-10000 мг/кг (2000-10000 ppm)
Plus-50 мойлари	John Deere дилерига мурожаат қилинг
Бошқа мойлар	John Deere дилерига мурожаат қилинг
Мой таҳлили “Бошқа мойлар”нинг сервис оралиғини узайтириши мумкин, максимуми Plus-50 мойларининг оралиғидан ошмайди. Мой таҳлилида одатдаги сервис муддатидан ўтгандан кейин ҳар 50 соатда мойдан намуна олинади, бунда Жон Дир Plus-50 мойларнинг максимал ишлаш муддати ёки максимал сервис оралиғи ўтганлиги ҳисобга олинади.	

МУҲИМ: Моторга зарар етмаслиги учун:

- B20 дан юқори BioDiesel аралашмаси ишлатилса, мой ва фильтр алмаштириш муддатини 50% га қисқартиринг. Мой таҳлили натижасида сервис оралиғини узайтириш мумкин
- Фақат тасдиқланган турдаги мойларни ишлатинг

DX, ENOIL13, T3, PTP, 220toMAX-UZ-13JAN18

Дизелли мотор мойи — Оралиқ 4-гурух, якуний 4-гурух, синфи III В, синфи IV ва синфи V



TS1743—UN—25APR19

Ҳаво ҳарорати диапазонлари учун мой қайишқоқлиги

Тегишли мой стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир мойлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисдан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Мойни алмаштиришлар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳароратига мос қайишқоқликдаги мой ишлатинг.

Жон Дир Plus-50™ II мотор мойи тавсия этилади.

Жон Дир Plus-50™ II мотор мойидан фойдаланилганда, сервис оралиғи узайиши мумкин. Батафсил маълумот учун мотор мойини чиқариб ташлаш оралиқлари жадвалига қаранг ва Жон Дир дилерингиз билан маслаҳатлашинг.

Жон Дир Plus-50™ II мотор мойи топилмаса, қуйидаги талабларга жавоб берадиган мотор мойи ишлатилиши мумкин:

- API хизмат тоифаси: CK-4
- API хизмат тоифаси: CJ-4
- ACEA мой тартиби: E9
- ACEA мой тартиби: E6

Таркиби 1.0 % сульфат кули, .12 % фосфор ёки .4 %

олтингургурт кўрсаткичларидан юқори бўлса, бундай мотор мойидан ФОЙДАЛАНМАНГ.

Дизелли мотор учун мултиқайишқоқ мойлар ишлатган маъқул.

Дизель ёқилғичи сифати ва таркибидаги олтингургурт миқдори мотор ишлатиладиган ҳудуддаги барча зарарли модда чиқариш қоидаларига риоя қилиши керак.

МУҲИМ: Фақат таркибида олтингургурт жуда кам бўлган (ULSD) ёқилғи ишлатинг, максимум 15 мг/кг (15 ppm) олтингургурт бўлсин.

DX, ENOIL 14-UZ-23APR19

Мотор мойи ва фильтри сервис интерваллари – Оралиқ 4-гурух, якуний 4-гурух, синфи III В, синфи IV ва синфи V моторлар

Тегишли мой стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир мойлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисдан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Тавсия этиладиган мой ва фильтр сервис интерваллари қўлланиладиган вентилятор мойи сўғими, мотор мойи тури ва фильтр комбинацияларига ва дизель ёқилғининг олтингургурт таркибига боғлиқ. Аниқ сервис интерваллари ҳам ишлатиш ва хизмат кўрсатиш амалиётларига боғлиқ.

Маъқулланган мой турлари:

- John Deere Plus-50™ II
- "Бошқа мойлар"га API CK-4, API CJ-4, ACEA E9 ва ACEA E6 киради

Мойни таҳлил қилиш орқали ҳолатига баҳо беринг ва мой билан фильтрни алмаштириш вақтини аниқланг. Мотор мойини таҳлил қилиш борасида маълумот учун Жон Дир дилерига ёки бошқа малакали техникларга мурожаат қилинг.

Мой ва фильтрни камида ҳар 12 ойда алмаштиринг, ишлаган соати белгиланганидан кам бўлса ҳам.

Дизель ёқилғининг олтингургурт таркиби мотор мойи ва фильтрнинг сервис интервалларига таъсир қилади. Ёқилғида олтингургурт даражасининг юқорилиги мой ва фильтрнинг сервис интервалларига таъсир қилади.

Таркибида олтингургурт 15 мг/кг (15 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғисидан фойдаланиш ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

Мотор юқори баландликда ишлатилса, мой алмаштириш интервали қисқаради. Батафсил маълумотни Юқори баландликда ишлатиш учун дизелли мотор мойининг сервис интервали бўлимидан олинг.

ҚАЙД: Қуйидаги шартларнинг ҳаммасига амал қилинсагина, мой ва фильтрни алмаштириш интервалини 500 соатга узайтиришга рухсат берилади:

- *Таркибида олтингузурт 15 мг/кг (15 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғисидан фойдаланиш*
- *John Deere Plus-50™ II мойи ишлатиш*
- *Маъқулланган Жон Дир мой фильтрини ишлатиш*

Мотор мойи ва фильтр сервис интерваллари	
John Deere Plus-50™ II	500 соат
Бошқа мойлар	250 соат
Мой таҳлили "Бошқа мойлар"нинг сервис оралиғини узайтириши мумкин, максимуми Plus-50™ II мойларининг оралиғидан ошмайди. Мой таҳлилда одатдаги сервис муддатидан ўтгандан кейин ҳар 50 соатда мойдан намуна олинади, бунда Жон Дир Plus-50 II мойларнинг максимал ишлаш муддати ёки максимал сервис оралиғи ўтганлиги ҳисобга олинади.	

МУҲИМ: Моторга зарар етмаслиги учун:

- **В20 дан юқори биодизель аралашмаси ишлатилса, мой ва фильтр алмаштириш муддатини 50% га қисқартиринг. Мой таҳлили натижасида сервис оралиғини узайтириш мумкин.**
- **Фақат тасдиқланган турдаги мойларни ишлатинг.**

DX, ENOIL15, IT4, 120toMAX-UZ-13JAN18

Мотор совиткич

Дизел мотор совитгичи (нам дастакли цилиндр гильзалари билан жиҳозланган мотор)

Тегишли совитгич стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир совитгичлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисидан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Тавсия этиладиган совитгичлар

Қуйидаги тайёр совитгичлар тавсия этилади:

- John Deere COOL-GARD™ II
- John Deere COOL-GARD II PG

COOL-GARD II тайёр совитгичлари музлашдан турли ҳимоя даражаларига эга ҳар хил концентрацияларда мавжуд бўлиб, улар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

COOL-GARD II Pre-Mix	Музлашдан ҳимоя лимити
COOL-GARD II 20/80	-9°C (16°F)
COOL-GARD II 30/70	-16°C (3°F)
COOL-GARD II 50/50	-37°C (-34°F)
COOL-GARD II 55/45	-45°C (-49°F)
COOL-GARD II PG 60/40	-49°C (-56°F)
COOL-GARD II 60/40	-52°C (-62°F)

COOL-GARD II тайёр маҳсулотларининг ҳаммасини ҳам исталган давлатда топиб бўлмайди.

Совитгичнинг токсик бўлмаган таркибли тури талаб этилса, COOL-GARD II PG ишлатинг.

Қўшимча тавсия этиладиган совитгичлар

Қуйидаги мотор совитгичлари ҳам тавсия этилади:

- Сифатли сув билан концентратнинг 40-60% аралашмасида John Deere COOL-GARD II концентрати.

МУҲИМ: Совитгични сув билан аралаштирганда, концентрация улушини 40 % дан кам ва 60 % дан кўп олманг. Концентрациянинг 40% дан кам бўлиши коррозиядан ҳимоя учун мос эмас. 60% дан кўп бўлиши совитгичнинг қуюқлашувига ва совитиш тизими муаммоларига сабаб бўлади.

Бошқа совитгичлар

Қуйидаги талабларга жавоб берса, этиленгликол ёки пропиленгликол асосли совитгичлар ишлатилиши мумкин:

- ASTM D6210 талабларига мос келувчи тайёр совитгич
- 2 этилгексан кислотасиз (2-EHA) қўшимча мажмуа билан ҳосил қилинган
- Сифатли сув билан концентрациянинг 40-60 % аралашмасида ASTM D6210 талабларга мос келувчи совитгич концентрати

Совитгич юқоридаги талаблардан бирортасига жавоб бермаса, минимум физик ва кимёвий хусусиятларга эга совитгич концентрати ёки тайёр совитгичдан фойдаланинг:

- Жон Дир кавитация тести методи ёки 60% ва ундан юқорига юклаш билан синов юришига мувофиқ цилиндр гильзаси кавитациясидан ҳимоя билан таъминлайди
- Нитритсиз қўшимча мажмуа билан ҳосил қилинган
- 2 этилгексан кислотасиз (2-EHA) қўшимча мажмуа билан ҳосил қилинган
- Совитиш тизими металлари (чўян, алюминий қотишмалари, мис қотишмалари, масалан жез) коррозиядан ҳимоялайди

Сув сифати

Совитиш тизимининг ишлашида сув сифати муҳим рол ўйнайди. Этиленгликол ва пропиленгликол асосидаги совитгич концентратларига аралаштириш учун дистилланган, ионсизлаштирилган ёки тузсизланган сув керак.

Совитгични чиқариб ташлаш интерваллари

Ишлатиладиган совитгич билан ўзгарадиган кўрсатилган интервалда совитиш тизимини сиздиринг ва тозаланг ҳамда янги совитгич билан қайта тўлдириг.

COOL-GARD II ёки COOL-GARD II PG ишлатилганда, алмаштириш оралиғи 6 йил ёки 6000 соат.

Агар COOL-GARD II ёки COOL-GARD II PG дан бошқа совитгич ишлатилса, алмаштириш оралиғини 2 йил ёки 2000 соатга қисқартиринг.¹

МУҲИМ: Совитиш тизими учун зичлагич қўшимчани ёки таркибида зичлагич қўшимча бор антифризни ишлатманг.

Этиленгликол ва пропиленгликол асосидаги совитгичларни бир-бирига аралаштирманг.

¹ Совитгич таҳлили бошқа "Совитгичлар" сервис оралиғини максимумга ўзайтириши мумкин, аммо Cool-Gard II совитгичлари оралиғидан ошмайди. Совитгич таҳлилида одатдаги сервис муддатидан ўтгандан кейин ҳар 1000 соатда совитгичдан намуна олинади, бунда совитгичнинг максимал ишлаш муддати ёки Cool-Gard II максимал сервис оралиғи ўтганлиги ҳисобга олинади.

Таркибида нитрит бор моддаларни ишлатманг.

DX,COOL3-UZ-25AUG20

John Deere COOL-GARD™ II Coolant Extender

Айрим қўшимчалар ишлаш жараёнида кучсизланади. COOL-GARD™ II тайёр ва COOL-GARD II концентрат учун COOL-GARD II совитгич узайтиргичини қўшиш орқали алмаштириш интерваллари орасида совитгич қўшимчасини янгиланг.

COOL-GARD II Coolant Extender COOL-GARD II тест тасмаларида кўрсатилмагунча қўшилмасин. Бу синов тасмалари ёрдамида мотор совитгичининг музлаш нуқтаси ва қўшимчалар миқдорини, совитгич pH даражасини осон ва самарали текшириш мумкин.

Совитгич эритмасини узоғи билан ҳар 12 ойда ёки сизиб чиқиш ёки қизиб кетиш туфайли камайиб кетганида синаб туринг.

МУҲИМ: COOL-GARD II тест тасмаларини COOL-GARD II PG билан ишлатманг.

COOL-GARD II Coolant Extender барча турдаги COOL-GARD II совитувчилари билан фойдаланиш учун кимёвий жиҳатдан мос қўшимчадир. COOL-GARD II совитувчи кенгайтиргичи нитрит таркибли совитгичлар билан ишлатишга мўлжалланмаган.

МУҲИМ: Совитиш тизими бўшатиб, қуйидагилардан бири билан тўлдирилганида, унга қўшимча қўшманг:

- John Deere COOL-GARD II
- John Deere COOL-GARD II PG

Тавсия этилмаган ёрдамчи совитувчи қўшимчалардан фойдаланиш қўшимча чўкмаларга, совитувчининг қуюқлашувига ёки совитиш тизими қисмлари коррозиясига сабаб бўлиши мумкин.

Жон Дир COOL-GARD II Coolant Extender фақат тавсия этилган концентрацияда қуйилиши керак. Тавсия қилинган миқдордан кўп ҚЎШМАНГ.

DX,COOL16-UZ-15MAY13

Иссиқ иқлимда ишлатиш

Жон Дир моторлари тавсия этилган совитгичлар билан ишлашга мўлжалланган.

Музлашдан ҳимоя шарт бўлмаган ҳудудларда ишлатсангиз ҳам, доим тавсия этилган мотор совитгичларини ишлатинг.

COOL-GARD – Deere & Company савдо белгиси

МУҲИМ: Сувни совитгич сифатида фақат фавқулодда ҳолатларда ишлатиш мумкин.

Агар совитгич сифатида сув ишлатилса, ҳатто совитгич кондиционерлари кўшилган тақдирда ҳам, кўпикланиши, алюмин сиртининг қизиши, темир коррозияга учраши, қасмоқ йиғилиши ва коваклар пайдо бўлиши мумкин.

Имкони туғилиши биланоқ совитиш тизимини бўшатиб, тавсия этилган мотор совитгичини қуйинг.

DX,COOL6-UZ-15MAY13

Совитувчи концентрат билан аралаштириш учун сув сифати

Мотор совитгичлари учта кимёвий компонентнинг бирикмасидир: этиленгликол (EG) ёки пропиленгликол (PG) антифриз, секинлаштирувчи совитгич қўшимчалари ва сифатли сув.

Совитиш тизимининг ишлашида сув сифати муҳим рол ўйнайди. Этиленгликол ва пропиленгликол асосидаги совитгич концентратларига аралаштириш учун дистилланган, ионсизлаштирилган ёки тузсизланган сув керак.

Совитиш тизимида ишлатиладиган сув сифати қуйидаги минимал талабларга жавоб бериши керак:

Хлоридлар	<40 мг/л
Сульфатлар	<100 мг/л
Жами моддалар	<340 мг/л
Жами эритилган I қаттиқлик	<170 мг/л
pH	5.5—9.0

МУҲИМ: Бутилкаланган ичимлик сувидан фойдаланманг, чунки унда кўпинча эритилган жами моддаларнинг юқори концентрацияси бор бўлади.

Музлашдан ҳимоя

Мотор совитгичидаги гликол ва сувнинг нисбий концентрациялари унинг музлашдан ҳимоя лимитини белгилайди.

Этиленгликол	Музлашдан ҳимоя лимити
40%	-24°C (-12°F)
50%	-37°C (-34°F)
60%	-52°C (-62°F)
Пропиленгликол	Музлашдан ҳимоя лимити
40%	-21°C (-6°F)
50%	-33°C (-27°F)
60%	-49°C (-56°F)


Совитгич-сув аралашмасида 60% дан ортиқ этиленгликол ёки 60% дан ортиқ пропиленгликол БЎЛМАСИН.

DX,COOL19-UZ-13JAN18

Совитгичнинг музлаш нуқтасини синаш



TS1732—UN—04SEP13
SERVICEGARD™ қисм рақами 75240



TS1733—UN—04SEP13
Рефрактометр ойнасига қўйилган 50/50 совитгич билан олинган тасвир

Совитгич музлаш нуқтасини аниқлашда оддий совитгич рефрактометридан фойдаланиш энг осони, теги ва аниги. Ушбу усул натижаси унчалик талабга жавоб бермайдиган тест тасма ёки пўкакли гидрометр методидан аниқроқ.


Совитгич рефрактометрини Жон Дир дилери орқали SERVICEGARD™ асбоблар дастури остида мавжуд. 75240 қисм рақами дала шароитларида аниқ музлаш нуқтасини аниқлаштириш учун иқтисодий ечим билан таъминлайди.

Ушбу асбобдан фойдаланиш учун:

1. Совитиш тизими ташқи ҳароратга тенглашгунча кутинг.
2. Совитгични текшириш учун радиатор қопқоғини очинг.
3. Тақдим этилган томчилаткич билан совитгичдан озгина намуна олинг.
4. Рефрактометр қопқоғини очинг, бир томчи совитувчи суюқлик жойланг ва қопқоғини ёпинг.
5. Окулярга қаранг ва тегишлича фокусни жамланг.
6. Текширилаётган совитгичнинг (этиленгликол совитувчиси ёки пропиленгликол) тури учун кўрсатилган музлаш кўрсаткичини ёзинг.

DX,COOL,TEST-UZ-13JUN13

Совитиш моддасини йўқ қилиш



TS1133—UN—15APR13
Чиқиндиларни қайта ишлаш

Мотор совитиш суюқлигини нотўғри йўқ қилиш атроф-муҳит ва экологияга зарар етказиши мумкин.

Суюқликларни чиқариб ташлаётганда зич ёпиқ идишлардан фойдаланинг. Бошқалар адашиб ичиб юбормаслиги учун озиқ-овқат ёки ичимлик идишларини ишлатманг.


Суюқликларни ерга, канализацияга ёки сув манбаларига тўкманг.

Чиқиндини қайта ишлаш ёки йўқ қилиш бўйича саволларни маҳаллий экология ёки қайта ишлаш маркази ёки Жон Дир мотор тақсимловчи ёки сервис дилеридан сўранг.

RG,RG34710,7543-UZ-26APR18

Бошқа смазкалар

Трансмиссия ва гидравлика мойи



Ҳаво ҳарорати оралиқлари учун мойлар

RG30204—UN—08MAR18

Мойни алмаштиришлар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳароратига мос қайишқоқликдаги мой ишлатинг.

Қуйидаги мойларни ишлатган маъқул:

- Жон Дир Hy-Gard™
- John Deere Low Viscosity Hy-Gard™

Бошқа мойлар ҳам ишлатилиши мумкин, бунинг учун қуйидагилардан бирига мос келиши керак:

- Жон Дир стандарт JDM J20C
- Жон Дир стандарт JDM J20D

John Deere Bio Hy-Gard™ II мойини биологик тарзда парчаланувчи мой керак бўлса ишлатинг.¹

DX,ANTI-UZ-01JAN18

Hy-Gard – Deere & Company савдо белгиси
Bio Hy-Gard – Deere & Company савдо белгиси

¹ CEC-L-33-T-82 синов усулига қўра, Bio Hy-Gard II минимал биологик парчаланиш (21 кун ичида 80%) талабига жавоб беради. Bio Hy-Gard II минерал мойлар билан аралаштирилмаслиги керак, чунки бунда биологик парчаланиш хусусияти пасаяди ва тегишли тарзда чиқитга чиқариш мумкин бўлмай қолади.

Трансмиссия ва гидравлик смазкалардан фойдаланиш

МУҲИМ: Узатишнинг тегишли сифатини таъминлаш учун Hy-Gard™ ёки JDM J20C техник кўрсаткичларга мос келадиган мойдан фойдаланиш лозим.


Агар Hy-Gard™ ёки JDM J20C техник хусусиятларига амал қилинмаса, узатмани алмаштириш сифати муаммолари ва/ёки қувват узатмаси шикастланиши юз бериши мумкин.

Трактор трансмиссияси/ ўқ ва гидравлика баки заводда John Deere Hy-Gard™ JDM J20C мойи билан тўлдирилади.

EC82310,0000F57-UZ-05NOV20

Универсал қаттиқ босим (EP) смазкаси

МУҲИМ: Автоматлаштирилган смазка тизимлари учун турли ҳаво ҳароратини ҳисобга олиш керак.



RG30199—UN—08MAR18

Турли ҳаво ҳарорати учун мўлжалланган смазкалар

Сервислар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳарорати ҳамда NLGI (Смазка материаллари миллий институти) қуюқлик қийматларига асосланган смазка ишлатинг.

John Deere SD Polyurea Grease смазкасини ишлатган маъқул.

Қуйидагилар ҳам тавсия этилади:

- John Deere HD Lithium Complex Grease

- John Deere Grease-Gard™ Premium Plus

Бошқа смазкалар ҳам ишлатилиши мумкин бўлиб, бунинг учун улар қуйидагиларга мос келиши керак:

- NLGI хизмат таснифи: GC-LB
- ISO-L-X-BDHB 2 ёки DIN KP 2 N-10 литий комплекс, носинтетик бирламчи мой (100 – 220 мм²/с @ 40°C)

МУҲИМ: Айрим турдаги қуюқлаштиргичлар, бирламчи мойлар ва смазкада ишлатилган қўшимчалар бошқаларига мос келмайди. Смазкаларни аралаштирмаслик лозим. Ҳар хил смазкаларни аралаштиришдан олдин смазка таъминотчиси билан маслаҳатлашинг.

DX,GREA1-UZ-13JAN18

Смазкани сақлаш

Фақат тоза смазкалар ишлатилганидагина машинангиз юқори самарадорликда ишлаши мумкин.

Ҳар қандай смазкани сақлаш учун тоза идишларни ишлатинг.

Смазкалар ва идишларни чанг, намлик ва бошқа ифлосланишлардан ҳимояланган жойда сақланг. Сув ва чанг йиғилмаслиги учун идишларни ётқизиб сақланг.

Идишларнинг ичидагини билиш учун ҳаммасига тегишли белгилар қўйилсин.

Барча эски идишларни ичидаги қолдиқлари билан тегишли тарзда чиқитга чиқаринг.

DX,LUBST-UZ-11APR11

Смазкаларни аралаштириш

Умуман олганда, турли бренддаги ёки турдаги мойларни аралаштирманг. Мой ишлаб чиқарувчилари маълум техник хусусиятлар ва ишлаш талабларига жавоб бериши учун мойларига қўшимча аралаштиради.

Турли мойларни аралаштириш бу қўшимчаларнинг тўғри ишлашига халақит бериши ва смазка самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Тегишли маълумот ва тавсиялар олиш учун Жон Дир дилерингизга мурожаат қилинг.

DX,LUBMIX-UZ-18MAR96

Алтернатив ва синтетик смазкалар

Айрим географик ҳудуддаги шароитларда смазкага оид тавсиялар бу қўлланмадагидан бошқача бўлиши талаб этилиши мумкин.

Айрим Жон Дир брендидаги совитгичлар ва смазкалар сизнинг ҳудудингизда бўлмаслиги мумкин.

Маълумот ва тавсиялар олиш учун Жон Дир дилерингизга мурожаат қилинг.

Шу қўлланмадаги талабларга мос келадиган синтетик смазкаларни ҳам ишлатиш мумкин.

Бу қўлланмада кўрсатилган ҳарорат лимитлари ва сервис оралиқлари Жон Дир брендидаги суюқликлар ёки Жон Дир машиналарида ишлатишга синалган ва/ёки маъқулланган суюқликларга тааллуқлидир.

Талабларга мос келса, қайта тозаланган асосдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳам ишлатиш мумкин.

DX,ALTER-UZ-13JAN18

Сервис — Умумий маълумот

Сервис бўлимлари ҳақида

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Ҳар қандай хизмат кўрсатилгандан кейин, ечиб олинган қалқонларни ёки қопқоқларни қайта ўрнатиб, капотни маҳкам ёпинг ва қулфланг.

МУҲИМ: Бу нашр сервис кўрсатишга оид батафсил қўлланма эмас. Кўрсатилган амаллар мунтазам хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш ҳақида батафсил маълумот олиш учун Жон Дир дилеридан Техник қўлланма харид қилинг.

Тавсия қилинган сервис оралиқлари ўртача шароитлар учун мўлжалланган. Агар трактор оғир шароитларда ишлатилса, унга тез-тез сервис кўрсатилишини таъминланг.

Сервис бўлимларида сервис жараёнлари ва амалиётлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Ёқилғи, смазкалаш ва советкичлар бўлимлари: Ишлатиш ва сервис учун рухсат этилган суюқликлар тўғрисида маълумот. Шунингдек, мотор мойини қайта тўлдириш каби амаллар учун тўғри сервис оралиқларини танлаш бўйича кўрсатмалар мавжуд.

Обкатка сервиси: Дастлабки 100 соат ишлатиш давомида келтириб ўтилган сервисларни бажаринг.

Сервис — Қайд жадваллари: Жадваллар тақдим этилган:

- Қандай сервис вазифалари қачон амалга оширилишини аниқланг.
- Сервис қачон амалга оширилганини қайд қилиш.

Сервис тартиби бўлимлари: Олти бўлимда турли хил режали ва режадан ташқари сервис амалиётлари сервис турлари бўйича гуруҳлаб кўрсатилган. Сервиснинг тегишли бўлимлари ва вазифалар номлари Сервис қайди жадвалларида кўрсатилган (масалан: Алмаштириш: Мотор мойи ва фильтри). Электр бўлими ёритиш, сақлагичлар ва реле учун барча сервис маълумотларини ўз ичига олади.

Муаммоларни ҳал қилиш бўлимлари: Муаммоларни ҳал қилишнинг тартиби ва бартараф этилиши, шунингдек, CommandCenter™ да кўрсатилиши мумкин бўлган Носозлик диагностик кодлари (DTC) билан ишлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

RX32825,00000A5-UZ-26MAR21

Талабга мувофиқ бажариладиган сервис вазифалар

МУҲИМ: Асбоблар ёки трактор функцияси сервис зарурлигини кўрсатганда, ҳатто сервис оралиғи жадвалларида кўрсатилганидан бошқа вақтларда бўлса ҳам, сервис вазифасини бажаринг.

Баъзан, иш шароитлари режаштирилган хизматни Сервис оралиғи жадвалларида кўрсатилганидан тезроқ бажарилишини талаб қилиши мумкин (масалан, ҳаво филтрлари). Бундай топшириқ бажарилгандан сўнг, унинг бажарилишини Зарурий сервис жадвалида қайд этинг.

RX32825,00017C6-UZ-04JAN17

Трактор мотори чиқиндиларининг ҳолатини аниқлаш


МУҲИМ: Трактор мотори турини аниқлаш учун, ушбу оператор қўлланмасининг идентификация рақамлари бўлимидаги мотор серия рақами қисмига қаранг.

Баъзи сервис тартиблари трактор моторлари жиҳозланган чиқиндилар ускуналарига қараб фарқланади.

RX32825,0001764-UZ-14DEC16


Капотни очиш

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Моторни ишга туширишдан олдин капотни ёпинг ва маҳкамланг.



RXA0180112—UN—12OCT20

Агар жиҳозланган бўлса




RXA0180141—UN—15OCT20

Агар жиҳозланган бўлса

1. Капотни очиш мосламасини (А) тортинг.
2. Капот дастаклари (В) ёрдамида капотни кўтаринг.

JL41210,0000A92-UZ-21APR21

Капотни очиш (жиҳозланган бўлса)



RXA0163079—UN—27APR18

1. Қопқоқни (А) очинг ва калитни қулфга (В) киритинг.
2. Капот лўкидонини (В) очиш учун калитни соат мили йўналишида буранг.
3. Капот лўкидонини тортинг ва очиш учун капотни кўтаринг.

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Моторни ишга туширишдан олдин капотни ёпинг ва маҳкамланг.

4. Капотни ёпинг ва капот лўкидонини қулфлаш учун калитни соат милига қарши йўналишда буранг.


BH38674,0000D20-UZ-27APR18

Моторга кириш панелини олиб қўйиш

⚠ ДИҚҚАТ: Тан жароҳати олишдан ва қурилмага шикаст етишидан эҳтиёт бўлинг:

- Ҳеч қачон моторни қалқонлари олинган ёки капоти очиқ ҳолда ишга туширманг.

- Капотни ҳар доим ёпиб қўйинг ва маҳкам қотиринг.



RXA0166820—UN—05MAR19

1. Панел қулфига (В) калитни (А) киритинг.
2. Панел қулфи (С) очилади.
3. Моторга кириш панелини (D) олиб қўйинг.


BH38674,0000D1B-UZ-21APR21

Моторни олд ён қалқонини ечиб олиш

⚠ ДИҚҚАТ: Тан жароҳати олишдан ва қурилмага шикаст етишидан эҳтиёт бўлинг:

- Ҳеч қачон моторни қалқонлари олинган ёки капоти очиқ ҳолда ишга туширманг.
- Капотни ҳар доим ёпиб қўйинг ва маҳкам қотиринг.

1. Капотни очинг. Ушбу Оператор қўлланмасидаги Капотни очиш бўлимига қаранг.



RXA0163065—UN—26APR18

2. Лўкидонни (А) итаринг.
3. Моторни ён тўсиғи (В) устки қисмини магнитдан (С) ечинг.
4. Моторнинг ён тўсиғини марказлаш штифтларидан (D) ечинг.


BH38674,0000D1C-UZ-22APR21

Моторнинг орқа ён тўсиғини ечиб олиш

⚠ ДИҚҚАТ: Тан жароҳати олишдан ва қурилмага шикаст етишидан эҳтиёт бўлинг:

- Ҳеч қачон моторни қалқонлари олинган ёки капоти очиқ ҳолда ишга туширманг.
- Капотни ҳар доим ёпиб қўйинг ва маҳкам қотириңг.

1. Капотни очинг. Ушбу Оператор қўлланмасидаги Капотни очиш қисмига қаранг.
2. Моторнинг олд ён тўсиғини ечиб олинг. Ушбу Оператор қўлланмасидаги Моторнинг олд ён тўсиғини ечиб олиш қисмига қаранг.




RXA0185233—UN—27AUG21

3. (А) ва (В) қалпоқчали винтларни ечинг.
4. Моторнинг орқа ён тўсиғини (В) ечиб олинг.
5. Моторнинг орқа ён тўсиғини қайта ўрнатишда болтларни (А) 37 Н·м (37 фунт/фут) ва (В) 25 Н·м (18 фунт/фут) гача қотириңг.

BH38674,0000D1D-UZ-27AUG21

Кабина орқа панелни олиб ташлаш




RXA0170334—UN—06SEP19

1. Тўртта кабинанинг орқа панели винтини (А) ечиб олинг.
2. Кабина орқа панелни (В) олиб ташланг.

EC82310,0000F61-UZ-21APR21

Аккумулятор бўлмасига кириш


Аккумулятор бўлмасини очиш



RXA0141965—UN—02JUN14

1. Учта қалпоқчали винтни (А) ечинг.
2. Аккумулятор бўлмаси қопқоғини (В) очинг.

Аккумулятор бўлмасини ёпиш



RXA0158218—UN—09MAR17

1. Аккумулятор панели лўкидонини (F) кўтаринг.

2. Аккумулятор бўлмаси қопқоғини ёпинг.
3. Учта қалпоқчали винтни қайта ўрнатинг ва қалпоқчали винтларни 73 Н м (54 фунт/фут) гача қотирунг.

EC82310,0000F5B-UZ-21APR21

Тракторни кўтариш — кўтариш нуқталари ва тиргакни жойлаштириш


⚠ ДИҚҚАТ: Фақат тасдиқланган кўтариш мосламасидан фойдаланинг.

Ўқни ечиш пайтида тебранмаслиги учун DFRW254-Gudgeon ўқ тебраниш чеклагичини (J) ўрнатинг. Бу талабга риоя қилмаслик жароҳат олишига сабаб бўлиши мумкин. DFRW254 қуйидаги саҳифада кўрсатилган.

Тракторни фақат қаттиқ, текис юзада кўтаринг. Тракторда техник ишларни давом эттиришдан олдин дастлаб уни мос келадиган таянч тиргаклар билан маҳкамланг.


Кўрсатиб ўтилган Жон Дир махсус мосламалари ушбу мақсадда фойдаланилиши мумкин. Ушбу тиргакларни Жон Дир дилеридан олиш мумкин.

Тракторни кўтариш учун тавсия этилган кўтариш жойлари. Тегишли ва мос кўтариш ускунасидан фойдаланинг.




Таг қисмдаги кўтариш нуқталари

RXA0185295—UN—01SEP21



RXA0162497—UN—13MAR18
Орқа шатакка олиш рамаси



RXA0162399—UN—01MAR18
Олд кўтариш нуқталари



RXA0179021—UN—05AUG20
Кўтариш жойлари ёрлиғи (жиҳозланган бўлса)

A— Тракторнинг орқа қисмини кўтариш (мисол: орқа гусеницаларни олиб ташлаш ёки ростлаш учун)

B— олд дифференциал корпусининг марказини кўтариш

⚠ ДИҚҚАТ: Ҳеч қачон тракторни олд вазнлар, олд вазн тиргаги ёки совитиш блокини тозалаш қопқоғи орқали кўтаришга уринманг.

C— Тракторнинг олд тараф учини рама тагидан кўтариш

D— Орқа ўқнинг ўнг томонини кўтариш (мисол: ўнг орқа гусеницани олиб ташлаш учун)

E— Орқа ўқнинг чап томонини кўтариш (мисол: чап орқа гусеницани олиб ташлаш учун)

F— олд дифференциалнинг ўнг томонини кўтариш (мисол: ўнг олд гусеницани олиб ташлаш учун)


G— олд дифференциалнинг чап тарафини кўтариш (масалан: чап олд гусеницани олиб ташлаш учун)

1. Аккумуляторни ерга улаш кабелини узинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Электр воситалар бўлимидаги Аккумуляторлар ва коннекторларга сервис кўрсатиш қисмига қаранг.

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Вазнларни ўрнатиш, ўзгартириш ёки олиб ташлаш учун ҳар доим тегишли жиҳозлардан фойдаланинг. Агар тегишли ускуналар мавжуд бўлмаса, вазифани бажаришни Жон Дир дилерингизга топширинг.

2. Олд тиргакларни ўрнатинг:


ҚАЙД: Ускунани олиш учун смазка мосламасини ечиш талаб қилиниши мумкин.



RXA0162411—UN—06MAR18

a. Рама тебранмаслиги учун DFRW254— Поршень тебраниш чеклагичини (J) ўрнатинг.

b. Тракторнинг тишлари ва ер ўртасида тахминан 200 мм (8 дюйм) оралиқ мавжуд бўлгунча кўтариш.



RXA0162400—UN—01MAR18


JT07211 тиргакларини жойлаштириш

- с. Ҳар бир жойлаштириш нуқтаси остида
JT07211 тиргакларини (H) ўрнатинг.

3. Орқа тиргакларни ўрнатинг:

ҚАЙД: Ускунани олиш учун смазка мосламасини
ечиш талаб қилиниши мумкин.

- а. Рама тебранмаслиги учун DFRW254—
Поршень тебраниш чеклагичини (J) ўрнатинг.
- б. Тракторнинг тишлари ва ер ўртасида
тахминан 200 мм (8 дюйм) оралиқ мавжуд
бўлгунча кўтаринг.




RXA0162401—UN—01MAR18

- с. JT05725 универсал тиргагини (I) ўрнатинг.

EC82310,0000513-UZ-01SEP21

STC® (улаш мосламаси) фитингларига сервис кўрсатиш ва улаш

⚠ ДИҚҚАТ: Босим остида турганда STC® (Улаш
мосламаси) фитингини ажратманг. Фитингни
ажратишдан олдин босимни пасайтирмаслик
тан жароҳатига, ускунанинг шикастланишига
ёки иккаласига ҳам олиб келиши мумкин.



RXA0080095—UN—31MAR05

STC® фитинглари темир қувурларда, шланг
улаишларида ишлатилади ва ҳар хил ўлчамларда
бўлади. JDG1885 STC® асбоби (A) ажратувчи

ҳалқани (B) стопор ҳалқа (C) ичига силжитиш учун
қистирма сифатида ишлатишга мўлжалланган.
Асбобни Жон Дир дилеридан харид қилинг.

МУҲИМ: Фитингларни ажратиш учун асбобдан
фойдаланманг. Асбоб билан туртки бериш
фитингга ва асбобга зарар етказиши мумкин.

ҚАЙД: Агар ҳалқа қотирилса, ҳалқани (F) қайтаринг,
акс ҳолда зичловчи ҳалқа (E) шикастланади.
Тўппамни алмаштириш учун Жон Дир дилерига
муурожаат қилинг ва учала қисмни бирга
алмаштиринг.

1. STC® воситасини ажратувчи ҳалқа ва фитинг
ўртасида тўғри жойлаштиринг.
2. Шлангни ёки қувурни улагичдан ажратинг.
3. STC® фитингини улашдан ва бириктиришдан
олдин қуйидагиларни текширинг:
 - Кертиклар
 - Қирилган чизиқлар
 - Ясси доғлар
4. Қуйидагиларни ейилиши ёки шикастланишини
текширинг:
 - Зичлагич ҳалқа
 - Қайтарувчи ҳалқа
 - Стопор ҳалқа
5. Жуфтликни текширинг:
 - Қабул қилувчи учи (D)
 - Кирувчи учи (G)
6. Бўшаиш ҳалқасини фитингни кирувчи учига
ўрнатинг.
7. Фитингни икки қисмини аниқ “шиқ” этиб тақалиб
киргани сезилмагунча бир-бирига тиқинг.
8. Фитинг қисмлари бир-бирига уланганига ишонч
ҳосил қилиш учун шлангни тортиб кўринг.

RX32825,000175C-UZ-16JUN17

Трансмиссияни калибрлаш


Калибрлаш вақти

Қуйидаги ҳолларда трансмиссияни калибрлаш
тавсия этилади:

- Соленоид ёки узатма клапани алмаштирилганда.
- Узатмани ўзгартириш сифати ёмонлашганида.
- Трансмиссия филтърлари алмаштирилганда.
- Трансмиссия гидравлик суюқлиги
алмаштирилганида.

- Трансмиссия тизимини бошқариш блоки (РТР) алмаштирилганида.
- Трансмиссия техник хизмат кўрсатиш учун ёки бошқа ҳар қандай сабабга кўра ечиб олинганида.

Калибрлашдан олдин мой миқдорини ва иситиш жараёнини текширинг.



RXA0142195—UN—10JUN14

1. Гидравлик мойи идишида мой миқдори индикаторини текширинг. Мой миқдори Full Cold (A) ва Min. Cold (B) белгилари орасида бўлиши керак.

ҚАЙД: Трансмиссия мойи ва филтри алмаштирилганидан кейин силжиш хусусиятлари ўзгарган бўлса, фақат трансмиссияни созланг.

15-чи ёки ундан юқори тезликда юргизиб келинган трактор мойини тез орада текширманг.

МУҲИМ: Нотўғри мой ишлатилса, силжиш сифати ёмон ёки узатиш бузилиши мумкин, ушбу оператор қўлланмасининг, бошқа мойлаш материалларида узатиш ва гидравлик мой, бўлимига қаранг.

2. Гидравлик мойни иситиб олинг, ушбу Оператор қўлланмасининг Трансмиссияни қиздириш — Трансмиссия гидравлик тизими — Умумий маълумот бўлимига қаранг.
3. Мой 50 C (122 F) ҳароратда бўлганда, уни текис сиртга ҳайданг.

ҚАЙД: Мойни қиздириш жараёни давомида тормоз тепкисини БОСМАНГ. Агар тормоз тепкиси босилса, ўқларга қўшимча мой оқиб тушади ва мой сатҳининг нотўғри кўрсатилишига олиб келади.

4. Трансмиссия дастагини ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатига ўрнатинг. Мотор тезлигини 1800 айл/дақ.га ўрнатинг ва 5 дақиқа ишлатиб қўйинг.

МУҲИМ: Мотор ўчирилган ҳолда кўриш ўлчагичида мой миқдори “Min Cold” (B) белгисидан паст бўлса, тракторни ишлатманг.

ҚАЙД: Мотор тезлигини паст холостойгача пасайтиринг, моторни ўчириш ва мой мувозанатга келгунча 5 дақиқа кутинг.


⚠ ДИҚҚАТ: Тракторда трансмиссияни калибрлашни очиқ жойларда, текис сиртда бажаринг. Жараён пайтида бошқаларни трактор ёнига қўйманг.

Тўхтаб туриш тормозининг тўғри ишлашини текширинг.

Калибрлаш пайтида оператор ўрнида қолинг. Жараён бошланганда трансмиссия-гидравлика мойи ҳароратига қараб, калибрлаш одатда 12-15 дақиқа давом этади.

МУҲИМ: Мой миқдори етарли бўлмаса, трансмиссияга жиддий зарар етказиши мумкин.

5. Efficiency Manager™ ўчирилганлигига ишонч ҳосил қилинг.




RXA0142149—UN—10JUN14




RXA0142150—UN—10JUN14

6. Меню (A) ва Тизим варағини (B) босинг.
7. Диагностика марказининг белгисини (C) танланг.



RXA0174962—UN—11FEB20


8. Контроллерлар варағини (D) танланг.
9. Рўйхатдан Transmission-PST бошқарувини (PTP.001) (E) танланг.



RXA0174963—UN—11FEB20

10. Очилган менюда 025 (F) манзилини танланг.


⚠ ДИҚҚАТ: Узатмани ўзгартириш дастагини ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатида қолдиринг. Узатмани ўзгартириш дастагини F ёки R га қўйиш тракторни ҳаракатга келтиради.



RXA0174964—UN—11FEB20

11. PTP CommandCenter™ дисплейида пайдо бўлиши керак. PTP тугмасини (G) босинг.

МУҲИМ: Ўриндикдан турманг. Калибрлашни давом эттириш учун ушбу босқичда оператор мавжудлигини аниқлаш керак.



RXA0174965—UN—11FEB20


12. CommandCenter™ экранида CAL (H) пайдо бўлганда, трансмиссия калибрлашни бошлашга тайёр бўлади.
13. Дроссел қопқоғини моторнинг тезлиги 1650 айл/дақиқагача созланг.

⚠ ДИҚҚАТ: Агар бурчакдаги дисплейда "P" кўрсатилмаса, калибрлашни давом эттирманг. Узатмани ўзгартириш дастагини ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатида қолдиринг. Дастакни F ҳолатига ўтказиш тракторнинг кутилмаганда ҳаракатланишига олиб келади. 2-босқичга қайтинг.

14. Узатмалар дастагини N ҳолатига ўрнатинг. Бурчак устунидаги PDU дисплейида P акс этиши керак.
15. Калибрлашни бошлаш учун узатма дастагини F ҳолатига ўрнатинг.
16. Агар CLD пайдо бўлса, трансмиссия мойининг ҳарорати 50°C (122°F) дан пастга тушади, PTP ҳарорат калибрлаш учун етарли даражада ошгунча калибрлашни тўхтатади. Мой ҳарорати (PTP 33-манзилда мавжуд) 50° C дан (122°F) бир неча даражага пастлаган бўлса, мойни қўлда қиздиринг.


ҚАЙД: Калибрлаш бошлангандан сўнг, дроссель қопқоғи ҳолатини қўлда ўзгартирманг, узатма дастагини суринг ёки муфта педалини босинг. Калибрлаш бекор қилинади.

ҚАЙД: Агар хато туфайли калибрлаш бекор қилинса (масалан: 30 сония ёки ундан кўпроқ вақт давомида мотор ёки трансмиссиянинг ҳеч қандай ҳаракати эшитилмаса), уч ҳарфли хато хабари кўрсатилади. Кодни ёзиб олинг. Агар истасангиз, калибрлашга такрор уриниш мумкин, ушбу Оператор қўлланмасининг шу бўлимидаги Трансмиссияни калибрлашни бекор қилиш қисмига қаранг.



RXA0174966—UN—12FEB20

17. Калибрлаш бошланганида C1H (I) чиқади. C1H 1-муфтани ушлаб туриш калибрланаётганини билдиради. Калибрлаш давом этаётганда, C2, CR, CA, CB, CC, CL, CM ва CH муфталарини ушлаб туриш ҳисоблашлари бажарилади. Дисплей жараён давомида қайси босқич бажарилишини кўрсатади.
18. Барча тўққизта муфтани ушлаб туришни калибрлаш тугагандан сўнг, C1F калибрлашнинг кейинги босқичи бошланганини кўрсатади. C1F 1-муфтани тўлдириш вақти калибрланаётганини билдиради. Калибрлаш давом этаётганда, C2, CR, CA, CB, CC, CL, CM ва CH муфталарини тўлдириш ҳисоблашлари бажарилади. Дисплей жараён давомида қайси босқич бажарилишини кўрсатади.



RXA0174967—UN—12FEB20

19. END (J) кўрсатилганда, калибрлаш якунланган бўлади.

ҚАЙД: Керак бўлмаган носозлик диагностик кодларини (DTCs) яратмаслик учун калибрлаш жараёнидан тўғри чиқиш тартибидан фойдаланинг.

20. Узатма дастагини F дан ТЎХТАБ ТУРИШга ўтказинг.

21. Дросселни тушинг.

22. Сақлаш ва калибрлашдан чиқиш учун Қабул қилиш тугмасини (K) босинг.

ҚАЙД: Дисплейда операторга кўрсатмалар ва юзага келган носозликлар кўрсатилади. Агар калибрлаш пайтида носозлик кўрсатилса, янги маълумотлар сақланмайди.

23. Моторни ўчиринг. РТР янги калибрлашни сақлайди.

Калибрлаш хатолари	Мазмуни	Йўл-йўриқ
CLD	Трансмиссия мойи ҳарорати 50°C (122°F)дан паст. Автоматик иситиш жараёни давом этмоқда.	Ҳеч қандай ҳаракат талаб қилинмайди. Автоматик иситиш мойни 50°C (122°F)га қадар қиздиришини кутинг. Ҳароратга эришилгандан сўнг калибрлаш автоматик равишда бошланади.
МОЙ	Автоматик иситишни бошлаш учун трансмиссия мойининг ҳарорати камида 10°C (50°F) бўлиши керак.	Гидравлик мойни қўлда 50°C (122°F)га қадар қиздириш, ушбу бўлим бошида Калибрлаш учун қўлда иситишни қаранг.
SPD	Мотор тезлиги калибрлашни бошлаш ёки давом эттириш учун талаб этиладиган 1600-1700 айл/дақ. диапазонидан ташқарида.	Мотор тезлигини 1650 айл/дақ.га ўрнатинг.
CLU	Муфта педали ЮҚОРИДА эмас ёки калибрлаш пайтида оператор томонидан босилган.	Муфта педали тўлиқ ЮҚОРИДА эканлигига ишонч ҳосил қилинг ва калибрлаш пайтида босманг.
NOP	Калибрлаш бошланганда оператор ўз ўриндиғида эмас.	Трансмиссияни калибрлаш пайтида ўтирган ҳолда қолинг.

FLT	Трансмиссия мой филтрлари тиқилиб қолган.	Трансмиссия филтрларини алмаштиринг. Филтрни алмаштиргандан сўнг қайта созланг.
-----	---	---

SV81855,0000256-UZ-11AUG21

Трансмиссияни калибрлашни бекор қилиш

РТР калибрлашни бекор қилади ва охириги тўлиқ калибрлашдан сақланган калибрлаш қийматларига ўзгартириш киритмайди, агар:

- Тракторнинг сезиларли даражадаги ҳаракати аниқланса
- Манзил рақами оператор томонидан кўпайтирилса ёки камайтирилса
- Калибрлаш пайтида тизим муаммони аниқласа
- Узатмани алмаштириш дастаги ўчирилган бўлса
- Мотор тезлиги калибрлаш чегараларидан юқори ёки пастроқ бўлса

Агар калибрлаш бекор қилинса, узатиш тизими яна сўнгги созуламаларга ўтади. Агар қайта калибрлаш зарур бўлса, янги калибрлаш жараёнини бошлаш керак. Калибрлашни тўхтаган жойидан қайта бошлаш мумкин эмас.

SV81855,0000257-UZ-20JAN15

Ёқилғи тизимини ўзгартирманг

МУҲИМ: Чиқиндилар бўйича сертификатланган моторларда от кучини ошириш ёки ёқилғи ва ҳаво етказиб беришнинг бирон бир жиҳатини завод созуламалари чегарасидан ташқари ўзгартириш, чиқиндиларни АҚШ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги (ЕРА) ёки унга тенглаштирилган агентлик томонидан тасдиқланган меъёрлардан ошишига олиб келади. Бундай қонунбузарликлар уларни содир этган шахсларга ёки компанияларга катта миқдорда жарима солинишига олиб келиши мумкин.

Қувват даражаси завод параметрларидан ўзгартирилса, трактор кафолати бекор қилинади.

Инжектор насоси ёки ёқилғи инжекторларини ўзингизча таъмирлашга уринманг. Махсус малака ва махсус асбоблар керак бўлади. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

RX32825,000175E-UZ-01AUG17


Ёқилғи тизимидан ҳаво чиқариш

Агар носозлик диагностик коди (DTC) ёнилғи тизимидаги муаммони кўрсатса ва ёнилғи тизими ва филтрлари тўғри деб топилса - ёки (ҳатто (DTC) бўлмаса ҳам) трактор тўғри ишламаса ёки ишламай қолса, ёнилғи пуркаш тизимидан ҳавони чиқариш керак бўлиши мумкин.

1. Ўт олдиргични иш ҳолатига буранг. Электр ёнилғи насоси ишга тушади ва ёнилғи тизимидаги ҳавони чиқаради.
2. Моторни қайта ёқишдан олдин насосни 30 сониядан 1 дақиқагача ишлатиб қўйинг. Агар муаммо ҳал бўлмаса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

SV81855,00001F2-UZ-05MAR19

Рух парчалари билан қопланган маҳкамлагичларни аниқлаш



RXA0073812—UN—03MAR04

Стандарт қалпоқчали винтлар (А) акс қайтарувчи кумуш рангда бўлади.


Рух қопламали қалпоқчали винтлар (В) жилоли оч кумуш ёки олтин рангда бўлади.

Рух парчалари билан қопланган қалпоқчали винтлар (С) хира кумуш ёки олтин рангда бўлади.

ҚАЙД: Рух парчалари билан қопланган маҳкамлагичлар, агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, мойлаш хусусиятларга мувофиқ тортиб қотирилади. Ушбу Оператор қўлланмаси бўлимида Қотириш моментлари қиймат жадвалларига қаранг.


RX32825,0001761-UZ-08NOV17

Болт ва винтларнинг метр тизимидаги айланиш моментлари



TS1742—UN—31MAY18

Болт ёки винт ўлчами	Синф 4.8				Синф 8.8 ёки 9.8				Синф 10.9				Синф 12.9			
	Олти ёкли каллак ^a		Фланец каллак ^b		Олти ёкли каллак ^a		Фланец каллак ^b		Олти ёкли каллак ^a		Фланец каллак ^b		Олти ёкли каллак ^a		Фланец каллак ^b	
	N·m	фунт дюй-м	N·m	фунт дюй-м	N·m	фунт дюй-м	N·m	фунт дюй-м	N·m	фунт дюй-м	N·m	фунт дюй-м	N·m	фунт дюй-м	N·m	фунт дюй-м
M6	3.6	31.9	3.9	34.5	6.7	59.3	7.3	64.6	9.8	86.7	10.8	95.6	11.5	102	12.6	112
									N·m	фун-т/фут ²	N·m	фун-т/фут ²	N·m	фун-т/фут ²	N·m	фунт/фут ²
M8	8.6	76.1	9.4	83.2	16.2	143	17.6	156	23.8	17.6	25.9	19.1	27.8	20.5	30.3	22.3
			N·m	фун-т/фут ²	N·m	фун-т/фут ²	N·m	фун-т/фут ²								
M10	16.9	150	18.4	13.6	31.9	23.5	34.7	25.6	46.8	34.5	51	37.6	55	40.6	60	44.3
	N·m	фун-т/фут ²														
M12	—	—	—	—	55	40.6	61	45	81	59.7	89	65.6	95	70.1	105	77.4
M14	—	—	—	—	87	64.2	96	70.8	128	94.4	141	104	150	111	165	122
M16	—	—	—	—	135	99.6	149	110	198	146	219	162	232	171	257	190
M18	—	—	—	—	193	142	214	158	275	203	304	224	322	245	356	263
M20	—	—	—	—	272	201	301	222	387	285	428	316	453	334	501	370
M22	—	—	—	—	365	263	405	299	520	384	576	425	608	448	674	497
M24	—	—	—	—	468	345	518	382	666	491	738	544	780	575	864	637
M27	—	—	—	—	683	504	758	559	973	718	1080	797	1139	840	1263	932
M30	—	—	—	—	932	687	1029	759	1327	979	1466	1081	1553	1145	1715	1265
M33	—	—	—	—	1258	928	1398	1031	1788	1319	1986	1465	2092	1543	2324	1714
M36	—	—	—	—	1617	1193	1789	1319	2303	1699	2548	1879	2695	1988	2982	2199
Келтирилган номинал айланиш моментлари умумий фойдаланиш учун берилган, бунда ключ аниқлиги 20% бўлиши кўзда тутилган. Муайян ҳолатда бошқа айланиш моменти ёки бошқа қотириш йўл-йўриғи берилган бўлса, бу қийматларни ИШЛАТМАНГ. Контргайка, зангламайдиган пўлатдан қилинган маҳкамлагичлар ёки П шаклидаги болтлардаги гайкалар учун муайян ҳолатлардаги қотириш йўл-йўриқларига қаранг.									Маҳкамлагичларни шу хилдаги ёки юқорироқ синфга мансублари билан алмаштиринг. Агар юқорироқ синфдаги маҳкамлагичлар ишлатилса, уларни оригиналнинг кучигача қотиринг.							
• Маҳкамловчи резъбалар тоза бўлсин. • Қуйидаги расмда кўрсатилганидек, маҳкамлагичлар каллаги ва резъбасига озгина Ny-Gard™ ёки унинг муқобилини суртинг. • Мой кўпайиб кетса, тешиклар беркилиб қолиши туфайли гидравлик блокировкалар эҳтимолини камайтириш учун мой миқдорини ҳисобга олинг. • Резъба киритишни тўғри бошланг.																

Болт ёки винт ўлчами	Синф 4.8		Синф 8.8 ёки 9.8		Синф 10.9		Синф 12.9	
	Олти ёкли каллак ^a	Фланец каллак ^b	Олти ёкли каллак ^a	Фланец каллак ^b	Олти ёкли каллак ^a	Фланец каллак ^b	Олти ёкли каллак ^a	Фланец каллак ^b
								


TS1741—UN—22MAY18

^aОлти бурчакли қалпоқча устун кўрсаткичлари ISO 4014 ва ISO 4017 га, ISO 4162 олти бурчакли втулка ва ISO 4032 олти бурчакли гайкаларга таалуқли.

^bОлти бурчакли фланец устун кўрсаткичлари ASME B18.2.3.9M, ISO 4161, ёки EN 1665 олти бурчакли фланец маҳсулотларига таалуқли.


DX,TORQ2-UZ-30MAY18

Болт ва винтларнинг дюймдаги маҳкамланиш даражаси



TS1671—UN—01MAY03

Болт ёки винт ўлчами	SAE нави 1 ^a				SAE нави 2 ^b				SAE нави 5, 5.1 ёки 5.2				SAE нави 8 ёки 8.2			
	Олти ёкли каллак ^c		Фланец каллак ^d		Олти ёкли каллак ^c		Фланец каллак ^d		Олти ёкли каллак ^c		Фланец каллак ^d		Олти ёкли каллак ^c		Фланец каллак ^d	
	N·m	фунт дюйм	N·m	фунт дюйм	N·m	фунт дюйм	N·m	фунт дюйм	N·m	фунт дюйм	N·m	фунт дюйм	N·m	фунт дюйм	N·m	фунт дюйм
1/4	3.1	27.3	3.2	28.4	5.1	45.5	5.3	47.3	7.9	70.2	8.3	73.1	11.2	99.2	11.6	103
													N·m	фунт/фут ²	N·m	фунт/фут ²
5/16	6.1	54.1	6.5	57.7	10.2	90.2	10.9	96.2	15.7	139	16.8	149	22.2	16.4	23.7	17.5
									N·m	фунт/фут ²	N·m	фунт/фут ²				
3/8	10.5	93.6	11.5	102	17.6	156	19.2	170	27.3	20.1	29.7	21.9	38.5	28.4	41.9	30.9
					N·m	фунт/фут ²	N·m	фунт/фут ²								
7/16	16.7	148	18.4	163	27.8	20.5	30.6	22.6	43	31.7	47.3	34.9	60.6	44.7	66.8	49.3
	N·m	фунт/фут ²	N·m	фунт/фут ²												
1/2	25.9	19.1	28.2	20.8	43.1	31.8	47	34.7	66.6	49.1	72.8	53.7	94	69.3	103	75.8
9/16	36.7	27.1	40.5	29.9	61.1	45.1	67.5	49.8	94.6	69.8	104	77	134	98.5	148	109
5/8	51	37.6	55.9	41.2	85	62.7	93.1	68.7	131	96.9	144	106	186	137	203	150
3/4	89.5	66	98	72.3	149	110	164	121	230	170	252	186	325	240	357	263
7/8	144	106	157	116	144	106	157	116	370	273	405	299	522	385	572	422
1	216	159	236	174	216	159	236	174	556	410	609	449	785	579	860	634
1-1/8	305	225	335	247	305	225	335	247	685	505	751	554	1110	819	1218	898
1-1/4	427	315	469	346	427	315	469	346	957	706	1051	775	1552	1145	1703	1256
1-3/8	564	416	618	456	564	416	618	456	1264	932	1386	1022	2050	1512	2248	1658
1-1/2	743	548	815	601	743	548	815	601	1665	1228	1826	1347	2699	1991	2962	2185
Келтирилган номинал айланиш моментлари умумий фойдаланиш учун берилган, бунда ключ аниқлиги 20% бўлиши кўзда тутилган. Муайян ҳолатда бошқа айланиш моменти ёки бошқа қотириш йўл-йўриғи									Маҳкамлагичларни шу хилдаги ёки юқорироқ синфга мансублари билан алмаштиринг. Агар юқорироқ синфдаги							

Болт ёки винт ўлчами	SAE нави 1 ^a		SAE нави 2 ^b		SAE нави 5, 5.1 ёки 5.2		SAE нави 8 ёки 8.2	
	Олти ёқли каллак ^c	Фланец каллак ^d	Олти ёқли каллак ^c	Фланец каллак ^d	Олти ёқли каллак ^c	Фланец каллак ^d	Олти ёқли каллак ^c	Фланец каллак ^d
берилган бўлса, бу қийматларни ИШЛАТМАНГ. Контргайка, зангламайдиган пўлатдан қилинган маҳкамлагичлар ёки П шаклидаги болтлардаги гайкалар учун муайян ҳолатлардаги қотириш йўл- йўриқларига қаранг.					маҳкамлагичлар ишлатилса, уларни оригиналнинг кучигача қотиринг.			
• Маҳкамловчи резьбалар тоза бўлсин. • Қуйидаги расмда кўрсатилганидек, маҳкамлагичлар каллаги ва резьбасига озгина Ny-Gard™ ёки унинг муқобилини суртинг. • Мой кўпайиб кетса, тешиклар беркилиб қолиши туфайли гидравлик блокировкалар эҳтимолини камайтириш учун мой миқдорини ҳисобга олинг. • Резьба киритишни тўғри бошланг.								
								

TS1741—UN—22MAY18

TS1741—UN—22MAY18

^a1-нав 6 дюймдан (152мм) узун бўлган олти бурчакли қалпоқчали винтлар ва ҳар қандай бошқа турдаги болтлар ҳамда ҳар қандай узунликдаги винтларга тааллуқли.

^b2-нав 6 дюймгача (152мм) бўлган олти бурчакли (олти бурчакли болтлар эмас) қалпоқчали винтларга тааллуқли.

^cОлти бурчакли қалпоқча устун кўрсаткичлари ISO 4014 ва ISO 4017 га, ISO 4162 олти бурчакли втулка ва ISO 4032 олти бурчакли гайкаларга тааллуқли.

^dОлти бурчакли фланец устун кўрсаткичлари ASME B18.2.3.9M, ISO 4161, ёки EN 1665 олти бурчакли фланец маҳсулотларига тааллуқли.

DX,TORQ1-UZ-30MAY18

Сервис — Обкатка (100 соат ёки ундан камроқ вақтда)

Обкатка сервисларини амалга ошириш

МУҲИМ: Тракторингиз қайси мотор билан жиҳозланганини билиш учун ушбу Оператор қўлланмасининг "Идентификация рақамлари" бўлимидаги "Мотор серия рақами" қисмига қаранг.

Махсус "обкатка" мотор мойлари (John Deere Break-In™ ёки Break-In™ Plus мойларини ўз ичига олади) янги ёки қайта таъмирланган 15 л моторлар учун тавсия этилмайди. Одатдаги эксплуатация давомида ишлатиладиган бир хил мойдан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Мотор мойи бўлимидаги Дизель мотор мойи қисмига қаранг. Максимал сервис оралиғи сизнинг моторингиз учун Мотор мойи ва фильтрга сервис оралиқлари қисмида келтирилган моторингиз учун тавсия қилинган сервис оралиғи билан бир хил бўлади. Кейинги мой алмаштиришлари учун мазкур Оператор қўлланмасининг Мотор мойи бўлимидаги Мотор мойи ва фильтрга сервис оралиқлари қисмига қаранг.

Янги ёки таъмирланган ҳўл цилиндр гилзали моторга John Deere Break-In™ Plus ёрдамида бошланғич обкатка сервис оралиғи ҳалқалар ва ҳимоя қопламаларининг ўзаро бирикиш имкониятини таъминлаш учун камида 100 соат чўзилиши керак. Камида 100 соат барча янги ва таъмирланган John Deere моторларига тегишли. Максимал сервис оралиғи сизнинг моторингиз учун Мотор мойи ва фильтрга сервис оралиқлари қисмида келтирилган моторингиз учун тавсия қилинган сервис оралиғи билан бир хил бўлади. Кейинги сафар мой алмаштириш учун ушбу Оператор қўлланмасининг "Мотор мойи" бўлимидаги "Мотор мойи ва фильтрга сервис оралиқлари" қисмига қаранг.

Мотор одатий ишлаш учун тайёр. Дастлабки 100 соат ишлаш мобайнида:

- Моторни етарлича максимал юкламага чиқармаган ҳолда оғир юкламалар остида ишлатинг.
- Моторни холостойда 5 дақиқадан ортиқ ишлатиб юборманг. Агар мотор 5 дақиқадан ортиқ сокин тезликда турадиган бўлса, моторни тўхтатинг.
- Ишлаш пайтида совитувчи суюқликнинг ҳароратини эътибор билан кузатинг.
- Моторнинг ҳаво олиш тизими шланглари ва хомутларини текшинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
- Суюқлик оқмаётганлигини текшинг.
- Биринчи ҳафтада ишлаш давомида узатма ва

кериб кийдириладиган ғилдирак гупчаги қалпоқчали винтларини 3 соатдан кейин, 10 соатдан кейин ва ҳар куни таранглатинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Сервис — Қотириш бўлимига қаранг.

- Гусеница тизимларининг обкатка тартибларига амал қилинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг шу бўлимидаги Гусеница тизимларини обкатка қилиш қисмига қаранг.
- 15 л моторлар билан жиҳозланган тракторлар автоматик тарзда камида 4 соат ишлагандан сўнг дастлабки мотор регенерациясини амалга оширади. Мазкур процедура трактор етказиб берилишидан олдин амалга оширилган бўлиши мумкин. Агар регенерация бошланса, жараёни тўлиқ якунланишини кутинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Мотор созламалари — Чиқариш филтрини АВТОМАТИК тозалаш қисмига қаранг.

Ҳар кунлик ёки 10 соатлик сервис

Нормал кунлик ёки 10 соатлик сервисларни амалга оширинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Техник хизмат — Рўйхатга олиш хариталари бўлимида 10 соатлик ёки кунлик сервис қисмига қаранг.

Тракторни ишлатишнинг дастлабки 100 соати давомида, шунингдек, ушбу қўшимча хизматларни ҳам кундалик ёки ҳар 10 соатда бажариб туринг:

- Сув ажраткични бўшатинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Сервис — Текшириш бўлимидаги Сув ажраткичга қисмига қаранг.
- Совитувчи модда миқдорини текшинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
- Шатак қисмларини (агар жиҳозланган бўлса) мойланг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Сервис — Смазкалаш бўлимига қаранг.
- Гусеницалар шикастлангани йўқми текшинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг шу бўлимидаги Гусеница тизимларини обкатка қилиш қисмига қаранг.

Сервис амалга оширилгач, тегишли сервис интервали соатлари дисплейини нолга қайта созлаб қўйинг. Мазкур Оператор қўлланмасининг CommandCenter™ бўлимидаги Техник хизмат оралиқлари қисмига қаранг.

Обкатка давридан кейин ушбу қўлланмада тавсия қилинган John Deere Plus-50™ II ёки бошқа дизель мотор мойидан фойдаланинг.

RX32825,0000004-UZ-23APR21

Гусеница тизимларини обкатка қилиш

Обкатка ҳақида маълумот

МУҲИМ: Гусеницанинг нотўғри обкаткаси гусеница қисмларига зарар етказиши ёки амал қилиш муддатининг қисқаришига олиб келиши мумкин. Нотўғри обкатка натижасида етган зарар машина кафолати доирасида тўлаб берилмайди.

Гусеница тизими обкаткаси биринчи фойдаланиш мавсумида амалга оширилади. Тўғри амалга оширилган обкатка бирламчи етаклаш тортқиси ейилишини камайтиради. Обкатка пайтида, етаклаш тортқилари ва гусеницанинг кериб кийдириладиган ғилдираклари "силлиқлаш" жараёнидан ўтади, унда:

- Резина ғилдираклардан ортиқча резина гардишини тозаланади.
- Янги резинанинг ёпишқоқлигини кетказиш учун майда чанг зарралари билан резина юзаларини текислаб юборади.
- Гусеница тизимида ишқаланишдан келиб чиқадиган қизишни камайтиради.

Дастлабки обкатка

МУҲИМ: Гусеница ва гусеница тизимига зарар етишининг олдини олинг. Тракторни обкатка даври якунланмагунча узоқ масофали йўлларга қўйманг. Ҳаттоки обкатка даври якунлангандан сўнг ҳам қизиб кетиш натижасида келиб чиқадиган зарарни олдини олиш учун қуруқ смазка ёки тупроқ керак бўлади.

Янги ёки тозаланган гусеница ёки бошқа ишқаланувчи қисмлар билан ишлаганда, ушбу ишлаш бўйича тавсияларга биринчи 100 соат давомида амал қилинг:

ҚУЙДАГИЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИНГ:

- Юмшоқ тупроқ шароитларидаги далада трактордан фойдаланинг.
- Юк ташиш ва узоқ йўл босиш амалиётларининг олдини олинг.
- Агар юк ташиш талаб этилса ёки трактор юмшоқ тупроқ шароитларида ишлай олмаса, гусеница тизимига қуруқ смазка суртинг¹.
- Агар узоқ йўл босишнинг олдини олишнинг имкони бўлмаса (16 км/10 милдан ортиқ),

¹ Қуруқ смазка қуйдагиларни ўз ичига олиши мумкин: Тупроқ, мойли лок, тўлдирувчи модда, тальк кукуни, бошқа тупроқ асосидаги смазкалар.

гусеница тизимига ҳар 16 км (10 миля) да қуруқ смазка суртинг.

- Агар узоқ йўл босишнинг олдини олишнинг имкони бўлмаса, тезликни 6,5 км/с (4 мил/с) га пасайтиринг².
- Гусеница занжири тегишли равишда марказлашганлигига ишонч ҳосил қилинг.

ҚУЙДАГИЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМАНГ:

- Узоқ йўлга ташишга (16 км/10 милдан ортиқ) ҳаракат қилманг.
- Ускунани шатакка олган бўлсангиз, ускунанинг Оператор қўлланмасида кўрсатилган максимал юк ташиш тезлигидан оширманг. Қўп ускуналар максимал юк ташиш тезлиги 24-32 км км/с (15-20 мил/с) ни ташкил этади.
- Юмшоқ тупроқ шароитларида бўлмаган ҳолларда, ҳар 15 дақиқада қуруқ смазка сурмасдан тракторни ишлатманг.
- Гусеница билан йўл чети бўйлаб ишлаш.
- Мазкур Оператор қўлланмасининг Гусеница — Умумий маълумот бўлимида Вазн жадвалларида кўрсатилган тезликдан юқори ҳайдаманг.

Обкаткадан сўнг

МУҲИМ: Дастлабки 100 соатлик обкатка ва марказлаштиришдан сўнг, катта эҳтимол билан узоқ муддатли обкатка жараёни (400 соатгача) бошланади. Ушбу муддат давомида, гусеницани юмшоқ тупроқда ишлашини кўпайтиринг ва юқори тезликда ҳаракатланиш ва оғир юкларни ташиш амалиётини камайтиринг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Гусеница — Умумий маълумот бўлимида Гусеницадан фойдаланиш бўйича тавсияларга қаранг.

TS36762,000034B-UZ-20APR21

² Гусеница — Умумий маълумот бўлимидаги вазн жадвалларида кўрсатилган максимал тезликдан 6,5 км/с (4 мил/соат) га туширинг. Ускунани шатакка олган бўлсангиз, ускунанинг Оператор қўлланмасида кўрсатилган тавсия этилган максимал тезлигидан оширманг

Сервис — Қайд жадваллари

Сервис ёзув жадвали тўғрисида умумий маълумот

Сервис ёзув жадвали қуйидагиларга тақдим этилади:

- Сервис қачон амалга оширилганини қайд қилиш.
- Зарур бўлганда қўшимча сервис кўрсатиш маълумотларини ҳужжатлаштириш.

Тавсия этилган ҳужжатлар

- Мотор мойи ва филтърни алмаштириш: Қайта тўлдириш учун қайси мой ишлатилганлигини кўрсатиш ва ҳар бир хизмат кўрсатишда сана ва иш вақтини ёзиб қўйиш.
- Заруратга кўра сервис: Доимий хизмат кўрсатиш вақт оралиқларидан ташқарида кўрсатилган хизматлар ва таъмирлашларни ёзиб қўйиш.
- Йиллик сервис: Рўйхатда келтирилган сервис вазифалари ҳар йили ёки бир неча йилда бир марта амалга оширилади. Сервис санаси ва соатларини ёзиб қўйиш.

10 соатда (кунлик) ва 50 соатда сервис вазифалари

Сервислар жадвалига 10 соатлик (кунлик) ва 50 соатлик сервис вазифаларини ёзиб қўйиш тавсия этилмайди. Хоҳишга қараб, ушбу сервисларнинг бажарилишини алоҳида дафтарга ёзиб қўйинг.

Сервис оралиғи жадвали

Жадваллар қайси сервис вазифалари моторнинг қайси иш соатлари ёки йилларида бажарилиши кераклигини кўрсатади. Агар сервис вазифаси йил ва соатли оралиқни кўрсатса, қайси бир орқалиқ биринчи келса, шунга амал қилинг. Оригинал талабга кўра мосламаларга сервисни амалга оширинг.

Ҳар бир вазифа сарлавҳасининг биринчи сўзи (Масалан: ТЕКШИРИНГ ёки МОЙЛАНГ) сервисни бажарувчи шахсни ушбу Оператор қўлланмасидаги тегишли Сервис тартиби бўлимига йўналтиринг. Сервис вазифасини бажариб бўлгандан кейин бир вақтнинг ўзида бажарилиши керак бўлган қўшимча вазифалар йўқлигини текширинг.

Сервис вазифалари бажарилганда, ушбу Оператор қўлланмасининг шу бўлимидаги Сервисни қайд этиш жадвалига ёзиб қўйинг.

Сервис қачон амалга оширилиши кераклигини аниқлаш учун мотор соат ўлчагичини ишлатинг. Ҳисоблагич мотор ишга туширилганда ишлайди ва мотор ишлаган умумий соатларни кўрсатади. Соат ўлчагичи заводда 250 соатга ўрнатилган бўлса-да, исталган ўтган вақтга қайтарилиши мумкин. Мазкур Оператор қўлланмасининг CommandCenter™ бўлимидаги Техник хизмат оралиқлари қисмига қаранг.

RX32825,0000022-UZ-05APR21

Сервис вазифаси	Ишлаш соатлари ёки оралиғи									
	Йил/с	Кунлик ёки 10	50	250	500	1000	1500	3000	5000	6000
Мотор мойи миқдорини ТЕКШИРИНГ		•								
Гидравлика тизимини мойи даражасини ТЕКШИРИНГ		•								
Ихтиёрий ёқилғи-сув сепараторини ТЕКШИРИНГ		•								
Гусеница текислигини ТЕКШИРИНГ		•								
Гусеницадаги емирилишлар ва йиғилган чиқиндини ТЕКШИРИНГ		•								
Тортувчи ва йўналтирувчи роликлар ҳамда ўртадаги роллерларни ТЕКШИРИНГ		•								
Гидравлик тўплагични [Скрепер] ТЕКШИРИНГ		•								
Етакловчи филдирак скрепер тирқишини ТЕКШИРИНГ		•								
Шарнир бармоқларини МОЙЛАНГ			•							
Руль штифтларини МОЙЛАНГ			•							
Оғир шароитга мўлжалланган кўтарма тяга штифтларини МОЙЛАНГ [Ag] ^a			•							
Шланг тиргаги кронштейнини МОЙЛАНГ [Скрепер]			•							
Пастки куч узатмаси подшипникларини МОЙЛАНГ		b		•						
Орқа тиркамани МОЙЛАНГ			c	•						
Ёрдамчи тормозни ТЕКШИРИНГ				•						

Сервис вазифаси	Ишлаш соатлари ёки оралиғи									
	Йил/с	Кунлик ёки 10	50	250	500	1000	1500	3000	5000	6000
Трансмиссия ТҲХТАБ ТУРИШ тизимини ТЕКШИРИНГ				•						
Гусеницани таранглайдиган цилиндр фитингларини МОЙЛАНГ				•						
Оғир шароитларга мўлжалланган поршенли подшипникларни МОЙЛАНГ				•						
ҚТҚ узатма валини МОЙЛАНГ [Ag]				•						
Мотор мойи ва фильтрини АЛМАШТИРИНГ ^d	1				•					
Ёқилғи фильтрларини АЛМАШТИРИНГ ^e					•					
Опционал ёқилғи сув ажраткичини АЛМАШТИРИНГ					•					
Моторга ҳаво киритувчи тизимни ТЕКШИРИНГ					•					
Тортувчи ғилдирак гайкалари, холостой ғилдирак ва ўртадаги роллернинг қалпоқчали винтларини ҚОТИРИНГ					•					
Шатак рамаси тиргаги қалпоқчали винтларини ҚОТИРИНГ					•					
Икки нурли радар датчигини ТОЗАЛАНГ						•				
Мотор совиткичининг музлаш нуқтасини ТЕКШИРИНГ	1					•				
Кабина рециркуляцион ҳаво фильтрини АЛМАШТИРИНГ	1					•				
Кабинанинг тоза ҳаво фильтрини АЛМАШТИРИНГ	1					•				
Моторнинг йирик ва майда ҳаво фильтрини АЛМАШТИРИНГ	1					•				
DEF дозалаш блоки фильтрини АЛМАШТИРИНГ ^f	3						•			
Трансмиссияни СОЗЛАНГ							•			
Ёқилғи баки вентиляторини фильтрини АЛМАШТИРИНГ							•			
SCV тақсимловчи клапанли фильтрни АЛМАШТИРИНГ							•			
Трансмиссия-гидравлик вентилятор фильтрини АЛМАШТИРИНГ							•			
Гидравлика тизими мойи ва филтрларини АЛМАШТИРИНГ							•			
Ёрдамчи узатма тасмаси ва тасма қисгичини ТЕКШИРИНГ							•			
Ишланган газларни тозалаш тизими ёқилғи инжекторини ТОЗАЛАНГ ^{gh}							•			
Мотор совитиш тизими радиатор қопқоғини ТЕКШИРИНГ ^g							•			
Йўналтирувчи ғилдирак втулкаси ва ўрта роллердаги мой даражасини ТЕКШИРИНГ							•			
DEF баки вентиляция фильтрини АЛМАШТИРИНГ ^f							•			
DEF ички фильтрини АЛМАШТИРИНГ ^f	3							•		
Мотор клапани оралиғини ТЕКШИРИНГ — Final Tier 4/Stage V мотор ^{gh}								•		
Мотор картер сапуни фильтр элементини АЛМАШТИРИНГ ^g								•		

JL41210,0000A91-UZ-07SEP21

Сана	Соат	Қайдлар

EC82310,0000B12-UZ-05AUG20

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) бакини тозалаш

⚠ ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

Бегона модда ёки суюқлик DEF бакига кириб қолса, DEF бакини бўшатинг, тозаланг ва янги DEF билан тўлдинг.

DEF сифатига шубҳангиз бўлса, шаффоф контейнерга ундан намуна олиб қўйинг. DEF енгил аммиак ҳидли ва сувдек шаффоф бўлиши лозим. Агар DEF шаффоф бўлмаса, ранг олган бўлса ва ундан аммиак ҳиди анқиб турса, унинг техник кўрсаткичлари талабга жавоб бермайди. Ушбу ҳолатдаги DEFдан фойдаланманг.

1. Оқава тиқинини (агар жиҳозланган бўлса) олиб ташланг ва DEF бакидан ёмон ҳолатдаги DEFни чиқариб юборинг.

ҚАЙД: Ўрнатилган ёки олиб ташланган DEF бакни тозалаш мумкин.

2. DEF бакини янги DEF билан тозаланг.

Моторни ишга туширишдан олдин DEF суюқлигининг кўриниши, ҳиди ва концентрацияси текширилиши керак. Батафсил маълумот учун Ёқилғи, смазкалар ва совитгичлар бўлимидаги SCR билан жиҳозланган моторлардан фойдаланишда дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) қисмига қаранг.

3. DEF бакини бўшатинг ёки суюқликни чиқариб ташланг.

ҚАЙД: DEF баки тозалангунча 2-3 босқичларни такрорланг.

4. **Аввалги версияси:** DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF баки коллекторининг сўрувчи панжарасини алмаштинг.

Кейинги версияси: DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF ички фильтрини алмаштинг.

5. Олиб ташланса, DEF баки оқава тиқинини ўрнатинг.
6. Олиб ташланса, DEF бакини ўрнатинг.
7. DEF бакини янги DEF билан тўлдинг.
8. DEF концентрациясини DEF рефрактометрлар, масалан JDG11594 ёки JDG11684 билан текшинг. Тўғри DEF концентрацияси 31.8—33.2%. Батафсил маълумот учун расмий дилерингизга мурожаат қилинг.
9. Агар DEF керакли даражада, тоза бўлмаса ёки ундан енгил аммиак ҳиди келмаса, расмий дилерингиз билан боғланг.

DX,DEF,CLEANTANK-UZ-18SEP19

DEF бакининг тўлдиргич бўғзидаги фильтри


Агар DEF тўлиши секинлашса, бакнинг тўлдиргич бўғзидаги фильтрини тозаланг.

1. Трансмиссияни тўхтаб туриш ҳолатига ўтказинг ва моторни ўчиринг.




RXA0167615—UN—23APR19

2. DEF баки қопқоғини (А) очинг.



RXA0180368—UN—04NOV20

3. Фильтр тутқични (В) у очилгунча соат мили йўналишига тескари буранг, сўнгра DEF бакидан тўғри тортиб олинг.



RXA0180369—UN—04NOV20

4. Ҳар қандай куйқумларни чиқариб ташлаш учун тўлдиргич бўғзидаги филтрни (С) илиқ сув билан тозалаб ташланг.

5. Тескари тартибда ўрнатинг.

SV81855,000027F-UZ-31AUG21

Тракторнинг ташқариси

МУҲИМ: Мотор, унинг қисмлари ва тракторнинг ташқи қисми шикастланишига йўл қўйманг.

- Ҳеч қачон суюқликни моторнинг ҳаво олиш жойига тўғридан-тўғри пуркаманг. Агар моторнинг ҳаво олиш жойига сув пуркалса, филтър корпусини бўшатинг ва моторни ишга туширишдан олдин корпус ва филтрни қуришиб қўйинг.
- Юқори босимли ювиш қурилмасидан фойдаланиш: ҳар доим камайтирилган босимдан фойдаланинг ва $45—90^\circ$ бурчак остида пурканг. Ҳеч қачон босимли сувни тўғридан-тўғри қуйидаги жойга пуркаманг:
 - Электрон/электр компонентлар ва коннекторлар.
 - Подшипниклар ва гидравлик зичлагичлар.
 - Ёқилғи пуркаш насослари.
 - Газ чиқариш туйнуги.
 - Мотор ҳаво олиш тизими.
 - Суюқлик бакларининг тўлдириш тешиклари ва сапунлари.
 - Ҳар қандай сезувчан қисмлар ва компонентлар.
- Ҳеч қачон кучли совун, кимёвий ювиш воситалари ёки кислоталар, гидроксид ёки абразив моддаларни ўз ичига олган тозалаш воситаларини ишлатманг. Сотувда мавжуд бўлган кир ювиш воситаларини ҳимоя қилиш мумини олиб ташламайдиган ва бўёқларни бўяш учун қўлланилиши мумкин бўлган воситалардан фойдаланиш тавсия этилади.

- Тракторни мунтазам равишда ювиб туриш, айниқса, гербицидлар, пестицидлар, йўл тузи ёки бошқа кимёвий моддалар таъсирида бўлса.
- Ҳеч қачон тракторни тўғридан-тўғри қуёш нури остида ювманг.
- Барча тозалаш воситаларини тезда ювиб ташланг. Ҳеч қачон уларни бўялган сиртда қуриб қолишига йўл қўйманг.
- Қолдиқларни олиб ташлаш ва бўёқ қопламасини янада ҳимоя қилиш учун вақти-вақти билан тракторни мумлаш тавсия этилади. Ҳеч қачон абразив бирикмалар бўлган мумларни ишлатманг.
- Ювиш ёки мумни тозалаш пайтида бўёқ сиртининг синган ва тирналган жойларини текширинг. Бўёғи кетиб қолган жойларга бўёқ суртинг.

Бўёқ қопламаларини яхшилашга ёрдам берадиган ва сизнинг ускунангизга мос келадиган тозалагичлар, мумлар ва тегиниш бўёқлари учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

RX32825,0001777-UZ-21APR21

Дисплейни тозалаш

МУҲИМ: Дисплейни доим ўчириб қўйиб тозаланг. Экран ишлаётган пайтида тозаланса, тугмалар босилиб кетиши мумкин.

Дисплейни тозалаш учун экранни ўчиринг ва Жон Дир шиша ёки универсал тозалагич каби аммиаксиз тозалагич пуркалган юмшоқ мато билан экранни артинг.

DX,PC,CLEAN,DISP-UZ-21OCT16

Моторни совитиш тизими — 13.6 л мотор


Моторни ўЧИРИНГ.



RXA0180466—UN—19NOV20

Панжарани (А) чўтка ёки сиқилган ҳаво ёрдамида тозаланг.


Мотор бўлмаси қалқонларидан чиқиндини тозаланг.



RXA0118331—UN—24JUN11


Мой кулери очилганда эҳтиёт бўлинг. Кулер 30° бурчак остида бўлганида резина шланг ҳаво кондиционери қувурига тегиши ва узоқ вақт тегиб турганида қувур фитингига зарар етказиши мумкин.

Капот лўкидонини бўшатинг ва капотни кўтаринг.



RXA0148090—UN—29MAY15

Конденсаторни яхшироқ тозалаш мақсадида олдинга силжитиш учун кондиционерни тутиб турадиган қисқичларни (А) чиқаринг.



RXA0118338—UN—23JUN11

Кондиционер конденсаторини (В) тозалаш учун сиқилган ҳаводан фойдаланинг.



RXA0118333—UN—23JUN11

Совитгични (D) олдинга силжитиш учун мой-ёқилғи кулерини тутиб турадиган қисқичларни (А) чиқаринг.

Радиаторни тозалаш учун сиқилган ҳаводан фойдаланинг. Радиаторнинг барча эгилган пластиналарини тўғриланг.

Кондиционер конденсатори ва мой кулерини ёпинг ҳамда тутиб турувчи қисқичларни қулфланг.

Капотни секинлик билан пастга тушинг ва капот лўкидони қулфлангунча маҳкам ёпинг.

SV81855,0000363-UZ-30AUG21

Моторни совитиш тизими—15 л мотор

Моторни ўЧИРИНГ.




RXA0180466—UN—19NOV20


Панжарани (А) чўтка ёки сиқилган ҳаво ёрдамида тозаланг.

Мотор бўлмаси қалқонларидан чиқиндини тозаланг.

Капот лўкидонини бўшатинг ва капотни кўтаринг.




RXA0180117—UN—14OCT20



RXA0161241—UN—01NOV17

Тозалаш осонроқ бўлиши учун мой кулерини (D) тутиб турувчи қисқичларни (B) пастроқдаги мой кулери томон олдинга чиқаринг.


Мой кулери ва радиаторни (C) тозалаш учун сиқилган ҳаводан фойдаланинг.



RXA0161242—UN—01NOV17

Тозалаш осонроқ бўлиши учун кондиционер штифтларини (G) бўшатиб, кондиционер конденсатори (E) ва ёқилғи кулерини (F) кўтаринг.

Кондиционер конденсатори ва ёқилғи кулерини тозалаш учун сиқилган ҳаводан фойдаланинг.



RXA0161243—UN—01NOV17

Тутқич (H) ёрдамида кондиционер конденсатори ва мой-ёқилғи кулерини ёпинг. Қулфни очиш ва эҳтиёткорлик билан тушириш учун кондиционер конденсатори ва ёқилғи кулерини тортинг. Тутиб турувчи штифтларни қулфланг.

Мой кулерини кўтаринг ва тутиб турувчи штифтларни қулфланг.

Капотни секинлик билан пастга туширинг ва капот лўкидони қулфлангунча маҳкам ёпинг.

SV81855,0000364-UZ-30AUG21


Икки нурли радар датчиги

МУҲИМ: Радар датчиги қулоқчаларида чанг ёки қолдиқлар йўқлигини текширинг, бу аниқлик кўрсаткичларига таъсир қилади.

Тўғридан-тўғри радарга қаратилган юқори босимли ювиш ускунасидан фойдаланманг.

Радар атрофидаги чанг ёки тикилиб қолган лойни олиб ташлаш учун ўткир асбоблардан фойдаланганда, радар ва симларнинг шикастланишига йўл қўйманг.

1.Радарга шикаст етмаганини текширинг.



RXA0141826—UN—02JUN14

2.Радар датчиги қулоқчаларини (A) илиқ сув ва юмшоқ ювиш эритмаси билан юйиб ташланг.

3. Тоза юмшоқ мато билан қуритинг.

RX32825,000064B-UZ-19JUL17


Ишланган газларни тозалаш тизими ёқилғи инжектори—15 л мотор

Сервис учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

SV81855,00002C1-UZ-19JUL17

Ихтиёрий ёқилғи сув ажраткичи

1. Машинани текис ерга қўйинг.
2. Ускунани ерга тушинг.
3. Моторни ўчиринг.



RXA0168512—UN—03JUN19

Ёқилғи ҳайдаш тугмаси қопқоғи фарқ қилиши мумкин

4. Ёқилғи фильтри ва сув ажраткич мосламасининг ташқи қисми (A) ва атрофини яхшилаб тозаланг.
5. Оқава шланги остига мос идишни жойлаштиринг.
6. Оқава клапанини (B) очинг.
7. Сув ва чўкиндилар тегишли идишга тушсин.
8. Оқава клапанини ёпинг.
9. Ишлатилиб чиқарилган маҳсулотни тегишлича йўқ қилинг.
8. Генератор шкивига камарни ўрнатинг.
9. 1/2 дюймли каллакли ключни ечиб олиб, янги ременда тарангликни тикланг.
10. Олд мотор ён қалқонини ўрнатинг ва капотни ёпинг.

ВН38674,0000CC0-UZ-06NOV20

Моторнинг ёрдамчи узатма ремени - 15 л мотор

1. Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташланг, ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташлаш” қисмига қаранг.

МУҲИМ: Ременини олиб ташлаш учун ёрдамчи керак бўлади.




RXA0142200—UN—12JUN14

2. Узатма ременидаги тарангликни бўшатинг. 1/2 дюймли каллакли калитни таранглаткич ричагидаги (В) квадрат тешикка (А) киритинг. Таранглаткични соат мили йўналишида буранг.
3. Ричаг билан кучланиш беришда давом этган ҳолда, ёрдамчи қўшимча ременни кондиционер шкивидан (С) чиқариб олсин.
4. Тарангликни бўшатинг ва ременни тўлиқ ечиб олинг.

МУҲИМ: Ремен таранглиги автоматик ремен таранглаткич томонидан назорат қилинади. Таранглаткич ростлашни талаб этмайди.

5. Ремен таранглаткичини кўздан кечиринг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Текшириш”

бўлимидаги “Моторнинг қўшимча узатма камари ва узатма камари таранглаткичи” қисмига қаранг.



RXA0142199—UN—06JUN14

Ёрдамчи узатма ремен схемаси

Таранглаткич шкивидан ташқари барча шкивларга янги ремен ўрнатинг. Узатма ремени схемасида тўғри ремен йўли кўрсатилган.

7. Ричак ёрдамида таранглаткич шкивидаги тарангликни бўшатинг ва ременни шкив устига ўтказинг.
8. Ричакдаги кучланишни секин-аста бўшатинг.
9. Мотор сув насоси ремени ейилгани ёки шикастланганини текширинг. Керак бўлса алмаштиринг. Ушбу қўлланмадаги “Мотор сув насоси узатма ремени” бўлимига қаранг.

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ҳеч қачон ён панелларни ўрнатмасдан ва капотни маҳкам ёпмасдан ва қулфламасдан ишга туширманг.


10. Мотор ён тўсиқларини ўрнатинг.
11. Капотни ёпинг ва қулфланг.

SV81855,00001D1-UZ-21APR21

Моторнинг сув насоси узатма ремени - 15 л мотор

1. Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташланг, ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташлаш” қисмига қаранг.

МУҲИМ: Ременини олиб ташлаш учун ёрдамчи керак бўлади.



RXA0163099—UN—02MAY18

2. Узатма ременидаги тарангликни бўшатинг. 1/2 дюймли каллакли ключни ёки ричагни (А) таранглаткич ричагидаги (С) квадрат тешикка (В) киритинг. Таранглаткични соат милага қарши йўналишда буранг.
3. Ричак билан кучланиш беришда давом этган ҳолда, ёрдамчи сув насоси ременини сув насоси шкивидан (D) чиқариб олсин.
4. Тарангликни бўшатинг ва ременни тўлиқ ечиб олинг.

МУҲИМ: Ремен таранглиги автоматик ремен таранглаткич томонидан назорат қилинади. Таранглаткич ростилашни талаб этмайди.

5. Ремен таранглаткичини кўздан кечиринг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Текшириш” бўлимидаги “Моторнинг қўшимча узатма камари ва узатма камари таранглаткичи” қисмига қаранг.
6. Таранглаткич шкивидан ташқари барча шкивларга янги ремен ўрнатинг.
7. Ричак ёрдамида таранглаткич шкивидаги тарангликни бўшатинг ва ременни шкив устига ўтказинг.
8. Ричакдаги кучланишни секин-аста бўшатинг.
9. Моторнинг қўшимча узатма ременининг емирилиши ёки шикастланишини текширинг. Керак бўлса алмаштиринг. Ушбу қўлланманинг “Моторнинг қўшимча узатма ремени - 15 л мотор” бўлимига қаранг.

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ҳеч қачон ён панелларни ўрнатмасдан ва капотни маҳкам ёпмасдан ва қулфламасдан ишга туширманг.

10. Мотор ён тўсиқларини ўрнатинг.
11. Капотни ёпинг ва қулфланг.

RX32825,0000009-UZ-21APR21


Мотор мойи ва фильтри — 13,6 л ҳажмли мотор

МУҲИМ: Олтингургурт миқдори 0,10% дан ошмаслиги керак. Олтингургурт миқдори 0,10% дан кам бўлгани афзал. Мой алмаштириш оралиқлари ҳақида батафсил маълумот учун “Ёқилғи, смазкалар ва советгич” бўлимига қаранг.

ҚАЙД: Break-In Plus қуйилган янги ёки қайта ишлаб чиқарилган ҳўл гильзали моторнинг дастлабки обкатка сервис оралиғи ҳалқалар ва гильзаларнинг сирт билан уйғунлигини таъминлаш учун камида 100 соат бўлиши керак. Барча янги ёки таъмирланган моторларга нисбатан камида 100 соат амал қилади. Максимал сервис оралиғи сизнинг моторингиз учун Мотор мойи ва фильтрига сервис оралиғида кўрсатилган моторингиз учун тавсия этилган хизмат оралиғи билан бир хил. Тракторингиз қайси мотор билан жиҳозланганини билиш учун ушбу Оператор қўлланмасининг “Идентификация рақамлари” бўлимидаги “Мотор серия рақами” қисмига қаранг.


Кейинги сафар мой алмаштириш учун ушбу Оператор қўлланмасининг “Мотор мойи” бўлимидаги сизнинг моторингиз учун “Мотор мойи ва фильтрига сервис оралиқлари” қисмига қаранг.

1. Мойни қиздириш учун моторни тахминан 5 дақиқа ишлатинг.
2. Моторни тўхтатинг.



RXA0185138—UN—19AUG21

3. Мойни чиқариш учун картернинг оқава кранини (А) буранг. 75,7 л (20,0 гал) ва уланган клапан шлангли тўғридан-тўғри оқим учун мос идишлардан фойдаланинг.
4. Мой чиқариб юборилганидан кейин кранни маҳкамланг.
5. Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташланг, ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташлаш” қисмига қаранг.



RXA0180469—UN—18NOV20

6. Фильтрни (В) ва эски зичлагич ҳалқани ечиб олинг. Фильтр ўрнатиладиган жойни қуруқ мато билан тозаланг.
7. Зичлагич ҳалқага оз миқдорда мой суртинг ва янги фильтрни ўрнатинг.
8. Фильтр элементини қўлда маҳкамланг, сўнгра қистирмага текканидан кейин фильтр элементини 1/2-3/4 айланишга буранг. Фильтр калити керак бўлади. Қаттиқ қотириб юборманг.



RXA0185248—UN—30AUG21

9. Мотор мойи қуйиш қопқоғини (С) ечиб олинг ва найчадан фойдаланган ҳолда картерни тўлдилинг. Ушбу қўлланманинг “Мотор мойи” бўлимида кўрсатилганидек қайишқоқлиги мавсумга мос мойдан фойдаланинг. Картер сиғими ҳақида ушбу оператор қўлланмасининг “Характеристикалар” бўлимидаги “Сиғимлар” қисмига қаранг.
10. Моторни ишга туширинг ва икки дақиқа ишлатиб қўйинг. Кейин моторни тўхтатинг ва мой сизиб чиқмаётганини текширинг.

ҚАЙД: Мотор мойининг миқдорини кўрсатувчи индикатор - бу “хавфсиз” зонали “чизиқлар кесишган” майдонга эга шчупдир. Мой миқдорининг шчупнинг чизиқлар кесишган зонасининг исталган қисмида жойлашуви ТЎЛГАН деб ҳисобланади.



RXA0185140—UN—20AUG21

11. Мой миқдори чизиқлар кесишган (D) “Хавфсиз” зонада эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун мой миқдорини мой ўлчагич ёрдамида қайта текширинг.
12. Олд мотор ён қалқонини қайта ўрнатинг ва капотни ёпинг.

RX32825,0000648-UZ-30AUG21


Мотор мойи ва фильтри — 15 л мотор

МУҲИМ: Ёқилғининг олтингугурт миқдори 0,10% дан ошмаслиги керак. Ёқилғининг олтингугурт миқдори 0,10% дан кам бўлгани афзал. Мой алмаштириш оралиқлари ҳақида батафсил маълумот учун “Ёқилғи, смазкалар ва советгич” бўлимига қаранг.

ҚАЙД: Янги ёки таъмирланган моторлар учун дастлабки обкатка хизмати талаб этилмайди. Максимал сервис оралиғи сизнинг моторингиз учун Мотор мойи ва фильтрига сервис оралиғида кўрсатилган моторингиз учун тавсия этилган хизмат оралиғи билан бир хил. Тракторингиз қайси мотор билан жиҳозланганини билиш учун ушбу Оператор қўлланмасининг “Идентификация рақамлари” бўлимидаги “Мотор серия рақами” қисмига қаранг.


Кейинги сафар мой алмаштириш учун ушбу Оператор қўлланмасининг “Мотор мойи” бўлимидаги “Мотор мойи ва фильтрга сервис оралиқлари” қисмига қаранг.

1. Мойни қиздириш учун моторни тахминан 5 дақиқа ишлатинг.
2. Моторни тўхтатинг.



RXA0147883—UN—20APR15


3. Моторнинг ўнг томон рамаси ичидаги мотор оқава клапанини (А) ўрнатинг.
4. Мойни чиқариш учун картернинг оқава клапанини (А) буранг. 75,7 л (20 гал) сиғим ва мотор мойи оқава шлангли тўғридан-тўғри мой оқим учун етарли идишлардан фойдаланинг.
5. Мой тўлиқ оқизилгандан кейин оқава клапанини ёпинг.
6. Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташланг, ушбу оператор қўлланмасининг "Сервис умумий - Маълумот" бўлимидаги "Олд моторнинг ён тўсиғини олиб ташлаш" қисмига қаранг.



RXA0147884—UN—20APR15


7. Фильтр (С) ва эски қистирмани ечиб олинг. Фильтр ўрнатиладиган жойни қуруқ мато билан тозаланг.
8. Янги қистирмага оз миқдорда мой суртинг.
9. Фильтрни тоза мотор мойи билан тўлдиринг, тахминан 1,9 л (0,5 гал).
10. Қистирма ва фильтрни ўрнатинг.
11. Қистирма фильтр каллаги юзасига теккунгача фильтр элементини қўлда маҳкамланг. Қистирмага текканидан кейин фильтр калити ёрдамида қўшимча 3/4 дан 1 гача айлана бураб маҳкамланг. Фильтрдаги кўрсатмаларга қаранг. Қаттиқ қотириб юборманг.

МУҲИМ: Моторни ортиқча тўлдирманг. Ҳаддан ортиқ мой самарадорликни пасайишига сабаб бўлиши мумкин.



RXA0141925—UN—03JUN14

12. Мотор мойини тўлдириш қопқоғини (А) ечиб олинг ва найчадан фойдаланган ҳолда картерни қайта тўлдиринг. Ушбу қўлланманинг "Мотор мойи" бўлимида кўрсатилганидек қайишқоқлиги мавсумга мос мойдан фойдаланинг. Картер сиғими ҳақида ушбу оператор қўлланмасининг "Характеристикалар" бўлимидаги "Сиғимлар" қисмига қаранг.



RXA0141926—UN—03JUN14

13. Мой миқдори чизиқлар кесишган "Хавфсиз" зонада (С) эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун мой миқдорини шчуп (В) ёрдамида қайта текширинг.
14. Моторни ишга тушинг ва икки дақиқа ишлатиб қўйинг. Кейин моторни тўхтатинг ва мой сизиб чиқмаётганини текширинг.

ҚАЙД: Мотор мойининг миқдорини кўрсатувчи индикатор - бу "хавфсиз" зонали "чизиқлар кесишган" майдонга эга шчупдир. Мой миқдорининг шчупнинг чизиқлар кесишган зонасининг исталган қисмида жойлашуви тўлган деб ҳисобланади.

15. Мой миқдори чизиқлар кесишган "Хавфсиз" ҳудудда (С) эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун мой миқдорини шчуп (В) ёрдамида қайта текширинг.
16. Олд мотор ён қалқонини ўрнатинг ва капотни ёпинг.


Ёқилғи фильтрлари—13.6 л мотор

1. Моторга кириш панелини олиб ташланг, ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий” бўлимидаги “Моторга кириш панелини ечиб олиш” қисмига қаранг.

МУҲИМ: Авария сигнали чалинган пайтида ҳар доим ёқилғи фильтри элементларини алмаштиринг ва носозлик диагностика кодлари тикилиб қолган ёқилғи фильтрларини (паст ёқилғи босимли) кўрсатади. Агар сигнал бўлмаса, 500 соат ишлагандан кейин фильтрларни алмаштиринг.

2. Ёқилғи фильтри/сув ажраткич мосламасининг ташқи қисмини ва атрофини яхшилаб тозаланг.


ҚАЙД: Мос идишга оқишига ёрдам бериш учун ёқилғи фильтрининг тубига 6 фут, 5/16 дюйм ёқилғи шлангини ўрнатиш тавсия этилади.



RXA0180430—UN—12NOV20

3. Ажраткичнинг қуйи қисмидаги оқава клапанини (А) очиб, йирик филтрдан сув ва чиқиндиларни мос контейнерга сиздиринг.
4. Оқава материални маҳаллий қонунлар ва қарорларга мувофиқ йўқ қилинг.
5. Йирик ёқилғи фильтридан ёқилғида сув бор датчиги коннекторини (В) ажратинг.
6. Йирик (С) ва майда фильтрни (D), шунингдек қистирмаларни тозаланг ва йўқ қилинг.

МУҲИМ: Ёқилғи фильтрини ёқилғи билан ТЎЛДИРМАНГ.



RXA0185335—UN—08SEP21

7. Йирик ёқилғи фильтрининг қистирмасини ёқилғи билан мойланг ва канистрни асосга ўрнатинг. Ёқилғи фильтри уяларини (F) ёқилғи фильтридаги ёқилғи фильтри коллектори четлари (G) билан текисланг. Зичлагич асосга теккандан кейин 1/2 айлана қотиринг.
8. Йирик ёқилғи фильтри сув ажраткичининг қистирмасини ёқилғи билан смазкаланг ва филтър корпусига ўрнатинг. Қистирма асосга теккандан кейин тўлиқ 1/2 айлана қотиринг.
9. Майда ёқилғи фильтри учун қистирмани ёқилғи билан мойланг ва фильтрни асосга ўрнатинг. Ёқилғи фильтри уяларини (F) ёқилғи фильтридаги ёқилғи фильтри коллектори четлари (G) билан текисланг. Зичлагич асосга теккандан кейин 1/2 айлана қотиринг.
10. Ёқилғида сув бор ажраткич датчиги жгутини уланг.
11. Моторга кириш панелини ўрнатинг.

МУҲИМ: Ёқилғи фильтрларини олдиндан тўлдиришга кетадиган вақтни таъминлаш учун моторни ишга туширишдан олдин калит 3 дақиқа ишлаш ҳолатига бураб қўйилиши керак. Калитни 60 сония, уч марта ишлаш ҳолатига буринг. Ҳар бир калит циклида тўлдириш насоси 60 сония ёниқ қолади. Ёқилғи тизими ўз-ўзидан ҳавони чиқариб юборади.

3 дақиқа ўтмасдан моторни ишга туширишга уринманг, акс ҳолда ёқилғи тизимида ҳаво тикилиши кузатилиши мумкин.

12. Моторни ишга тушириб, юқори холостойда 2 дақиқа ишлатиб қўйинг.


RX32825,000064D-UZ-09SEP21

Ёқилғи фильтрлари—15 л мотор

1. Олд томон моторга кириш панелини олиб ташланг, ушбу қўлланмадаги “Моторга кириш панелини ечиб олиш — Умумий маълумот” бўлимига қаранг.

МУҲИМ: Авария сигнали чалинган пайтида ҳар доим ёқилғи фильтри элементларини алмаштиринг ва носозлик диагностик кодлари тикилиб қолган ёқилғи фильтрларини (паст ёқилғи босимли) кўрсатади. Агар сигнал бўлмаса, 400 соат ишлагандан кейин фильтрларни алмаштиринг

- Ёқилғи фильтри/сув ажраткич мосламасининг ташқи қисмини ва атрофини яхшилаб тозаланг.



RXA0141928—UN—02JUN14

- Фильтрнинг пастки қисмидаги оқава клапанини (А) очиб, асосий фильтрдан сув ва ифлослантирувчи моддаларни мос идишга тўкинг.
- Оқава материални маҳаллий қонунлар ва қарорларга мувофиқ йўқ қилинг.
- Йирик ёқилғи фильтридан ёқилғида сув бор датчиги коннекторини (В) ажратинг.



RXA0141924—UN—02JUN14

- Йирик (С) ва майда фильтрни (D), шунингдек қистирмаларни олиб ташланг ва фильтрларни ташлаб юборинг.

МУҲИМ: Ўрнатишдан олдин майда фильтр тиқинини (жиҳозланган бўлса) олиб ташланг. Ёқилғи фильтрини ёқилғи билан ТЎЛДИРМАНГ.

- Йирик ёқилғи фильтрининг қистирмасини ёқилғи билан смазкаланг ва канистрни асосга ўрнатинг.

Зичлагич асосга теккандан кейин 3/4 айлана қотиринг.

- Йирик ёқилғи фильтри сув ажраткичининг қистирмасини ёқилғи билан смазкаланг ва фильтр корпусига ўрнатинг. Қистирма асосга теккандан кейин тўлиқ 3/4 айлана қотиринг.
- Майда ёқилғи фильтри учун қистирмани ёқилғи билан смазкаланг ва фильтрни асосга ўрнатинг. Қистирма асосга ёпишгандан кейин 3/4 айланишга бураб маҳкамланг.
- Ёқилғида сув бор датчиги коннектор жгутини уланг.
- Моторга кириш панелини ўрнатинг.

МУҲИМ: Ёқилғи фильтрларини олдиндан тўлдиришга кетадиган вақтни таъминлаш учун моторни ишга туширишдан олдин калит 3 дақиқа ишлаш ҳолатига бураб қўйилиши керак. Калитни 60 сония, уч марта ишлаш ҳолатига буринг. Ҳар бир калит циклида тўлдириш насоси 60 сония ёниқ қолади. Ёқилғи тизими ўз-ўзидан ҳавони чиқариб юборади. 3 дақиқа ўтмасдан моторни ишга туширишга уринманг, акс ҳолда ёқилғи тизимида ҳаво тикилиши кузатилиши мумкин.


Олдиндан тўлдириш тўлиқ амалга ошмагунча моторни ишга туширманг, акс ҳолда ёқилғи тизимида ҳаво тикилиб қолиши мумкин.

- Моторни ишга тушириб, юқори холостойда 2 дақиқа ишлатиб қўйинг.

SV81855,000027A-UZ-26JUL21

Ихтиёрий ёқилғи сув ажраткичи фильтр элементи

- Машинани текис ерга қўйинг.
- Ускунани ерга туширинг.
- Моторни ўчиринг.



RXA0168513—UN—03JUN19

Ёқилғи ҳайдаш тугмаси қопқоғи фарқ қилиши мумкин

4. Ёқилғи беркитиш клапанини (А) ёпинг.
5. Ёқилғи тизимига чанг ва чиқиндилар кирмаслиги учун ёқилғи фильтри мосламаси ва унинг атрофини яхшилаб тозаланг.

⚠ ДИҚҚАТ: Фильтрдаги ёқилғи юқори босим остида бўлади. Фильтрни олишдан олдин босимни камайтириш учун ёқилғи фильтри корпусининг қуйи қисмидаги оқава клапанини очинг.


ҚАЙД: Суюқликни мос идишга йиғинг ва иш берувчи ва давлат йўриқномаларига мувофиқ йўқ қилинг.

6. Ёқилғи оқава қувурини фильтр корпуси қуйи қиймидаги фильтр оқава клапанига (В) уланг.
7. Фильтр оқава клапанини очинг.
8. Ёқилғини тўлиқ бўшатинг.
9. Оқава клапанини ёпинг.
10. Фильтр элементидан сув ажраткич стаканини ечиб олинг ва сақлаб қўйинг.
11. Фильтр элементини (D) чиқариб, ташлаб юборинг.
12. Сув ажраткич стаканини сиқилган ҳаво билан тозаланг.
13. Фильтр корпуси ва фильтр қутисидаги зичлаш сиртларини кўздан кечиринг. Керак бўлса, тозаланг.
14. Сув ажраткич стаканига янги зичлагич (Е) жойлаштиринг.
15. Зичлагичга тоза дизель ёқилғиси суртинг.

16. Янги фильтр элементига сув ажраткич стаканини ўрнатинг. Зичлагич фильтр элементига теккандан сўнг сув ажраткич стаканини 1/2 айлана бураб қотиринг.
17. Янги фильтр элементи зичлагичини (F) тоза дизель ёқилғиси билан смазкаланг.
18. Фильтр элементи мосламасини фильтр корпусига (G) ўрнатинг.
19. Зичлагич фильтр корпусига теккандан кейин фильтр элементини 1/2-3/4 айлана қотиринг.
20. Ёқилғи беркитиш клапанини очинг.
21. Ёқилғи тизимидан ҳавони чиқариб юборинг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Ёқилғи тизимидан ҳавони чиқариш” қисмига қаранг.

EC82310,0000983-UZ-21APR21

Ёқилғи баки вентиляция фильтрлари



RXA0180431—UN—11NOV20

Ёқилғи баки вентиляция фильтрлари (А) чап ва ўнг ёқилғи бакларининг юқори олд қисмида бўлади.

1. Ёқилғи баки вентиляция фильтрини ечиб олишдан олдин унинг атрофини тозаланг.
2. Бак туйнук фильтрни олиб ташланг ва алмаштиринг.
3. Шу жараёни қолган ёқилғи баки туйнуги фильтри учун ҳам такрорланг.

RW29387,00001A5-UZ-21APR21


Кабина фильтрлари

Кабинанинг рециркуляция ҳаво фильтри

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Кабинадаги ҳаво рециркуляцион фильтри зарарли кимёвий моддаларни фильтрлашга мўлжалланмаган. Қишлоқ хўжалиги кимёвий моддаларидан фойдаланишдан олдин қуйида жойлашган барча огоҳлантиришлар ва кўрсатмаларни кўриб, танишиб чиқинг:

- Агрегатнинг оператор қўлланмаси.
- Кимёвий материаллар хавфсизлиги маълумотлари варақлари (MSDS).


МУҲИМ: Кабинанинг ҳаво рециркуляция тизимига шикастланишнинг олдини олинг:



RXA0172354—UN—03DEC19

- Енгил вазн материални кабина рециркуляция ҳаво олиш қопламасини тортиш учун кабина ҳаво рециркуляция тизими етарлича сўришни яратади. Кабина рециркуляцион ҳаво олиш қисмининг (А) олдидаги соҳани енгил вазнли материалдан холи сақланг. Буни амалга оширмаслик HVAC унумдорлиги пасайишига сабаб бўлиши мумкин.
- Алмаштириш оралиғи иш шароитларига қараб фарқ қилиши мумкин. Одатда сервис қайси бири аввал келганига қараб 1000 соатда ёки ҳар йили амалга оширилади.

1. HVAC вентиляторини ўчиринг.
2. Орқа кабина деворининг пастки чап томонида оператор ўриндиғининг орқасида кабина рециркуляция ҳаво олиш қурурини топинг.
3. Дастакни (В) ушлаб, ҳаво олиш қопламасини олдинга ва юқорига тортиб, кабина рециркуляция ҳаво олиш қопламасини олинг.



RXA0172355—UN—19NOV19

4. Тилчани (D) босиб, ҳаво филтрини олдинга босинг ҳаво филтри дастагини (C) ушлаб, кабина ҳаво филтрини олиб ташланг.
5. Янги кабинанинг рециркуляция ҳаво филтрини қўйинг.
6. Кабина ҳаво рециркуляцион филтри қопламасини алмаштиринг.

Кабинанинг тоза ҳаво филтри

⚠ ДИҚҚАТ: Кабина ҳаво филтрлари зарарли кимёвий моддаларни филтрлаш учун мўлжалланмаган. Қишлоқ хўжалиги кимёвий моддаларидан фойдаланганда, агрегат қўлланмасидаги кўрсатмаларга ва кимёвий модда ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига риоя қилинг.


МУҲИМ: Алмаштириш оралиғи иш шароитларига қараб фарқ қилиши мумкин. Одатда сервис қайси бири аввал келганига қараб 1000 соатда ёки ҳар йили амалга оширилади.



RXA0099137—UN—19SEP08


1. Қопламани (А) тиранг.

ҚАЙД: Филтр қопламаси қулфининг уч ҳолати мавжуд; очиқ, бекитилган ва қулфланган. Бекитилган ҳолатда қоплама қулфланмаган бўлади.




RXA0155037—UN—18OCT16

2. Қопламани очиш учун мурватни соат милага қарши (B) тўлиқ буранг.



RXA0172403—UN—22NOV19

3. Қопламани пастга (C) силкитинг.
4. Эски ҳаво тозалаш филтрини (D) ечиб олинг ва ташлаб юборинг.
5. Филтр қопқоғининг ички ва ташқи томонларини тоза мато билан артиб олинг.
6. Янги филтрни ўрнатинг.



RXA0155035—UN—18OCT16

7. Қопламани ёпинг ва маҳкамлаш учун мурватни соат мили бўйлаб (E) тўлиқ буранг.


TS36762,000014F-UZ-18JUN21

Моторнинг бирламчи ва иккиламчи ҳаво филтрлари—Tier 2/Stage II ёки Tier 3/ Stage IIIA мотор

МУҲИМ: Моторнинг ҳаво филтрини чеклаш тўғрисида огоҳлантириш DTC сигнали ёқилганда, моторнинг самарадорлиги пасаяди. Моторнинг ҳавосўргич тизими ва филтрларини зудлик билан текшинг. Жараёнга амал қилинг, шикастлангандагина филтрни алмаштинг.


Сервис оралиғи иш шароитларига қараб фарқ қилади. Ҳар иккинчи марта йирик филтр алмаштирилганида, майда филтрни алмаштинг.

1. Моторни ўчиринг.
2. Ҳаво филтри қопламасининг ташқи томонини шикастланишга текшинг. Агар зичлагичда зазор ёки зарарланиш топилса, қопқоғни алмаштинг.



RXA0169023—UN—17JUN19

3. Қисқичларни (A) бўшатинг.
4. Ҳаво филтр қопламасини (B) олиб ташланг.
5. Ҳаво филтри қопламасининг ички томонини шикастланишга текшинг. Агар зичлагичда зазор ёки зарарланиш топилса, қопқоғни алмаштинг.



RXA0169024—UN—17JUN19


- Йирик фильтр рамасини (C) ушланг ва корпусдан олиб ташланг.

МУҲИМ: Моторга зарар етишининг олдини олинг. Доим ишлатилган фильтрларни янгиси билан алмаштиринг. Ҳеч қачон мотор ҳаво фильтрларини тозалаш ёки қайта ишлатишга уринманг.

- Йирик фильтрни шикастланганлиги ёки бурмаланганлигини текширинг. Бундай ҳолатлар сув билан алоқа қилиш ёки ортиқча фойдаланишни кўрсатиши мумкин. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

МУҲИМ: Моторга зарар етишининг олдини олинг. Ҳар иккинчи марта йирик фильтр алмаштирилганида, майда фильтрларни алмаштиринг.


Ҳаво олиш тизимида чанг тушмаслиги учун дарҳол янги майда фильтрларни ўрнатинг.



RXA0169025—UN—17JUN19

- Майда фильтрни (D) ушланг ва корпусдан олиб ташланг.
- Майда фильтр шикастланмаганини текширинг. Агар керак бўлса ёки йирик фильтр иккинчи марта алмаштирилаётган бўлса, алмаштиринг.

ҚАЙД: Фильтр корпусининг ичида бироз миқдордаги чанг бўлиши табиий ҳолат. Агар катта миқдордаги чиқинди ёки катта миқдордаги чанг ёки ифлосланиш бўлса, фильтрларни, фильтр корпусини ва ҳаво олиш тизимидаги сизишларни текширинг.



RXA0169026—UN—17JUN19

- Қолдиқ ва чиқиндиларни фильтр корпусидан (D) тозаланг. Сув билан намланган матодан фойдаланинг.

МУҲИМ: Моторга зарар етишининг олдини олинг. Майда фильтр қистирмасининг тўғри текисланишини текширинг.

- Керак бўлса, майда ҳаво фильтрни алмаштиринг.
- Фильтрларни орқага қайтариб корпусга суринг; фильтрлар тўғри жойлашсин.
- Ҳаво фильтри қопқоғини ўрнатинг ва қопқоқ қисқичларини маҳкамланг.
- Моторни ишга тушинг.
- Агар диагностик носозлик коди пайдо бўлса, Жон Дир дилерингизга мурожаат қилинг.


JL41210,00009CD-UZ-24JUL19

Моторнинг йирик ва майда ҳаво фильтрлари—Final Tier 4/Stage V мотор

МУҲИМ: Моторнинг ҳаво фильтрини чеклаш тўғрисида огоҳлантириш сигнали ёқилганда, моторнинг самарадорлиги пасаяди. Моторнинг ҳаво фильтрига дарҳол хизмат кўрсатинг.


Сервис интервали иш шароитларига қараб фарқ қилиши мумкин. Ҳар иккинчи марта йирик фильтр алмаштирилганида, майда фильтрни алмаштиринг.

- Фильтрларни ва қабул қилувчи зичлагичларни текширинг. Агар зичлагичда зазор ёки зарарланиш аниқланса, фильтрни алмаштиринг.
- Агар диагностик носозлик коди ёниқ қолса, моторнинг йирик ҳаво фильтрларини алмаштиринг.



RXA0141984—UN—03JUN14

3. Қисқичларни (А) бўшатинг ва ҳаво фильтри қопламасини (В) ечиб олинг.



RXA0164245—UN—15AUG18


4. Йирик фильтр рамасини (С) сиқиб қўйинг. Ҳаво фильтрларини (D) фильтр корпуси йўлидан тортиб олинг.

МУҲИМ: Моторнинг ҳаво фильтрларини тозалашга уринманг.

5. Фильтрни шикастланганлиги ёки бурмаланганлигини текширинг. Бундай ҳолатлар ортиқча фойдаланиш ёки сувга текканлигини кўрсатиши мумкин. Агар муаммо аниқланса, фильтрни алмаштиринг.

МУҲИМ: Ҳар иккинчи марта йирик фильтр алмаштирилганида, майда фильтрларни алмаштиринг.


Ҳаво олиш тизимида чанг тушмаслиги учун дарҳол янги майда фильтрларни ўрнатинг.



RXA0164246—UN—15AUG18

6. Майда фильтрларни (F) олиб ташлаш учун тилчаларни (E) тортинг.
7. Фильтрлар шикастланганини текширинг. Керак бўлса алмаштиринг.

ҚАЙД: Фильтр корпусининг ички юзасидаги жуда оз миқдордаги чанг қопламаси бўлиши одатий ҳол. Агар катта миқдордаги чиқинди ёки катта миқдордаги чанг ёки ифлосланиш бўлса, фильтрларни, фильтр корпусини ва ҳаво олиш тизимидаги сизишларни текширинг.



RXA0164247—UN—15AUG18

8. Қолдиқ ва чиқиндиларни фильтр корпусидан (G) тозаланг. Сув билан намланган матодан фойдаланинг.


МУҲИМ: Майда фильтр тилчасининг нотўғри ўрнатилиши моторнинг шикастланишига олиб келиши мумкин.

9. Кабина майда ҳаво фильтрларини алмаштиринг.
10. Фильтрни корпусига тўғри ўрнатиш учун фильтрларни орқага қайтариб суринг.
11. Йирик фильтрларни фильтр корпуси уяларига (H) ўрнатинг.
12. Ҳаво фильтри қопқоғини ўрнатинг ва қопқоқ қисқичларини маҳкамланг.

JL41210,00009CB-UZ-24JUL19

Ёқилғи баки вентиляция фильтрлари

1. Вентиляция фильтрларини алмаштиришдан аввал чанг ва қолдиқларни тозаланг.




RXA0147249—UN—13FEB15

2. Чап ва ўнг ёқилғи баки вентиляция фильтрларини (A) ечиб олинг.
3. Янги баки вентиляция фильтрлари билан алмаштиринг.


SV81855,000036F-UZ-26JUL17

SCV тақсимловчи клапанли фильтр



RXA0152694—UN—11JUL16

1. Қалпоқчали винтларни (B) ечинг.



RXA0152693—UN—11JUL16

2. SCV тақсимловчи фильтр корпусидан (G) SCV тақсимловчи фильтр қопқоғини (A) ечиб олинг.
3. Эски пружинани (D), SCV тақсимловчи фильтрни (E) ва зичлагич ҳалқани (F) олиб ташланг.
4. Янги зичлагич ҳалқа, SCV тақсимловчи фильтр ва пружинани ўрнатинг.
5. Қистирма (C) ва SCV тақсимловчи фильтр қопқоғини алмаштиринг.
6. Қалпоқчали винтларни ўрнатинг ва кетма-кетликда (1, 4, 3, 2) 6 Н м (53 фунт/дюйм) гача қотиринг.

TS36762,0000157-UZ-08NOV17

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки вентиляция фильтри

⚠ ДИҚҚАТ: Шахсий жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. DEF кўзга тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг. DEF суюқлигини ичга ютманг. Агар ютиб юборсангиз, дарҳол шифокорга учрашинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Транспортнинг қисмлари ва юзаларини коррозиядан сақланг. Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин. Тўкилган DEF қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига ҳалал бериши мумкин.

Ҳар 1500 соат ишлагандан кейин DEF баки туйнуғи фильтрини алмаштиринг.



RXA0142031—UN—03JUN14
DEF баки вентиляция фильтри (C) батарея бўлмасида, DEF дозалаш блокнинг юқорисида жойлашган.

1. Аккумулятор бўлмаси эшигини очинг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Аккумулятор бўлмасига кириш” қисмига қаранг.
2. DEF баки туйнук фильтрни олиб ташланг ва алмаштиринг.

AK08008,000019D-UZ-21APR21

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) ички фильтрига етиб бориш

МУҲИМ: Эмиссия тизимининг шикастланишига йўл қўйманг:

- DEF фильтрини ҳар 3000 иш соатида ёки ҳар 3 йилда алмаштиринг, қайси бири биринчи содир бўлса.
- Аккумуляторни ўчириш тугмачасидаги чироқ ўчмагунча DEF фильтрига сервисни бошланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.



RXA0163952—UN—24JUL18

DEF фильтри (A) аккумулятор бўлмасининг ичида жойлашган.

1. Аккумулятор бўлмаси эшигини очинг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Аккумулятор бўлмасига кириш” қисмига қаранг.
2. DEF фильтрни алмаштириш учун ушбу қўлланманинг шу бўлимидаги “Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) ички фильтрини алмаштириш” қисмига қаранг.

AK08008,00007DE-UZ-21APR21


Дизель чиқиш газини тозалаш суюқлиги (DEF) фильтрини алмаштириш

⚠ ДИҚҚАТ: Шахсий жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. DEF кўзга тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг. DEF суюқлигини ичга ютманг. Агар ютиб юборсангиз, дарҳол шифокорга учрашинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Транспортнинг қисмлари ва юзаларини коррозиядан сақланг. Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин. Тўкилган DEF қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига ҳалал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF фильтри қаерда жойлашганлигини билиш учун Жон Дир ускуналари техник қўлланмаси ёки OEM ишлаб чиқарувчисининг техник қўлланмасига қаранг.

МУҲИМ: Тизим ва фильтрга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Фильтрни алмаштиришдан олдин DEF тизими музлаб қолмаганлигига амин бўлинг. Агар тизим музлаган бўлса, тизим тўлиқ эригунга қадар моторни ишлатиб қўйинг.



RG30728—UN—08AUG18


DEF суюқлигини чиқариш

A—Зичловчи ҳалқали оқава тиқини

1. Зичловчи ҳалқали оқава тиқинини (A) олинг ва ташлаб юборинг.

ҚАЙД: Контейнер DEF га мўлжалланган бўлиши ва унга камида 300 мл (0.32 кварта) суюқлик сиғиши керак.

2. DEF суюқлигини мос келадиган контейнерга оқизинг.




RG30727—UN—08AUG18

Фильтрни олиш

A—Фильтр корпуси

3. Фильтр корпусини (A) соат милига қарши йўналишда айлантинг ва пастга тортинг.
4. Корпусдан (A) фильтрни чиқаринг ва ташлаб юборинг.

ҚАЙД: Зарурият бўлса, фильтрни фильтр корпусидан (A) бўшатиш учун уни енгилгина чертинг.



RG30726—UN—08AUG18

Фильтр корпуси деталлари

A—Зичловчи ҳалқа


B—Пенопласт компенсация элементи

С—Фильтр корпуси

5. Зичловчи ҳалқа (А) ва пенопласт компенсация элементини (В) чиқаринг ва йўқ қилинг.

ҚАЙД: Янги қисмларни ўрнатишдан олдин ҳар қандай чўкинди қолдиқлари ёки ифлосланишларни чиқариб ташлаш учун фильтр корпуси тоза DEF билан тозаланиши керак.


6. Фильтр корпусига (С) янги зичловчи ҳалқа (А) ва пенопласт компенсация элементини (В) ўрнатинг.



RG30725—UN—08AUG18
Фильтр корпуси ва деталларини ўрнатиш

А—Фильтр
В—Фильтр корпуси

7. Фильтр корпусига (В) янги фильтрни (А) ўрнатинг.




RG30727—UN—08AUG18
Ичига ўрнатиладиган DEF фильтри корпусини ўрнатиш

А—Фильтр корпуси

8. Зичловчи ҳалқали фильтр корпуси (А), пенопласт компенсация элементи ва фильтр элементини ўрнатинг.
9. Фильтр корпусини (А) соат мили йўналишида айлантиринг ва кўрсатмаларга мос тарзда қотириг.

Характеристика

Ичига ўрнатиладиган DEF
фильтр корпуси—Айланиш
моменти. 25 N m
(221 фунт-дюйм)



RG30728—UN—08AUG18

Ичига ўрнатиладиган DEF фильтри оқава тиқини

А—Зичловчи ҳалқали оқава тиқини

10. Зичловчи ҳалқа (А) янги оқава тиқинини ўрнатиш. Белгиланган даражада қотириш.

Характеристика

Ичига ўрнатиладиган DEF

фильтри оқава

тиқини—Айланиш моменти. 4 N m
(35 фунт-дюйм)

DX,DEF,CHANGE,INLINE,FILT-UZ-15APR20

Дизель чиқиш газини тозалаш суюқлиги (DEF) дозалаш блоки фильтрига етиб бориш

МУҲИМ: Эмиссия тизимининг шикастланишига йўл қўйманг:

- DEF дозалаш блоки фильтрини ҳар 1500 иш соатида ёки ҳар 3 йилда алмаштиринг, қайси бири биринчи содир бўлса.
- Аккумуляторни ўчириш тугмачасидаги чироқ ўчмагунча DEF дозалаш блоки фильтрига сервисни бошланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.




RXA0161214—UN—26OCT17

DEF дозалаш блоки фильтри (C) батарея бўлмасида, DEF дозалаш блокининг тагида жойлашган.

1. Аккумулятор бўлмаси эшигини очинг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Аккумулятор бўлмасига кириш” қисмига қаранг.
2. DEF дозалаш блоки фильтрини алмаштириш учун ушбу оператор қўлланмасининг шу бўлимидаги “DEF дозалаш блоки фильтрини алмаштириш” қисмига қаранг.

AK08008,00007E2-UZ-21APR21

Дизель чиқиш газини тозаловчи суюқлик (DEF) дозалаш блоки фильтрини алмаштириш



RG22534—UN—21MAR13

DEF дозалаш блоки фильтри

- A—DEF дозалаш блоки фильтри қопқоғи
B—DEF дозалаш блоки фильтрини мувозанатловчи элемент
C—DEF дозалаш блоки фильтр асбоби (янги фильтр билан таъминланади)
D—DEF дозалаш блоки фильтри

⚠ ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF дозалаш блоки фильтри қаерда жойлашганлигини билиш учун Жон Дир ускуналари техник қўлланмаси ёки OEM ишлаб чиқарувчисининг техник қўлланмасига қаранг.

МУҲИМ: Тизим ва филтрга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Филтрни аллаштирашдан олдин DEF тизими музлаб қолмаганлигига амин бўлинг. Агар тизим музлаган бўлса, тизим тўлиқ эригунга қадар моторни ишлатиб қўйинг.

1. DEF дозалаш блоки фильтри қопқоғини (А) олиб ташланг.
2. DEF дозалаш блоки фильтри мувозанатловчи элементини (В) олинг ва ташлаб юборинг.

ҚАЙД: DEF дозалаш блоки филтър асбоби (С) захира филтър билан таъминланади.

3. DEF дозалаш блоки филтър асбоби тўлиқ тушганлигини билдирувчи ШИҚ этган товуш сезилгунча ёки эшитилгунча DEF дозалаш блоки филтър асбобининг “Қора” учини DEF дозалаш блоки филтрга киритинг.

ҚАЙД: Олиб ташлашга ёрдам бериши учун DEF дозалаш блоки филтър асбоби слотига отвёртка каби асбоб киритилиши мумкин.

4. DEF дозалаш блокдан DEF дозалаш блоки филтър асбоби ва DEF дозалаш блоки филтрини тортинг. DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF дозалаш блоки филтър асбобини йўқ қилинг.
5. DEF дозалаш резъбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.
6. DEF филтърнинг зичлагич ҳалқаларини тоза DEF билан смазкаланг. DEF дозалаш блоки филтрини DEF дозалаш блокка эҳтиёткорлик билан киритинг.
7. Янги DEF дозалаш блоки фильтри мувозанатловчи элементини DEF дозалаш блоки филтрга ўрнатинг.
8. DEF дозалаш блоки фильтри қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

DEF дозалаш блоки фильтри
қопқоғи—Айланиш моменти. 23 N m
(204 фунт-дюйм)

DX,DEF,CHANGE,FILT-UZ-31OCT19


Гидравлик тизим мойи ва филтърлари

МУҲИМ: Муддатдан олдин ўқ шикастланишининг олдини олинг. Оқизиш ва қуйиш жараёнларини эҳтиёткорлик билан бажаринг.

ҚАЙД: Трансмиссия мойи ва фильтри ўзгаргандан сўнг агар трансмиссия уланиш характеристикалари ўзгарсагина трансмиссияни қайта калибрланг, ушбу Оператор қўлланмасининг Сервис — Умумий маълумот бўлимидаги Трансмиссияни калибрлаш қисмига қаранг.


Опция конфигурациясига қараб максимум трансмиссия/гидравлик мой резервуари/ўқлари ҳажми 265.5 л (71.0 гал.). Мойни чиқариш учун тегишли ўлчамдаги идишларни танланг.

1. Тракторни текис жойда тўхтатинг, трансмиссияни ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатига ўтказинг ва моторни ўчиринг. Мой бир неча дақиқа давомида совишини кутинг.




RXA0141856—UN—02JUN14

2. Ўлчагич зонасидаги гидравлик резервуар оқава тиқинини (А) олиб ташланг ва мойни йиғиш контейнерига йўналтиринг.




RXA0150421—UN—11NOV15

3. Мойни бўшатиш учун ўқ тиқинини (B) олиб ташланг.



RXA0142109—UN—06JUN14

4. Мойни чиқариш учун трансмиссиянинг иккита оқава тиқинини (C) ечиб олинг.
5. Мойни бўшатиш учун асосий узатма оқава тиқинларини (D) олиб ташланг




RXA0161062—UN—16OCT17

6. Агар ҚОҚ билан жиҳозланган бўлса, сақлагич тиқинини (E) ечиб олинг.
7. Резервуар оқава тиқинини қайта ўрнатинг.
8. Трансмиссия оқава тиқинини қайта ўрнатинг ва 70 N m (52 фунт/фут) гача қотиринг.
9. Барча олинган олд ва орқа ўқ оқава тиқинларини қайта ўрнатинг. 70 N m (52 фунт/фут) гача қотиринг.
10. Жиҳозланган бўлса, ҚОҚ сақлагич оқава

тиқинини қайта ўрнатинг ва 70 N m (52 фунт/фут) гача қотиринг.


ҚАЙД: Тасвирдаги баъзи қисмлар трансмиссия сўриш панжарасини яхшироқ кўрсатиш учун олиб ташланган.



RXA0161063—UN—16OCT17


Трансмиссиянинг орқадан кўриниши

11. Сўриш панжараси қопламасининг қалпоқчали винтларини (F) ва трансмиссиянинг орқасидан қопқоқни (G) ечиб олинг.




RXA0161064—UN—16OCT17

12. Сўриш панжарасини (H) ечиб олинг ва эритма билан тозаланг.
13. Сўриш панжараси қопламасидаги зичлагич ҳалқани (I) ечиб олинг ва ташлаб юборинг.
14. Фонар ёки магнитдан фойдаланиб сўриш панжараси бўшлиғидаги қолдиқларни текширинг.
15. Қопламада янги зичлагич ҳалқани ўрнатинг.
16. Сўриш панжараси ва қопқоқни қайта ўрнатинг. Қалпоқчали винтларни 55 N m (40 фунт/фут) гача қотиринг.




RXA0161268—UN—03NOV17

17. Платформа қалпоқчали винтлари (J) ва платформа зинасини (K) ечиб олинг.
18. Панел қалпоқчали винтлари (L) ва пастки қалқон панелини (M) ечиб олинг.



RXA0185158—UN—26AUG21

19. Панжара қопқоғи қалпоқчали винтларини (N) ва иккита панжара қопқоғини (O) ечиб олинг.



RXA0185159—UN—26AUG21

20. Ўқ мойи сўриш панжарасини (P) ечиб олинг ва эритма билан тозаланг.
21. Тўлдириш насосининг сўриш панжарасини (Q) ечиб олинг ва эритма билан тозаланг.
22. Сўрувчи фильтр сеткалари ва қопқоқларини қайта ўрнатинг. Қалпоқчали винтларни 79 N m (58 фунт/фут) гача қотиринг.
23. Пастки панелни қайта ўрнатинг ва қалпоқчали винтларни 37 Нм (27 фунт/фут) гача қотиринг.

24. Платформани қайта ўрнатинг ва қалпоқчали винтларни 73 N · m (54 фунт/фут) гача қотиринг.

ҚАЙД: Фильтрни алмаштиришда тахминан 1.9 л (2 кварта) мой йўқотилади. Мос келадиган чиқариш таглигини танланг.



RXA0161068—UN—16OCT17

25. Трансмиссиянинг ўнг орқа томонидаги трансмиссия мойи фильтрларини (R) ечиб олинг.
26. Янги фильтр зичлагич ҳалқаларини гидравлик мой билан мойланг ва фильтрларни ўрнатинг. Зичлагич ҳалқа фильтр корпуси асосига теккандан кейин ярим айлана қотиринг.

МУҲИМ: Гидравлик мой ёки ва ўқнинг мой фильтрларини ҳар 1500 соат ёки индикатор ёнганида алмаштиринг.



RXA0161070—UN—16OCT17


27. Поршеннинг чап томонидаги гидравлик мой фильтрларни (S) олиб ташланг.
28. Гидравлик мой фильтрлари (S) ёнида жойлашган ўқ мой фильтрини (T) алмаштиринг.
29. Гидравлик мой ва ўқ мой фильтри зичлагич ҳалқаларини гидравлик мой билан мойланг ва тракторга ўрнатинг. Зичлагич ҳалқа фильтр корпуси асосига теккандан кейин ярим айлана қотиринг.

ҚАЙД: Гидравлик мой резервуари тизимнинг барча гидравлик мойини ўзида сақламайди. Трансмиссия ва олд ва орқа ўқларда қўшимча тизим мойи ҳам мавжуд.

Иложи бўлса, куннинг биринчи бошланишидан олдин мой даражасини текширинг. Атроф-муҳит ҳарорати 7°C бўлиши керак. (45 °F) ёки ундан юқори. Бақдаги мой даражаси бириктирилган агрегат билан алмашинадиган мой ҳажмига қараб ўзгариб туради.

Юқори ҳажмдаги мойни қўллашни талаб қиладиган курилмалар ва агрегат учун, (масалан - катта пневматик сеялкалар ёки учта скраперни тортиш), гидравлик резервуар "Юқори миқдордаги мойни етказиш" мой белгисига 58.5 л (15.4 гал.) тўлдирилиши мумкин.


ҚАЙД: Трансмиссия-гидравлик мой мойи тизими ҳажмлари (фильтр билан) учун ушбу йўриқноманинг "Спецификациялар" бўлимидаги "Ҳажмлар" пунктига қаранг.



RXA0161071—UN—16OCT17

30. Гидравлик резервуар тўлдирувчиси қопқоғини (U) ечинг ва резервуарга гидравлик мой қўшинг.
31. Гидравлик резервуар тўлдирувчиси қопқоғини қайта ўрнатинг ва қотиринг.

МУҲИМ: Ишга тушишда трансмиссия мой насоси мойланишини таъминлаш учун трансмиссияни белгиланган сифатдаги мой билан тўлдиринг.



RXA0161072—UN—16OCT17

32. Тўлдириш найчасида (Y) трансмиссия-гидравлик мойи билан 37.9 л (10.0 гал.) трансмиссияни олдиндан тўлдилинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Бошқа мойлар бўлимида трансмиссия ва гидравлик мойга қаранг.

МУҲИМ: Бу босқич пайтида тормоз педалини босманг. Агар тормоз тепкиси босилса, ўқларга қўшимча мой оқади ва мой миқдорини нотўғри текширишга сабаб бўлади.

33. Узатиш қутисини ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатига қўйинг.
 - a. Моторни ишга тушириш
 - b. Моторни 5 дақиқа 1200 айл/дақ.га ишлатиб қўйинг.
34. Моторни ЎЧИРИНГ ва мой даражаси барқарорлашгунча 5 дақиқа кутинг.

ҚАЙД: Агар трактор гидравлик тизимидан жуда кўп миқдордаги мойни оладиган йирик гидравлик цилиндрли агрегатлар билан ишлатилса, мой миқдори жуда камайиб кетмаслигини текширинг. Агрегатни максимал миқдордаги мойни талаб қиладиган ҳолатга қўйинг. Мой миқдори кўриш ўлчагичида катта ҳажмдаги чиқиш мойи белгисига яқин бўлиши керак.

35. Трансмиссия-гидравлик резервуар мойи миқдори кўриш ўлчагичида "мин. совуқ" ва "тўлиқ совуқ" белгилари орасида кўринишини текширинг. Агар мой даражаси "Min Cold" ва "Full Cold" орасида бўлса, трактордан оддий ишларда фойдаланиш мумкин. Ҳарорат ошиши билан резервуардаги мой миқдори ошади. Трансмиссия гидравлик мойи резервуари вентиляция фильтрини алмаштиринг, ушбу оператор қўлланмаси бўлимидаги Трансмиссия гидравлик вентиляция фильтри қисмига қаранг.

ҚАЙД: Миқдор сизими "мин.совуқ" белгиси ва "тўлиқ совуқ" белгиси орасида 11.4 л (3 гал.).

36. Агар мой миқдори кўриш ўлчагичида "Мин.совуқ" дан паст бўлса, резервуар қопқоғи орқали мой қўйинг.


МУҲИМ: Ҳаддан ташқари гидравлик мойи мотор кучини пасайишига ва ёқилғи исроф бўлишига олиб келиши мумкин.

37. Агар мой миқдори "Full Cold" белгисидан юқорида бўлса, "Full Cold" белгиси сатҳидан пастга тушириш учун етарли мойни чиқариб олинг.

Гидравлик мой резервуари остидаги оқава


клапанини олинг ва мойни контейнерга йўналтиринг.

Трансмиссия-гидравлика вентиляция фильтри



RXA0185252—UN—30AUG21

1. Ўнг орқа кабина панели маҳкамловчи қалпоқчали винтларини (А) ва кабина панелини (В) ечиб олинг.



RXA0185253—UN—30AUG21

2. Вентиляция фильтрини шлангдан ечиб олиш учун ушловчи шланг қисқичларини қўйиб юборинг.
3. Янги фильтрни шлангга ўрнатинг ва маҳкамловчи шланг қисқичлари билан маҳкамланг.


МУҲИМ: Маҳкамловчи винтларни ҳаддан зиёд қотирманг. Ортиқча қотириб юбориш кабина панелларининг шикастланишига олиб келиши мумкин.

4. Кабина панелини қайта ўрнатинг ва маҳкамловчи қалпоқчали винтларни қотиринг.

SV81855,0000370-UZ-07SEP21

Моторни совитиш тизими радиатори қопқоғи — 15 л мотор

1. Капотни кўтаринг.



RXA0143144—UN—02JUL14

2. Қалпоқчали винтларни (А) ва қопқоқ устидан кронштейнни (В) ечиб олинг.
3. Радиатор босими қопқоғи (С) ечиб олинг
4. Радиатор босими қопқоғини янгисига алмаштиринг.
5. Кронштейнни қайта ўрнатинг ва қалпоқчали винтларни 20 N m (15 фунт/фут) гача қотиринг.
6. Капотни ёпинг.

SV81855,00002C2-UZ-09NOV17

Мотор совиткичи — 13.6 л мотор

⚠ ДИҚҚАТ: Босим остидаги совитиш тизимидан отилиб чиққан суюқлик жиддий куйдириши мумкин.

Моторни ўчиринг. Қопқоғини қўл билан ушлайдиган даражада совиганидан кейингина очинг. Аввал қопқоғни секин бураб, босимни чиқаринг, кейин очинг.

МУҲИМ: БОШЛАШДАН ОЛДИН ЖАРАЁН ҲАҚИДА ТЎЛИҚ ЎҚИБ ЧИҚИНГ. Жараёни яқунлаш учун махсус асбоблар ва бошқа воситалар керак бўлади.

Тизим ювилганда термостатни алмаштиринг, термостат қистирмаси ва деаэрация бакининг қопқоғини алмаштириш керак.

Тозалаш эритмалари ҳақида тавсиялар учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Агар совитиш тизими фақат John Deere Cool-Gard™ II ва аралашма билан тўлдирилса, ДАСТЛАБКИ алмаштиришлар оралиғи 6 йил ёки 6000 иш соатини ташкил этади. РЕЖАЛАШТИРИЛГАН интервал (2 йил ёки 2000 иш вақти), совитиш суви воситасига қараб, 6 йил ва 6000 иш соатигача узайтирилиши мумкин. Ушбу қўлланманинг “Мотор совитиш воситаси” бўлимидаги “Дизель мотор совитиш воситасини тўкиш интервали” пунктига қаранг.

ҚАЙД: Совитиш тизимида хизмат кўрсатилганда, кейинги уч кун давомида совитиш суюқлигини ҳар куни текшириб туринг. Совитиш воситасининг даражасини текширишнинг энг самарали усули бу трактор мотори совиган вақт. Агар совитиш воситаси паст бўлса, деаэрация бакини бақдаги белгигача тўлдиринг.

1. Тракторни тўхтаб туришга қўйинг.
2. Калитни OFF ҳолатига буранг.
3. Радиатор совитиш кутиг.
4. Капотни очинг. Капотни очинг, ушбу Оператор қўлланмасининг Сервис — Умумий маълумот бўлимидаги Капотни очиш рукнига қаранг.
5. Олд ва орқа томондаги мотор ён тўсиқларини олиб ташланг. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Умумий маълумот бўлимидаги Олд мотор ён тўсиғини олиб ташлаш ва Орқа мотор ён тўсиғини олиб ташлаш қисмига қаранг.


ҚАЙД: Иситиш ва кондиционер тизимидан суюқлик оқизилишини таъминлаш учун бу созуламалар бутун жараёндан ўтишини таъминланг:

- Ўт олдирғич калити ИШЛАШ ҳолатида.
- Ҳарорат бошқаруви энг иссиқ созуламага созуланган.

6. Калитни RUN ҳолатига буранг. Оператор қўлланмасининг Олд консол бўлимида калитга қаранг.
7. Ҳарорат бошқаруви энг иссиқ созуламага ростланган. Ушбу фойланиш йўриқномасининг CommandARM™ бошқаруви элементлари қисмидаги CommandARM™ Иқлим, Радио ва Ёриткичлар Бошқарувига қаранг.
8. Ҳавосизлантириш баки қопқоғини олиб ташланг.


⚠ ДИҚҚАТ: Босим остидаги совитиш тизимидан отилиб чиққан суюқлик жиддий куйдириши мумкин.

Моторни ўчиринг. Қопқоғини қўл билан ушлайдиган даражада совиганидан кейингина очинг. Аввал қопқоғни секин бураб, босимни чиқаринг, кейин очинг.




RXA0184960—UN—10AUG21

9. Радиатор оқава клапани (А) остига суюқлик тўкиладиган идишини жойлаштиринг.
10. Радиатор оқава клапанини очинг ва совитиш воситасини суюқлик идишига тўкинг.
11. Мотор оқава клапани тагига суюқлик тўкиладиган идишни қўйинг.




RXA0184961—UN—10AUG21

12. Мотор оқава клапанини (В) очинг ва совитиш воситасини суюқлик идишига тўкинг.
13. Радиатор ва мотор суюқлигини оқизинг.



RXA0184962—UN—10AUG21


14. Хомут (А), радиатор шланги (В) ва совиткичнинг қайтариш шлангини (С) ечиб олинг.
15. Қалпоқчали винтлар (D) ва термостат корпусини (Е) ечиб олинг.



RXA0184963—UN—10AUG21

16. Термостат (А) ва зичлагични (В) ечиб олинг.

17. Янги термостат ва зичлагич ўрнатинг.



RXA0184962—UN—10AUG21

18. Термостат корпуси (Е), қалпоқчали винтларни (D) ўрнатинг. Қалпоқчали винтларни 50 Н м (39 фунт/фут) гача қотиринг

19. Совиткичнинг қайтариш шланги (С), радиатор шланги (В) ва хомутни (А) ўрнатинг.

20. Моторнинг оқава клапани ва радиаторнинг оқава клапанини ёпинг.

21. Эски совиткичларни маҳаллий қонунлар ва қарорларга мувофиқ утилизация қилинг.

МУҲИМ: Ҳеч қачон иссиқ моторга совуқ сув ёки совитиш суюқлигини қуйманг.

ҚАЙД: Тозалаш эритмалари ҳақида тавсиялар учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

22. Деаэрация бакидаги юқори босимдаги совитиш тизимини совитиш тизими тозалаш эритмаси билан тўлдириг.

23. Деаэрация қопқоғини ўрнатинг ва капотни ёпинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ишга туширишдан олдин капот ёпилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

24. Моторни ишга туширинг ва 15 дақиқа давомида камида 1500 айл/дақ. тезликда ишлатинг.

25. Моторни ўчиринг ва тозалаш эритмаси совитиш кутиг.

26. Ҳарорат тугмасини энг юқори созламага буралганига ишонч ҳосил қилинг, сўнг тугмачани Иш ҳолатига ўтказинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Босим остидаги совитиш тизимидан отилиб чиққан суюқлик жиддий куйдириши мумкин.

Қопқоғини қўл билан ушлайдиган даражада совиганидан кейингина очинг. Аввал қопқоғни секин бураб, босимни чиқаринг, кейин очинг.

27. Капотни очинг, деаэрация қопқоғини ечиб олинг, осттоғорани жойлаштиринг, кейин радиатор ва мотор оқава клапанларини очинг.

28. Совитиш тизими тўлиқ суюқликдан бўшасин.

29. Моторнинг оқава клапани ва радиаторнинг оқава клапанини ёпинг.

30. Тозалаш эритмасини маҳаллий қонунлар ва қарорларга мувофиқ утилизация қилинг.

31. Деаэрация бакидаги юқори босимдаги совитиш тизимини сув билан тозаланг.

МУҲИМ: Ҳеч қачон иссиқ моторга совуқ сув ёки совитиш суюқлигини қуйманг.

32. Деаэрация қопқоғини ўрнатинг ва капотни ёпинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ишга туширишдан олдин капот ёпилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

33. Моторни ишга туширинг ва 15 дақиқа давомида камида 1500 айл/дақ. тезликда ишлатинг.

34. Моторни ўчиринг ва сув совитиш кутиг.

35. Ҳарорат тугмасини энг юқори созламага буралганига ишонч ҳосил қилинг, сўнг тугмачани Иш ҳолатига ўтказинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Босим остидаги совитиш тизимидан отилиб чиққан суюқлик жиддий куйдириши мумкин.

Қопқоғини қўл билан ушлайдиган даражада совиганидан кейингина очинг. Аввал қопқоғни секин бураб, босимни чиқаринг, кейин очинг.

36. Капотни очинг, деаэрация қопқоғини ечиб олинг, осттоғорани жойлаштиринг, кейин радиатор ва мотор оқава клапанларини очинг.

37. Радиатор бўшагини кутиг.

38. Моторнинг оқава клапани ва радиаторнинг оқава клапанини ёпинг.

39. Оқиб чиққан сувни маҳаллий қонунлар ва қарорларга мувофиқ утилизация қилинг.

40. Деаэрация бакидаги юқори босимдаги совитиш тизимини совитиш эритмаси билан тўлдириш. Совитиш тизими сиғими учун бу оператор қўлланмасининг Характеристикалар бўлимидаги Сиғимлар қисмига қаранг.

ДИҚҚАТ: Моторни ишга туширишдан олдин капот ёпилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

МУҲИМ: Ҳеч қачон иссиқ моторга совуқ сув ёки совитиш суюқлигини қуйманг.

ҚАЙД: Совитиш тизимидан ҳаво чиқаётганда совитиш суюқлиги деаэрация бакининг вентиляция тешигидан чиқиб кетиши мумкин.

Трактор ишлаётганида ёки кейинги бир неча цикларда даража ўзгариши мумкин.

Трактор самарадорлигини таъминлаш учун сувни тўкиб ташланиб, ювилгандан ва тўлдирилгандан кейин совитиш тизимининг герметиклигини текшириш тавсия этилади. Жараён ва керакли асбоблар ҳақида Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

41. Деаэрация қопқоғини ўрнатинг, мотор ён томон қалқонларини ўрнатинг, капотни ёпинг ва камида 1500 айл/дақ тезликда 15 дақиқа ишлатиб қўйинг.

SV81855,0000341-UZ-31AUG21

Мотор совиткичи — 15 л мотор

Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

SV81855,000029C-UZ-23FEB17


Моторнинг картер сўндиргичи — 13,6 л мотор

Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

RW29387,00001BC-UZ-01SEP20


Мотор картери сапун фильтр элементи — 15 л мотор

1. Капотни очинг.



RXA0142546—UN—16JUN14

2. Қалпоқчали винт (A) ва бармоқ сақлагични (B) ечиб олинг.
3. Саккизта қалпоқчали винт (C) ва қопламани (C) ечиб олинг.



RXA0142547—UN—17JUN14

4. Янги фильтрни (E) алмаштиринг ва ўрнатинг.
5. Қопқоқни алмаштиринг ва қалпоқчи винтларни 5 N · m (45 фунт/дюйм) гача қотиринг.
6. Бармоқ сақлагични қайта ўрнатинг ва қалпоқчали винтларни 73 N · m (54 фунт/фут) гача қотиринг.
7. Капотни ёпинг.

RW29387,00000D5-UZ-09NOV17

Олд узатма вали кардан шарнирлари


Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KD34109,0000312-UZ-28MAR17

Сервис — мойлаш

Оғир шароитларга мўлжалланган кўтариш тягаси штифтлари (опционал)


МУҲИМ: Шатак штифтларига шикаст етишининг олдини олинг. Шатакдан фойдаланишда ҳар куни смазкаланг.



RXA0158577—UN—29MAR17

Шатакни кўтариш штангаси штифтларини (А) мойланг. John Deere SD Polyurea мойи ёки унинг муқобилидан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Бошқа смазкалар бўлимидаги Смазка қисмига қаранг.

RX32825,0000638-UZ-13JUL17



RXA0185249—UN—30AUG21


Юқори (А) ва пастки шарнир бармоқчаларини (Б) мойланг.

Шу оператор қўлланмасининг “Ёқилғи, смазкалар ва совитгич” бўлимида кўрсатиб ўтилган John Deere SD Polyurea ёки бошқа турдаги мойдан фойдаланинг.

TS36762,0000352-UZ-30AUG21

Шарнир бармоқчалари


⚠ ДИҚҚАТ: Тракторни ТЎХТАБ ТУРИШ ҳолатига қўйинг ва шарнир атрофида ишлаш олдидан калитни суғуриб олинг.




RXA0162410—UN—06MAR18




RXA0141971—UN—02JUN14



RXA0141972—UN—02JUN14



RXA0141973—UN—02JUN14




RXA0141974—UN—02JUN14

Ўнг олд (A) ва орқа (B), чап олд (C) ва орқа (D) руль бармоқчаси втулкаларини мойланг.

Ушбу Оператор қўлланмасининг Бошқа мойлар бўлимидаги Смазка қисмида кўрсатиб ўтилганидек, John Deere SD Polyurea ёки бошқа турдаги мойдан фойдаланинг.

RX32825,000063A-UZ-13JUL17

ҚТҚ узатма вали




RXA0185281—UN—31AUG21

Орқа ҚТҚ вали фитингини (A) мойланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Бошқа мойлар бўлимидаги Смазка қисмида кўрсатиб ўтилганидек,

John Deere SD Polyurea ёки бошқа турдаги мойдан фойдаланинг.

RX32825,0000640-UZ-31AUG21

Гусеница тарангловчи цилиндри



RXA0147245—UN—11FEB15

Таранглаш цилиндри фитинглари



RXA0147246—UN—13FEB15

Пастки таранглаш цилиндри фитинглари

Бир нечта томчи мойни таранглаш цилиндрининг смазка фитингларига (A) цилиндрининг ҳар битта учига суртинг.


John Deere HD смазкасидан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Бошқа смазкалар бўлимидаги Смазка қисмига қаранг.

SV81855,0000368-UZ-26JUL17


Оғир шароитларга мўлжалланган поршенли подшипниклар

МУҲИМ: Подшипникларни ҳаддан зиёд кўп мойлаш уларнинг ўзига, зичлагичлар ва ҳамда узатма валнинг шикастланишига сабаб бўлиши мумкин.

Мойлаш учун фақат қўл шприцидан фойдаланинг. Бошқа турдаги мойлаш шприцлари бўшлиқни ҳаддан ташқари тез тўлдириб, подшипник зичлагичларининг жойидан силжишига сабаб бўлади. Мой подшипникни тўлиқ қопламаслиги оқибатида нотўғри мойланиши мумкин.



RXA0142539—UN—16JUN14



RXA0142540—UN—16JUN14

Оғир шароитда ишлаш учун мўлжалланган поршенли конуссимон роликли подшипникни (А) чап, ўнг ҳамда тепа қисмидан мойланг. Ҳар бир фитингга мойни тахминан 40 марта пурканг.

Ушбу Оператор қўлланмасининг Бошқа смазкалар бўлимидаги Смазка қисмида кўрсатиб ўтилганидек, John Deere SD Polyurea ёки бошқа турдаги мойдан фойдаланинг.


RX32825,0000641-UZ-13JUL17

Пастки куч узатмаси подшипниклари


МУҲИМ: Одатий смазкалаш ҳар 250 ишлаш соатида амалга оширилади. Ўта нам шароитларда ишлатилса, ҳар куни ёки ҳар 10 иш соатида мойланг.

МУҲИМ: Қувват узатмасини шикастланишдан сақланг. Тракторни дастлабки 6 соат давомида паст тезликларда (10 мил/соат (16 км/соат)дан паст) ишлатинг.

МУҲИМ: Мойлаш учун фақат қўл шприцидан фойдаланинг. Бошқа турдаги мойлаш шприцлари бўшлиқни ҳаддан ташқари тез тўлдиради. Бу эса подшипник зичлагичларининг жойидан силжишига сабаб бўлиб, мойловчи материал поршеннинг марказий қисмидаги бўшлиққа тушиши ва подшипникнинг нотўғри мойланишига олиб келиши мумкин.



RXA0141923—UN—02JUN14



RXA0161215—UN—26OCT17


Пастки куч узатмаси подшипникнинг олд (А) ва орқа (В, жиҳозланган бўлса) фитингларини мойланг.

Ушбу Оператор қўлланмасининг Бошқа смазкалар бўлимидаги Смазка қисмида кўрсатиб ўтилганидек, John Deere SD Polyurea ёки бошқа турдаги мойдан фойдаланинг.


RX32825,0000642-UZ-16FEB18

Орқа шатак

МУҲИМ: Нормал сервис ҳар 250 соатда. Агар ҳар куни ишлатилса, ҳар 50 соатда сервис кўрсатинг.



RXA0150422—UN—11NOV15




RXA0150423—UN—11NOV15

Марказий ҳалқа (A), кўтарувчи ҳалқа (B), кўтарувчи цилиндрлар (C) ва кардан валининг (D) тиркама фитингларини мойланг.


John Deere SD Polyurea мойи ёки унинг муқобилидан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Бошқа смазкалар бўлимидаги Смазка қисмига қаранг.

RX32825,0000643-UZ-08NOV17

Кўтариш цилиндрлари ва тебранувчан вал



RXA0141976—UN—02JUN14



RXA0141977—UN—20JUN14

Кардан вали жамланмаси

Тракторнинг иккала тарафидаги кўтариш цилиндри бармоқчаларининг фитингларини (B) мойланг. Чап (A) ва ўнг тарафдаги тебранувчан вал фитингларини мойланг. Қайси турдаги мойдан фойдаланиш кераклигини билиш учун мазкур Оператор қўлланмасининг Бошқа мойлар бўлимидаги Смазка қисмига қаранг.

TO84419,0000199-UZ-13JUL17

Сервис — Электр тизими шарҳи

Сақлагич панелларидаги сақлагичлар ва релелар билан бир қаторда (оператор ўриндиғининг орқасида) тракторлар иккита электрон бошқарув блокларида жойлашган яримўтказгичли тақсимлаш марказлари билан ҳам жиҳозланган.

Ушбу яримўтказгичли тақсимлаш марказлари аввал ишлатилган сақлагичли реле схемаларини алмаштиради. Уларнинг асосий вазифаси орқа қанот чироқлари ва сирена каби юқори ток оқимида эга кўплаб юкламаларни бошқаришдан иборат. Тақсимлаш марказлари схемаси юклама ва кучланишларни назорат қилиб, тезкор реакция вақтини ва очиқ туташув (минимал ток) ёки қисқа туташув (юқори ток) ҳолатида операторни огоҳлантириш қобилиятини таъминлайди.

Агар схемада хатолик бўлса ва носозлик диагностика коди юзага келса, схема ўчиб қолади ва носозлик диагностика коди оператор томонидан схема қайта ишланмагунча фаол ҳолатда бўлади. Агар схема ёки унинг таркибий қисмларидан бири ЁНИҚ ҳолатга қайтарилса ва муаммо ортиқ мавжуд бўлмаса, тизим нормал тарзда ишлайди.

Масалан, агар чироқ схемасида юқори ток оқими бўлса, тақсимлаш маркази тизими схемани ўчириб қўяди. Агар оператор чироқ калитини ўчирса ва қайта ёқса, ва тизим калит орқали бошқариладиган чироқ ўчирилганда нол амперни сезса, тизим қайта ёқилади ва нормал ишлаш ҳолатига қайтади.

Агар тақсимлаш марказининг умумий ток юкламаси дастлабки созланган даражадан ошиб кетса, дастурий таъминот автоматик равишда схемаларни битталаб ўчириш орқали тизимни ўчириб қўяди. Мантиқий схема умумий назорат оқими олдиндан созланган даражадан пастга тушгани ёки қўшимча схемаларни ўчириб қўйиш кераклигини аниқлаш учун схемани ўчириб-ёқиш ҳолатлари орасида бир неча сония кутиб туради.

Яримўтказгичли схемаларнинг ўзгармас қиймати ҳисобланади. Агар тракторга қўшимча электр қурилмаларини қўйиш зарур бўлса, ўчириш/ёқиш тугмали узайтиргич ёки розеткадан фойдаланиш тавсия этилади. Сим билан нотўғри жойга улаш схеманинг ортиқча юкланишига ва ўчиб қолишига олиб келиши мумкин.

Агар мосламанинг қўшимча чироқлари ва ёқиб-ўчиргичлар каби бошқарув элементларига эҳтиёж бўлса, Жон Дир дилери билан боғланинг. Дилер тракторнинг орқа қисмидаги 7 тишли клеммада жойлашган қўшимча жиҳоз симларидан бири билан чироқларни ёқиб-ўчириш тугмачасини улашнинг тўғри усули ҳақида маълумот бериши мумкин.

TS36762,000015E-UZ-25MAR21

Электрон бошқарув блоклари яқинида пайвандлаш



TS953—UN—15MAY90

МУҲИМ: Электр ёйи ёрдамида пайвандлаш ускунаси билан моторни ишга тушириб юборманг. Ток ва кучланишлар жуда юқори бўлиб, жиддий зарар етказиши мумкин.

1. Аккумуляторнинг манфий (-) кабелларини узинг.
2. Аккумуляторнинг мусбат (+) кабелларини узинг.
3. Мусбат ва манфий кабелларни бир-бирига уланг. Машина рамасига бириктирманг.
4. Симлар тўпламини пайвандладиган жойдан узоқлаштиринг.
5. Пайвандлаш аппаратини иш жойида, бошқарув блокларидан узоқда ерга уланг.
6. Пайвандлагандан кейин 1-5 босқичларни тескарисига бажаринг.

DX,WW,ECU02-UZ-14AUG09

Электрон бошқарув блоки улагичларини тоза ҳолда сақланг

МУҲИМ: Бошқарув блокларини очманг ва юқори босимли пуркагич билан тозаламанг. Намлик, кир ва бошқа ифлослантирувчи моддалар жиддий шикаст етказиши мумкин.


1. Клеммаларни тоза ва ёт чиқиндилардан холи сақланг. Намлик, кир ва бошқа ифлослантирувчи моддалар клеммаларнинг вақт ўтиши билан емирилишига ва электр уланишини яхши таъминлаб бера олмаслигига олиб келиши мумкин.
2. Агар улагич ишлатилмаётган бўлса, уни бегона буюмлар ва намликдан сақлаш учун устини чангдан сақловчи қалпоқча ёки намликдан сақловчи прокладка билан ёпиб қўйинг.
3. Бошқарув блокларини таъмирлаб бўлмайди.
4. Бошқарув блоклари ишдан чиқиш эҳтимоли ЭНГ ПАСТ бўлган компонент ҳисобланиши боис

диагностика амалиётини бажариш орқали блокни алмаштиришдан аввал унинг ишдан чиққан қисмини аниқлаб олинг. (John Deere дилерига мурожаат қилинг.)

5. Бошқарув блоклари электр тармоғи клемма ва улагичларини таъмирлашнинг имкони бор.

DX,WW,ECU04-UZ-11JUN09

Сиқилган ҳаводан фойдаланиш




RW56455—UN—30JUN97

МУҲИМ: Электрон / электр компонентларга ёки улагичларга босим остида ҳавони йўналтириш статик электр тўпланиши ва қурилманинг носозлигига олиб келиши мумкин.

TO84419,0000228-UZ-25JUL17

Юқори босимли ювиш мосламасидан фойдаланиш



T6642EJ—UN—18OCT88

МУҲИМ: Босимли сувни электроника/электр қисмларга ёки симларга, подшипникларга ва гидравлик зичлагичлар, ёқилғи қуйиш насосларига ёки бошқа нозик қисмларга ва таркибий қисмларга йўналтириш қисмларнинг ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Босимни пасайтириш ва 45-90 даражагача бурчак остида пурканг. Юваётганда сувни дудбурон ёки қуйиш бакининг тешиклари томон йўналтирманг.

TO84419,0000215-UZ-20JAN17

Аккумуляторни узиш

⚠ ДИҚҚАТ: Электр қувватига тасодифан тегиниш натижасида жароҳат ёки трактор тизимларининг шикастланишидан сақланинг. Аккумуляторни кўрсатма берилганида узинг.

МУҲИМ: Тракторнинг газ чиқариш тизими шикастланишининг олдини олинг. Аккумуляторни узиш калити чироғи ёниб турганда аккумуляторнинг узиш дастагини асло уза кўрманг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.

TS36762,0000161-UZ-11FEB20

Аккумуляторлар ва уланишлар сервиси

⚠ ДИҚҚАТ: Бу эҳтимолий жароҳатга олиб келувчи статик электр заряд тўпланишига сабаб бўлиши мумкин.

Аккумулятор гази портлаши мумкин. Аккумуляторларга учқун ва алангани яқинлаштирманг. Аккумуляторнинг электролит миқдорини текшириш учун фонардан фойдаланинг.

Ҳеч қачон устунлари орасига металл буюм қўйиш орқали аккумулятор зарядини текширманг. Вольтметр ёки гидрометр ишлатинг.

Доим аккумуляторни ерга улаш кабелларини аккумуляторнинг мусбат кабелларидан олдин ажратинг ва улардан кейин уланг. Узилган ерга улаш клеммаларини металл юзага теккизманг.

ОГОҲЛАНТИРИШ: Аккумулятор штирлари, қисқичлари ва шу каби анжомларида кўрғошин ва кўрғошин бирикмалари бор, Калифорния штатида бу химикатлар саратон келтириб чиқаради ва репродуктив тизимга зарар келтиради, деб

ҳисобланади. Тегингандан кейин қўлингизни ювинг.


⚠ ДИҚҚАТ: Аккумулятор электролитидagi заҳарли сульфат кислотасига қўл теккизмаңг. Аккумулятор кислотаси терини куйдириши, кийимларни шикастлаши ва кўзга сачрағанда кўр қилиб қўйиши мумкин.

ҚАЙД: Ушбу аккумулятор техник хизмат кўрсатилмайдиган аккумулятор бўлса-да, юқори ҳарорат муҳитида узоқ вақт ишлаш ва моторнинг ортиқча айлантририлиши каби шароитлар сув қўшишни талаб қилиши мумкин. Аккумулятордаги ёрлиққа қаранг.

Аккумулятор оптимал ишлаши учун аккумулятор қисқичларини тоза ва тортилган ҳолда тутинг. Янги аккумулятор қўйиш учун ишлаб чиқарувчи тавсияларига риоя қилинғ.


МУҲИМ: Тракторга шикаст етишини олдини олинг:

- Чиқинди газ тизими. Батареяни узиш калити чироғи ёниб турганда аккумуляторнинг узиш дастагини асло уза кўрманг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.
 - Электр тизими. Аккумулятор ва уланишларга сервис кўрсатишдан олдин калитни **ЎЧИҚ** ҳолатига қўйилишини текширинг.
1. Аккумуляторни узиш дастагини ўчиринг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.
 2. Аккумулятор бўлмаси қопқоғини очинг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Аккумулятор бўлмасига кириш” қисмига қаранг.



RXA0141966—UN—02JUN14

3. Бир нуқтали ерга улаш кабелни (C) узинг.



RXA0158217—UN—09MAR17

4. Аккумуляторнинг манфий кабелларини (E) узиб, кейин мусбат кабелларини (D) узинг.

МУҲИМ: Аккумуляторни тозалаш учун ҳеч қачон сиқилган ҳаводан фойдаланманг.

5. Ҳар қандай коррозияни чўтка билан олиб ташланг, кейин терминалларни ва аккумулятор штирларини ошхона содаси ва сув эритмаси билан артинг.
6. Аккумуляторни тоза сув билан чайиб, ҳавода қуритинг.
7. Агар аккумуляторлар сервис учун ечиб олинган бўлса, аккумуляторларни бўлмага қайтариб қўйинг.
8. Батареяни ушлаб турадиган хомутни ўрнатинг.
9. Уланг:
 - a. Аккумуляторнинг мусбат кабеллари.
 - b. Аккумуляторнинг манфий кабеллари.
10. Кабель учларига юпқа қилиб мойлаш воситаси суртинг.
11. Бир нуқтали ерга улаш кабелни трактор рамасига уланг.
12. Аккумулятор бўлмаси қопқоғини ёпинг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Аккумулятор бўлмасига кириш” қисмига қаранг.
13. Аккумуляторни узиш дастагини ёқинг.

RX32825,0000018-UZ-21APR21

Юклама маркази — Кабина

МУҲИМ: Тракторга шикаст етишини олдини олинг:

- Чиқинди газ тизими. Батареяни узиш калити чироғи ёниб турганда аккумуляторнинг узиш дастагини асло уза кўрманг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги

Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.

- Электр тизими.
- Сақлагичларни алмаштиришдан олдин калитни ЎЧИҚ ҳолатига қўйилишини текширинг.
- Сақлагич алмаштирилаётган сақлагичлар асл нусхаси билан бир хил нисбатда бўлиши керак.

Кабина юклама марказига кириш



RXA0167377—UN—05APR19

Кабина юклама маркази оператор ўриндигининг пастки ўнг бурчагидаги ён панелнинг орқасида.

Кабина юклама марказига кириш учун ён панелни олиб ташланг.

Кабина юклама маркази — реле/сақлагич идентификацияси

К — Реле

Ф — Сақлагич

1	2	3	4	5	6		
7	8	9	10	11	12		
				13	14		
15	16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29	30
31	32	33	34	35	36	37	38
39	40	41	42	43	44	45	46

RXA0173765—UN—13JAN20

1—K2: Ўт олдириш
 2—K18: HVAC нагнетателлар
 3—Фойдаланилмайди
 4—K4: Тиркама аксессуар чироғи
 5—K20: Ўриндиқ
 6—K6: Аксессуар
 7—K9: 2-гусеница амортизатори
 8—K8: Тиркама оқими
 9—K9: Сирена
 10—Фойдаланилмайди
 11—F35: Фаол ўриндик (жиҳозланган бўлса) (40А)

12—F40: DC-AC инвертер (40А)
 13—F33: Аксессуар (70А)
 14—F37: HVAC нагнетателлар (40А)
 15—F15: Қулайлик, енгилроқ ва СВ (30А)
 16—F01: Калит/Аккумулятор дастаги (05А)
 17—F02: Оператор жойидалиги тугмаси (10А)
 18—F03: Ҳароратни автоматик бошқариш (10А)
 19—F17: USB қувват тирсакқўйгич (05А)
 20—F20: Радио АСС қуввати (10 А)
 21—F24: Камералар (10А)
 22—F23: СВ, Совиткич (30А)

23—F05: Радио (10 A)	34—Захира (05A)
24—F07: MTG JDLINK контроллери, Ethernet калити ва GPS ресивери (10A)	35—F32: Уйга қайтиш режими (10A)
25—F09: CommandCenter™ сервери (10A)	36—F19: Ўриндиқ амортизацияси (20A)
26—F10: Тиркама оқими (30A)	37—F41: Ўриндиқ юқориси (20 A)
27—Захира (15A)	38—F42: Ўриндиқ юқориси (30 A)
28—F27: Қулай розеткалар (30A)	39—F18: Асосий дисплей блоки (05A)
29—F31: Қувват кўзгулари; Ташиш чироқлари (жиҳозланган бўлса) (20A)	40—F47: Кабинанинг олди консол контроллери (15A)
30—F54: Ёрдамчи розеткалар (30A)	41—F16: 2-гусеница амортизатори мотори (30A)
31—F11: Тиркама чироғи (30A)	42—Захира (10A)
32—F08: Тирсакқўйгич контроллери (15A)	43—Фақат Уйга қайтиш режими
33—F13: Руль бошқаруви контроллери (15A)	44—Фақат Уйга қайтиш режими
	45—F49: Аксессуар (паст ток), сабвуфер (20A)
	46—F46: USB қувват С-устуни (05A)

SV81855,0000349-UZ-21APR21


Юклама маркази — Олд

МУҲИМ: Тракторга шикаст етишини олдини олинг:

- Чиқинди газ тизими. Чироқ ёниб турганда аккумуляторнинг узиш дастагини асло уза кўрманг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.
- Электр тизими.
 - Сақлагичларни алмаштиришдан олдин калитни **ЎЧИҚ** ҳолатига қўйилишини текширинг.
 - Сақлагич алмаштирилаётган сақлагичлар асл нусхаси билан бир хил нисбатда бўлиши керак.

Олд юклама марказига кириш


1. Аккумулятор бўлмасини очинг. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Аккумулятор бўлмасига кириш” қисмига қаранг.



RXA0180445—UN—13NOV20
Олд юклама маркази (А) аккумуляторнинг юқорисида жойлашган.

2. Олд юклама маркази қопламасини бўшатиш ва олд юклама марказига кириш учун:
 - а. Сариқ қулфлаш тилларини (В) юклама маркази қопламасининг олд юзи томон секин суринг.
 - б. Тўртта қора тилчаларни (С) ичкарига юклама маркази қопламаси томонга сиқинг.
3. Сервис якунланганда олд юклама маркази қопламасини алмаштинг.
4. Аккумулятор бўлмасини ёпинг.

Олд юклама маркази — Реле/сақлагич идентификацияси



RXA0180447—UN—13NOV20

KE — реле

FE — Сақлагич

Реле/сақлагич идентификацияси 13.6 л мотор				
Жойи	Реле/Сақлагич идентификацияси	Мотор	Ўлчами	Тавсифи
A	FE28	13,6 л	10А	Орқа шасси контроллери
B	FE101	13,6 л	10А	Ёрдамчи чироқ
C	KE14	13,6 л	Реле	Эфир
D	FE13	13,6 л	2А	МББ
E	FE14	13,6 л	15А	Эфир
J	FE07	13,6 л	10А	Ўт олдириш
L	FE01	13,6 л	20А	МББ
M	FE02	13,6 л	25А	МББ
N	FE03	13,6 л	25А	МББ
U	FE100	13,6 л	60А	Агрегат қуввати
V	FE30	13,6 л	30А	Агрегатнинг ECU қуввати

Реле/сақлагич идентификацияси 15 л мотор				
Жойи	Реле/Сақлагич идентификацияси	Мотор	Ўлчами	Тавсифи
A	FE28	15 л	10А	Орқа шасси контроллери
C	KE14	15 л	Реле	Эфир
E	FE14	15 л	15А	Эфир
F	FE09	15 л	15А	Иситкич
G	FE11	15 л	5А	ЕСМ
H	FE12	15 л	5А	Генератор
I	FE06	15 л	10А	Ўзгарувчан ток компрессори
J	FE07	15 л	10А	Ўт олдириш
K	FE08	15 л	15А	Руль бошқаруви контроллери
L	FE01	15 л	30А	ЕСМ
M	FE04	15 л	10А	Ишланган газларни тозалаш
N	FE05	15 л	10А	DEF
O	KE18	15 л	Реле	Ишланган газларни тозалаш
P	KE19	15 л	Реле	Ўзгарувчан ток компрессори
Q	KE13	15 л	Реле	DEF
R	KE15	15 л	Реле	Иситкич
S	KE16	15 л	Реле	Иситкич
T	KE17	15 л	Реле	Иситкич
U	FE100	15 л	60А	Агрегат қуввати
V	FE30	15 л	30А	Агрегатнинг ECU қуввати

EC82310,0000F54-UZ-16AUG21

Асосий сақлагичларга кириш



ДИҚҚАТ: Сақлагичларни текшириш ёки алмаштиришдан олдин ҳар иккала аккумулятордан манфий ва мусбат уланишларни узиб қўйинг.

МУҲИМ: Тракторга шикаст етишини олдини олинг:

- Чиқинди газ тизими. Батареяни узиш калити чироғи ёниб турганда аккумуляторнинг узиш дастагини асло уза кўрманг. Ушбу Оператор қўлланмасининг

Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.


- Электр тизими. Аккумулятор ва уланишларга сервис кўрсатишдан олдин калитни **ЎЧИҚ** ҳолатига қўйилишини текширинг.
- Жон Дир дилери томонидан кўрсатма берилмаган бўлса, асосий сақлагичларни қисмларга ажратишга уринманг. Алмаштирилаётган сақлагичлар асл нусхаси билан бир хил нисбатда бўлиши керак.

Асосий сақлагичларга кириш учун:

1. Ўт олдиргични **ЎЧИҚ** ҳолатига буранг.
2. Аккумуляторни узиш дастагини ўчиринг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Моторни ишлатиш бўлимидаги Аккумуляторни узиш калити қисмига қаранг.
3. Аккумулятор бўлмасига кириш. Ушбу оператор қўлланмасининг “Сервис — Умумий маълумот” бўлимидаги “Аккумулятор бўлмасига кириш” қисмига қаранг.
4. Аккумуляторни ерга улаш кабелини (–) узинг.

ҚАЙД: Асосий сақлагич тақсимлагич қутисининг иккала устунига уланган.

Асосий сақлагичлар:



RXA0180457—UN—17NOV20

Асосий сақлагич (А) аккумулятор бўлмасининг орқасига қаранг.

А—Асосий сақлагич (300А)

В—Генератор аккумулятор сақлагичи (300А)


С—Захира гидравлик насос сақлагичи (175А)

TO84419,00001D9-UZ-21APR21

Мосламанинг қувват релеси модули рельсларига кириш

МУҲИМ: Тракторнинг электр тизими шикастланишининг олдини олинг. Агрегатнинг қувват релеси модули релеларини алмаштиришда сақлагичларни алмаштиришдан олдин калитни **ЎЧИҚ** ҳолатига қўйилишини текширинг.

Агрегат қуввати релеси модули релеларига кириш учун кабинанинг орқа панелини ечиб олинг. Оператор қўлланмасининг Сервис — Умумий маълумот бўлимидаги Кабина орқа панелини ечиб олишга қаранг.



RXA0180458—UN—17NOV20

Агрегат қуввати релеси модули релелари кабина орқа панелининг юқори ўнг бурчагида жойлашган.

А—KE01 ISOBUS бошқарув блоки қуввати

В—KE100 ISOBUS агрегати қуввати

Релеларни алмаштириш


ҚАЙД: Боғлиқ сақлагичлар олд юклаш марказида жойлашган. Боғлиқ сақлагичларни алмаштириш учун оператор қўлланмасининг Юклаш маркази — олд бўлимига қаранг.

Релеларни алмаштириш учун:

1. Реледан симлар жгутини узинг.
2. Эски релени ечиб олинг.
3. Янги релени бириктиринг.
4. Симлар жгутини релега уланг.

TO84419,00001DA-UZ-21APR21

Галоген лампаларни хавфсиз равишда ишлатинг



TS266—UN—23AUG88



H39474—UN—30JUN00


⚠ ДИҚҚАТ: Галоген лампаларда (А) босим остидаги газ бор. Лампадан нотўғри фойдаланилса, парчаланиб кетиши мумкин. Шикастланишдан сақланиш учун:

- Тугмадан ўчиринг ва лампани алмаштиришдан олдин совишини бироз кутинг. Улаб-узгич лампа тўлиқ алмаштирилгунча ўчирилган турсин.
- Кўзни ҳимоялаш мосламасини тақиб олинг.
- Лампани асосидан ушланг. Лампани мойдан холи тутинг; шишага тегмаслик учун қўлқоп кийиб олинг.
- Лампани тушириб юборманг ёки қирилмасин. Намдан сақланг.
- Ишлатилган лампани янги лампа қутисига жойланг ва тегишлича чиқитга чиқаринг. Болалар тегмайдиган жойда сақланг.

TS36762,0000165-UZ-05SEP17

Галоген лампаларни алмаштириш

1. Ушлаб туриш панелини (В) кўтариб, сим жгутлари вилкасини узинг.



RXA0173828—UN—03FEB20


Ўнг томон кўрсатилган

2. Прожекторнинг асосий галоген лампасини (А) 1/4 айлана соатга тескари айлантириб, ечиб олинг.
3. Галоген чироқ мосламасини (С) алмаштиринг.

TS36762,0000167-UZ-13MAY20

Олд HID/LED чироқ мосламасини алмаштириш

1. Капотни кўтаринг.



RXA0158062—UN—03MAR17

Ўнг томон кўрсатилган


2. Симли коннекторни (А) узинг.
3. Винтларни (В) ва чироқ мосламасини (С) ечинг.
4. Чироқ мосламасини алмаштиринг.
5. Янги чироқ мосламасини ечиб олганингизга тескари тартибда ўрнатинг.
6. Капотни ёпинг ва қулфланг.

SV81855,00001FA-UZ-20JUL17

Олд панжара чироқларини ростлаш


Олд панжара чироқларини ростлаш учун:

Яқинни ёритувчи фаралар учун:



RXA0169633—UN—15JUL19

1. Яқинни ёритувчи фараларни пасайтириш учун ростлаш винтларини (A) соат мили йўналишида айлантиринг.



RXA0142138—UN—05JUN14

Яқинни ёритувчи фараларни кўтариш ва ташқарига эгиш учун ростлаш винтларини (E) соат мили йўналишида айлантиринг.

Яқинни ёритувчи фараларни кўтариш ва ичкарига эгиш учун ростлаш винтларини (F) соат мили йўналишида айлантиринг.

Узоқни ёритувчи фаралар учун:

2. Узоқни ёритувчи фараларни пасайтириш учун ростлаш винтларини (B) соат мили йўналишида айлантиринг.

Узоқни ёритувчи фараларни кўтариш ва ташқарига эгиш учун ростлаш винтларини (C) соат мили йўналишида айлантиринг.

Узоқни ёритувчи фараларни кўтариш ва ичкарига эгиш учун ростлаш винтларини (D) соат мили йўналишида айлантиринг.

3. Тракторнинг нариги томони учун шу ишни такрорланг.

SV81855,00002B7-UZ-17JUL19

Фараларни йўналтириш

⚠ ДИҚҚАТ: Қабул қилинмайдиган чироқ кўринишининг олдини олинг. Ростланиши билан маҳаллий талаб ва тартибларга амал қилинг.


Чироқ вариантлари турли чироқ комбинация ва жойлашувлари билан таъминлайди. Қайси чироқлар узоқни ёритиш ва яқинни ёритишни аниқлаш учун оператор қўлланмасининг Чироқлар бўлимида Чироқлар идентификациясига қаранг.

Исталган ёритиш қамрови учун узоқни ва яқинни ёритиш чироқларини ростлаш мумкин. Айрим вариантлар пакетларида LED узоқни ва яқинни ёритиш фаралари биргаликда ўрнатилади ва уларни алоҳида ростлаб бўлмайди. Бошқаларда узоқ ва яқинни ёритиш чироқлари алоҳида ўрнатилади ва алоҳида ростланиши керак.

Барча галоген узоқни ва яқинни ёритиш чироқларини алоҳида ростлаш мумкин.

Прожекторларни йўналтиришдан олдин тракторни ўхшаш ташиш шароитларига ростланг. Шина босимларини тўғри қийматларга ростланг. Олд ўқ амортизатор тизимини нейтраллаштиринг (жиҳозланган бўлса).


ҚАЙД: Диаграммалар масштабда чизилмаган.



RXA0172851—UN—19DEC19

1. Тракторни текис ва тўғри юзада яқинни ёритиш линзалари (A) билан вертикал девордан 7,5 метр (25 фут) (B) масофада қўйинг. Трактор деворга нисбатан перпендикуляр ҳолатда туриши керак.
2. Деворда (C) тракторнинг вертикал марказий чизиғига мувофиқ вертикал чизик (D) чизинг.

ҚАЙД: Агар трактор алоҳида яқинни ёритиш фараларисиз LED прожекторлар билан жиҳозланган бўлса, узоқ ва яқинни ёритиш фаралари яқинни ёритиш фараларини ростлаш винтлари билан ростланади. Яқинни ёритишни йўналтириш ва ростлаш жараёнларидан фойдаланинг.




RXA0172852—UN—02JAN20

3. Тракторда ердан ростланадиган (F) чироқнинг горизонтал марказигача вертикал масофани (E) ўлчанг.
4. Тегишли баландликни ростлаш омилига чироқ вертикал баландлигини кўпайтиринг. Баландликни ростлаш омили:

- Узоқни ёритувчи фара = 0,95
- Яқинни ёритувчи фара = 0,75


Мисол: Полдан (F) узоқни ёритиш фараси марказий чизиғи баландлиги 1,52 м (60 дюйм). Девор узоқни олиш фараси горизонтал марказий чизиғи (G) учун 0,95 кўпайтирилган 1,45 м (57 дюйм) га тенг.

5. 4-босқичда (J) ҳисобланган баландликда деворда горизонтал чизиқни (I) белгиланг.



RXA0172853—UN—02JAN20

6. Капотнинг вертикал марказидан (D) исталган ўнг чироқ линзаларининг вертикал марказига (L) масофани (I) ўлчанг.
7. Деворга чап (K) ва ўнг (J) вертикал марказ чизиқларини қўйинг. Тракторнинг марказий чизиғининг (C) икки томонидаги чизиқларни 3-босқичда ўлчанган масофада (I) жойланг.
8. Чап чироқни қопланг.
9. Исталган чироқларни ёқинг.



RXA0172854—UN—19DEC19

Ўнг прожекторни ростлаш

- 1—Узоқни олувчи фара
- 2—Яқинни олувчи фара

10. Чироқ шуласининг (иссиқ нуқта) (K) энг ёрқин

нуқтаси тўғри жойда ёниши учун ростланг. Чироқ марказий чизиқларидаги (L) иссиқ нуқталарни марказлаштиринг. Узоқни ёритиш фаралари узоқни ёритиш чироғи горизонтал марказий чизиғида (M) жойлашган.


Иссиқ нуқтанинг (K) юқори қисми яқинни ёритиш фарасининг горизонтал марказий чизиғида (N) бўладиган қилиб ростланг.

Оператор қўлланмасида тегишли ростлаш ҳақида маълумотларга қаранг.

11. Қопқоқни чап томондан ўнг томонга ўтказинг.
12. Ростлаш тартибини чап томон чироғи билан тақдорланг.
13. Бошқа чироқларни ростлаш учун 3-босқичга қайтинг.


RX32825,00000B4-UZ-05AUG21

Тормоз ва бурилиш сигнали лампаларини алмаштириш



RXA0137101—UN—19NOV13

1. Винтларни (A) ечинг ва чироқ мосламасини чиқариб олинг.



RXA0137102—UN—19NOV13

2. Чироқ лампасини (B) ечиш учун соатга стрелкасига тескари йўналишда 1/4 айлана буранг ва ташқарига тортинг.

3. Янги лампани ўрнатинг ва жойига қотириш учун соат йўналишида 1/4 марта буранг.
4. Мослама ва винтларни қайтадан ўрнатинг.

SV81855,00001FF-UZ-11JUL17

Кабина шифти чироғини алмаштириш



RXA0172759—UN—03DEC19

Кабина шифти чироғи — LED чироғи варианты кўрсатилган

1. Чироқ мосламасини уяда (A) текис учли отвертка ёрдамида чироқни секинлик билан бураб чиқаринг.
2. Кабина шифти чироғи LED мосламаси ёки галоген лампа билан жиҳозланган. Агар чироқ мосламаси ўз ичига қуйидагиларни олса, кабина шифти чироғини алмаштириш учун:
 - LED мосламаси:
 - a. Симли коннекторни узинг.
 - b. LED мосламасини алмаштиринг.
 - c. Жгут коннекторини қайта уланг.
 - d. Кабина шифти чироғи мосламасини жойига тушгунича кабина шифтига қўйинг.
 - Галоген лампа:
 - a. Галоген чироғи мосламасини чироқ мосламасидан ечиб олинг.
 - b. Галоген лампаси асосидан ечиб олиб, алмаштиринг.
 - c. Галоген чироғи мосламасини чироқ мосламасига қўйинг.
 - d. Кабина шифти чироғи мосламасини жойига тушгунича кабина шифтига қўйинг.

EC82310,0000B84-UZ-14MAY20

Буралувчи кабина чироғини алмаштириш



RXA0172758—UN—03DEC19

1. Текис учли отвертка ёрдамида чироқни уядан (A) бураб чиқаринг.
2. Жгут коннекторларини узинг.
3. Чироқ мосламасини алмаштинг.
4. Жгут коннекторларини қайта уланг.
5. Чироқ мосламасини жойига тушгунича кабинага қўйинг.

EC82310,0000B83-UZ-14MAY20


Габарит чироғини алмаштириш — Кабина



RXA0172768—UN—03DEC19

Габарит чироғи — мисол

1. Винтларни (A) ечинг. Айрим габарит чироғи дастакларига кўрсатилганидан кўпроқ винтга эга.



RXA0172769—UN—03DEC19

2. Винтларни (B) ечинг.
3. Чироқ лампаси тўпламини (C) узинг.
4. Янги чироқ мосламасини алмаштинг.


EC82310,0000B89-UZ-20FEB20

Кабинанинг плафон лампасини алмаштириш



RXA0172763—UN—03DEC19

1. Винтларни (A) ечинг.




RXA0172764—UN—05DEC19

2. Симлар жгутини (B) узинг.
3. Чироқ мосламасини ушлаб турувчи винтларни (C) ечиб олинг.
4. Янги чироқ мосламасини алмаштинг.

EC82310,0000B8A-UZ-12DEC19

Тиркама лампасини алмаштириш

ҚАЙД: F31 рақамли сақлагич тиркама чироқлари учун ишлатилади.




RXA0177583—UN—24APR20

1. Лампа қопқоғи винтларини (A) ечиб олинг.



RXA0127823—UN—23AUG12

2. Бир қўлда чироқ розеткасини (C) ушлаб туриб, лампа қопқоғини (B) чироқ розеткасидан ечиб олиш учун:
 - a. Чироқ қопқоғи очилгунича чироқ қопқоғини соат милага тескари буринг.
 - b. Лампа қопқоғини чироқ розеткасидан тортиб олинг.



RXA0127824—UN—23AUG12

3. Чироқ лампасини (D) алмаштиринг.
4. Тескари тартибда қайта йиғинг.

ZZASX1U,000003D-UZ-27APR20

Муаммоларни ҳал қилиш — Жараёнлар

Муаммоларни ҳал қилиш функциялари

Оператор қўлланмасида келтирилган функциялар барча трактор созламалари ва ҳудудларга қўлланмаслиги мумкин. Ҳал этилмаган маҳсулот

масалалари учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KD34109,0000944-UZ-19JUL21

Электр тизими

Паст аккумулятор кучланиши (ўт олдириш калити ёниқ ва мотор ўчирилган)

Муаммо	Ечими
Аккумулятор носоз.	Аккумулятор кучланиши 12,0—14,5 эканини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мотор ишлаётганда паст қувватлаш кучланиши.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Қувватлаш занжирида қаршилик юқори.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Паст қувватлаш кучланиши (мотор ишляпти)

Муаммо	Ечими
Мотор тезлиги паст.	Мотор тезлигини оширинг.
Қўшимча узатма камари сирғанади ва генераторга тўлиқ қувват узатмайди.	Қўшимча узатма камари таранглигини текширинг.
Аккумулятор носоз.	Аккумулятор кучланиши 12,0—14,5 эканини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Генератор носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ортиқча электр юкламаси.	Электр юкламасини камайтиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Уланган жойлар бўшаган ёки оксидланиб қолган.	Уланишларни тозаланг ва қотиринг.
Аккумуляторлар сульфатланган ёки эскирган.	Аккумулятор кучланиши 12,0—14,5 эканини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Бўшаган ёки носоз генератор камари.	Қўшимча камар таранглигини текширинг. Камарни алмаштиринг.

Юқори қувватлаш кучланиши (мотор ишляпти)

Муаммо	Ечими
Генераторга нотўғри уланган.	Симлар уланишини текширинг.
Регулятор носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Стартер ишламаяпти

Муаммо	Ечими
Стартер ёки стартер соленоиди носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Уланган жойлар бўшаган ёки оксидланиб қолган.	Бўшаган уланишларни тозаланг ва қотиринг.
Аккумулятор кам ток бермоқда.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ишламайдиган сақлагич.	Сақлагичларни текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги Олд юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг. Генератор/аккумулятор релеси сақлагичини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги Асосий сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.
Ишдан чиққан реле.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ҳаддан ортиқ ишга тушиш ҳаракатлари.	Стартерни химоя қилиш учун агар бир қанча ишга тушиш/ишга тушмаслик ҳаракати содир бўлса, моторнинг бошқарув блоки ишга тушишга қаршилик қилиши мумкин. 2 дақиқа кутинг ва қайта ишга туширишга ҳаракат қилинг.

Стартер секин бурилади

Муаммо	Ечими
Аккумулятор кам ток бермоқда.	Аккумулятор кучланиши 12,0—14,5 эканини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мотор картери мойи ҳаддан ташқари оғир.	Тўғри қайишқоқликдаги мойдан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг мотор мойи бўлимига қаранг.
Уланган жойлар бўшаган ёки оксидланиб қолган.	Бўшаган уланишларни тозаланг ва қотиринг.
Ҳаддан ортиқ юклама.	SCV нейтрал ҳолатдалигини текширинг ва орқа юкламани сезиш портидаги агрегат шлангини узинг (агар ишлатилса).

Бутун электр тизими ишламаяпти

Муаммо	Ечими
Аккумулятор уланиши носоз.	Уланишларни тозаланг ва қотиринг.
Аккумуляторни узиш дастаги ўчик ҳолатга ўтади.	Аккумуляторни узиш дастагини ёниқ ҳолатига буранг.
Аккумуляторлар сульфатланган ёки эскирган.	Аккумулятор кучланиши 12,0—14,5 эканини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ишламайдиган сақлагич.	Асосий сақлагични текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги Асосий сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.

KD34109,000093A-UZ-22JUL21

Мотор**Моторни ишга тушириш қийин ёки ишга тушмайди**

Муаммо	Ечими
Ишга тушириш тартиби нотўғри.	Ўт олдириш жараёнини кўриб чиқинг.
Ишдан чиққан реле.	Релсни текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги — Юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.
Ишламайдиган сақлагич.	Сақлагичларни текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги Олд юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.
Ёқилғи келмаяпти.	Ёқилғи бакини текширинг.
Ёқилғи қувуридаги ҳаво бор.	Ёқилғи қувуридан ҳавони чиқаринг. Мотор ўчирилган ҳолатда калитни ишлаш ҳолатига 60 сония давомида бурунг.
Ҳаво совуқ.	Эфир идиши ва бошқа совуқ ҳавода ёқишга ёрдам берадиган воситаларни текширинг. Оператор қўлланмасининг Совуқ об-ҳавода ишлатиш бўлимига қаранг.
Стартер тезлиги паст.	Оператор қўлланмаси бўлимида Электр тизимида стартернинг секин ишга тушиши бўлимига қаранг.
Мотор картери мойи ҳаддан ташқари оғир.	Тўғри қайишқоқликдаги мойдан фойдаланинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг мотор мойи бўлимига қаранг.
Ёқилғи тўғри нотўғри танланган.	Ишлаш шароитларига мос келадиган ёқилғи турини қуйинг. Заруратни аниқлаш учун ёқилғи таъминотчиси билан маслаҳатлашинг.
Ёқилғи тизимида сув, лой ёки ҳаво.	Тизимдан суюқликни чиқариб юборинг, тозаланг ва ёқилғи билан тўлдириг. Оператор қўлланмасининг Сервис — Умумий маълумот бўлимидаги Капотни очиш бўлимига қаранг.
Ёқилғи фильтри ифлосланган.	Фильтр элементларини алмаштиринг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Инжекторлар ифлосланган ёки носозлик бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ҳаддан ортиқ юклама.	SCV нейтрал ҳолатдалигини текширинг ва орқа юкламани сезиш портидаги агрегат шлангини узинг (агар ишлатилса).

Мотор тақиллайди

Муаммо	Ечими
Мой етарли эмас.	Мой қуйинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг мотор мойи бўлимига қаранг.
Қизиб олиш давомида моторнинг ишлаш ҳароратига боғлиқ равишда пилотли ишга тушиш тизими фаоллаштирилади ва фаолсизлантирилади.	Моторнинг ишлаш ҳароратига боғлиқ равишда пилотли ишга тушиш тизими фаоллаштирилиши ва фаолсизлантирилиши одатий ҳолат ҳисобланади.
Моторнинг совитувчи суюқлиги ҳарорати паст.	Термостатларни алмаштинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Мотор меъёрдан ортиқ қизимоқда.	Мотордаги носозликларни аниқлаш бўлимида Моторнинг меъёрдан ортиқ қизиши бўлимига қаранг.

Мотор бир текис ишламапти ёки ўчиб қоляпти

Муаммо	Ечими
Совитиш суюқлигининг ҳарорати паст.	Термостатларни алмаштинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Ёқилғи филтрлари тикилган.	Филтр элементларини алмаштинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Ёқилғи тизимида сув, лой ёки ҳаво.	Тизимдан суюқликни чиқариб юборинг, тозаланг ва ёқилғи билан тўлдиринг. Оператор қўлланмасининг Сервис — Умумий маълумот бўлимидаги Капотни очиш бўлимига қаранг.
Ёқилғи тизимида сув бор.	Ёқилғи бакининг тиндиргичи учун ушбу қўлланманинг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
Ёқилғи бакининг туйнуги ифлосланган.	Туйнукни тозаланг. Туйнуқлар тўсилиб қолмаслигини текшинг. Туйнук филтрини алмаштинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Инжекторлар ифлосланган ёки носозлик бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Мотор ҳарорати меъёрдагидан паст

Муаммо	Ечими
Термостатда носозлик.	Термостатни алмаштинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Ҳарорат кўрсаткичи ёки передатчигида носозлик бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Паррак механизми тезлиги моторнинг паст айланиш дақиқасида кўтарилиб кетади

Муаммо	Ечими
Паррак механизмида муаммо бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Дроссель тўлиқ мотор айланиш дақиқасида айланишга имкон бермайди

Муаммо	Ечими
Максимал ўрнатилган тезлик ёниқ ва моторнинг максимал айланиш тезлигини чекламоқда.	Максимал ўрнатилган тезликни максимал айланиш тезлигига ростланг.
Совуқ мой мотор тезлигини 1500 айл/дақиқага чеклаши мумкин.	Трансмиссия-гидравлик мойни қиздиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Моторнинг қувват пасайиши фаол.	Диагностик носозлик кодлари учун CommandCenter™ тизимини текшинг. Оператор қўлланмасидаги Муаммоларни ҳал қилиш — Носозлик диагностик кодлари бўлимига қаранг.

Қувват етмаяпти

Муаммо	Ечими
Мотор ортиқча юкланган.	Юклamani камайтиринг ёки пастроқ узатмага қўйинг.
Паст ёки юқори холостой тезлик.	Максимал мотор тезлиги созулмасини ростланг ёки ўчиринг. IVT™/AutoPowr™ ёки EVT/eAutoPowr™ тизимини тўғри ўрнатинг.

Муаммо	Ечими
	Оператор қўлланмасининг Амалдаги трансмиссия бўлимини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ҳаво олиш тўсилиб қолган.	Ҳаво тозалагичга хизмат кўрсатинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
Ёқилғи филтрлари тикилган.	Ёқилғи филтри элементларини алмаштиринг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Ёқилғи тизимида сув бор.	Ёқилғи бакининг тиндиргичи учун ушбу қўлланманинг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
Ёқилғи тўғри нотўғри танланган.	Тўғри ёқилғидан фойдаланинг. Оператор қўлланмасининг Ёқилғи бўлимида тегишли ёқилғи ҳақида маълумотларга қаранг.
Мотор меъёрдан ортиқ қизимоқда.	Мотордаги носозликларни аниқлаш бўлимида Моторнинг меъёрдан ортиқ қизиши бўлимига қаранг.
Мотор ҳарорати меъёрдагидан паст.	Термостатни текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Клапан тирқишида хатолик.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Инжекторлар ифлосланган ёки носозлик бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Турбокомпрессор ишламайди.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Чиқинди газ коллектори прокладкасида сизиш бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Агрегат тўғри созланмаган.	Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг.
Ёқилғи олиш қувири бекилиб қолган.	Ёқилғи линиясини тозаланг ёки алмаштиринг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Нотўғри балластланган.	Балластни юкка ростланг. Ушбу оператор қўлланмасидан Балласт қуйиш бўлимига қаранг.

Мой босими паст

Муаммо	Ечими
Мой миқдори кам.	Мой қуйинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг мотор мойи бўлимига қаранг.
Мой тури тўғри танланмаган.	Мотор картерини бўшатинг, мос келадиган ёпишқоқликдаги ва сифатдаги мой билан қайта тўлдириг. Ушбу Оператор қўлланмасининг мотор мойи бўлимига қаранг.

Мой кўп емоқда

Муаммо	Ечими
Мотор картери мойи жуда тиниқ.	Тўғри қайишқоқликдаги мойдан фойдаланинг. Оператор қўлланмасининг Мотор мойи бўлимида тегишли мотор мойи ҳақида маълумотларга қаранг.
Мой тўкилиши.	Қувурлар, салниклар ва оқава тикинлари атрофидаги сизишларни текширинг.
Турбокомпрессорда носозлик.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Чекланган мотор сапуни найчаси.	Мотор сапуни найчасини тозаланг.

Мотор тутун чиқармоқда

Муаммо	Ечими
Ёқилғи тўғри нотўғри танланган.	Тўғри ёқилғидан фойдаланинг. Оператор қўлланмасининг Ёқилғи бўлимида тегишли ёқилғи ҳақида маълумотларга қаранг.
Ҳаво тозалагич ифлосланган.	Ҳаво тозалагичга хизмат кўрсатинг.
Мотор ортиқча юкланган.	Юклamani камайтиринг ёки пастроқ узатмага қўйинг.
Пурковчи найча ифлосланган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Турбокомпрессор ишламайди.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Мотор меъёрдан ортиқ қизимоқда

Муаммо	Ечими
Радиатор ўзаги, мой совиткичи ёки панжаралар ифлосланган.	Барча чиқиндиларни ечиб олиш ва совиткичларни тозалаш. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
Мотор ортиқча юкланган.	Юклamani камайтириш ёки пастроқ узатмага қўйинг.
Моторнинг мой миқдори кам.	Мой миқдорини текшириш ва заруратга кўра мой қўйинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг мотор мойи бўлимига қаранг.
Совитиш моддаси кам.	Ҳавосизлантириш бакини тўғри миқдорга тўлдириш. Радиатор ва шлангларда сизиб чиқмаётгани ёки уланган жойлар бўшаб қолмаганини текшириш.
Радиатор қопқоғи носоз.	Радиатор қопқоғини алмаштириш.
Паррак механизми носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Совитиш тизими тўсилган.	Совитиш тизимини бўшатинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Тозалаш бўлимига қаранг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Термостатда носозлик.	Термостатни алмаштириш. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Ҳарорат кўрсаткичи ёки передатчигида носозлик бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Ёқилғи кўп ёмоқда

Муаммо	Ечими
Ҳаво тозалагич ифлосланган.	Ҳаво тозалагичга хизмат кўрсатинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
Мотор ортиқча юкланган.	Юклamani камайтириш ёки пастроқ узатмага қўйинг.
Пурковчи найча ифлосланган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Агрегат тўғри созланмаган.	Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг.
Балласт меъёрдан ортиқ.	Балластни юкка ростланг. Ушбу оператор қўлланмасидан Балласт қўйиш бўлимига қаранг.

KD34109,000093B-UZ-18AUG21

Шатак**Ташиш тирқиши етарлича эмас**

Муаммо	Ечими
Марказий штанга жуда қисқа.	Марказий штангани ростланг.
Марказий штанга нотўғри ўрнатилган.	Шатакнинг марказий штангасини тўғри тешикка қўйинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимига қаранг.
Кўтариш штангалари жуда калта.	Кўтариш штангаларини ростланг.
Агрегат текис эмас.	Агрегатни текисланг.
Агрегат тўғри созланмаган.	Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг.
Энг юқори чегараси нотўғри ўрнатилган.	CommandCenter™ тизимида юқори чегарани ростланг.
Амортизаторни (жиҳозланган бўлса) текислаш тўғри ишламайди ёки юқори даражадан ошади.	Оператор қўлланмасида амортизатор ҳақида маълумотларга қаранг.

Шатак дастакка тушмаяпти

Муаммо	Ечими
Дастак ҳолати датчиги ёки шатак жойлашиши датчигида носозлик.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Ҳолатни бошқариш яхши эмас

Муаммо	Ечими
Шатак юкламаси чуқурлиги тўғри созланмаган.	CommandCenter™ тизимида юклаш чуқурлигини ростланг.
Дастак ҳолати датчиги ёки шатак жойлашиши датчигида носозлик.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Юқори тортиш ўзгаришларида амортизаторни (жиҳозланган бўлса) текислаш тўғри ишламайди.	Оператор қўлланмасида амортизатор ҳақида маълумотларга қаранг.

Шатак секин пасаймоқда

Муаммо	Ечими
Тиркама пасайиш тезлиги тўғри ўрнатилмаган.	CommandCenter™ тизимида пасайиш тезлигини ростланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимига қаранг.

Тиркама кўтарилмаяпти ёки секин кўтариляпти

Муаммо	Ечими
Шатак меъёрдан ортиқ юкланган.	Юклamani камайтиринг.
Марказий штанга нотўғри ўрнатилган.	Шатакнинг марказий штангасини тўғри тешикка қўйинг.
Шатак клапанидан сизиб чиқаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Шатакнинг юқори чегараси созламаси кўтариш баландлигини чеклайди.	CommandCenter™ тизимида юқори чегарани ростланг.
Мой етишмайди.	Шатак механизмларини мойланг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Сервис — Мойлаш бўлимига қаранг.
Қўл шатакнинг чиқариш қувири очиқ.	Ушбу Оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимида Шатакни қўлда туширишга қаранг. Винт очиқ ҳолатда эмаслигини текширинг.
Гидравлик мой совуқ.	Мой ишлаш ҳароратигача қизишига имкон беринг.

Агрегат керакли чуқурликда ишlamаяпти

Муаммо	Ечими
Кўтариш штангалари жуда калта.	Кўтариш штангаларини ростланг.
Тупроқ кириши чуқурлигига эришилмаяпти.	Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг.
Тортиш датчиги ишlamайди.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Агрегат текис эмас.	Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг.

Штанга юкламаси етарли эмас ёки тиркама қаршилиги йўқ

Муаммо	Ечими
Шатак юкламаси чуқурлиги тўғри созланмаган.	CommandCenter™ тизимида юклаш чуқурлигини ростланг.
Тиркаманинг тушиш тезлиги жуда секин.	CommandCenter™ тизимида пасайиш тезлигини ростланг.

Тиркама ўта сезувчан

Муаммо	Ечими
Шатак юкламаси чуқурлиги тўғри созланмаган.	CommandCenter™ тизимида юклаш чуқурлигини ростланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимига қаранг.

Трактор тўхтаб тургандан ва мотор ўчирилгандан сўнг тиркама жуда тез ўрнашади

Муаммо	Ечими
Ички сизиб чиқиши.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Қўл шатакнинг чиқариш қувири очиқ.	Ушбу Оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимида Шатакни қўлда туширишга қаранг. Винт очиқ ҳолатда эмаслигини текширинг.

Тиркама ҳаракатланмайди (бошқарув тугмачалари ишламаяпти, шу жумладан, орқа кўтариш/тушириш тугмаси)

Муаммо	Ечими
Ишламайдиган сақлагич.	Сақлагични алмаштиринг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги — Юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.
Шатак соз сақлагич билан ҳаракатланмайди.	Диагностик носозлик кодлари учун CommandCenter™ тизимини текширинг. Оператор қўлланмасидаги Муаммоларни ҳал қилиш — Носозлик диагностик кодлари бўлимига қаранг.

Ташқи кўтариш/тушириш тугмаси шатакни ҳаракатлантирмайди

Муаммо	Ечими
Кўтариш/тушириш тугмачаси, улагич ёки симли жгутларда ишламай қолмоқда.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Дастак ташиш фиксаторида.	Дастакни ташиш ҳолатидан чиқаринг. CommandCenter™ тизимини очинг.

Кўтариш шатаги тўғри ишламайди

Муаммо	Ечими
Кўтариш шатаги қулфланмайди.	Кўтариш шатагини ростланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимига қаранг.

Агрегатнинг ҳаддан ортиқ ҳаракатланиши

Муаммо	Ечими
Шатак жуда кўп тебранади.	Шатак ҳаракатланишини камайтириш учун ён тараф блокларини ростланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Орқа шатак бўлимига қаранг.

KD34109,000093C-UZ-28JUL21

Гидравлик тизим**Бутун гидравлик тизими ишламаяпти**

Муаммо	Ечими
Мой яхши таъминланмаяпти.	Трансмиссия-гидравлик мой миқдорини текширинг.
Гидравлик фильтри тикилган.	Трансмиссия-гидравлик мойи фильтрларини алмаштиринг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Гидравлика мой сўриш панжараси тикилган.	Панжарани тозаланг. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Тозалаш бўлимига қаранг.
Мой советкичининг ҳаво йўлаклари тикилиб қолган.	Мой советкичини тозаланг.
Юқори босимда ички сизиш бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Гидравлик мой меъёрдан ортиқ қизимоқда

Муаммо	Ечими
Мой таъминоти паст ёки юқори.	Трансмиссия-гидравлик мой миқдорини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Мой советкич ҳаво йўллари тикилган.	Олд советиш модулида мой тозалагич ва конденсаторни тозаланг.
Ички сизиб чиқишлар.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Агрегатнинг гидравлик юкламаси тракторга уланмаган ёки тракторнинг гидравлик тизими қайта уланмаган.	Оператор қўлланмасининг Гидравлик улашлар бўлимига қаранг.

Муаммо	Ечими
	Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Трансмиссия мойи панжараси тиқилиб қолган.	Фильтр панжарасини тозаланг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

KD34109,000093D-UZ-22JUL21

Оператор тўсиғи

Ҳаддан ортиқ чанг оператор тўсиғига киради

Муаммо	Ечими
Кабина фильтри элементи, эшик зичлагичи ёки ойна зичлагичидаги зичлагич носоз.	Зичлагичлар ҳолатини текширинг. Фильтрнинг тўғри ўрнатилишини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Кабина фильтри носоз.	Кабинанинг рециркуляция фильтри ва кабина тоза ҳаво фильтрини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Пуфлагичда ҳаво оқими етарли эмас.	Кейинроқ оператор тўсиғи муаммоларини ҳал қилиш бўлимининг Пуфлагич ҳаво оқими жуда паст қисмига қаранг.

Пуфлагич ҳаво оқими жуда паст

Муаммо	Ечими
Тиқилган фильтр ёки ҳаво кириш туйнуғи экрани.	Кабина рециркуляцияси ва кабина тоза ҳаво фильтрлари ва панжаранинг тиқилишини кўздан кечириг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Алмаштириш бўлимига қаранг.
Иситкич маркази ёки буғлагич корпуси тиқилган.	Иситкич маркази ёки буғлагич корпусини тозаланг.
Иситкич маркази музлаган.	Иситкич марказини муздан эритинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Пуфлагич носоз

Муаммо	Ечими
Пуфлагич ишламаяпти.	Диагностик носозлик кодлари учун CommandCenter™ тизимини текширинг. Оператор қўлланмасидаги Муаммоларни ҳал қилиш — Носозлик диагностик кодлари бўлимига қаранг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ишламайдиган сақлагич.	Кондиционернинг сақлагичларини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги — Юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.
Ишдан чиққан реле.	Ҳаво ҳарорати релесини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги — Юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.

Иситкич тугмаси ўчмайди

Муаммо	Ечими
Иситкич шланглар нотўғри уланган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Сув клапани генератори ишламайди.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Кондиционер совитмаяпти

Муаммо	Ечими
Совитиш моддаси кам.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Қолдиқлар конденсаторни тўсиб қўяди.	Конденсаторни тозаланг.
Камар сирғанмоқда.	Камарлар таранглигини текширинг. Ушбу оператор қўлланмасининг Сервис — Текшириш бўлимига қаранг.
CommandCenter™ кондиционери HVAC саҳифасида ЎЧИК ҳолатига қўйилган.	CommandCenter™ тизимида кондиционерни ЁНИҚ ҳолатига қўйинг. Ушбу оператор қўлланмасининг HVAC бўлимидаги HVAC созуламалари қисмига қаранг.

Ўриндиқ амортизацияси ишламаяпти

Муаммо	Ечими
Ишламайдиган сақлагич.	Ўриндиқ сақлагичларини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги — Юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.

Радио ишламаяпти

Муаммо	Ечими
Ишламайдиган сақлагич.	Радио сақлагичларини текширинг. Ушбу Оператор қўлланмасининг Хизмат кўрсатиш — Электр жиҳозлар бўлимидаги — Юклаш маркази сақлагичларидан фойдаланиш қисмига қаранг.
Радио ёнади ва ўчади.	Антенна ва ерга улашни текширинг.

KD34109,000093F-UZ-22JUL21

Тақсимлаш клапани (SCV)**Масофавий цилиндр юкни кўтармаяпти**

Муаммо	Ечими
Оқим тикилиши (ейилган гидравлик учлар).	SCV дастакларини ўчириб ёқинг. Гидравлик учларни алмаштиринг ва уланмаларни текширинг.
Ортиқча юкланган.	Юклamani камайтиринг.
SCV дастаги ёки жойстик кутилган SCVга бириктирилмаган.	SCV шлангини исталган SCVга алмаштиринг. Исталган SCVни бошқариш учун SCV дастаги ёки жойстикни қайта тайинланг. Мазкур Оператор қўлланмасининг Тақсимлаш клапанлари бўлимига қаранг.
Шланглар тўғри ўрнатилмаган.	Шлангларни SCVга тўғри ва маҳкам ўрнатинг.
Цилиндр ўлчами нотўғри олинган.	Тўғри ўлчамдаги цилиндрлардан фойдаланинг. Оператор қўлланмасининг Гидравлик улашлар бўлимига қаранг.
SCV бошқариш дастагини қулфлаш фаоллаштирилган.	SCV бошқариш дастаги фиксаторини бўшатинг.
Шланг учлари хато ёки шикастланган.	Шланг учларини алмаштиринг.

Масофадаги цилиндрнинг юриш тезлиги жуда тез ёки секин

Муаммо	Ечими
Оқим тезлиги нотўғри.	Оқим созуламаларини ростланг.

Масофадаги цилиндрнинг юриш йўналиши тескари

Муаммо	Ечими
Шланг уламалари нотўғри.	Шлангларни тескарисига уланг.

Шланглар бирлашмаяпти

Муаммо	Ечими
Шланг штекерли улагичлари нотўғри.	Шланг учларини ISO-5675 фитинглари билан алмаштиринг.
Тизим босими жуда юқори.	Агрегат ёки трактордан босимни бўшатинг.

Фиксатор ушланмайди ёки жуда тез бўшайди

Муаммо	Ечими
Фиксатор вақти хато созланган.	Фиксатор вақтини тўғри ўрнатинг.
SCV бошқариш дастаги нейтрал ҳолатда етарлича тез қўйиб юборилмаяпти.	Фиксатор ҳолатида 0,8 сониядан кўпроқ бўлганидан кейин SCV дастагини марказга қайтаринг.

SCV дастаги бўшамаяпти

Муаммо	Ечими
SCV кутилмаганда чайқалиш режимида.	Олд ҳолатда бўлганида дастакни пастга босманг.
Дастак механизми ишламай қолди.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Оқим назорати ёки фиксаторни бўшатиш созуламаси хато.	Фиксаторни бўшатиш созуламасини ростланг.

Агрегат ишламаяпти ёки тўғри ишламаяпти

Муаммо	Ечими
Шланг уламалари нотўғри.	Агрегатнинг оператор қўлланмасига қаранг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Юқори SCV ёки гидравлик насосдан тескари алоқа

Муаммо	Ечими
